

ADABIYAT FOLIOVI

1997

1

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙИЙ ЖУРНАЛ

66-ЙИЛ ЧИҚИШИ

БОШИ МУХАРРИР

Ўткир ҲОШИМОВ

МАХРУП ХАЙЗАЛИ

Омон МУХТОР, Баҳодир МУРОД АЛИ, Мурод МАНСУР,
Икром ОТАМУРОД, Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,
Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

Азиз журналхонлар!

Ассалому алайкум.

Қутлуг 1997 йилда ҳам сиз билан мулоқот насиб этаётгани учун Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Утган йил давомида сизларни хушнуд қиладиган бадий асарлар, долзарб муаммоларни кутарган мақолалар, қадрият ва меросимиз бўлмиш дурдоналарни йиғиб, сизни таништиришга уриндик. Шуниси қувонарлики, сиз муҳтарам журналхонлар, таҳририятимиз ходимларининг камтарона меҳнатини юқори баҳолаб, яна биз билан ҳамнафас бўлишни ихтиёр этдингиз. Бундан бошимиз кукка етди!

Бу йил ҳам таҳририятимиз режалари улкан.

Кўпчиликнинг қалби тўридан жой олган «Саодат асри қиссалари» туркумидан Аҳмад Лутфий асарини йил бўйи бериб бориш ниятидамиз. Шунингдек, таниқли ёзувчиларимизнинг бир неча романлари, ҳикоялари, шоирларимизнинг янги дoston ва шеърларини эълон қилишни муҳаллақамиз. 1997 йилда қадим шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги нишонланади. Биз бу санага журналнинг мана шу илк сонидан тўғфалар тайёрлаганмиз.

Маълумингизким, журналнинг утган йил 6-сонида уқувчиларимизга муҳтарам инсонлар — Алихонтура Соғуний, Абдулла Қаҳҳор, Тухтасин Жалолов ва Улмас Умарбековларнинг (сиз олдин уқимаган) асарларини тақдим этдик. Мазкур сонимиз кўпчиликда қизиқиш уйғотганидан мамнунмиз.

Бу йил ҳам журналнинг шакли ва мазмунида ранг-барангликка эътибор беришни, журнал қизиқарли бўлишига эришишни кўнглимизга тугтанмиз.

Умид қиламизки, сиз билан мулоқотимиз доим хайрли булажак!

«Шарқ юлдузи» журнаliga истаган ойдан обуна қабул қилинаверади. Журналнинг обуна баҳоси нисбатан арзон.

Бу йил қадим икки шаҳар — Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Бу шаҳарлар — тирик тарих, Ўзбекистон манглайидаги гавҳарлар! Уларга бағишлаб адибларимиз ўз сузларини айтдилар, албатта. Шу ҳақдаги ҳикояни таниқли адиб Эркин Самандар бошлаб бераётгилар.

Эркин Самандар

ХОРАЗМУ БУХОРО

Эссе

*Дуст азал-азалдан Хоразму Бухоро,
Куз ила қош газалда Хоразму Бухоро...*

Шу мисралардан бошланган, ўз даврида тез оғизга тушиб, қушиқ бўлиб кетган манзумани Тошпулат Ҳамид (Оллоҳ ундан рози бўлсин) билан йулда, машинада кетатуриб ёзганмиз. Урганчдан то Қўҳна Урганча боргунча, икки ярим-уч соат давомида оқ дафтар қулдан-қўлга ута-ута қийшиқ, узук-юлуқ мисраларга тулиб қолганини манзилга етганимиздан сунг билдик. Узоқ йулда шеър ёзиб кетиш ташаббуси Тошпулат акадан чиққан. У киши... Яхшиси, бир бошдан.

У пайтда Тошпулат Ҳамид Бухоро обкоми секретари, мен эса «Хоразм ҳақиқати» газетасининг муҳаррири эдим. Тошпулат ака уша даврга хос катта тантанага — Хоразм халқ совет республикасининг 60 йиллигига (1936 йилда унга область мақоми берилган) расмий меҳмон бўлиб келди. Ташрифи белгиланган тартиб-қондадан чиқиб, кунгилсизликдан бошланди.

Ҳап шундаки, узоқ-яқиндан келадиган меҳмонларни кутиш тартиби обком бюросида тасдиқланган, бутун «процедура» минутма-минут белгилаб қўйилган, шунга қўра Бухоро обком секретарини кутиб олиш Хоразм обкомининг учинчи секретари билан менга топирилган эди. Телефонда келишганимиз буйича Тошпулат Ҳамид Бухорондан фалон соатда машинада йулга чиқади, фалон соатда биз уни чегарада кутиб оламиз. Лекин...

Меҳмон келишига ҳали анча бор, мен редакцияда юбилей материалларини қуриш-тушириш билан машғул эдим, телефон жиринглаб бизнинг обком секретари жигибийрони чиқиб, деди:

— Тез обкомга келинг, Тошпулат Ҳамид шу ерда...

Нима булди экан, деб обкомга зудлик билан етиб бордим. Тошпулат Ҳамид ўз угли Жунаид билан обком секретари хонасида экан, мени қуриши ҳамоно урнидан иргиб туриб, кучоғини кераккан:

— Э, бормисиз, дустим, мени шунақа милицияга талатиб қўясиз-да, — деди. Маълум булдики, вақтлроқ борганимиз маъқул, деб Тошпулат ака углини ҳам олиб сахар мардонданок йулга чиқиб келаверган. Жанжал обком биносига етиб келганида рўй берган. Эшик қуриқчиси (милиционер) уларни ичкарига қўймаган. Мен обком секретариман, мана хужжатим, деган унга Тошпулат ака, юбилейга таклиф қилинганини айтган, лекин қуриқчи ўз билганидан қайтмаган, пропусқа ёзлириб келинг, дея обгини тираб туриб олган. Хуллас, униси у деган, буниси бу дегану гап жанжалга айланган, роса сан-манга боришган.

Мен уша милиционерни яхши билардим, битта маҳаллада турардик.

Неча марта обкомга борсам шунча марта ҳужжатимни қурарди, ҳатто бир менга, бир гувоҳномамдаги суратимга қараб-қараб ҳам қўярди. Бу мен, оғайни, дердим унга. Биламан, дерди пинагини бузмай, тартиб-қоида шу, бизга шундай топширилган, мабодо отам тирилиб келса ҳам ҳужжатини қуришим шарт...

Шуларни қапириб берганидан кейин Тошпулат ака бироз тинчиди. Тузуқроғидан қуйсанглар бўлмайдими эшикка, деди обком секретарига. Энг тузуги шу, дедик биз унга.

Меҳмонларни обком дачасига жойлаштирдик. Юбилей тантаналари тартиби билан таништирдик. Фалон соатда обкомда қабул, фалон соатда конференция, фалонда тантанали йиғилиш, сунг жойларда учрашувлар, митинглар ва ҳоказо. Буларнинг биронтасида ҳам мен қатнашолмайман, деди Тошпулат ака, у ерда бўладиган ҳамма гапларга қушиламан, лекин узр. Қатнашолмайман, юбилей баҳона мен узимнинг ижодий режаларим билан келганман, кейин узимизга қўйиб беринглар, Хоразмни бундоқ бир қурайлик... Фақат битта илтимос, иложи бўлса Эркин ҳам (яъни камина) мажлислардан озод этилса, бирга айланардик.

— Бу ахир, расмий юбилей, катта тантана, — деди обком секретари ҳайрон бўлиб. — Узингиз яхши биласиз, табрик сўзлари булиши керак...

— Мана бу Бухоро обкоми ва облизполкомнинг табриги, — деди Тошпулат ака дипломатдан ҳужжатларни оларкан, — мана бу эса обком секретарининг, яъни менинг табрик нутқим, машинанинг орқасида яхшигина совғамиз ҳам бор. Мана, олинг, шуларни сизга топшираман...

— Тушунмадим, — деди обком секретари, — юбилейга деб махсус келишган, ахир, мартабали меҳмонлар. Москвадан, ЦЕКАнинг бўлим мудири ва инспектори шу ерда, Туркменистондан, ЦЕКАнинг секретари, Тошкентдан, ЦЕКАнинг секретари шу ерда...

— Ана шунча казо-казолар келишибди, биз йиғилишда қатнашдик нимаю қатнашмадик нима... — уз сўзида туриб олди Тошпулат Ҳамид.

Ахийри, масала обкомнинг биринчи секретари кабинетида ечилди. Майли, деди у, ихтиёр узингизда, биз сизни мажлисларда қатнашинг, деб мажбур қилолмаймиз, келганингизнинг ўзи катта гап биз учун...

Инжиқ меҳмонга ҳамроҳлик қилиш менга топширилди.

Тошпулат Ҳамид — обком секретарининг узини бундай тутиши эғаллаб турган мартабаси-мавқеига зид бўлишдан ташқари, сиёсий шаққоқликка ухшаб ҳам кетардики, бунинг оқибатлари қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Буни у яхши биларди, албатта. Лекин менинг фикримча «совет ҳокимияти ўрнатилиши» юбилейида қатнашмаслик истаги юқоридаги андишадан устун келди, обком секретари шахсини шоир шахси енгиб чиқди.

Шундай қилиб, ҳамма тантанали мажлисга кириб кетди, биз эса Хивага йўл олдик. Боргунча бир оғиз ҳам гаплашмадик. Фақат машина Дешон қалъага яқинлашаркан, Тошпулат ака кулганча «Билмадим, ким мени обком секретари қилган», деди. Шу сўзда менинча, ҳамма гап айтилган эди.

Дешон қалъадан утиб Ичон қалъага кирганимизда, нилий гумбазлар ва сервиқор минораларни қуриб, Тошпулат ака бирданига очилиб-яйраб кетди. Бу энди бошқа гап, деди боладай қувнаб, бу энди бизнинг узлигимиз...

Хива хони Муҳаммад Аминхон меъморларга буюриб айтдиким, бир минора қуриб, серхашам ва сарбаланд, то ондан Бухоро қуришни турсин! Бу қадар улкан минора тиклаш ва ундан Бухорони қуриб туришдан хоннинг мақсади не эди, шаҳари шариф тавофими еки қўшни амирликдаги сир-асрордан огоҳ бўлиш истаги? Униси ҳам, буниси ҳам булган бўлиши мумкин. Муҳими — Хивадан Бухорони қуриш хоҳиши. Бир-бировдан огоҳлик майли. Воқифлик нияти.

Усталар ғайрат билан ишга киришиб, миноранинг қарийб ярмини тиклашган асно Муҳаммад Аминхон узоқдан келган босқинчиларга қарши жангда ҳалок бўлди. Унинг урнига тахтта қутарилган Абдуллахон эса уздан олдинги тождор иши — минорани қуриб охирига етказишни истамади. Қурилиш тақа-тақ тўхтаб қолди. Шу тариқа минора калта бўлди. Калтами-

нор номини одди. Лекин шу ҳолда ҳам тепасита кутарилган одам Бухорининг узини булмаса-да, қалбни тулкилантирувчи жамолини элас куради, шамолини туяди, нафасини сезади.

Айни баҳор. Гир-гир шабада эсади. У чор-атрофга муаттар ҳидлар сочади. Баҳри дилингни очади. Паҳлавон Маҳмуд гумбази узра каптарлар чарх уради. Жума масжидининг ораста айвонида қумрилар суҳбат куради. Шуъла шу қадар мулки, катта-кичик миноралар, маҳобатли қасру кошоналар у ёқда турсин, битта арава аранг сиғиб утоладиган тош ётқизилган тор кучалар, уларнинг тур-турдаги гушалар ҳам ярқираб кузга ташланади, тўе катта дарёнинг қуёшда жилваланган ирмоқларидай юракларни талпинтиради, ҳаприқтиради, тоза ва жушқин завқ-шавққа, худди баҳорнинг узидек сарин, сархуш туйгуларга эш этади.

*Бу шаҳарми ва ё бир сеҳр,
Тошларми бу, муъжизами ё?!
Обидалар бағрида не сир,
Нақшларда ёнар не зие?!
Пештоқдаги газалми ё ранг,
Нафосатнинг сеҳри эмасми,
Тошда нидо қилувчи мисра
Оғаҳийнинг шеъри эмасми?!
Нақшларда қўзларим уйнар,
Байт чақнайди буюқлар аро.
Ё усталар шоир бўлганлар,
Уста бўлган ёҳул шуаро.
Устунда шеър, деворларда шеър,
Мармарга ҳам газал уйилган.
Осмондунар минорларда шеър
Лаялга қатиб пешлаб қуйилган.
Қуббасида жимирлар шуъла,
Бағрида шеър тугени яшар.
Амударё буйида Хива
Очиқ қолган китобга ўхшар...*

Биз бу китобдан ширин ва аччиқ ҳикоятлар, ривоятлар ўқидик, Ҳаққа етишмоқ орзусида аждоқларимиз курсатган жасоратлар, улар чеккан азиятлар, улар интилган манзиллар-мақсадлар мазмуни, моҳиятини ўқдик.

Искандар Зулқарнайн билан бир даражада туриб мулоқот қурган Хоразм шоҳи Фарозман юритган адолатли сиёсат, ер юзининг қарийб ярмини эгаллаган буюк Хоразмшоҳлар салтанатининг шон-шўҳрати, Жалолиддин Мангуберди доврўғи — ул китобнинг олтин зарҳалли боблари, етти иқлим алломалари илми, ҳикматини узиди жам этган Хоразм Фанлар академияси (Байтул-ҳикма), ал-Хоразмий, ал-Беруний, аз-Замахшарий кашфиётлари ул китобнинг қароматлари, зийнатларидир.

Мозийдан бир нидо келади: «Ҳифзул Ватан мин ал-иймон!» (Ватан муҳофазаси — иймон рамзи). Бу — Кубравия тариқатининг асосчиси ҳазрати Нажмиддин Кубро марҳаматидир. Мозийдан яна сало келади: «Тинглаки, Пурёввали айтади Суз, аслида номард сира одам бўлмас!» Бу — пири комил, ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд лутфи қарамидир. Демакки, Ватан муҳофазаси мардларнинг ишидир. Зеро, бу замин, муқаллас бу юрт — мардлар ва фидойи инсонлар маскани, уларнинг сунмас жасоратлари туйфайли шўҳрати тилларда дoston бўлган ғолиб ва саодатманд маъводир!

Ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд қадамжоси аро марҳамат нури ёғилган бир мақбара олдида бош эғиб туриб қоламиз. Хоразм салтанатига йигирма йил раҳнамолик қилган одил подшо, буюк аллома Абулғози Баҳодирхон хоки покени эиерат этарканмиз, беихтиёр унинг қуйидаги сўзлари ёлға келади: «Бу фақирга Худои таоло иноят қилиб қуб нимарс берган турур. Хусусан, уч ҳунар берган турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсиниким, нечук отланмоқ ва юрмак ва ёвға есоқ ёсамок, қўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ, дуства, душманга нечук

сузлашмак. Иккинчи, маснавият ва қасоид, ва газалиёт ва муқаттаот ва рубоиёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик, арабий ва форсий ва туркий дугатларнинг маъносини билмаклик. Учунчи, Одам аҳлнндин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мугулистонда утган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик.

Тарих ҳижрий минг тақи етмиш турт эрдиким, биз бу китобни ибтидо қилдук ва тақи «Шажараи турк» деб от қўйдик.

...Бу тарихни яхши ва ёмон барчалари билсун, деб, туркий тили бирлан айтдум. Туркийни ҳам андоқ айтубманким, беш яшар углон тушунур. Бир калима чингатой туркийсиндин ва форсийдин ва арабийдин қушмайман равшан булсун, теб».

Туркий халқлар тарихи... Хива унда бир бугун ва Бухоро бир бугун. Замонлар силсиласидан омон утиб келган битта улуг юрт! Бунинг тимсоллари куп. Икки буюк аллома — ал-Беруний билан ибн Сино дўстлиги Хоразму Бухоро жондошлигига яққол мисол. Авлодлар томирида уларнинг қони оқди...

Хива сафари бизга яна куп ҳикматларни эслатди. Эшита-эшита, сузлай-сузлай кун кеч булди. Қоронгулик чуқди, юлдузлар бодраб чиқди ҳамки, биз Хивадан чиқмадик, чиқишни истамадик.

Тулин ой гумбаз ва миноралар оша аста-аста юқорилаб тикка кутарилди. Хива кумуш нурларга чулғанди. Саид Аловуддин ва Паҳлавон Маҳмуд мақбаралари, куҳна Арк ва Жомеъ масжиди, Калтаминор ва Исломуҳжа минораси, Тошқовли ва Карвонсарой қуббалари узра порлаётган тулин ойу бодроқ юлдузлар гуё сирли афсона сузлар, оппоқ шаҳар васфида шуълалардан суз-маржонлар, жило-жило мисралар тизар, қўлоқларимиз уни эшитиб, қалбларимиз уни уқиб турар, биров маъносини айтиб бер, леса, дердики, гап — Хива ҳақинда, унинг туғилиши, оламга буй курсатиши ҳақиндадир...

Эшитинг. Узоқ йул юриб ўзи ҳам, саҳобалари ҳам толиққач, Сом пайгамбар баланд кум теласида тухтаб, шу ерда тунаймиз, дедилар. Тулар чуқтирилди. Юклар туширилди. Чодирлар қурилди. Саксовулдан гулханлар ёқилди.

Яқин атрофни куриб-кузатиб келган саҳобалар айтдилар: «Ае, ҳазрат, бунда қудукдан асар йўқдур, сувни қайдин олурмиз?» Пайгамбар айтдилар: «Мешдан». «Мешдаги сув кимга етар?» — ичда таажжуб айлади саҳобалар. Уларнинг дилидаги гапни сезган пайгамбар айтдилар: «Сув ҳаммага етмас эрса, қаноат ҳаммага етар!»

Тун чуқди. Машъаллар ёқилди. Юлдузлар бодраб чиқди. Кукда бир-бирдан тиник, бир-бирдан мафтункор нуқра-дурлар чамани пайдо булди. Қул узатса етгулик эди. Аммо кумтепалар ҳам бош устидаги чамандан қолишгудай эмас. Турли-туман гиеҳларнинг муаттар буйлари димоққа урилар, ҳар хил жониворлар тунги уйинга чиқиб, бир-бирини қувлаб, уён-буён чопқиллаганидан тирик ҳаёт нафаси таралар эди. Ҳаво шундай мусаффо эдики, одам танасининг ҳар битта ҳужайрасига сунгисиз ором ҳалъ етарди.

Гир-гир шаббода аллалади, пайгамбар уйқуга кетдилар. Туш кўрдилар. Қошларида шам кутарган одамлар пайдо булди. Улар бир неча сафларга тизилган эдилар. Ундан бунга юрдилар, бундан унга. Ҳар қайси ўз жойини топгандек, саяъ-ҳаракатдан тўхтадилар. Шамларни баланд кутариб ҳайкалдек қотдилар.

Пайгамбар уларга разм солиб, улкан кема шакл-шамойилини кўрдилар. Теварагида шамлар ёниб турган гаройиб кема. Кеманинг ёнида қудук кўрдилар. Кимдир ундан сув олиб келди. Ичдилар. Бундай хушгаъм сувни ҳали ичиб кўрмаган эдилар.

Қошларида падари бузрукворлари Нуҳ пайгамбар пайдо булдилар. Айтдилар: «Туфон пайти кемани шу ерда тўхтадиб утган эдик». Васият этдилар: «Бунда кема шамойилида шаҳар бунёд айлагил!» Қўздан ғойиб булдилар. Сом пайгамбар уйғонганларида тонг оқара бошлаган эди.

Кун чиқди ҳамки, аммо карвон йулга чиқмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам карвон уридан жилмади. Бугун карвон аҳли енг

шимариб, белни маҳкам боғлаб, кема-шаҳар бунёд этишга киришиб кетган эди.

Аввал қудуқ қазидилар. Сувни ичиб, мазасини тотиб қуриб: Ҳей, воҳ, дедилар. Шу тариқат Хевах қудуғи пайдо бўлди. Шу тариқат Хевах шаҳри қад ростлади!

Ойдинда ривоят тинглаётган Тошпулат акани кузатаман. Қулоғи ойда, кузи қумуш рангларга чулганган обидаларда. Менинчга, ҳаёл кемаси оқ шуълалар дарёсида оҳиства-оҳиства сузиб боради. Эҳтимол, бу дарё Хива билан Бухоро орасида сокин оқаётгандир, эҳтимол, шоир бир йула икки қадимий шаҳарни куриб тургандир, бундан унга, ундан бунга сузаётгандир.

Менинг таҳминим тугри бўлиб чиқди. «Кел, Эркин, Хоразму Бухоро деган бир шеър ёзайлик,— завқланиб деди менга Тошпулат ака. — Илк мисраси, масалан, бундай бўлиши мумкин: Дуст азал-азалдан Хоразму Бухоро...».

Менинг юрагим жиз этди, ўз-ўзидан мисра қуйилиб келди: Куз ила қош ғазалда Хоразму Бухоро!

Мана, матлаъ ҳам тайёр, деди Тошпулат ака ва ўқиди:

*Дуст азал-азалдан Хоразму Бухоро,
Куз ила қош ғазалда Хоразму Бухоро!*

Тун яримлаб қолган эди. Дилимизда илҳом билан Урганчга қайтдик.

Эртасига тонг билан қуҳна Урганчга йул олаётғиб Тошпулат ака шеърни йулда ёзиб кетамиз, деди ҳудди ичувчилар «ичамиз» сузини мазза қилиб айтадиган ширали оҳангда. Хун, дедим мен ҳам ниҳоятда хурсанд бўлиб.

Машинамиз обком дачасидан чиқиб, Урганчдан — қуҳна Урганчга йул оларкан, биз қаламни чарқлаб пайдо бўлган илк тимсол ва фикрларни пешлашга киришдик. Бу ҳолатни ифшо этишдан олдин, ҳурматли укувчи, Сизга Тошпулат Ҳамид иккаламиз олдин ҳам биргаликда шеър ёзганимиз, тургироғи, битта мавзуда тухтаб, алоҳида-алоҳида иккита ғазал ёзганимизни, шу билан боғлиқ нозик воқеани ҳам айтиб бермасам бўлмайд.

У пайтда мен Тошкент телевидениесида бош муҳаррир (кейинчалик бу лавозим программа директори деб аталадиган бўлди) эдим. Бироз тобим қочиб, 2-стационарга ётдим. Тошпулат Ҳамид ҳам шу ерда даволанаётган экан. Анчадан бери қуришмаган эдик, «ремонт»нинг айнаи бир вақтда тугри келганидан иккаламиз ҳам суюндик. Ҳар куни муолажадан бошқа вақтларни биргаликда утказиб, ширин мақом суҳбатларга шунғиб кетамиз. Турт-қуддан бир қолхоз раиси ҳам шу ерда даволанаётган, бизни орқаваротдан билар экан, суҳбатимизга бош қушди, орадан сал вақт утиб-утмай эса улфати чор бўлдик. Тургинчимиз қиз бола эди...

У бизларга ухшаб қасалхона саруписига уранмаган, бир атлас, бир ҳарир ипақ қуйлак кийиб, ҳар куни тушдан кейин бир кучоқ гул кутариб раисни қургани шаҳардан тушиб келарди. Исми ҳам жисмига мос, Гулчеҳра... Толиба экан ва раисга ҳамшаҳар. Раисни ҳаддан ташқари эъзоэлар экан, йуқса қим ҳар куни шаҳардан ташқаридаги қасалхонага атайлаб янги дасталанган гулларни олиб келади дейсиз. Гапнинг рости, бизнинг раисга ҳавасимиз келарди. Тасаввур этинг, икки шоирга бир дона ҳам гул йуғу раисга бўлса бир кучоқ...

Қиз буни сездики ёки раис унга шипшитдики, ҳарҳолда, навбатдаги ташрифда уч даста гул олакелибди. Турфа-турфа товланиб турган биринчисини Тошпулат Ҳамидга, иккинчисини менга ва охиргисини раисга тақдим этди. Албатта, биз буни Гулчеҳра йулига шундай қилганини, узини ва раисни ҳар хил гумонлардан асрашни уйлаётганини билардик, лекин шундай бўлса-да, гул минг қилса-да гул ва уни бизга гўзал бир қиз тақдим этди, ахир. Икки шоир баравар қулга қалам олганимизни билмай қолдик. Уша кечася икки ғазал дунёга келди. Биринчи бўлиб ўз шеърини қизга Тошпулат Ҳамид ўқиб берди, сунг мен ўқидим. Гулчеҳра узига атаб бир йула иккита ғазал битилганидан боши осмонда, ҳатто раис акахонини ҳам бирпас унутиб биз билан, купроқ Тошпулат ака билан ширин суҳбатга киришиб кетса буладими. Раис бир қизариб, бир бузариб ултирар, суҳбатдан

узилиб қолганидан ҳам кура қизнинг хаёли бошқа томонга кетганидан хуноб эди чамаси.

Урни келди, айтай. Тошпулат ака аёлларни севарди, аёллар уни. Сулув аёлларни узига жалб этувчи сулув бир оҳанрабо бор эди унда. Узи хушбичим булишидан ташқари, хушқилиқ ҳам эди-да, бир зумда эриб кетаверарди, қалб пишласи ҳеч қачон севги шаробидан айри бўлмаган, десам мени тугри тушунинг. Шаҳарлардан купроқ Москвага, курортлардан эса Сочига боришни хуш қуларди. Сочини сочи (кокили) деб атар ва сўз уйини қилиб, Бобурнинг «Сочининг савдоси тушди бошимга бошдин яна» мисрасини куп айтар эди.

Уйламанг, гап муайян ...лик, эгрилик ҳақида бораётгани йўқ, Худо асрасин! Шоир қалб торини чолғувчи нарса бу — гузаллик, нафосат, ишқ туйғулари билан безанган васл-лаzzати, тоти асалда ҳам топилмайдиган сеҳрли суҳбат, қуздан қузга ўтиб, дилдан дилга оқувчи беғубор ҳис, сирли навозишлардир. Бунга интилмайдиган шоир, буни четлаб утадиган чин одам йўқ эди. Қунгли тугри бўлса, гирромлик бўлмаса, шайдоликнинг нимаси айб, дерди Тошпулат ака. Уз оиласини ҳеч қачон камситмас, жуфти ҳалолга куп меҳрибон эди!

Гулчехрага бағишланган ғазаллар ҳам ана шу беғубор шайдолик меваси. Уларни биз уз қўлимиз билан кучириб эгасига тақдим этдик. Афсуски, уша пайтда Тошпулат Ҳамид ғазалидан олманганман, тўшламларида ҳам унга қўзим тушмади. Гулчехранинг узида бордир. Менинг ғазалим эса оғзим бушлигидан уша пайтда хонанда Отажон Худойшукуров созига тушиб, элга овоза бўлиб кетган. Узи кичик ғазал, уни тўлиқ келтираман:

Гуллюла келтирибди

*Гулчехра совға айлаб гуллола келтирибди,
Наҳотки, гулни менга қиз бола келтирибди.*

*Гулга тулиб қучоги, гулдай ёниб ёноги,
Қуздан қочиб уяла-уяла келтирибди.*

*Гулларда келтирибди ул қатра-қатра шабнам,
Гуеки бода лим-лим пишела келтирибди.*

*Баргларда ранг жимирлаб оқар дилимга пайваст,
Шовуллаган ранго-ранг шалола келтирибди.*

*Самандар эрди ташна, қайдан хабар топиб ер
Япроқ ичинда меҳри залола келтирибди.*

Бу мисолни келтиришдан мақсад, юқориди айтганимдек, Тошпулат Ҳамид иккаламиз аввал ҳам биргаликда мушоира қурганмиз, дейиш эди, энди эса тагин Урганч — қуҳна Урганч йўлига, машина ичида бошланган шеър мусобақаси тафсилютига утайлик.

Машина бир маромда кетиб боради, дафтар қулдан-қулга утади, Тошпулат ака бир банд ёзиб, хуш, сиз нима деркансиз, қани курайлик-чи, дегандай уни менга узатади, мен бир банд битиб унга. Ҳар ким уз юрти ҳақида сўз юритмайди, аксинча, Тошпулат Ҳамид Хоразмни қаламга олган, мен эса — Бухорони.

Мен йўлни-да, машинани-да, буткул унутдим, гуе қушга айландиму Бухоро сари қанот қоқдим, бир дамда узимни унинг бағрида қурдим. Дарвоқе, Бухорон шариф билан мени илк таништирган Тошпулат Ҳамиднинг узи!

Мен машинада йўлга чиққандим, Тошкентдан Хоразмга. Тонгдан шитоб билан йўл босиб кечкурун Урганчга етиб олишни мулжаллаган эдим. Кеч қуз. Қулар қисқарган. Бунинг устига, совуқ ҳам бирданга келди. Уша кунни эса ҳаво айниб, кукни булут босди, тушдан кейин ҳаммаёқни

куюқ туман қоплаб олди. Бухорога етганимда тун чуқди. Юриш хавфли бўлиб қолди. Рулни шаҳар томон буришга мажбур бўлдим.

Хуфтонга яқин меҳмонхонага жойлашиб, навбатчи аёлдан шоир Тошпулат Ҳамид телефонини қандай топсам булади, деб сураган эдим, у шоирнинг узи шу ердалар, залда катта туй бўляпти, ушани бошқаряптилар, дея илтифот билан «косагул»ни чақириб ҳам берди. Шаҳарнинг обрўли кишиларидан бири қизини турмушга чиқараётган экан, Тошпулат ака уша одам билан дам утмай хонамга кириб қелди. Ана шунда бизнинг хурсандчилигимизни курсангиз. Омонлашатуриб кулишамиз, кулишатуриб ҳайратга тушамиз. Ҳаво айниб менинг Бухорода тўхтаганим, айнан туй бўлаётган меҳмонхонага қўнганим ва унда айнан Тошпулат ака туйбошилик қилаётгани — буларнинг ҳаммаси шунчаки тасодифми ёки тақдирнинг бизга тайёрлаб қўйган марҳамати! Биз, ахир, ҳаммасини олдиндан режалаштириб қўйгандай, айни тўйхонада учрашдик, ҳазилакам гапми бу! Шундай учрашувлар билан гузал-да, ҳаёт ҳам.

Туйда яна битта сюрприз бўлди, кейин билсам бунини Тошпулат Ҳамид ўзи атай уюштирган экан. Туй авжига чиққан маҳал машҳур хонанда менинг «Булар энди» газалимга басталанган қушиқни айтаётиб «Самандар содда шоир, ҳей, кузинг, хушёрлигинг қайда» мисрасидаги «содда» сўзини «катта» деб, бунинг устига алоҳида ургу бериб ижро этдики, натижада камина Бухорога келиб «содда шоир»дан «катта шоир»га айланиб қолдим...

Менга сўз беришганида «сюрприз»га жавобан дедимки, Бухорода ҳақиқат бор экан... Қай шоир узининг даражасини билмоқчи бўлса, Бухорога келсин экан...

Бу-ку ҳазил, аммо чини шуки, уз буй-бастимни бир курайн, узлигимни билайин, деган одам Бухорои шарифга келаверсин, бу муқаддас заминнинг ҳар тошу зарраси мозийдан ҳикматлар сузлайди, гоҳ мулоийим тортиб толе юлдузларини куз-куз этса, гоҳ бағридаги қонлардан унсиз-унсиз бузлайди.

Мен Бухорода бир оқшом қўниб утмоқчи эдим, холос. Лекин кетолмадим. Дуслар меҳри қўйиб юбормади. Бухоро қўйиб юбормади. Келибсан, энди мендан Суз эшитмай кетма, деди. Жоним билан, дедим, қолдим. Эртаси уззукун қўтлуг қадамжолар аро кезиб, унга — Бухорои шарифга кулоқ тутдим, жон кулогим билан уни тингладим!

Суз. Одам боласи бир вақт узини ҳалоқатга гирифтор айлади. Яъники, сувли-булоқли масканлар қолиб қакрок ерга қадам қўйди. Ташна, қовжирок тупроққа илинди, шу ерда муқим яшаб қолмоқни ихтиёр этди. Насиба — ғойиб, Оллоҳ берса, об-ҳаёт ҳам булар, бермаса, тақдиримдан курайн, деди. Ерга қозик қоқиб қўш ташлади.

Одам боласи оз эмас, лак-лак эди. Туялари, моллари ҳам шундай, бисер-бисер. Мешлардаги сувлари ҳам мул эди, аммо ҳисоблик сув ҳисоблик, минг тежалгани билан бора-бора тугади, болаларга ва кексаларга деб асраб қўйилгани ҳам соб бўлди. Сувсиз ҳаёт — заққум, шамол — гармсел, кўкнинг ёмғир тешиклари тақа-тақ беркилган, йигитларнинг тиззаларидан мадор, қариларнинг жонларидан умид кетган, гудаклар сув деб йиғлайди, оналар уз бағрини тиеглайди.

Одамнинг боши — Оллоҳнинг тоши. Кўнгил — сабрнинг қони. Ташналик илон каби бўғиб жон томирларини бир-бир қирқса ҳам ҳеч ким сувли-дарёли улкаларга кучиб кетайлик демади, ҳеч ким сунаётган жонининг гамини емади, шу тупроқни макон тутдик, улсақ шу ерда уламуз, деб бир-бирини суяб, бир-бирига далда бериб тураберишди. Диллари эса Яратганга илтижо қилишдан бир зум ҳам тўхтамади.

Эй, бор Худоё, истасанг йўқни бор қиласан, борни йўқ, истасанг узинг яратган олам ичйда оламлар яратасан, бул, десанг, тоғу тошларни ериб булоқлар отилиб чиқади, ўлик саҳролар танига жон киради, марҳаматингни биз, бандаларингдан дариг тутма, биз узимизни ташналикка гирифтор этдик, сен гирифтор этма! Эй, бор Худоё...

Одам боласи Яратганга илтижо этаберди. Унинг марҳаматидан умид узмади. Кўнгидаги Сабр дарахтини қуритмади. Унга жонидан сув бер-

ди, жонига эса Оллоҳ меҳрини ичириб, номини зикр этаберди, зикр этаберди.

Илтижо этаётган одамлар қошида ногоҳон нуруний бир сиймо пайдо булди ва ҳассасини ерга қаттиқ урди. ЭРСА, қақроқ ер бағридан сув сизиб чиқди, бирпасда у зилол булоққа айланди! Ерни ёриб чашма пайдо қилган — Оллоҳнинг кудрати, ерга ҳасса уриб Оллоҳ хоҳишини рубега чиқарган нуруний сиймо — Аюб пайгамбар эди. Чашмаи Аюб ана шу тариқа юзага келган!

Мен Чашмаи Аюб мақбараси олдида бош эгаман ва уйлайман. Хива ва Бухоро тақдири нақадар бир-бирига ухшаш: Хива қудугини Оллоҳ карами билан Сом пайгамбар қаздириб қақроқ ерга сув чиқазди, ташна Бухорода Аюб пайгамбар булоқ яратди! Оллоҳ назар солган муқаддас икки қалъа, бир тақдир...

Шу уринда яна бир мисол. Бухоро тилидан эшитганим яна бир Суз. Унинг бош деворини кимлар кургану кимлар бузгани ҳақида!

...Улуғ ният билан тоҳирийлар Арк пойдеворига илк гишт қўйдилар. Унинг лойини Аюб булоғи сувларига қордилар. Метин булди. Устида пахса-пахса девор кутардилар. Арк уқ утмас қалқонга эга булди. Бутун шахристонни қулоч этмас девор билан урадилар. У 400 йил Бухорога қалқон булди. Офатларни, балоларни узига олди, буронларга, довулларга, чақинларга дош берди, шум ниятда еприлиб келган не-не ёғийларнинг шаштини синдирди, дамини қайтарди. Ёвларга таслим булмаган девор Вақтга буйинсунди — нурай бошлади. Аммо пойдевор шу-шу метин, муқаддас чашма сувига қорилган жисмида толишдан, қаришдан асар ҳам йўқ эди. Қорахонийлар унинг устига пахса кутардилар. Юрт сардори Арслонхон пахсага қаноат этмади, хом гиштан девор айлантриги шахристон белита янги белбоғ бойлади. Ундан кейин тахта утирган Масъуд Қилич Тамғочхон хом гишт девор атрофини яна бир белбоғ — пишган гишт девор билан ураб олди. Бу иккала деворнинг умри икки юз йилга етди. Лекин пойдевор ҳамон уша-уша, емирилиш унга бетона эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ унга сайқал бериб, нураган иккала девор урнида янги, балеңд девор тиклади. Яъники, Хоразм Бухорога қул берди, икки юрт усталари битта девор тиклашди, ният қилишдики, у Искандар деворидай боқий булгай!

Ният минг холис булса-да, рубега чиқолмади — ярқираб турган навқирон деворни Чингиз қулатди. Битта ҳам парчаланмаган гишт қолдирмади. Таг-томири билан йўқотди, деб мийиғида қулиб ҳам қўйди. Лекин қулишга ҳали эрта — ер қаватлари ичра ҳали пойдевор яшар, у янги деворга елка тутишга таяёр турарди! Буронлардан омон чиққан авлодлар худди шундай қилдилар — нурамас пойдеворни асос қилиб янги девор кутардилар. Аркнинг ҳозирги деворини кутариб турган ҳам уша — лойи чашмаи Аюб сувига қорилган пойдевордир!

Пойдевори бутун юрт — Бухоро!

Чашмаи Аюбдан сал утиб Исмоил Сомоний мақбараси пойига етганимда яна бир ҳикмат эшитдим. Мақбара қурилаётганда унинг ҳар битта гишти сутга чайилган экан. Лойи туя сутига қорилган. Шуъла таратиб туришининг бир жиҳати шу. Бошқа (энг муҳим) томони шуки, Сомоний сулола халифалиқдан мустақил, пойдор давлатга асос солди. Унинг курки — Мустақиллик рамзи, маҳобати — уз эрки уз қулида булган давлат шайнидан нишонадир.

Минораи Калон, Лаби ҳовуз, Ситораи Моҳи Хоса — ҳар бири ҳикмат хазиnasi, бағрида не-не сир-синоатларни сақлаб бизгача олиб келган уммас тарих, асрлар, насллар, курашлар гувоҳи. Мен уларга ҳайрат билан боқаман, ҳажжоним дилимга сизмайди, узимни қадимдан йўл босиб келаятган музаффар карвон қўнғироғидан мутаасир куриб, бор овоз билан ҳайқириб, уша мозий қўнғироққа жур булиш истаги қалбимда жуш урар, юрагимдаги инжа садолар мисра-мисра булиб дафтарга тушар эди:

Олис-олис йўл босиб олам курган карвон бу!

Уни ёзиб улгурмасимдан:

Оқ шуълага йўғрилган Минораи Калон бу! —

каби мисралар қисталанг қилиб келарди.

...Ҳайдовчи йигит ҳаслимни бузди. Урганчга қайси томондан керамиз?!

Ана шунда мен йулга назар ташлаб, Қуҳна Урганчга етганимизни кўрдим. Шу пайтгача мен Бухорода эдим, ахир. Унинг кучаларида мафтункор кезиб шеър битмоқда эдим. Ҳайдовчига қайси йулдан юришни айтиб, ёзганларимга қуз югуртириб чиқдим. Эгри-бугри сатрлар (машинамиз роса сылқинган экан-да!) Дафтар тулиб қолган бўлса-да, бу ҳали обидалар ойнасидан қурганларимдан бир шингил эди, холос.

Таажжубки, Тошпулат Ҳамид ҳам айнан шунча ёзган, бу — денгиздан бир томчи, деди у ҳам. Лекин мен яна бир фикрни қозога туширишим керак эди. У ҳам бўлса Тошпулат Ҳамиднинг Урганжий эканлиги... Гап шундаки, ҳали эрталаб Тошпулат ака менга «Биласизми, нега уғлим Жунаидни бошлаб келганман», дея савол берган ва дегандики, Хоразм уғлимининг бобо юрти, бизнинг бир томиримиз, қатта боболаримиздан бири асли Урганчдан (қуҳна Урганч), Бухорога шу ердан қучиб борганлар, шу ваздан менинг яна бир тахаллусим бор, Урганжий деган... Уғлим Жунаид уз бобо юртини бир яхшилаб қуриб қўйсин, ахир!

Тошпулат Ҳамид ибн Урганжий. Буни манзумага киритмасам ҳеч ҳам бўлмас эди.

Мезбонлар ҳамроҳлигида қадимий қалъани қуриб, гуша-гушасигача айланиб, район газетаси муҳаррири, ёзувчи дўстимизнинг уйда бир пиела чой ичиб утирган вақтимизда ёзмоқчи бўлганим уша банд келди:

*Ибн Сино илмига қуҳна Урганч бўлиб ром,
Беруний қули билан алломага сунди жом.
Ушал қадаҳ жаранги ардоқда бўлган айём
Тошпулат Ҳамид ибн Урганжийга эҳтиром.
Дуст азал-азалдан Хоразму Бухоро,
Қуз ила қош газалда Хоразму Бухоро.*

Қуҳна Урганчнинг узида манзумага нуқта қўйилди. Оралаи бир кун утгач, у «Хоразм ҳақиқати» газетасида босиб чиқарилди. Бир ҳафта-ун кунлардан кейин қушиқ бўлиб айтила бошлади.

Қушиқнинг ҳам уз тарихи бор. Тошпулат Ҳамид Бухорога қайтиб борган кунин у ерда «Лазги» ансамблининг концерти бошланади. Ансамбль раҳбари Ортик Отажонов шеърни ўқибоқ унга «харилдор» бўлиб, тезлик билан қуй басталайди ва ижро эта бошлайди. Ансамблининг ҳар чиқиши шу «Хоразму Бухоро» қушиғи билан бошланадиган бўлади.

Қушиқ икки қисмдан иборат. Биринчи қисм ижроси вазмин ва сало-батли, иккинчи қисм эса кўпроқ ўйноқи, шух оҳангларга қурилган, уни бутун ансамбль ижро этади, рақсларга рақслар уланиб боради. Мен сал вақтдан кейин Тошкентда, концерт залида қуриб-эшитганман. У магнит тасмаларига ёзилиб қушиқ шинавандалари орасида кенг тарқалиб машхур бўлиб кетди. Хоразму Бухорода-ку, айниқса...

Мана, шунинг битта тасдиғи. Уша 1984 йили ёзда биз оиламиз билан Фарғонада дам оладиган бўлдик. Зиёрат мақсадида Бухоро-Самарқанд-Фарғона йулини танладик. Қуниб-қуниб учадиган самолётга билет олиб, ҳар шаҳарда бир оқшомдан қуниб утишни мулжаллаган эдик, Бухорога боргач, режаларимиз тамом бузилди кетди. Анваламбор Бухородан бир қунда кетиб бўлибсизлар, деди Тошпулат ака, қолаверса, самолётни қуйинг, мен узим сизларни машинада жунатаман, йул-изни, дала-тузни қуриб кетасизлар, мазза қилиб...

Хуллас, Бухоронинг узида бир неча кун қолиб кетибмиз. Машинага чиқамиз, магнитофонда уша қушиқ — «Хоразму Бухоро», Лаби ҳовузга борамиз, репродуктордан шу қушиқ эшитилади, бозорга борамиз, шу...

Тошпулат аканинг уйига меҳмонга борганимизда, янга мени юмор билан сийлаган ҳам! Акангиз билан қушиқ эмас, жоннинг эговини ёзибсиз-ку, эрталаб ҳам Хоразму Бухоро, кечқурун ҳам, безор қилдинлар-ку. Кула-кула, шундай дея янга магнитофон тугмасини босган эди, яна бошланди — «Дуст азал-азалдан...»

Энди бир-икки оғиз гап Тошпулат Ҳамиднинг яшаш тарзи ҳақида.

Ушанда у янги ҳовлига кучиб утган, уйга менинг биринчи боришим эди. Эшикдан тугри кенг ва очик, фойзли оромгоҳга кирилади. Чап қўлда катта нақшнкор каравот, супа, унга курсилар, ором-курсилар, уртада шариллак сув отилиб турибди. Каравот ёнидан боққа йўлак кетади. Йўлакнинг унги томони — деворларига оч-қўнғир ранг сурилган бир қаватли, салобатли бино — турар жой (ичкарасини Бухоро усталари санъатини акс эттирувчи ойина дейиш мумкин), сул тарафидан эса... зоопарк бошланади. Ҳа, ҳа, ростакам ҳайвонот боғи. Усти бостирилиб, олди темир панжара ва симтурлар билан уралган кенг ва баланд катаклар, уялар, инлар. Уларда каптарлардан тортиб кийиккача бор. Дарвоқе, кийиклар... Мен уларнинг катаги олдида узоқ туриб қолдим. Қоп-қора кўзлари ҳар қандай дилни ҳам ром этадиган икки кийик, ёнларида боласи, шундай беозор, одамга шундай мултираб-мулойим боқадик, даст кутариб бағринга босгинг келади.

Дафъатан кўнглимга гўлгула тушди. Уйда кийик сақласа ҳосияти бўлмайди, деб эшитган эдим, шу едимга келди-да, Тошпулат акадан шу бечораларни қўйиб юборсангиз бўлмайдим, деб иложи борича кўнглига келмайдиган тарзда юмшоқлик билан сурадим. У эса: «Эй, дўстим-ей, буларнинг шайдосиман, бир кун қуролмасам туролмайман», деди узига хос ишқибозлик ва эҳтирос билан.

Барибир кўнглимни гашлик тарк этмади. Кейинчалик Тошпулат ака оғир касалликка чалинганда, сунг эса... бу ёруғ олам билан видолашганида, мотам кўнларида мен уша кийикларни қайта-қайта эсладим. Айниқса, кўзлари мултираб турган кийик боласини...

Балким иримчилигимдан шундай бўлгандир. Тошпулат Ҳамиднинг бевақт улимга аввало, узини уққа-чуққа уравериши ва давроннинг терс айлангани сабаб бўлди, десам адашмасам керак. Яна Худо билади...

Давроннинг терс айлангани деганда тажовузқорлар халқимиз бошига солган қатагонни («узбек иши») назарда тутаяпман. У, ахир айни Бухородан бошланган эди-да. Илк «мина» муқаддас шаҳарга қўйилиб, ундан бутун Республикага «симлар» тортилиб, портлагичлар ўрнатилиб чиқилгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Дастлабки портлашнинг узидеяқ обкомнинг мафкура бўйича секретари сиймоси лат ели — Тошпулат Ҳамидни вазифасидан озод этиб, олдинги лавозими — область газетаси муҳаррирлигига тушириб қўйишди. Бу жараён олоб доирасида олам гулистон эди (Тошпулат Ҳамид ҳеч қачон амалга ёпишиб ётган эмас, боз устига муҳаррирликнинг узи катта мартаба), аммо у (процедур) уйин, камситиш тарзида утдики, собиқ обком секретари юрагининг жароҳат егани ана шундан.

У Бухорога сизмай қолди. Янги билан курортта жўнади ва энди тинч процедура — ванна олатуриб...

Маъшум хабар бир онда Урганчга ҳам етиб борди. Мен ишим билан банд — редакцияда эдим, яқин ва меҳрибон дўстдан жудалик алами кўз ёшларимни шашқатор қилди. Яна хабар келдики, Бухорода ҳаво айнинган, аэропорт беркилган, шоир тобути солинган самолёт экилажи Урганчга қўнишни режалаштирмоқда. Аммо Урганчда ҳам осмонни қора булутлар қоплаган эди...

Самолёт бир макон толиб кўнди ҳам, дафни маросими бурун остида утди ҳам, лекин... курортларда («Сочининг савдоси тушди бошима») қанот кериб юрган алп ва жумард бир узбек шоири бир кун келиб курортда «Бухоро воқсалари»дан жони узилгани алами ҳеч утмади, ҳеч утмайди ҳам...

Мен буларни энди қон ютиб эслаяпман, аммо у кун — шоир хонадонда меҳмоннавозлик авжида, шаҳар казо-казоларининг узлари қўл қонуштириб хизматда, биз, меҳмонлар куп иззатда эдик. Биллур қадаҳларда май ичиб, завқ-шавқ билан бильярд уйнардик. Ва оҳу боласининг қора кўзлари мултираб турарди... Ва қўшиқ янгради: «Дўст азал-азалдан Хоразму Бухоро!»



Салтан АШИР

ГУЛДАЙ АВАЙЛАЙМАН СИЗНИ...

* * *

*Эй сиз — эски таниш, эй сиз — янги дуст,
Эй сиз — эски ҳажр, эй сиз — янги бахт.
Бир қаранг, менда ҳам йўқ ҳеч каму куст,
Бир қаранг, менда ҳам кўрарсиз зўр шаҳд.*

*Бир қаранг. Бунчалар чиройли нигоҳ,
Эй сиз — ўша севгим! Сиз — ўша севги!
Бир кўзингиз шаҳло, бириси лайло,
Иккиси бир бўлса — енгади девни.*

*Сиз бошқа аёлсиз. Сиз — ўша қиз. Сиз —
Бошқанинг уйида, менинг қалбимда.
Мен ҳам олтин эмас, қиммати паст мис,
Гулдай авайлайман сизни лабимда.*

*Мана, кўзларимга ёш келди яна,
Сиз тўкилмоқдасиз ичу тошимдан.
Тугаб боряпман ёна ва ёна,
Оқ олов урлайди йигит бошимдан.*

* * *

*Тун. Тақдир ёригида ўсади қайғу —
Ота, пешонангдан тўкилган азоб.
Ер ҳам қадоқ кафтдай ёрилди тарс-тарс,
Ота, қулларингдан оқса изтироб.*

Сен-да оғриқларда оқиб кетдинг-ку!

*Ота, эски ошнанг Хўжакул амаки
Кўзларини уйиб-суйиб йиглади.*

Марҳум хотинини эслади кўпроқ,
Болалик, ёшликни... йўқлади.

Тушундим, севаркан аёлини у.

Хотинининг баргдай қулоқларини
Жойнамоз қилгандир оятлар айта.
Ота, кўкрагимда темир занглаган,
Ахир, мен йўқ эдим энг керак пайтда.

О, менга шайтонлар сув ичирдилар.
Юрагимни оғриқ тишдай суғуриб отди севги.
Энди ким севинаяр шоир булолсам,
Тегирмоннинг тошларими чархлаб беради кулгу?

Ота, келолмадим энг зарур пайтда,
Сен ҳеч кечикмадинг менга бахт учун.
Орларим сенсииз хор бўлди,
Мен — сенинг умрингдан сачраган учкун.

У қиз мени қувди олтин эшигидан,
Хор бўлиб, хўр бўлиб кўчада,
Сени кўриб қолдим Тошкентда, ота,
Фонуслар илитган анбар кечада.

Усти — бошингда
Пахтанинг гардлари бор эди.
Йул юриб, мўл юриб, ёмғирда ивиб,
Телпагинга кўнган қушлар — қор эди.

Яланг оёқ эдинг.
Чаноқлар тирнаган бармоқларингнинг
Ҳар бири Хизрдек муътабар эди.
Ўзинг олтимиш беш йил излаганингни,
Энг азиз нарсангни тополмай кетдинг!..

Оҳ, бу гал тушларим алдамадилар,
Мен шундай алдандим, кечирилмайди.
Энди уйимизга кўплар келади
Ва... отам келмайди, отам келмайди!

Мен учун дунёда қабр бор бўлса,
Энг азизи отамнинг қабри.
Мен уни кўзимда олиб юраман —
Кўзмунчоқ каби...

Осмон бўлса бунча баланд бўлмасин-ей,
Ер бўлса ҳам бунча қаттиқ бўлмасин-а.
Ўғил бўлса, отасини ўзи кўмсин,
Ота бўлса... ота бўлса ўлмасин-а!

Гоҳ отамга ўхшатаман боболарни,
Лекин улар... улар сира ўхшамайди.
Пахтазорда бели букик оталар кўп,
Кўпларининг ўғиллари йўқламайди.

* * *

Келдинг. Гуллар очилар,
Тугунлар ечилади.
Келдинг. Дурлар сочилар,
Шароблар ичилади.

Келдинг. Асов тулпорлар
Келин ҳидини туяар.
Кўзларида кун порлар,
Кўзларида тун куяар.

Келдинг. Алвон адирда
Тикилади оқ чодир.
Қирқ.кун куринмас қирда,
Бир малика, бир ботир.

Келдинг. Кукка отилар,
Бор дунё булар унут.
Э воҳ, қайтиб тушолмай,
Осмонда ўлар бургут.

* * *

Эски қартасини чийлар қиморбоз,
Кўҳна йўл. Таниш боғ. Ва ўша тупроқ.
Сочим қорасини бой бердим бироз,
Йиғлаб-йиғлаб онам қариди кўпроқ.

Кунларимни кам-кам харжладим, лекин,
Юракни оз-оздан сарфлаганим йўқ.
Сочим, тишларимни бой бердим секин,
Ўзимдан бошқани алдаганим йўқ.

Осмонда булутлар утканга ўхшаб,
Ёшлиқлар умримдан ошиб кеттилар!
Дунё ўзгармаган! Одамлар ўша!
Фақат мени ташлаб, шошиб кеттилар!

Одамлар! Эй менинг орқадощларим,
Биламан, ҳаммангиз яхши, гўзалсиз!
Яхшисиз! Булмаса, эҳ ёмонларим,
Навоий ўтади битта газалсиз!

Одамлар! Эй менинг орқадощларим,
Тоғ тоғларга эмас, сизга суянган!
Қалбимни илиткан турлук қуёшларим,
Мени ташлаб кетманг! Сизсиз куяман!

Агар улуг ҳарбда ўқ тегмаса менга,
Куним бор бўлса-ю, ўлмасам агар,
Барча оқ уралган касларга менгзаб,
Қулимдан тутмаса тараддуд, сафар.

Халтамдан нуқтадай кичик ўқ олиб,
Ҳаётимга қўйинг ниҳоя — нуқта.
Мен сўнг бор шивирлай шубҳадан ҳоли:
Дунё ўзгармаган! Одамлар ўша!

Марҳумлар ёнига қўйинглар, биллоҳ,
Ёлғизликка берманг улигимни ҳам.
«Ёлғизликдан қўрқар эди бу одам»,
Деб қабрим тошига чекинлар рақам.

*Жаннатнинг суйида поклаб ниятни,
Мана шу кичкина юрагим билан,
Елғизликка қарши уруштим, лекин,
Елғизлик енгади Инсониятни!*

*Мени ҳам бой берар бир кун қиморбоз.
Таниш йўл. Кўҳна боғ. Ва ўша тупроқ.
Фақат менинг сочим оқарди бироз,
Фақат менинг онам қариди кўпроқ.*

* * *

*Сен дединг: Кўзингдан нечун ёш келур?
— Ҳар бир илигимда минг бир тош келур.*

*Сен дединг: Қўлингдан қанча иш келур?
— Ҳар бир бўғимда минг ташвиш келур.*

*Сен дединг: Бурнингдан нечун қон келур?
— Атрофга қарасам, лабга жон келур.*

*Сен дединг: Ҳайратинг нечун жим келур?
— Гумроҳлар ортидан, ахир, ким келур?*

*Сен дединг: Ёнингда ким лак-лак келур?
— Кўксимда алданган бир юрак келур.*



Аҳмад Лутифий

Наргиза РАҲМАТ қизи таржимаси

ОЙДИНЛИКЛАР САРИ¹

Бу мажлис Маккадан уч чақирим наридаги Мино деган жойда ўтказилди. Рисолат тахтининг охириги ва энг улуг султони жаноби пайгамбаримиз ҳам ўша куни Минода эдилар.

Энди таклифни айтиш вақти эди. Хабар жунатилди, кўришмоқчи бўлганликлари билдирилди.

Ҳабиби Худо (с.а.в.) бу таклифни қабул қилиб, уларнинг ёнига келдилар.

— Бизга пайгамбарлигинга доир очиқ-равшан далил керак, — дейишди.

— Нима хоҳлайсизлар?

— Ойни иккига бўл, — деди Абу Жаҳл. — Бир парчаси Абу Қубайс тепалиги, иккинчи бўлаги Қуайкиан тепалиги устига келсин. Буни ҳамма кўргандан сўнг бу икки парча яна биририга ёпишсин. Агар ҳақиқатан пайгамбар эсанг, шуни қиласан, эндай олмасанг, ҳикоянг бу ерда тугайди.

Набийи Акрам (с.а.в.):

— Майли, — дедилар. — Оллоҳ таоло айтганингиздек кўрсатса, пайгамбарлигимга ишонасизларми?

— Албатта.

— Булмасам, парвардигоримдан шундай бўлишини тилайман.

Абу Жаҳл қўшиб қўйди:

— Шарти бор, бу таклифимиз бутун кечаси амалга ошиши керак, бошқа кун эмас...

Йиғилиш тугади. Расулуллоҳ бу ердан кетганларидан кейин Уқба ибн Абу Муойт андишаланди:

¹ Давоми. Бошланиши ойнаманинг ўтган йилиги соғларда.

— Биз талаб қилган муъжизани агар кўрсатса, иймон келтирамиз, деб сўз бердинг-а, эй Амр!

— Агар ойни иккига бўлса, ҳақиқатан унга пайгамбар деб ишонамизми? — дея Умайёна ҳам тараддудини изҳор этди.

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон! У биз талаб қилган нарсани бажара олмай адои тамом бўлади ва бу масала шу ерда ёпилади! — деб Абу Жаҳл оёғини ерга урди ва сўзида давом этди: — Мино тупроқлари абадийн галабамизнинг куйини ижро этгай. Биз унинг пайгамбарлигига асло ишонмаймиз!

Ҳар тарафни сабрсизлик, ҳаяжон қоплади. Мўминлар Расулulloҳга қилинган бу таклифни эшитгач, Оллоҳга сизина ва илтижо қила бошладилар:

— Оллоҳим, сеvimли пайгамбаримизга ёрдам бер!..

Ҳар бир нафасда шу дуо, ҳар одимда шу илтижо такрорларнардигуё. Тиллар сўзламас, дудоқлар қимирламас, қалблар рийдан йироқ бир самимият ва ҳаяжонга йўғрилган бу илтижоларни тилга чиқармай турибоқ Роббул Оламийнга — юраклардаги жамикни сиру асрордан хабардор Буюк Мавлога ҳавола этар эди.

Мушриклар байрамона кайфиятда. Бошлари ҳар вақтдагидан ҳам тик ва магурр. Бир неча соат кейин қозониллажак буюк галабани ҳозирданоқ нишонлашаётган эди. Уларнинг назарида, тунда охириги ва оғир зарба берилиб, Ибн Абу Кабшанинг ҳам, унинг йўлига кирганларнинг ҳам ҳисоб дафтарлари шу кеча ёпулгуси эди.

Бу гал Амр ибн Хишом муштини қаттиқ сиқди. Шундай сиқдики, ҳеч ким бу қўлдан қочиб қутулолмайдигандек эди...

Шошқалоқлик нималигини билмайдиган қуёш ҳар кунгидай ўз вақтида ботди. Кун гира-шира қорая бошлаганида шарқдан ҳафиф бир ойдинлик пайдо бўлди, сал ўтмай энди-энди ун турт кунни ошаётган ой аста-секин кўрина бошлади.

Одамларнинг қалбини сўнгсиз ҳаяжон қамраб олган, бу ҳаяжон тобора шиддатланиб борар эди. Нафас олишлар қийинлашди, юраклар бугизларга тиқулгудай бўлди.

— Мана, ой ҳам тутди.

— Туғиш ҳам гапми, одам баравар баландлади.

— Қараб тур, ҳозир қавмдошинг қўлига бир қилич олади-да, ойни уртасидан бўлиб ташлайди.

— Сўнгра иккала бўлагини икки томонга тешиб юборади. Қарабсанки, бири бу тарафга, иккинчиси анави томонга қараб йўл олади. Сўнгра бир ҳуштак чалиб, келинглар, арслонларим, деса, яна чопқиллаб келишади.

Кесатиқди бу гап-сўзлар кетидан қаҳ-қаҳалар янгради. Абу Жаҳл, Абу Сўфён, Абу Лаҳаб, Валид, Нодир каби ашаддий кофирлар бир жойда туролмас, у ёқдан-бу ёққа бориб келар, суҳбатлар тинглар эдилар.

Кўкда битта ҳам булут парчаси кўринмайди. Қуёш ботиши билан юдузлар бирин-сирин кўрина бошлаб, беҳисоб даражага

етди. Гуёки улар ҳам иймон билан куфр ўртасидаги бу курашни томоша қилишга чиққандай эди.

Ой ҳар доимгидай сокин. Бир оздан сўнг унинг устида қилинажак мислсиз беллашувдан беҳабар. Муҳташам, аммо ёрқин сиймоси билан дунёни зимистон қоронғилигидан қутқараётганлигидан бахтиёр. Неча минг-минг йиллардан буён Оллоҳнинг амрига бўйинсуниб, яхши-ёмон милёнлаб инсонга замон ўтаётганидан дарак бериб келар, баъзан нозик бир ҳилол, баъзан юмалоқ баркаш шакида кўриниб, қуёш боттач зимистон қоронғуликка мубтало бўлган кишиларга йўл кўрсатар эди.

Илк инсон яратилгандан буён давом этаётган иймон ва куфр мужодаласини, юлдузлар каби, у ҳам кўкдан томоша қилиб келган, исёнчи, зулмор, ҳақсиз, инсонийлик чегарасидан ошиб, буюк Оллоҳга қарши гумроҳлик қилган кўплаб ҳавмларнинг ер билан яксон этилишига шоҳид бўлган эди. Сувга чўктирилди, тўфонда ҳалок қилинди, шиддатли зилзилалар вужудга келтирилиб, ерга юттирилди — буларнинг ҳаммасини кўрди. У ҳавмларнинг ҳар бири пайгамбарларидан муъжиза кўрсатишни талаб этган, шунда ҳам ишонмаган, оқибатда бошларига балони сотиб олган эдилар.

Аммо... ойни иккига бўлишни талаб қилиш утган умматлардан ҳеч бирининг хаёлига ҳам келмаган эди.

...

Расулуллоҳ (с.а.в) Роббул Оламинининг чексиз раҳмат ва марҳаматига, бениҳоя карам ва эҳсонига суяндилар. Сўнгра мислсиз бир итоатгўйлик ила натижани кута бошладилар. Уларини пайгамбар қилиб жўнатган буюк Оллоҳ, албатта, ёрдамсиз қолдирмайди: албатта, мушриклар олдида суюкли расулини уялтириб қўймайди.

Атрофда анча-мунча чора-тадбирлар кўриб қўйилган, мушриклар ғалаба қозонганларига юз фоиз ишониб қолган эдилар. Гуё бир оздан сўнг Муҳаммад ибн Абдуллоҳ «Мен таслим бўлдим, пайгамбарлик даъвоимдан воз кечдим», дейдию улар мусулмонларга қарши ҳаракатга ўтишади, уларга аччиқ сабоқ беришади...

Бу орада ой анчагина юксалиб қолди. Шу вақт... кўриб турган кўзлар ҳам ишонмайдиган ҳодиса рўй берди: ой ҳақиқатан иккига бўлинди. Орасига пичоқ кирадиган даражада ёриқ пайдо бўлди. Абу Жаҳл шошиб қолди:

— Нодир!.. Нодир!.. — дея бақирди.

— Нима дейсан, Худо ургур!

— Кўряпсанми шуни?

Нодир жони азоб ичида, зўрга жавоб берди:

— Кўр эмасман, кўриб турибман.

Қайта-қайта тикилиб, ҳеч ишонгилари келмайди. Ойнинг икки парчаси борган сайин бир-биридан узоқлашаётганининг гувоҳи бўлдилар. Энди инкор этишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Муш-

рикларнинг така-пукаси чиқиб кетганидан нима қилишларини билмай қолишди.

Ниҳоят, ойнинг бир парчаси Абу Қубайс, иккинчи парчаси қарши томондаги Қуайкиан тепаликларининг устига бориб турди. Шунда Пайгамбар алайҳиссалом ёнларидагиларга:

— Шоҳид бўлинглар, — дедилар. Кейин икки кишига алоҳида хитоб қилдилар: — Эй Абу Салама ибн Абул Асад, эй Арқам ибн Абдул Арқам, шоҳид бўлинглар!

Кейин ойнинг икки парчаси бир-бирига яқинлаша бошлади. Ниҳоят, бир одимлик, бир қаричлик масофа қолди. Орқасига зўрга бир пичоқ сигадаган даражада ёриқ хиёл миқдор турди, сўнг у ҳам йуқ бўлди.

Ой бир мuddат бемисл жанг майдонига айланган, энди асл ҳолига қайтиб, яна аввалгидай сокинлик ва салобат касб этган эди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) уларга ваъдаларини эслатиб, иймон келтиришни таклиф қилдилар, бироқ фойдаси бўлмади.

...

Зўр бир ғалабани кутган эдилар, узил-кесил мағлубиятга учрадилар, бу ҳол мушрикларни саросимага солиб қўйди. Саросимадан биринчи бўлиб Абу Жаҳл қутулгандай бўлди:

— Муҳаммаднинг сеҳрини кўрдинглар, мукаммал сеҳр қилди, бу енгиб бўлмайдиган сеҳрдир!.. — У овози борича бақирар, шаллақилиқдан бошқа йўл тутишнинг иложи қолмаган эди унга. — Ой ёрилди деган гап беҳуда, у кўзларингизни бўяди, сеҳрлаб қўйди, булмаган ишни бўлгандай қилиб кўрсатди.

Натижа қандай бўларкан, дея таҳликада турган муминлар ҳам рўй берган ҳодисадан дабдуруст ўзларига келолмадилар. Ҳеч ким: «Сен иймон келтираман деб сўз берган эдинг, дарров иймон келтир, аксинча...» дейдиган ҳолда эмасди.

Абу Жаҳл пайгамбаримизнинг қаршиларига чиқиб:

— Сен зўр сеҳргар экансан. Фавқулодда сеҳр қилдинг. Кўзларимизни боғладинг. Бўлмаган нарсани бўлгандек кўрсатдинг. Лот ва Уззога минг бора қасам ичаманки, дунёда сендан ҳам зўрроқ кўзбўямачи йуқ. Аммо бир кеча-кун ўтсин, бизни лаққилатганинг ва ёлгончилигинг ушанда фош бўлади. Бизни сеҳрлагандирсан, лекин олисдагиларнинг кўзларини бўёлмайсан. Шаҳар ташқарисидан келадиган одамлардан суриштирамиз, сиринг очилади-қўяди.

...

Ниҳоят бир карвон келди. Ҳол-аҳвол сўрашилгач, ойнинг ёрилгани ҳақида гап очилди. Абу Жаҳл:

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бизнинг кўзларимизни шамғалат қилди, шунинг учун сизларни пойлаб турган эдик. Йўлда бирон антиқа ҳодисани кўрган-кўрмаганларингизни билмоқчимиз, — деди.

Сўрашга сўрадилар-у... сўраганларига пушаймон бўдилар. Чунки карвондагилар ҳам йўлда худди шундай бир ҳодисанинг шоҳиди бўлган эдилар. Бирлари олиб бирлари қўйиб ойнинг иккига бўлингани воқеасини бутун тафсилот билан ҳикоя қилиб бердилар. Абу Жаҳлни гўё пичоқсиз сўйдилар. У шурлик руҳан эзилди, паришон бўлди. Бир тоғни бир жойдан иккинчи жойга кўчирса ҳам, бунчалик ҳолдан тоймас эди балки. У бошқача жавобни кутган, мусофирлар у ҳодисани кўрмадик десалар, бориб Расулуллоҳни армони чиққунча сўкмоқчи эди. Ночор-ноилож:

— Бир сеҳр бу, мислсиз, сеҳрдан булак нарса эмас! — дейишдан нарига ўтолмади.

...

Бу орада фаришта Жаброил Расулуллоҳга (с. а. в.) самовотнинг у томонларидан Жаноби Ҳақнинг саломини келтирди, ушбу ҳодисаларга алоқадор қуйидаги оятларни у зотнинг қалбларига муҳрлади:

«Вақт яқинлашди ва ой иккига бўлинди. У (мушрик)лар бир муъжиза кўрсалар, ундан юз ўтирадилар ва: «Бу ҳар доимги сеҳр-ку!» дейдилар. Шу йўсинда улар оятларни ёлгонга чиқардилар, нафсларидан тийилмадилар. Ҳолбуки, Оллоҳ ваъда берган ҳар бир иш ва амрнинг ҳақлиги бешақдир. Қасамки, уларга инкордан тўхтатадиган ибратли хабарлар, қиссалар туширилдики, бу хабар ва қиссаларнинг ҳар бири очиқ-ойдин, мукамал бир ҳикматдир. Аммо бу қўрқитишлар ҳам фойда бермас. Бас, (эй Муҳаммад,) улардан юз ўтиринг!»¹

Гаразли истаклар

Орадан кунлар ўтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) мушриклардан яна бир таклифнома олдилар. «Келинг, бир масала юзасидан суҳбатлашиб олайлик», дейилган эди унда. Борсалар, мушрикларнинг машҳур бошлиқлари кутиб олишди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) оёнинг иккига бўлиниши ҳодисасининг нечоғлик ҳақ эканини аниқлаш учун бу мушриклар ён-атрофдан шу хусусда сўраб-суриштирганликларини билардилар ва энди ҳақиқатни тан олишган бўлса керак, деб ўйладилар. Аммо мутлақо бошқача вазиятнинг устидан чиқдилар.

— Сени бу ерга қақришимизнинг боиси, энди сен биздан узр сўрашинг керак, эй Муҳаммад. Тугри, сени тугилганингдан бери таниймиз. Покиза, ҳалол яшаганингни биламиз. Шунинг учун ҳам сенга «Амин» лақабини бердик. Аммо охир-оқибатда сен ҳеч ким билмайдиган бир динни уртага чиқардинг. Бизнинг динимиз ва бутларимизни айбладинг. Ақли жойида бўлган қанча-қанча кишиларимизни аҳмоққа чиқардинг. Жамоаларни тар-

¹ Қамар сураси, 1—6-оятлар.

қатдинг, отани боладан ажратдинг. Орамизда юзага келган зиддиятларга биз эмас, сен айбдорсан...

Шундан кейин бир пайтлар Утба қилган таклиф ва ваъдаларни эслатишди. Буниси энди ўтакетган юзсизлик эди. Ўзларини шундай тугтишардики, ой ҳодисасида худди Расулуллоҳ эмас, улар голиб келгандай; гап оҳанглари ҳам дағдага, дўқ-пўписи...

— Сизлар ваъда қилаётган нарсаларнинг биронтаси менда йўқ, лекин мол-мулкингизга эгалик қилиш, шараф соҳиби бўлиш, салтанат суриш каби ниятим ҳам йўқ. Оллоҳ таоло мени сизларга пайгамбар қилиб жўнатди, муқаддас китобини туширди. Сизларга неъмат ва мағфиратдан, азобдан хабар етказувчи бўлишимни буюрди. Мен сизларга Роббимизнинг рисолатини етказдим, сизларга самимий муносабатда бўлдим... Мен Роббимнинг рисолатини таблиг этаётirman ва сизларга яхшиликни раво кўряпман. Агар мен олиб келган бу динни қабул этсангизлар, дунё ва охиратда энг улуг шарафни, насибани қўлга киритган бўласизлар. Агар мақбул кўрмасангиз, сизлар билан менинг орамизда Оллоҳ ҳукм бергунга қадар сабр қиламан.

Расулуллоҳнинг (с. а. в.) сўзларини тинглаб ўтирганлардан бири:

— Ё Муҳаммад! Сен айтган нарсаларни қабул эта олмаймиз. Ўзинга ҳам маълумки, юртимиз тор. Тирикчилигимиз танг аҳволда. Парвардигорингдан сўра, шу тоғларни ўртадан олиб, юртимизни кенгайтирсин. Шому Ироқдаги сойлар каби, ариқлар оқишиб қўйсин, тўқлиқ-фаровонликка эришайлик. Утган боболаримизни тириштириб берсин, хусусан, Қусайй ибн Килобни. Яхши чол эди. Ундан сенинг дининг ҳақида, ҳақми ё ботилми эканини сўрашимиз керак. Агар истақларимизни бажарсанг, Қусайй ҳам динингни ҳақ деса, барчамиз сени тасдиқлайлик, агар ботил деса, сени ёлгончи деб билайлик.

Бу сўзларнинг бари бемаъни ва беҳуда эди. Ҳақиқатни изловчи инсонга ярашмайдиган сўзлар.

Уларнинг талаблари қондирилган тақдирда ҳам иймон келтирадиларми?

Пайгамбар инсонларга мўъжиза кўрсатиш учун юборилмаган. Аммо инсонлар улардан пайгамбар эканлигига ҳужжат талаб қилсалар, албатта бажаришлари керак ва пайгамбарликлари ни исботлашлари лозим. Бундай мўъжиза мукамал шаклда, ҳамманинг кўзи ўнгида, ҳеч ким эътироз билдиролмайдиган тарзда амалга оширилди. Шундай экан, қайта-қайта мўъжиза истаги мазах қилиш эмасми? Бундан мақсадлари нима?

— Менинг вазифам мўъжизафурушлик эмас, балки инсонларга ҳақ динни таблиг этмоқдир. Маъқул десангизлар, дунё ва охиратда энг буюк насибани қўлга киритган бўласизлар. Маъқул келмаса, сизлар билан орамда Оллоҳ ўз ҳукмини бергунча сабр этман. Унинг шарафли буйругини бажаришга гайрат қиламан.

— Бу талабимизни бажаришдан бош тортдинг, у ҳолда парвардигорингдан сўра, пайгамбарлигингни тасдиқлайдиган бир фаришта юборсин. У фаришта сени биздан қуриқласин. Бу фа-

ришга бизга олтиндан, кумушдан саройлар, боғлар қуриб берсин, биз ҳам сенга бу ишингда ёрдам берайлик.

— Сизлар сўраётган ишлар менинг зиммамда эмас. Парвардигорим мендан буларни сўрамайди, мени бундай ишларга вазифадор қилмаган. Мен сизларга Оллоҳнинг неъматларини муждаловчи, азобидан огоҳ этувчи бир элчиман.

— Худ, парвардигорим тилаганини қилади, деяпсан, қани, осмонни устимизга парча-парча қилиб тушир, агар буни ҳам адо этмасанг, асло пайгамбарлигинга ишонмаймиз.

— Бу Оллоҳнинг иши, хоҳласа қилади.

Гап чўзилиб, мазах тусини олди. Тутруқсиз талаблар қўя бошлашди:

— Оллоҳни ва фаришталарни чақир, кўрайлик!..

— Осмонга чиқ!..

Расулуллоҳ уларнинг олдидан кетдилар. Аммалари Отиканинг ўгли Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа ул зотнинг орқаларидан эргашди.

— Ё Муҳаммад, қавминг сенга шунча таклиф этди, қабул этмадинг. Сунгра токи Оллоҳ ҳузурдаги даражангни билиш учун яна айрим нарсаларни истадилар, уларни ҳам қила олмадинг. Ваъда қилган азобингни ҳозироқ келтиришингни сўрадилар, қўлингдан келмади. Қасамлар бўлсинки, сенга мутлақо ишонмаймиз. Ҳатто кўк тоқига бир нарвон қўйиб, кўз ўнгимизда у ерга чиқсанг ва ёзув ёзилган бир саҳифа олиб келсанг, сен билан бирга тўртта фаришта ҳам сенинг пайгамбар эканлигинга шохидлик қилиш учун келсалар, онт ичамизки, шунда ҳам сенга ишонмаймиз, сени тасдиқ этмаймиз!

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳеч нарса демадилар. Дейишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. «Шунча ишларни қилсанг ҳам, барибир ишонмайман», деб турган одамларга нимани ҳам уқтириб бўларди?! Булар шунчалик ифлос, гаразгўй эдиларки...

Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга ғамгин қайтдилар. Халқини жаҳолатдан саодатга даъват этган, аммо эвазига фақат душманона муомала курган, ноҳақ ҳақоратга учраган, киноя қилинган инсон, албатта, хафа бўлади-да.

Аммо уйда набийлар мақомининг Султонини ваҳий фариштаси бўлмиш Жаброил (а.с.) кутиб ўтирган, мушриклар билан бўлган учрашув маънавият оламидан кузатилиб турганини билдирувчи ва таскинбахш оятларни бу зоти шарифнинг покиза қалбларига ёзиш учун келган эди:

«Ва дедилар: «Токи бизлар учун мана шу ерни ёриб, бир чашма чиқариб бермасанг, биз сенга ҳаргиз иймон келтирмаймиз. Ё сенинг хурмозор, узумзор богинг бўлиб, унинг ўртасидан ёриб дарёлар пайдо қилмасанг, ёки ўзинг даъво қилганингдек, осмонни устимизга парча-парча қилиб туширмагунингча, ёки Оллоҳ ва фаришталарни олдимизга келтирмагунингча, ёки сенинг олтиндан бир уйинг булмагунингча, ёҳуд ўзинг (кўз олдимизда) осмонга кўтарилмагунингча, (ҳаргиз сенга иймон келтирмаймиз). Токи бизларга ўқийдиган бирон китоб туширмас экансан, бу (осмонга) кўтарилишингга ҳам ҳаргиз ишонмаймиз».

Айтинг: «Эй пок Парвардигорим, мен фақат элчи-пайгамбар бўлган бир одам эдим-ку!» Одамларга ҳидоят келган пайтида, фақат: «Оллоҳ (фаришталарни эмас, балки) одамзотни пайгамбар қилиб юборибдими?!» деган сўзларигина уларни иймон келтиришларидан тўсди. Айтинг: «Агар бу Ерда (одамлар эмас, балки) фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта, биз (яъни, Оллоҳ) уларга осмондан фаришта пайгамбарни туширган бўлур эдик». Айтинг: «Мен билан сизларнинг ўртамазда Оллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир. Албатта, у бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб тургувчи бўлган зотдир».¹

Ҳар келишида алоҳида бир жозоба, алоҳида бир бадийй қийматга эга бўлиб келувчи Қуръон оятлари одамларни ҳар гал янги бир таъсирчанлик ила ларзага солар, ўхшашини келтира олмасликларини ҳар гал уларнинг онгига янада мустаҳкам қилиб муҳрлар эди.

Мушриклар енгилишини билса-да, қайта-қайта майдонга тушаверадиган ва бот-бот мағлубиятта учрайдиган аянчли «шолвон»га ўхшашарди. Мағлубият аламини бирор юз марта тортган бўлишса ҳам, лекин ҳануз тавба қилишмаган эди. Кошки Қуръон бир тушишда тўп-тўп қилиб туширилган бўлса, дер эдилар.

* * *

Абу Лаҳабнинг угилларидан Утайба бир куни Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Қуръон ўқиб ўтирганлари устидан чиқиб қолди. Юзга тупургандек бир бадбахтлик қилиб ўтди. Кетидан «Оллоҳим, жоноварларингдан бирини унинг бошига бало қил», дуоси Жаноби Ҳаққа йўналди. Утайба жигаридан тутилганини ҳис қила, узоқлашди.

* * *

Бир куни Тулайб уйига ажаб бир ҳолатда кириб келди.

— Нима гап, ўғлим?

— Тоғамнинг ўғли келтирган динга кирдим, онажон! — деди Тулайб севинчи ичига сигмай.

— Яхши қилибсан, болам. Уни доим қўлаб-қувватлаш сенинг вазифангдир, — деди она.

У пайгамбаримизнинг аммалари Арво эди.

Муҳтарам ўқувчиларимизнинг ёдида бўлса, Тулайб илгари пайгамбаримизнинг эшиклари остонасига нажосат тўкмоқчи бўлган Уқба ибн Абу Муойтнинг таъзирини берган эди...

— Сиз нега жиянингизни қўлаб-қувватламайсиз, онажон, нега унинг динига кирмайсиз? Акангиз Ҳамза ҳам мусулмон бўлибди, — деди Тулайб.

Бу хусусда кўп гапиришга эҳтиёж қолмади. Она шаҳодат калимасини айтиб, жиянинг пайгамбарлигини тасдиқлади. Ке-

¹ Исро, 90—96.

тидан синглиси, яъни, пайгамбарларимизнинг яна бир аммалари София ҳам Ислом динини қабул қилди.

Дуо қабул этилди

(Ҳазрати Умар р. а.)

— Абу Толибга қилган мурожаатлар жавобсиз қолди, дўстлар! — деди Валид ибн Муғийра.

Абу Жаҳд уни қўлаб-қувватлади:

— Жавобсиз қолмади, бизни яхшигина авради, — деди. — «Уни менга қўйиб беринглар», деб жиянининг бошини силади.

Валид ибн Муғийра сузида давом этди:

— Бу ишнинг нақадар жиддийлигини унутмайлик. Ўз вақтида чорасини кўрмаганимиз учун, мана, пушаймон бўлиб ўтирибмиз. Кўриб турибсизларки, у кундан-кун кучайиб бормоқда, қулида муҳиш яроғи бор... Шоирларимизни, энг зўр нотик-хатибларимизни ҳам доғда қолдирди. Бунинг устига, у жўда кучли сеҳргар бўлса. Кўрдингиз, осмондаги ойга ҳам ҳукмини ўтказди: уни иккига бўлди. Хуллас, бу иш қанча чўзилса, шунча зарар.

Абу Жаҳдга қолса, масалани шартта-шуртта ҳал қилиб қўя қолса.

— Бу ишни ким тез ва усталик билан уддаласа, юз туя ҳада этилади, — дея эълон қилди. Мажлис аҳлига бирма-бир нигоҳ ташлаб чиқди-да: — Яъни, ўлдирган кишига, демоқчиман, — деб қўшиб қўйди.

Аммо негадир ҳеч ким бирданига юзта туялик бўлиб қолишни истамади. Чунки бу ишнинг оқибатини ҳамма биларди. Ахир, хошимийлар: «Нима ҳам қилардик, тақдир экан-да...» деб индамай кетавермайдилар.

— Хўш, юз туяга даъвогар йўқми ораларингда?!

— Шунчалар осон бўлса, марҳамат, ўзинг уддалаб қўяқол! Юзта туянг бегона ҳам бўлмайди, — дейишди.

Абу Жаҳд бу мантиқий эътироз ва таклифга жавоб бермасликни афзал кўрди. Лекин пешонасида совуқ тер томчилари пайдо бўлди.

Яна бир муддат орада жимлик ҳукм сурди.

— Бу ишни Хаттобнинг углидан бошқа ҳеч ким эшлай олмади!

Нигоҳлар момақалдироқдек туйқус янграган бу овоз эгасига томон ўтирилди. Қаршиларида мардонавор чехрали, кузлари жасурона боқувчи бир йигит турарди. Жасорат ва матонат, кучқудрат тимсоли, қўрқув нималигини билмайдиган йигит... Агар шамолдек тез, бўрондек шиддатли руҳият соҳибига ёдгорлик ўрнатиш лозим бўлса, том маънода энг муносиб инсон Умар ибн Хаттоб эди.

Бирдан ҳамма тилга кирди:

— Ҳа, жуда тўғри, бу иш фақат Умар ибн Хаттобнинг қулидан келади, — деб бидирлаб кетишди.

Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор эди. Чунки уни йиллар давомида синай-синай, жуда яхши билиб олган эдилар. Умар деганда, хаёлларда «тутган жойидан кесадиган довжорак ва мард йигит» жонланар эди.

Сўзларида рижкорлик йўқ, аммо уни гиж-гижлаш учун яна бир нималар дейишлари ҳам мумкин эди.

Умар ўрнидан турди, шаҳдам қадамлар билан уйига қараб йўл олди.

...

Ҳаббоб ибн Аратт Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларида шахсан у зотнинг муборак тилларидан эшитиб ёд олган Куръон оятларини атрофдагиларга етказиб ўргата бошлади.

Уша кунларда Тоҳа сураси тушган бўлиб, бир неча оятини тери парчасига ёзиб олган, самимий оилавий дустри бўлмиш Саид ибн Зайднинг уйига бориб, уларга ўргатишга киришган эди.

...

Нуайм ибн Абдуллоҳ йўлда Умар ибн Хаттобни учратди. У рўпарадан келарди. Қуллари қиличининг қинида, қадамлари шаҳдам. Титраб кетди.

— Йўл бўлсин, ё Умар?! — деди бир шумликни сезиб.

Умар кўзларидан учқун сачратиб, Нуаймга боқди ва мағрур бир оҳангда:

— Муҳаммадни улдиришга кетяпман! — деди.

Нуайм бошидан қайноқ сув қуйилгандай ҳис этди. Қалбига кирган титроқ тиззаларини-да қалтирата бошлади.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳни айтяпсанми?..

— Ҳа, худди шундай.

— Нега энди?

— Нега бўларди? У ота-боболарининг динидан юз ўтирди, маъбудларимизга тил теккизди, ақлли биродарларимизни аҳмоқликда айблади, Қурайшлар жамоасини тўзитиб юборди.

— Сен бу ишнинг уддасидан чиқолмайсан, ё Умар!

— Нега эплай олмас эканман?

— Нега деганда, агар бу ишни қилсанг, Бани Абдуманноф сени соғ қўймайди.

Умарнинг кўзларидан яна учқунлар сачрай бошлади. Дабдуруст қиличининг дастасига ёпишди ва:

— Тагин сен ҳам унинг йўлига кирганлардан бўлмагин?! — деди дағдага билан.

Нуайм қўрқиб кетди. Беихтиёр:

— Сен олдин ўзингнинг оилангдигиларни тийиб ол, кейин менга дағдага қилсан, — деб юборди.

Умар эсанкиради:

— Менинг оиламга нима қилибди?

— Синглинг Фотима билан куёвинг Саид...

— Ий-й, демак?..

— Ҳа, улар ҳам мусулмон бўлганлар.

Умар бир зум лом-мим деёлмай қолди, сўнгра қатъий қарорга келгандай:

— Дастлаб уларнинг таъзирини бераман! — деди.

Умар Саиднинг уйига яқинлашганида, ичкаридан аллақандай оҳангли овозларни эшитди. Яқинроқ келиб, қулогини динг қилди.

Бу бир бегона овоз эди.

Эшикни зарб билан тақиллатди.

Уйдагилар саросимага тушдилар. Фотима эшик томонга югурди. Очганида, акаси Умарга рубару келди.

— Хуш келибсан, акажон...

Умар ичкарига кирди, ён-атрофига аланглади.

— Ташқаридан эшитганим овозлар қанақа овоз эди?

— Узаро гаплашиб ўтирувдик. Бошқа нима ҳам буларди...

— Иккалангиз ҳам Муҳаммаднинг динига кирган эмишсиз.

Агар шу гап рост бўлса, мендан хафа бўлманглар.

Саид Умарнинг сўзларини кесди:

— Ё Умар, ҳақ диннинг нима эканини билиш пайти келмадимикан?.. Бутларга топиниш нодонлик эканини наҳотки тушунмасанг?

Бемаънилик... Умарга бундай дейишга Саиднинг қандай ҳақди сигди экан?! Дарҳол унга ўтирилди, қулочкашлаб бир мушт урди-да, ерга қулатди. Устига миниб олди. Фотима эрига ёрдам учун Умарни орқага тортган эди, у ҳам бир тарсаки еди. Бу тарсаки унинг юзларидан қон тирқиратди. Довдираб қолган Фотима бир мунча муддат жим қолди. Сўнгра Умарнинг қаршисига кўндаланг бўлди. Унинг томирларида ҳам Хаттобнинг қони оқар эди. Бир эмас, бир неча аёлга етиб ортадиган даражада жасоратли эди.

— Ҳа, ҳа, ё Умар, шунини яхши билгинки, биз ҳам мусулмон бўлдик. Ҳақ йўлга, саодат йўлига кирдик. Бутларга қул бўлишдан қутулдик. Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳ, — деди.

Фотиманинг юзидан оқиб кўксигача тушган қон... тарсаки зарбидан тинмайдиган аҳволга келган чеҳра... устига-устика, она арслон каби ҳайқирган овоз — булар Умарга қаттиқ таъсир қилди, уни ларзага солди. Бир аёл, қолаверса, жондан азиз сингисини аямай уриши тўғримиди?..

Саиднинг устидан турди. Чайқалиб бориб, бир бурчакка утирди.

— Ҳалиги ўқийтган нарсаларингизни беринг, бир кўрайин, — деди. Овози ўзгарган, шашти анча пасайган эди.

— Йўқ, — деди Фотима, — бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ.

— Нега?

— Чунки уни йиртиб ташлайсан.

— Қайтариб бераман.

— Ишонмайман.

Умар бирдан туриб кетди.

— Умарнинг сузи сўзидир, эй Фотима! Макка атрофларида ҳали ҳеч ким Умарнинг сўзидан қайтганини кўрган эмас. Отамнинг бошини ўртага қўйиб қасам ичаманки, Умар сўзидан қайтмас! Қани, энди бу ёққа олиб кел-чи, ўша ўқиганларингизни бир кўрай.

— Лекин у Оллоҳнинг каломи ёзилган топ-тоза саҳифадир. Сен эса мушриксан. Ҳеч бўлмаса, бир дафъа ювиниб кел.

Умар бу тақлифга рози бўлди. Таҳорат қилди, қайтиб келиб ўтирди. Фотима беркитган тери парчасини олиб, Умарга узатди.

«То, ҳа. (Эй Муҳаммад), Биз сенга бу Қуръонни қийналиб жафо чекишинг учун эмас, балки (Оллоҳдан) кўрқадиган кишиларга паңд-насиҳат бўлсин учун нозил қилдик. (У) ерни ва юк-сак осмонларни яратган зот томонидан нозил қилингандир. (У зот) Ўз аршини эгаллаган Раҳмондир. Осмонлардаги, ердаги ва уларнинг орасидаги ҳамда тупроқ остидаги бор нарса Унингдир».¹

Умар шу ергача ўқиди, бошини кўтармай, мингирлади:

— Жуда гаройиб-ку... Демак, бизнинг бу тангриларимизнинг ҳеч қанақа қадри йўқ экан-да?..

Бир муддат хаёлга чўмиб қолди, сўнгра яна ўқишда давом этди:

«Агар сен ошкора гапирсанг ҳам (ва ёки хуфёна гапирсанг ҳам, У зотга баробардир). Зеро, У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур. Оллоҳдан ўзга (ҳеч қандай) тангри йўқ. Фақат Унинг Ўзи бордир. Унинг учун энг гўзал исмлар бордир».²

Умар яна тўхтади, яна фикрга толди. Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ булса, у ҳолда Лот ким, Уззо ким, Хубал кимдир?.. Улар илоҳ эмасми?..

Бу фикр унинг миясидан яшин тезлигида ўтди. Аммо ётуқ бир нотик, мукамал бир адиб бўлган Умар энди ўзи ўқиётган илоҳий каломга бутунлай берилган эди:

«Сенга Мусо ҳақидаги хабар келдимиз? Эсла, у (узоқдан) бир оловни кўриб, аҳли оиласига: (Шу ерда) турунлар, мен бир олов кўриб қолдим, шоядки сизларга ундан бирон чўт олиб келсам, ёки шу ўт олдидан бирон йўл (кўрсатувчи) топсам», деди. Бас, қачонки у (оловнинг яқинига) келгач, «Эй Мусо» деган нидо эшитилди: «Мен сенинг Парвардигорингман. Энди кавушларингни ечгин. Чунки сен муқаддас Туво водийсидасан. Мен сени (пайғамбарликка) танладим. Бас, (ўзингга) юбориладиган ваҳийга қулоқ тут! Дарҳақиқат, Мен Оллоҳдирман. (Ҳеч қандай) илоҳ йўқ, фақат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўқис адо эт! Токи ҳар бир жон қиладиган сайъ-ҳаракати сабабли жазоланиши учун (қиёмат) соати албатта келгувчидир. (Лекин) Мен (қиёмат қачон қойим бўлишини) яширишни истайман. Бас, сени (қиёматта) ишонмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган кимсалар ундан тўсмасинларки, у ҳолда ҳалок бўлурсан...»³

Фотима билан Саид кўрқув ичида Умарни кузатиб турарди-

^{1,2,3} Тоҳа, 1-16.

лар. Ора-сира унинг зўр ҳайрат ила бошини сарак-сарак қилаётганини кўрдилар.

Бу орада Ҳаббоб ҳам бир жойга беркиниб олганча, нафасини ютиб, натижани кутар, «Оллоҳим, Ҳабиби Акрамининг дуосини қабул эт», дея тинмай ёлворар эди. Ҳозир бир жиҳатдан унинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган эди. Чунки агар иш чапсига кетгудай бўлса, Умар уни ҳам соғ қўймаслиги аниқ эди...

Ниҳоят Умар бошини кўтарди:

— Ута жозибали, таъсирчан калом экан бу, — деди.

Бу биргина жумла така-пука бўлиб турган юракларга ором бағишлади. Кўнгиллар тинчланди. Эркин нафас олина бошлади.

Ҳаббоб яшириниб турган жойидан чиқди.

— Ё Умар, фикримча, Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларининг дуолари қабул бўлганга ўхшайди. Чунки у зотни: «Оллоҳим, бу динга Умар ёхуд Амр билан қувват бер!» дея дуо қилаётган ҳолатда кўрган пайтларим бўлган, — деди.

— Оллоҳнинг Расули ҳозир қаерда?

Фотима жавоб берди:

— Агар бирон ишқал чиқармасликка сўз берсанг, айтамин.

— Қасам ичаман, унга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман!

— Жуда соз, улар ҳозир Арқамнинг уйидалар.

Умар Ҳаббобга ўтириди:

— Олдимга туш-да, мени ўша ёққа бошла, — деди.

Ҳаббоб ўрнидан турди. Умар яна қиличини қинига солди, биргаликда йўлга тушдилар.

...

Арқамнинг уйида ташқарини кузатиб турган киши шоша-пиша ичкарига кирди. Умарни белида қиличи билан келаётганини кўрди, деди. Юз ифодалар бир зум жиддий тус олди. Юракларда ҳаяжон туққини эса бошлади. Нигоҳлар саросимали.

— Умар яхши бир ният билан келаётган бўлса, марҳамат, кирсин. Акс ҳолда, уни ўзининг қиличи билан ўлдирамин!

Жиддий овоз эди бу. Бошлар бу сўзларни айтган кишига томон ўтириди: Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизнинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмуттолиб эди гапирган. Набийи Акрам (с.а.в.):

— Ичкарига таклиф қилинг, кирсин, — дедилар ва ўринларидан туриб кута бошладилар.

Умар кириб, ҳузури Набавийда тўхтади. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг ёқасидан тутдилар:

— Эй Хаттобнинг ўгли, сен умрининг охиригача шунақа бўлиб қолаверасанми?! — дедилар.

Сўнгра муборак юзларини кўкларга қаратиб, раҳмат илтижо қилувчи бир овоз билан:

— Оллоҳим, бу Хаттобнинг ўгли Умардир! Оллоҳим, Ислом динини Умар ибн Хаттоб билан қувватлантир! — деб ёлвордилар.

Ушбу воқеа гувоҳлари миқ этишмас, лекин энг самимий тилаклар билан ичларида чин юракдан «омин» дер эдилар.

Умар тиз чуқди. Шундай ҳолатда ҳам уртача бир одам бўйи келадиган Умарнинг боёгина учқун сачраб турган кўзлари энди Расулуллоҳга (с.а.в.) қарашдан уялгандек ер чизар эди. Дағал овози ўта даражада юмшоқ оҳангга ўралиб чиқди:

— Мен бу ерга мусулмонликни қабул қилиш учун келдим. Оллоҳга ва Расулига иймон келгираман.

Рисолат шоҳи Жанобимизнинг (с.а.в.) қалблари бир онда нашъага тўлди. Буюк Оллоҳ дуоларини қабул қилган, Умардек бир шахсиятни иймон келтириш учун оёғи тагига бошлаб келган эди. Балан овозла «Оллоҳу акбар» деб ҳайқирдилар.

Фахрул Мурсалининг (с.а.в.) хурсандчиликларига қолган мўминлар ҳам қўшилишди. Улар ҳам «Оллоҳу акбар!» деб қичқирдилар. Макка кўчалари бу такбир овозларидан титрагудай бўлди. Буюк Умарнинг Исломига киришини Сарвари Анбиё (с.а.в.) ва саҳобалар гуёки тўп отиш билан қаршилагандай бўлдилар.

Умарнинг юраги қаттиқликда тошларга ҳам дарс берар, уткирликда гавҳарни ҳам йўнишга қодир эди. Шундай одам Фахри Олам пайгамбаримизнинг дуолари ва раҳмат сувлари билан покланиб шаштидан қайтди. Йўлга буюк Пайгамбарни ўлдириш учун чиққан Умар шу онда Расулуллоҳ (с.а.в.) қошларида иймон келтириш учун тиз чуқади. Комил ишонч ила калимаи шаҳодат келтирди.

Бу ҳодиса мўминларга том маънода бир байрам бўлди. Ахир, шу кунгача номийёқ кўпларни зир титрагиб келган ашаддий душмандан қутулиб, бутун борлиги билан мақтаса арзигулик бир дўст қозонилаган эди.

Дин у билан азиз бўлажак, қувват ва шараф топажак эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг мусулмон бўлиши учун даргоҳи аҳадийатга ёлвориб неча бор дуо қилган улут инсон эди у. Кйшлик тарихида унинг бу шарафига шериклаша оладиган иккинчи бир шахс бўлмаган ва бўлмас ҳам.

Уша кунларда Умар уттиз тўрт ёшлар чамаси бир паҳлавон йигит эди.

Умар кетгач, жонини ҳовучлаб қолган Фотима бир неча соат ташвишга кўмилиб ўтирди. Ажабо, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қаерда эканликларини айтиб хато қилмадиммикан, деб уйлар, сўнгра акасининг бир сўзли мард йигит эканини эслаб, кўнглига таскин берар эди. Шу пайт қулоғи олисдан такбир овозларини эшитди. Яқинлашган сари овозлар баладлашди. Бир тўда одамлар «Оллоҳу акбар!» деб бақирешар, кўчалар ларзага келган эди.

Нималар бўлаётганини билиш учун ташқарига чиққанлар яқин атрофда эътиборга лойиқ ҳеч нимани кўрмай, уйларига қайтиб кириб кетдилар.

Кечга яқин Фотима акасининг мусулмон бўлганини эшитиб, севинчидан телба бўлиб қолаёзди.

Арқам ибн Абул Арқамнинг уйи уша куни катта бир байрам севинчига тўлди. Буюк бир мўъжиза, хушхабар эди бу. Энди мусулмонлар буюк Умар воситасида Оллоҳнинг ёрдамига сазовор бўлажак, ҳузур-ҳаловат топажаклар. Мусулмон бўлганидан бери ҳеч бир мўмин бунчалик севинганини эслай олмасди.

Умар у ерда Расулуллоҳ (с.а.в.) тилларидан Ислом динининг ҳукмларини тинглади. Пайгамбар (с.а.в.) дона-дона қилиб гапирар, ҳақдан ва ҳақиқатдан сўзлар, инсоннинг ақлига не даража бўлса, руҳиятига ва қалбига ҳам шу даража хитоб этар эдилар. Ҳар бир сўзлари Умарнинг ички дунёсини поклади, куфр ва ширкка тўла қалби иймон ва Ислом нури ила йўғрилди.

— Ё Набийаллоҳ, биз ҳар жиҳатдан ҳақ ва чин динга кирдик, шундай эмасми?

— Шундай.

— У ҳолда нима учун бу ерга яшириниб утирибмиз? Сизни ҳақ дин билан жўнатган Оллоҳга қасамлар бўлсинки, мени ҳамон мушрик деб билувчи ҳар мажлисга бориб мусулмонликка кирганимни очиқ айтаман!

Умар Расулуллоҳ (с.а.в.) билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

Эртаси куни тонг саҳарда Абу Жаҳлнинг эшиги тақиллади.

— Умар ибн Хаттоб келди, — деб хабар бердилар.

Абу Жаҳл урнидан сапчиб турди. Қизиқарли бир хабар эшитишига ишончи комил эди.

— Марҳамат қил, ё Умар, хуш келибсан, жиян, — дея қаршилади.

— Мени ичкарига таклиф қиласан деб ўйламайман, ё Амр.

— Нимага энди, ё Умар? Эшигим сен учун ҳар доим очиқ.

— Мен Оллоҳдан ўзга ҳеч бир илоҳ ва маъбуднинг йўқлигига ҳамда Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Оллоҳнинг бандаси ва расули эканлигига иймон келтирдим. Сенга ушбу хушхабарни маълум қилиш учун келдим.

Абу Жаҳлнинг тўсатдан авзойи ўзгарди:

— Гапларинг жиддийми, ё Умар?! — деб дудуқланди. Миясига бир нарса қаттиқ урилгандай бўлган эди.

Умар унга жавобан:

— Ашҳаду ан-ла ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳ, — дейиш билан чекланди.

Абу Жаҳлнинг бир зумда қовоқ-тумшуги осилиб кетди.

— Оллоҳ сенинг жазоингни берсин, келтирган хушхабаринг бошингдан қолсин! — деди-да, зарб билан эшикни унинг юзига ёпди.

Шу тариқа орада мавжуд бўлган қариндошлик ва дўстлик алоқалари ҳам узилди. Йўллар ажралди. Абу Жаҳл газаб ва кин ҳирси билан уйига кириб кетди, Умар ҳузур ва завқ ҳисси билан йўлида давом этди.

Қўли қиличининг қинида, ҳар он жанжал чиқиб қолса, оти-лишга ҳозир, кўзлари, ўтқир нигоҳлари унга қараганларнинг

юракларини тилка-пора қиладиган бу мард инсон, мўминларга зулм қилинаётир, деб эшитган ҳар бир куча, ҳар бир бурчакни заррача ҳам қўрқмай айланиб чиқди. Қайси мажлисга борса, қаерда бир тўп мушрикларни учратса, ўша ерда тўхтади ва шаҳодат калималарини бақира-бақира сўзлади, сўнгра уларнинг бунга жавобан муносабатларини кутиб турди.

— Кеча уни ўлдиришга қасд қилган эдинг-ку, ё Умар?! — деди бирови.

— Тўғри. Бироқ ҳақ динни у келтирганига ишондим ва мусулмон бўлдим.

— У ҳолда бундан буён биздан узоқ юр.

— Узоқ юрмасам нима бўлади?..

Бошқа киши бўлганида, бу саволнинг жавоби тайёр эди, аммо уни Умарга қарши айтиш мушкул эди. Бундай пайтлари мушриклар жим бўлиб қолар, бошлари эгилар эди.

Хабар яшин тезлигида бутун Маккага тарқалди. У қаерга отланса, ҳали етиб бормасидан унинг мусулмон бўлгани ҳақидаги хабар борарди.

Ниҳоят гавжум бир жамоа қаршисида яна шаҳодат калималарини келтирар экан, олдиндан тайёргарлик кўриб қуйганлар устига ташландилар. Шиддатли бир тўполон ур-сур бошланди. Умар қаршисига ким келса, бир уришда йиқитар, бир зарба билан сафдан чиқарар эди. Аммо бунча одамга қарши узоқ вақт бас келиши маҳол эди. Секин-секин мағлубияти яқинлаша бошлади. Шунда бирдан:

— Нима гап, нима тўполон?! — деган бир овоз эшитилди.

Бу Ос ибн Воилнинг овози эди.

— Умар динини ўзгартирбди, — дедилар.

— Ўзгартирса, сизнинг ишингиз нима? Одам чин юракдан истаб бошқа динга кирибди, хўш, нима бўпти? Қани, тез тарқалинлар-чи?

Бу сўзлар таъсирини кўрсатди, жанжал тугади. Йирилганлар бирин-бирин тарқалдилар.

...

Орадан бир неча кун ўтди.

— Ё Расулulloҳ, ташқарига чиқайлик, мушрикларга Ислоннинг қудратини намойиш этайлик. Каъба ёнида намоз ўқийлик.

Пайгамбаримиз бу таклифга рози бўлдилар. Мусулмонлар икки қатор бўлиб тизилдилар. Бир сафнинг бошида Умар ибн Хаттоб, иккинчисининг бошида Ҳамза ибн Абдулмуттолиб юра бошладилар... Шаҳдам одимлар билан Каъба томон йўл олдилар.

Бундай вазиятга мушриклар илк бор рўбарў бўлаётган эдилар, шу боис уларни ҳайрат ичида, ҳаяжон ила кузата бошладилар. Эшикларидан мўралаб қараганлар шу кунгача эгик ҳолатда кўришга одатланган бошларни энди типпа-тик ҳолда кўрдилар. Қўрқув тўла боқишлар ўрнини завқли, хотиржам нигоҳлар эгаллаган эди.

Масжиди Ҳарамда тўхтадилар. Умар ўзларини қизиқиш ва адоват ила кузатаётганларга ўгирилиб, баланд овозда ҳайқирди:

— Шу ерда ибодат қиламиз, намоз ўқиймиз. Жони ширин булганлар биздан узоқ турсин. Болаларини етим, хотинларини бева қолдирмоқчи булганлар эса, бизга қарши чиқаверсин!..

Афзали анбиё (с.а.в.) имомликларида шу ерда намоз ўқилди. Ҳеч ким яқинлашишга журъат қилмади.

Намоз тугагач, тарқалишди.

Муминларнинг кунглида байрам сурури. Шундай натижани неча йиллардан бери орзиқиб кутдилар. Яқин кунларда Ҳазрати Абу Бакрнинг қистови билан кўчага чиққанларида мағлуб булган эдилар. Аммо бутун... Ҳеч қандай қор-қол юз бермади, бир кимса лом-мим ҳам дея олмади.

Утба дейсизми, Валидми, Абу Суфёнми — ҳамма-ҳаммалари бу саҳнанинг томошабини булишдан нарига утолмадилар. Умарнинг нигоҳидан олов чақнатиб қилган таҳдидига жавобан «бе-корларни айтибсан», дея олмадилар. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) «Ё Робб, бу динни Умар ибн Хаттоб ёки Амр ибн Ҳишом билан азиз қил», деб ўқиган дуоларининг илк меваси шу зайлда олинган эди. Мушриклар устидан қозонилган илк зафар эди бу.

Бир пайтлар Абу Зарр мусулмон булгани ҳақида мана шу масжидда жар солган, аммо бунинг эвазига ўлгунча дўшослашиб, Аббоснинг ёрдами билангина ўлимдан зўрга қутулган эди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ушбу масжидда мушрикларни Қуръонни эшитишга мажбур этган, сунгра у ҳам роса калтакланган эди.

Ҳазрати Абу Бакр ҳушидан кетгунча, бурни юзидан ажралмайдиган ҳолга келгунча мазкур масжидда дўшосланган эди.

Аммо Умарга қарши ҳеч ким лом-мим деёлмади. Буюк Пайгамбаримизнинг дуою илтижолари мана шу зайлда ўрнини топти, мусулмонлар илк бор эркин нафас олишга муваффақ бўдилар. Бундан буён Умар Маккада яшар экан, қўлларини у ёқдан-бу ёққа соялаб бемалол юражак, бозор-учарга боражак, очиқчасига намоз ўқиб, Қуръон тиловат қилажак эди, аммо Абу Жаҳл унга «ортиқ ҳаддингдан ошма» дейишга журъат қилолмасди.

Яккама-якка олишув

Рукона ибн Язид бир куни Маккадан ташқарида айланиб юрганида, Расулуллоҳни (с.а.в.) кўриб қолди.

«Бу қулай бир тасодифми ёки фожияларнинг бошланиши-ми?» деб ўйлади. Ёлғиз эди. Ёнида унга ёрдам берадиган ҳеч кими йўқ эди. Яккама-якка бир олишиши ёки индамасдан ўз йўлида давом этиши мумкин эди. Аслида, бир неча кишини бирдан йиқитишига Руконанинг ишончи комил эди. Аммо... кўкдаги ойни ҳам ҳукмига юргизган сеҳргарга бир нима қилиб буларми-ди?

— Эй Рукона, Оллоҳдан қурқмайсанми? Сени даъват қилаётганим ушбу динга кирмайсанми?

— Сенинг пайгамбар булганингни билсам, сўзлаётганларнинг рост эканлигига ишонсам, ҳеч иккиланмай қабул қилардим.

— Жуда соз, сен билан кураш тушиб, елкангни ерга ишқала-сам, пайгамбар эканлигимга ишонасанми?

Рукона муштумини тутди. Энди бундай таклифни рад этиб бўлмасди.

— Мен розиман.

— Хўп, у ҳолда курашамиз.

Рукона фақат мана шу йўл билан ниятига эришиши мумкин эди. Ушбу қулай фурсатдан оқилона фойдаланса, мислсиз бир ишнинг уддасидан чиққан бўларди.

Бир-бирларининг елкаларидан тутдилар. Расули Акрам (с.а.в.) уни бир силтагандаёқ йиқитдилар, елкасини ерга ишқаладилар.

Рукона қаршилиқ кўрсатишга ҳам улгурмай қолди. Нима бўлганини ҳам ҳали англаб етмасдан, зўрга ўрнидан турди:

— Ё Муҳаммад, яна бир марта курашайлик, — деди.

Бекорга бундай демаган эди у. Чунки рақибининг осонгина бундай бир натижага эришганини ҳатто тушида кўрса ҳам ишонмасди. Назарига илмади, аҳамият бермади ва шу бепарволгининг жазосини аччиқ мағлубият билан тотди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу таклифни қабул қилдилар. Рукона жуда ҳам суюниб кетди. Бу дафъа унинг елкасини қаттиқ ушлади ва албатта голиб бўлиш иштиёқида аёвсиз сиқди. Аммо кўз очиб-юмгунча бўлмай, яна ерга йиқилди. Ҳеч нарсани тушунмай қолди, қандай энгилганини ҳам фарқлай олмади. Шарманда бўлган эди. У ёқ-бу ёқда, кўпчиликнинг орасида «Рукона билан кураш тушдим, бир эмас, кетма-кет икки марта мағлуб этдим», дейиши мумкин эди-да. Энди Қурайш орасида кўкрак кериб юриш унга ҳаром бўлдимми?

— Яна бир курашсак, дейман, розимисан, эй амакимнинг угли?

Бу таклиф ҳам қабул қилинди. Учинчи марта елкалар туташди. Рукона курашга бурондек отилди. Қарори қатъий эди. Аммо бу ҳам ёрдам бермади, бир зумда яна ерга қулади. Ҳеч эътирозга ўрин йўқ бир ҳақиқат шундан иборат эдики, баҳайбат бир полвон кичкина бир болани қандай қилиб тўпдек иргитса, худди шундай бўлган, Рукона нафасини ростлагунча ерга ағанаб тушган эди...

Тўртинчи марта яна курашни таклиф этишга андиша қилди. Уни енга олмаслигига юз эмас, беш юз фоиз ишонган эди. Ўрнидан турди.

— Мен гувоҳлик бераманки, эй Муҳаммад, сен тенги йўқ бир жодугар экансан. Худо ҳаққи, ушбу ўртамизда бўлиб ўтган кураш ҳам ақл бовар қилмайдиган ишдир, — деди.

— Хоҳласанг, бундан ҳам гаройиб ҳодисани кўрсатаман сенга.

— Кўрсат! — деди Рукона.

Пайгамбар (с.а.в.) олдида турган бир дарахтга қарата хитоб қилдилар:

— Олоҳнинг изни билан ёнимга кел!

Рукона кўзларига ишонмай қолди. Ер ёрилган, дарахт худди

тупроқ остидан юриб келаётгандай илгарилар эди. Дарахт утиб бўлган жой ўша заҳотиёқ яна асл ҳолатига қайтарди. Келди, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қаршиларида тўхтади.

Рукона тушимми-унгимми дегандек бармоқларини тез тишлаб кўрди. Уйгоқ эканлиги бешак, аммо ҳозир қаршиларида турган дарахт бир неча дақиқа олдин юз қадамча нарида тургани ҳам ҳақ эди. Сарвари Оламга (с.а.в.) утирилди:

— Чин қалбимдан ишонч билан айтаманки умримда бундай сеҳрни кўрмаганман. Энди бу дарахт ўз жойига қайтсин-чи.

Рукона кўрган бу мўъжизасининг қадрини билмасди, яхшиликка йўлмади, Оллоҳнинг қудрати ҳақида уйлашни ҳам истамасди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга ачиниб қарадилар. Сўнг дарахтга утирилиб: — Оллоҳнинг изни билан ўз жойингга қайт, — дедилар. Дарахт келган ерига кета бошлади. Бориб, аввалги жойига урнашди.

Рукона у ердан том маънода мағлуб ва паришон бўлиб қайтди. Мушрикларнинг ёнига бориб, шундай деди:

— Сизлар Муҳаммаднинг ёрдами билан бутун дунёни қошларингизда тиз чўктирсаларингиз бўлади. Мен ундан кура нафаси ўтқирроқ жодугарни умрим бино бўлиб кўрган эмасман.

— Нима бўлди, эй Рукона?! — деб сўрашди мушриклар.

Рукона бўлиб ўтган воқеани бир бошдан сўзлаб берди.

Бир куни саҳобалардан бири:

— Ё Оллоҳнинг расули, жоҳилия даврида қилган хатоларимиз, гуноҳларимиз учун ҳам жавобгар бўламизми? — деб сўраб қолди.

Даврада утирганларнинг кўнглидаги савол эди бу. Ҳар бирларининг ўша даврда озми-кўпми хатолари, гуноҳлари бор эди. Бу хотираларнинг аксариси аламли, одамни уялатирадиган эди.

Айниқса, Умар ибн Хаттобнинг бутун вужуди титраб кетди. У қилган гуноҳларнинг сон-саногини йўқ. Бир неча йилдан бери мўмин-мусулмонларга етказган азиятларининг ўзиёқ бошқа ҳисобга эҳтиёж қолдирмайдиган даражада эди.

Ҳамма Расулуллоҳнинг (с.а.в.) жавобларини таҳлика ичра кута бошлади. Ниҳоят, жавоб янгради.

— Исломга киргандан кейинги ҳаётини соғлом тарзда кечирган киши жоҳилия давридаги ҳаёти учун жавобгар бўлмайди. Аммо мусулмон бўлгандан кейин ҳам гуноҳда давом этса, олдинчилари учун ҳам жавобгар бўлади.

Иродасини яхшилик йўлда қўллай олган мўминлар учун ажойиб бир хушxabар эди бу. Оллоҳнинг чексиз раҳмат ва марҳамати иймон келтирган ва иймонига содиқ қолиб солиҳ амаларни бажарувчиларни шу залда мукофотлар эди.

Аммо бу муждани эшитса ҳам, Умар астойдил: «Энди ҳамма нарса бошидан бошланар экан, хотиржам бўлсам ҳам бўлаверар экан», дея олмас эди. Масалан, дод-фарёд ичида тириклайин тупроққа кўмилган қизи ва ҳолдан тойгунча калтакланган кишилар нима бўлади? Бу ишлари беқиёс бир зулм эди. Бу зулмининг

асорати Оллоҳга сажда қилувчи инсонларнинг юзларида, куксида, юрагида ҳануз армон бўлиб, доғ бўлиб турарди. Уларни рози қилган бўлса ҳам, ўртада ўртанаётган виждон бор. Бу виждон азобидан кутулиш осон эмас...

Муминлар унинг Исломига киришини улкан неъмат ва давлат деб баҳоладилар. Унинг ҳимоясида ўзларини бемалол ҳис этиб, борадиган жойларига унинг ёнида хотиржам, ҳеч нарсадан қўрқмай борадиган бўлишди. Ўзининг уларга фойдаси тегаётганини кўрган Умар ҳам бундан фахрланар, Роббига ҳамду сано-лар, шукроналар келтирар эди...

Баъзан кечмиш кунларини хотирлар эканлар, сафар чоғида лой ё шунга ухшаш нарсалардан бут ясаб сигинганликларини гапиршиса, у ҳам қўшнииб кулар, ақл бовар қилмайдиган бемаъниликларга қандай йўл қўйганликларини ўйлаб ҳайрон қолар эди.

...

Маккалик мушриклар юзага келган жиддий вазиятдан асло мамнун эмасдилар. Иш тобора чаппасига кетаётган эди.

«Юдузлар келсин, уйларимизнинг томларига қўнсин, сенинг пайгамбар эканингни тасдиқлашсин...» дейишга ортиқ журъат этолмасдилар. Бу талабни ҳам бажара олишига энди шубҳа қилмасдилар.

Ҳанузгача Рукона Оллоҳнинг қудратини тан олмас, бўлиб ўтган воқеаларни эса, бошқача талқин қилар эди.

— Уч марта кетма-кет елкамни ерга ишқалади. Манот ҳаққи, қандай йиқитганини ҳам илғамай қолдим. Дарахтни оддимизга чорлаганида: «Қани, Руконанинг устига юр», деб юборса-я, деб жоним халқумимга тикилади. Азбаройи кўрқиб кетганимдан дарахтни ўз жойига қайтаришини илтимос қилдим. Отамнинг беши билан қасам ичаман, юдузларни ерга тушир десангиз, буни-нг ҳам уддасидан чиқади, — дер эди.

Утба ибн Робиа сўз олди:

— У бизнинг кучимиз етмайдиган бир каломга суяняпти. Дарҳақиқат, ўша каломга ухшаш бир каломни ҳеч бир адиб ё шоирдан эшитмадик. Бизга муносиб бўладиган иш шундан иборатки, биз ҳам унга илмий бир устиворлик билан жавоб берайлик, шу йўл билан уни мағлуб этайлик. Унга ҳеч қачон жавобини топа олмайдиган саволлар билан мурожаат қилайлик.

— Жуда соз, зўр гапларни гапирдинг, аммо бизда илм нима қилсин?

Утба ўйланиб қолди.

— Бунинг осон йўли бор, — деди. — Ясрибга борамиз, у ерда яҳудий олимлари бор. Улар билан учрашиб, ёрдам сўраймиз. Улар чуқур билимга эгадирлар. Менимча, энг маъқул йўл мана шудир.

Бу фикрга эътироз билдирувчилар булмади. Нодир ибн Ҳорис билан Уқба ибн Абу Муойт мана шу вазифага тайинландилар. Қисқа вақт ичида йўлга ҳозирлик кўргач, туяларига миндилар.

— Аммо қаттиқ ҳушёр бўлинглар, — деди Абу Жаҳл. — Улардан саволларни ва жавобларини эшитаётганингизда, ёнингизда зинҳор кимса бўлмасин. Акс ҳолда, жавоблар сизлардан олдин Муҳаммаднинг қулогига етиб келиши мумкин. Бундан ташқари, у ерни тарк этгач, тилингизга маҳкам бўлинглар. Оғзибўшлик қилиб, сир бой бериб қўйманглар тагин. Маккага иложи борица тез етиб келишга ҳаракат қилинглар.

— Хуш, хуш қолинглар.

— Соғ бориб, саломат қайтинглар.

Бир неча одим юрилагач, Нодир туясини тўхтатди:

— Сизлар ҳам бу ерда тилларингизга маҳкам бўлинглар. Оғзиларингиздан гулаб қўйманглар ниятимизни.

— Шундан сўнг Нодир яна туясига қамчи урди. Нега кунлар давом этадиган бу сафар кимнинг галабаси билан тугар экан, ажабо?..

...

Давс қабиласининг машҳур шоири Туфайл ибн Амр бир иш билан Маккага келди. Маккада анча-мунча танишлари, дўст-биродарлари бор эди.

Машҳур шоир иззат-икром билан кутиб олинди. Ҳол-аҳвол суралди. Зиёфат чоғида «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ исми бир жодугар пайдо бўлди, дуч келган одамни жин ургандай узига сеҳр-жоду қилиб олаётибди, деб уқтирилди. Бир қатор мисоллар келтирилди. Унга ким қулоқ солса, тузогига илинишлари муқаррар эканлиги, шу боис қадамни уйлаб босиш, ҳушёр бўлиш кераклиги таъкидланди.

Бу мавзуда Туфайл жуда кўп гап эшитди. Бошқа бир мажлисда ҳам шу хусусдаги суҳбатга дуч келди.

Оқибатда Туфайл ибн Амр, яна тўсатдан дуч келиб қолсам, билмасдан биронта гапини эшитиб тузогига тушиб қолмайин тагин, деб қулоқларига пахта тиқиб олди. Макка кўчаларида шу тахлитда айланиб юрди.

Ишларини битирди. Танишлари билан куришиб суҳбатлашди, эртаси кун тонг саҳарда Масжиди ҳарамга борди. Бу даргоҳ маккаликларнинг ҳам ибодат қиладиган, ҳам у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирадиган жойи эди.

— Ана, келяпти, — дедилар.

Туфайл қаради. Барваста бир киши виқор билан юриб келарди. Чехрасидан нур ёғилар, кишига ишонч багишлайдиган бир кўринишдаги одам эди. «Бундай ёқимли одамнинг жодугар бўлиши бир оз галатироқ эмасмикан?» деб хаёлидан кечирди.

Туфайл қараса, узидан бошқа ҳеч кимнинг қулогига пахта тиқилмаган. «Дунёдаги энг аҳмоқ одам эмасман, нега энди бошқалар қўрқмаган кишидан мен қўрқишим керак? Улар узини олиб қочмаётган кишидан мен чекинишим керакми? Ақл-хушим жойида, ирода қўлимда, қани, бир эшитиб кўрай-чи, нималар дер экан. Ёқса қабул қиламан, ёқмаса, ҳеч ким мени қабул этишга зўрламайди...»

Туфайл қулоқларидан пахтани олиб улоқтирди, Муҳаммаднинг сўзларини диққат билан тинглай бошлади.

Ҳали ҳеч ким эшитмаган, эшитолмайдиган ғаройиб эди бу сўзлар! Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг чеҳраси нақадар нуроний ва гўзал бўлса, бу калом ҳам шундай гўзал, мукамал ва жозибали эди.

Бу сўзлар сеҳр-жоду эмасди. Туфайл машҳур шоир сифатида Арабистонни кезиб чиққан, тажрибаси етарли. Сафар чоғида жодутарлар билан ҳам учрашган, уларнинг бемаъни, тутруқсиз гапларини эшитган. Аммо бу сўзлар зимнига ўзига хос бир мукамаллик яширинган эди. Ҳар қандай зўр адиб, оташин шоир ҳам бу калом қаршисида довдираб қоларди. Туфайл шу кунга қадар ўқиган энг таъсирчан байтларни эслашга уринди. Шундан кейин зеҳнидан Ибраула Қайс, Торофа, Зуҳайр, Амр, Онтара, Лабид, Ҳорис, Хонса, Оъша, Набига каби донги кетган шоирларнинг энг зўр шеърларини бир-бир ўтказди. Улар шеърят чўққисини забт этган энг илғор шоирлар эди, аммо уларнинг шеърлари, нутқлари ҳозир тинглаётгани бу калом қаршисида жун бир нарса бўлиб қоларди.

Бир муддатдан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) масжиддан чиқиб кетдилар. Туфайл ҳам изларидан йўлга тушди. Набийи Акрам уйларига етиб келганларида, Туфайл у зотни тўхтатди. Аввал ўзини танитди, сўнгра шундай давом этди:

— Ё Муҳаммад, қавминг сени менга бошқача қилиб танитди. Сеҳр жодусига мубтало бўлмагин тагин, деб огоҳлантирди. Шундай ёмонлашдики, натижада қулоқларимга пахта тиқиб олишдан ўзга чора топмадим. Бироқ барибир қизиққонлигим тутиб, каломингни тинглашга қарор бердим. Мукамаллигига қойил қолдим. Шунинг учун изингдан эргашиб, шу ергача келдим. Энди менга келтирган динингни тушунтир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Туфайлни ичкарига такаиф қилдилар. Ислом динининг асосларини тушунтирдилар; Оллоҳнинг каломидан ўқиб бердилар. Туфайл ҳидоят имоми бўлмиш Расулуллоҳнинг сўзларини тинглагандан сўнг фикрини шу тарзда баён этди:

— Худо ҳаққи, ушбу диндан кўра ҳақ дин, ўқиганингдан кўра устун бир калом бўлмаса керак. Мен сенинг динингга кирман.

Туфайл шу тариқа неча йиллардан бери бутун ўзлигини асоратда сақлаб келган бутпарастлик кишанларини узди, қалбини Оллоҳ ва расулига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатдан бошқасига урин қолдирмайдиган тарзда поклади, калимай шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди.

— Ё Расулуллоҳ, мен қавмим орасида баобрў, эътиборли кишиман. Ҳозироқ юртимга қайтиб, уларга Ислом динини тушунтираман. Фақат, сиздан Оллоҳга дуо қилиб туришингизни ва менга қавмимни ишонтиришга қодир бир оят беришини сўрашингизни утинаман.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Оллоҳим, унга далил бўлажак бир ояти карима бер, — деб дуо қилдилар.

Туфайл саодат йулининг улуг йулбошчиси билан хайрлашди ва юртига жунади. Маккада ҳеч ким, энг яқин мушрик биродарлари ҳам унинг мусулмон бўганини билмай қолавердилар.

Нодир ва Уқба бир неча кунлик йул азобидан сунг Ясрим хурмозорларига етиб келдилар.

Шаҳарда бир муддат сайр қилдилар, ун-чални кездилар. Қайнуқоъ, Назир, Қурайза қабилаларининг яҳудийлари билан учрашдилар. Ниҳоят, яҳудийлар орасида билимдонлиги билан танилган энг зукко бир-икки кишига дардларини очдилар, мақсадларини тушунтирдилар.

Бу одамлар чиндан ҳам уқимишли, кўпни кўрган кишилар экан. Улардан бири шундай деди:

— Сизларга учта саволни жавоблари билан баён қиламиз. Бу саволларга пайгамбардан булак ҳеч ким тўғри жавоб қила олмайди. Агар бу саволларга тўғри жавоб қилса, ҳеч шубҳаланмангки, у асл пайгамбардир, унинг йулига киринг ва унга итоат қилинг. Жавоб бермаса, сохта пайгамбарлиги аён бўлади. У ҳолда бунга қарши қандай иш тутиш ўзларингизга ҳавола.

Нодир билан Уқба бу учрашув ва суҳбат ораларида сир бўлиб қолишини илтимос қилдилар. «Чунки у шундай чапдаст жодутарки, шивир-шивирдан ҳам бир зумда хабар топади», дедилар. Шундан кейин туяларига миндилар, «Қайдасан, Макка?» деб йулга тушдилар.

Бу орада ос ибн Воил Расулуллоҳнинг (с.а.в.) утил фарзандлари йўқлигини улкан бир иллат сифатида оламга ёя бошлаган эди. Бир мажлисда сўз олар экан, шу фикрни ўртага ташлади:

— У абтардир, — деди.

«Абтар» дегани насли давом этмайдиган, зурриётсиз бир киши маъносини билдиради. Қиз фарзандга зигирча ҳам аҳамият бермайдиган, авлод фақат эркак фарзанд воситасида давом этади, дегандек бемаъни ишончга мубтало бўлганлар учун бу воқелик катта бир қусур ҳисобланиши табиий эди. Аммо ўзидан кейин инсонлар орасида раҳмат билан эслашга арзигулик ҳеч нарса қолдирмаган, ўлгандан кейин ҳам лаънатланадиган бадбахтлар асл абтарлар эмасмикан?

Оллоҳ пайгамбар қилиб жунаттан шарафли бир инсонга тап тортмай лой чаплашлик гирт абтарлик эмасми?..

Бу фикр мушрикларга жуда хуш ёқди. Қаерда мусулмонларни кўриб қолсалар, «Пайгамбарингиз абтардир», дея шилқимлик қиладиган бўлдилар. Мўминларнинг қалблари қаттиқ озорланди.

— Нега энди? Гулгунчадек қизлари бор, ушалар билан давом этади наслари. Қолаверса, у зот хотираларда мангу яшайдилар, — деб жавоб берардилар.

Тез орада Жаброили Амин Расулуллоҳга (с.а.в.) Роббул Ола-

мийндан салом келтирди. Гам-қайғута берилмасликни, гамгин бу-
лишта бошқалар лойиқ эканлигини ёдига солди.

«Албатта, Биз сизга Кавсарни ато этдик. Бас, Сиз Парварди-
горингиз учун намоз ўқинг ва (жонлик) сўйиб қурбонлик қилин-
г! Албатта, сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилган-
дир, (яъни, беному нишон йўқ бўлиб кетгувчидир)!»¹

Мўминлар бу сурани ўқиганларида мушриклар ўзларни
қўярга жой тополмай қолдилар. «Яхшиямки бу фикр мenden
чиқмабди», тарзидаги уй-хаёллар билан овунишга уриндилар.
Нима бўлса ҳам, куп йиллик тажрибалари бор: айтган гаплари
ҳар доим аини тарзда рўй беришига шу қадар одатланган эди-
ларки...

Бироқ «абтар» лақабини ўртага ташлаган кимса бор. Бир
мажлисда ушбу оятлар тўғрисида баҳс очилдию:

— Муҳаммад ҳам сени абтарликда айблади, — дейилди.

Ос ибн Воил сир бой бермаган киши бўлиб, елкаларни қи-
сиб қўяқолди. Аммо нақ нишонга отилган ўқ каби, қалбига му-
ҳрланган бу сўзларнинг таъсиридан қутулиш осон эмасди. Буни-
си хамир учидан патир эди, холос. Дунёда абтарлик сари таш-
ланган илк одим эди унинг учун. Асрлар ўтиб ҳам у кишилар
томонидан лаънатланажак, ниҳоят, буюк ҳисоб кунда туртина-
суртина юзига чаплаган шу тамга билан илоҳий даргоҳга бора-
жак.

...

Туфайл манзилига яқинлашиб келганда, бирдан сесканиб
кетди. Олди бирдан ярақлаб кетди. Аввалига юз берган ҳодисани
ҳеч тушуна олмади, сўнгра бу нарса пенонасида ярқираб тур-
ган бир нур эканлигини пайқади. Султони Анбиё ҳазратларини
эслади.

— Оллоҳим, қавмим мени бу ҳолатда кўрса, балки ёқтирмас,
уни бошқа бир жойимга муҳрла, — дея илтижо қилди.

Бу дафъа ёғду қўлидаги ҳассасига тушди. Олдини бемалол
қуриб турар, ҳассани қайси томонга ўтирса, ўша томон ёришиб
кетар эди.

Туфайл шу зайлда қабиласига кириб борди. У келар экан,
йўл давомида унга ҳамроҳ бўлиб келаётган зиёни қабилла аҳли
ҳам кўрди.

Туфайл ўша кеча отаси ва хотинига Ислом дини ҳақида
сўзлаб берди. Иккаласи ҳам ҳеч тарадудланмай иймон келтир-
дилар.

Шундан кейин Туфайл қавмини даъват этишга чиқди, аммо
ҳеч бир натижага эришолмади. Ҳақ ва энг тўғри дин шу диндир,
бутлар сизларни ҳеч қандай азобдан қутқара олмайди, деса ҳам,
унга қулоқ солгувчилар бўлмади. Жаҳли чиққан Туфайл қавми-
нинг устидан шикоят қилиш учун яна Маккага йўл олди.

¹ Ал-Кавсар сураси.

Ясрибга кетган Уқба билан Нодир Маккага қайтдилар.

Абу Жаҳд, Утба, Валид сингари уч-тўрт киши йигилган мажлисда бор гапни сўзлаб бердилар. Яҳудийлар ургатган саволларни қайтардилар. Шундан кейин Расулуллоҳга (с.а.в.) хабар жунатдилар. Набийи Акрам (с.а.в.) келганларида:

— Сендан баъзи нарсаларни сўрамоқчимиз, — дедилар.

— Марҳамат, эй Нодир.

— Бизга гордан паноҳ топган йигитларнинг ажойиб ҳоллари ҳақида сўзлаб бер. Шарқдан Ғарбгача дунёни кезиб саёҳат қилган улуг ҳукмдор ҳақида хабар бер ва руҳнинг моҳиятини тунтириб бер.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Сизларга бу нарсалар ҳақида эртага маълумот бераман, — дедилар ва у ердан чиқиб кетдилар.

Жаброили Амин ушбу саволларнинг жавобларини албатта келтиради, деб умид қилардилар. Аммо оқшом тушди ҳамки, Жаброил келмади. Иккинчи, учинчи кун ҳам Жаброилни кутиш билан ўтди.

Мушриклар севинчдан териларига сигмас эдилар. Эртага деган эди, аммо, мана, бир ҳафтадирки, ҳануз жавоб бера олмаяпти, деб маломат қила бошладилар.

— Ҳа, нима бўлди «пайгамбаримиз»га?..

— Ҳали ҳам жавобларини тартибга солиш билан бандмилар?..

— Энди ёлгонлар ниҳоясига етди. Бу сафар енгилдингиз.

Муминлар бу истеҳзою киноялар тўла мазахларга жавобан:

— У бир пайгамбардир. Оллоҳ нима деса, шуни қилади, — дейиш билан кифояланардилар. Аммо одоб-ахлоқ ва тарбиянинг кучасидан ўтмаган, қунол, шартаки мушриклар гап уқмас эдилар.

— Энди Муҳаммаднинг ҳийла-найранглари ўтмайди, — деб завқланардилар.

Нодир ибн Ҳорис билан Уқба ибн Абу Муойт чинакам қаҳрамонларга айландилар. Улар олис сафарлардан яхши бир натижа билан қайтишган, музаффар зарбани мўлжалига уришган эди гуё. Айниқса, Нодир ибн Ҳорис кўкрак кериб, мағрурланиб юраркан:

— Келинглар, сизларга Муҳаммаднинг найрангларидан ҳам зурроқлари ҳақида ҳикоя қилиб бераман, — дер, атрофига йигилганларга сафарлари чоғида эшитган эртаklarини сўзлаб берар эди.

Ниҳоят ўн беш йил сингари узоқ ўтган ўн беш кундан сўнг кушхабар келди.

Жаброили Амин Расули Аминга Оллоҳ таолонинг ваҳийини етказди.

— Нега бизни бунчалик интизор қилиб қўйдинг, ё Жаброил?

Жаброил бу саволга ўзи жавоб қилмади. Чунки Жаноби Ҳақ бу саволга ҳам Қуръоннинг бир ояти била жавоб берган эди:

«Биз Ёлғиз парвардигорингизнинг амри-фармони билангина нозил булуرمىз. Олдимиздаги охираат ҳам, ортимиздаги дунё ҳам, дунё ва охираат ўртасидаги барча иш-амаллар ҳам Ёлғиз Унингдир. Парвардигорингиз унуттувчи эмасдир».¹

Асҳоби Қаҳф

Қаҳф (гор) саҳобалари деб аталувчи довюрак йигитлар ўз даврларида бутта сигинишни рад этиб, бу йўлда фидойиларча бутнараст бир подшоҳга қарши бош кўтарганлар. Улар етти-саккиз нафар бўлиб, ўзларига етказилган зулмларга қарамай, иймонларида мустаҳкам қолган эдилар. Бир иложини топиб, золим подшоҳнинг зиндонидан қочишга муваффақ бўлдилар. Охирида бир горга етиб келдилар. Таъқибдан қутулишларига ва жонларини сақлаб қолишларига боис бўлган бу гор ичида Жаноби Қаҳқа Ёлвордилар: «Эй Роббимиз, бизга ўз томонингдан бир раҳмат эҳсон қил, оғиримизни енгил этиб, ишларимизни унгидан келтир», деб дуо ўқидилар. Жуда ҳам ҳолдан тойган эдилар, бир зумда горнинг бир деворига суяниб, уйқуга кетдилар. Ортдан қолмай етиб келган кучуклар ҳам горнинг оғзига чўзилиб, оёқларини узатдилар.

Каттиқ уйқуга тоқдилар. Кунлар, ҳафталар... ойлар... йиллар... Кетма-кет асрлар ўтди. Қуёш нурлари эрталаб горнинг бир томонига, пешиндан кейин нариги томонига тушар, ухлаётганлар баъзан чапга, баъзан унга утирилиб ётар эдилар. Юзларидан ҳеч ким уларни ухлаб ётибди демасди. Асрлар бўйи давом этган бу уйқу уларнинг ташқи қиёфаларини заррача ўзгартирмаган эди. На соч-соқоллари ўсди, на вужудларида бир чириш, айниш ҳодисаси рўй берди. Ҳатто тирноқлари ҳам ўсмади.

Орадан уч юз йил ўтди. Йигитлар уйғондилар. Уйқуга тўйган, тоза мириқиб дамларини олган эдилар.

— Биродарлар, роса ухлабмиз-а? Назаримда, бир неча кун ухлагандаймэн.

— Йўғ-э, атиги бир кечаю бир кундуз ухлаган бўлсак керак.

Баъзилари бу фикрга ҳам қўшилмади.

— Менимча, ундан ҳам камроқ ухладик.

— Қанча ухлаганимиз Ёлғиз Оллоҳга аён.

Дарҳақиқат, Оллоҳдан ўзга ҳеч ким улар қанча вақт ухлаганликларини билмас эдилар. Била олмас ҳам эдилар. Уларга аён ва аниқ бўлган нарса мириқиб ухлаганликларини энди роса очиққанликлари эди.

— Биттамыз бориб нон ва озиқ-овқат олиб келайлик, — дейишди.

Борадиган киши ҳеч ким билан ортиқча гаплашмайди, ниҳоятда нозик муомала қилади, пинҳона бориб-пинҳона келади, дея маслаҳат қилинди. Ва ораларидан биттаси йўлга тушди. Ша-

¹ Марям, 64.

ҳарни айланди, ён-атрофни кузатди. Ғалати бир ўзгариш юз бергандек. Икки кеча олдинги шаҳарга сира ҳам ўхшамасди. Бундан ташқари, шаҳар аҳли ҳам бутунлай нотаниш, биронта таниш киши учрамади. Аммо бу нарсаларга у ортиқча қизиқмаслиги, булар билан машғул бўлмаслиги керак эди. Подшоҳнинг одамлари кўриб қолса борми, оқибати яхши бўлмасди.

Нон сотиб олиш учун бир нонвойхонага кирди. Пул узатиб, нон беришини сўради. Бироқ сотувчи нон бериш ўрнига тикилиб қолди.

— Қаердан олдинг бу пулни? — деб сўради қизиқсиниб.

— Қаердан олардим, ўзимнинг пулим.

— Аммо, ўғлим, бу пуллар неча юз йиллардан бери ишлатилмайди-ку? Бу бир неча юз йил олдин яшаган аждодларимизнинг пули. Ҳатто бобом ҳам бу пулни ишлатган эмас.

— Отажон, мени мазах қилма.

— Мазах қилаётганим йўқ, болам. Бироқ бу пул бутун бу шаҳарда ўтмайди.

— Жуда ғаройиб-ку? Ахир, биз куни кеча ҳам шу пулларни ишлатиб юрувдик..

Ғап-сўз кўпайиши мумкин эди. Пулни қайтариб олди-да, бошқа нонвойхонага борди. У ерда ҳам айни шу муомалани кўрди. Лекин масала шу билан ҳал бўлмади. Бир зумда одамлар тупланиб, унинг атрофини ўраб олдилар, тушунарсиз саволлар бера бошладилар:

— Мана, бизнинг пулимиз! — деб кўрсатдиларки, чиндан ҳам улар бошқача пул эди.

Ниҳоят, улардан бири:

— Бу пул уч юз йил олдин яшаб ўтган Дақйонус исми бир подшоҳнинг даврида муомалада бўлган, — деб қолди.

Йигит қулоқларига ишонмас, унинг кўз ўнгига бир-биридан ғаройиб ҳодисалар устма-уст қатланар эди.

«Кимсиз? Қаердан келдингиз, қайси подшоҳнинг ўлкасидансиз? Касбингиз нима?» каби саволлар қалашиб кетди. Энг яхшиси — тезроқ шаҳардан чиқиб кетиш эди. Улардан қутулиб, горга томон йўл олди. Изидан шаҳарликлар таъқиб қилиб кела бошладилар. Йигит улардан бурунроқ дўстларининг қошига етиб борди. Ғаройиб ҳодисаларни ҳикоя қилиб берди.

Орқадан таъқиб қилиб келган кишилар ўша горни топганларида, ичкарида етти-саккиз нафар чўзилиб ётган жасадни топдилар. Текшириб кўрдилар: ҳаммасининг ўлгани аниқ эди. Бу ғарбларнинг кимлар эканлигини аниқлай олмадилар. Шу боис «Асҳоби Каҳф» — «Гор саҳобалари» деб ном бердилар. Ва тобуга солиб, дафн этдилар.

...

Туширилган оятларда мана шу инсонлар ҳақида баҳс юритилган эди. «Улар Роббиларига иймон келтирган йигитлар эди. Биз ҳам уларнинг ҳидоятини орттирдик, иймонларига қувват бердик», дейилар эди. «Бизнинг Роббимиз коинот ва ернинг Роббидир», деганликлари зикр қилинарди. Ва ниҳоят, уларнинг гор-

да уйгоқ кишилардек ухлаганликлари, даҳшатли бир манзара ҳосил қилганликлари ҳикоя этилар ва Расулуллоҳга (с.а.в.) бундай хитоб қилинарди: «Агар уларни бир кўрсангиз, орқага қарамай қочардингиз ва ичингиз кўрқувга тўлар эди».

Неча киши эканликлари ва горда қанча вақт ухлаб қолганликлари ҳақида Оллоҳдан ўзга ҳеч ким аниқ билмаслиги таъкидланган оятлардан кейин Расулуллоҳга (с.а.в.) шундай амр берилган эди:

«Ва бирон нарса ҳақида: «Мен албатта эртага қилувчиман», дея кўрманг, магар, «Иншаоллоҳ» — Оллоҳ хоҳласа, денг. Бу сўзни айтишни унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) Парвардигорингизни зикр қилинг (яъни, «иншаоллоҳ» денг) ва: «Шояд Парвардигорим мени бундан ҳам яқинроқ, Тўғри йўлга ҳидоят қилса денг!»¹

Мушриклар томонидан берилган саволларга «эртага сизларга жавобини айтаман», деб, аммо «иншаоллоҳ» дейилмаганлиги оқибатида кутилган ваҳий анча вақт келмай қолганлиги шу тариқа аёнлашди. Бу воқеа Расулуллоҳ бошлиқ барча мўминларнинг кўнгилларига унутилмас бир панд ва ёднома бўлиб муҳрланди.

Каҳф сурасида Зулқарнайн исмли ҳукмдор ҳақида ҳам маълумот берилди.

Рухга алоқадор савол биргина оят билан жавобини топди:

«Сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир». Сизларга жуда оз илм берилгандир».²

Набийи Акмал (с.а.в.) бу оятни Исро сурасига қайд этишни буюрдилар. Ушбу оятлар мушрикларга ўқиб берилди. Буюк Пайгамбар оғизларидан чиқаятган сўзларни ҳайрон-лол бўлиб тингладилар.

— Бизга, эртага жавоб бераман, деган эдинг, аммо ваъдангнинг устидан чиқмадинг, энди бу жавобларинг ҳисоб эмас, — дедилар.

Ҳолбуки, Ясрибда олинган маълумотга кўра, агар ушбу саволлардан бирига қисқа, иккитасига узун-узун жавоб қилса, билинги, у пайгамбардир, дейилмаганмиди? Яҳудийлар маълум қилганларидек ва ҳатто ундан ҳам мукамалроқ жавоблар эди булар.

Аммо мақсад узум ейиш эмас, боғбонни калтаклаш бўлгач, у маълумотларнинг ҳақиқатта тўғри келиш-келмаслиги муҳим эмас эди. Жавоб вақтида берилганида қабул қилардик, энди ҳисобга ўтмайди, дейиш гирт бемаънилик эмасми?!.

Жаброили Амин ушбу масала билан боғлиқ қуйидаги оятни келтирди:

«Айтинг: «(Эй мушриклар,) хабар берингиз-чи, агар (ушбу Қуръон) Оллоҳнинг ҳузуридан бўлса-ю, сизлар унга кофир бўлсангизлар ва бани Исроилдан бўлган бир гувоҳ ҳам у

¹ Каҳф, 23—24.

² Ал-Исро, 35.

(Қуръон)нинг ухшаши (ёлғиз Оллоҳ томонидангина нозил бўлиши)га гувоҳлик бериб, иймон келтирса-ю, сизлар (унга иймон келтиришдан) кибр-ҳаво қилсангизлар (яъни, сизлар энг золим одамлар бўлиб қолмайсизларми?!) Албатта, Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас».¹

Ҳазрати Мусо ва Хизр

Каҳф сурасида ҳикоя қилинган Мусо ва Хизр алайҳиссалом қиссасини Пайгамбар жаноблари шундай баён қилдилар:

«Бир куни Мусо» (а.с.) Исроил уғиллариغا хитоб қилиш учун уридан турди ва гўзал бир нуқ сўзлади. Шунда ундан:

— Инсонлар ичида энг билимдони кимдир? — деб сўрашди.

— Менман, — деб жавоб қилди.

Ҳазрати Мусо бу саволга «Оллоҳ билади, Оллоҳ кимга энг кўп билим берса, ўшадир», деган шаклда жавоб қилмагани учун Жаноби Ҳақ уни огоҳлантирди:

— Эй Мусо, менинг сендан кўра билиммироқ қулим бордир.

— Кимдир у, ё Робб?

— Икки денгиз туташган жойда сента рўбару бўладиган одамдир, у қулим сендан кўра билиммироқдир.

— Эй Роббим, сенинг ўша қулинг билан кўришсам, дейман. Уни қаердан топсам бўлади?

— Замбилга тузланган бир балиқни солиб йўлга туш. Балиқ қаерда тирилса, қулимни шу ердан топасан.

Ҳазрати Мусо хизматини қилиб юрадиган бир ўспирин билан йўлга тушди. Балиқнинг жонланганини кўрди дегунча хабар беришни қайта-қайта тайинлади.

Бирмунча юргач, денгиз соҳилига етиб келишди. Кун бўйи юрганлари учун рўса чарчашган эди. Бир қоянинг тагига утириб ҳордиқ чиқара бошлашди. Ўспирин йигит овқат тайёрлаш билан бандлик пайтида замбилда ётган балиқ бирдан жонланиб, ўзини денгизга отди. Бу ҳодиса ниҳоятда тез содир бўлди. Сафар ниҳоясига етган, қидирилаётган одам шу яқин-атрофда бўлиши керак эди.

Аmmo ўспирин Ҳазрати Мусога бу хабарни етказишни унутди. Такрор сафар бошланди. Тухтовсиз давом этган йўл яна уларни чарчатди, очиқтирди.

— Олиб кел овқатни, қорнимизни тўйдирайлик, — деди Ҳазрати Мусо.

Ўспирин бирданига бояги воқеани эслади:

— Ие, эсимдан чиқибди-ку?! Ҳали қоянинг тагига дам олиш учун утирганимизда балиқ жонланиб, ўзини денгизга отган эди. Буни сизга айтмоқчи бўлиб турувдим, негадир унутибман. Бу хаёлпаршонликка ёлғиз шайтон сабабчи.

Ҳазрати Мусо ҳаяжонланиб кетди.

— Биз кутган дам айна дақиқа эди. Ҳозироқ қайтамыз.

¹ Аҳқоф, 10.

Бояги қоянинг тагига қайтдилар. Манзилга етиб келганларида, уларни кутиб турган бир одамга рўбарў бўлдилар.

— Оллоҳ сенга берган билимларидан ҳеч бўлмаса бир қисмини урганиш учун ёнингга юрсам, нима дейсан?

Одам шундай жавоб берди:

— Сен мен билан дўст бўлишга тоқат қилолмайсан. Асл моҳиятини билмаган масалаларнинг ечимига бардош беролмайсан. Эй Мусо, сен Оллоҳнинг маълум қилган бир қатор билимларидан бохабарсан, мен эса, уларни билмайман. Ўз навбатида, мен ҳам Оллоҳ билдирган баъзи билимларга эгаман, сен эса, улардан бехабарсан. Шунинг учун сен мен билан биродарлик қилишга дош беролмайсан.

Ҳазрати Мусо илтимос қилди:

— Иншаоллоҳ, менинг сабр-тоқатли бир ҳамроҳ эканлигимга амин бўласан. Ҳеч бир ишингга аралашмайман, қаршилиқ билдирмайман.

— Жуда соз, агар менга ҳамроҳ бўлишни шунчалик истасанг, мен ўзим изоҳлаб, тушунтириб бермагунимча, ишнинг ҳикмати сўзлаб бермагунимча, ҳеч нарса тўғрисида сўрама.

Бу таклиф бажонидил қабул қилинди. Биргаликда йўлга тушдилар. Бир кемага утирдилар. Улардан ҳақ олишмади.

Денгизнинг ўртасига борганларида, исми Хизр бўлган ҳалиги одам қўлига тушган бир болтани олиб, бор кучи билан кемага чопа бошлади. Бу воқелик шунчаки бир ҳазил эмас, ута жиддий эди. Уни ақлдан озган деб ҳам бўлмасди. Бундай бемаъни хатти-ҳаракатни кўриб индамаслик мушкул эди.

— Сен кемадагиларни чўктирмоқчимисан, нима бало? Бу жуда хавф-хатарли иш, ахир!

Хизр унга маъноли бир қараш қилди:

— Мен билан бирга бўлишга тоқат қилолмайсан, демаганми-дим?

Ҳазрати Мусо дарҳол аҳдини эслади.

— Унутганим учун мени маъзур тутасан, дўстим. Илтимос, мени айблама. Дустлигимизга путур етмасин.

Хизр ҳеч нарса демади. Йўлда давом этдилар. Шу орада кеманинг бир чеккасига қалдирғоч келиб қўнди. Денгизга тумшугини тиқиб чиқарди. Хизр қўшни курсатиб, деди:

— Эй Мусо, анави қўшни кўрапсанми?

— Ҳа.

— У қўш тумшугини денгизга тиқиб чиқарганида, денгиз суви қанча камайса, сен билан менинг илмим ҳам Оллоҳнинг илмидан шундай нисбатнигина ташкил этади.

Эҳтимол Ҳазрати Мусога буюрилган бу сафарнинг энг оғир нуқтаси ҳам ушбу сўзлар ва ҳодиса бўлса ажаб эмас.

Денгиз сафари тугади. Энди қуруқликда кета бошладилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай уйнаб юрган болаларга дуч келдилар. Хизр болалардан бирини тутиб олди ва ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ улдириб юборди. Ҳазрати Мусо даҳшатдан ўзини йўқотиб, лол-хайрон бўлиб қолди. Бундай воқеани кўра-билатуриб ҳам индамай туролмас эди.

— Бегуноҳ бир норасидани нобуд қилдингми, а?.. Худо ҳаққи, мисли кўрилмаган бир жиноят қилдинг сен!.. — деди туюқиб.

Хизр унга ўтирилди:

— Менга ҳамроҳ бўлишга бардош беролмайсан, демаганмидим?

Ҳазрати Мусо яна узр сўради.

— Агар бундан кейин яна сенинг ишингга аралашсам, ортиқ мен билан дўст бўлиш-бўлмаслик сенинг ихтиёрингда, — деди.

Яна йўл юриб кетдилар. Узоқ ва азобли йўлчиликдан сўнг қаттиқ чарчаб, очикдилар. Етиб борган қишлоқларининг халқидан нон сўрадилар. Аммо ҳеч ким уларни меҳмон қилишни хоҳламади. Йиқилай деб турган бир деворнинг ёнидан ўтиб бораётган эдилар. Хизр қўлини теккизган эди, девор аса ҳолига қайтди. Очлик ҳолдан тойдирган Мусо яна бетоқатлик қилди.

— Истасанг, мана шу хайрли ишинг учун пул олардинг. Ҳеч бўлмаса, қорнимизни тўйгазар эдик, — деди.

Хизр Ҳазрати Мусога ўтирилди:

— Энди ажралишмасак бўлмас экан, эй Мусо!.. Йўлда бир неча ҳодиса кўрдинг, аммо сабр қилмай, қаршилик билдирдинг. Майли, ажралишимиздан олдин сенга ўша ҳодисаларнинг асл моҳияти ва сабабини тушунтириб берай, — деди. Сўнг бошлади:— У кема денгизчилик қилиб кун кўрадиган камбағал-йўқсилларники эди. Орқаларида эса, ҳар бир яхши кемани забт этиб ўзлаштириб оладиган бир ҳоким бор эди. Истадимки, кеманинг бирон жойини ишдан чиқарайин-да, подшоҳ уни ололмасин. Гудакни нобуд қилганимга келсак, унинг ота-онаси иймонли кишилар эди. Шунинг учун уларни ўзларидан чиққан бир кофир сиртмоғига олмасин деган ташвиш билан болани улдирдим. Истадимки, Роббим унинг ўрнига покиза бир фарзаңд берсин. Девор масаласида эса, у ўша шаҳарда яшовчи икки етимга қарашли эди. Тагига шу етим болаларга аталган бир хазина кўмилган эди. Оталари яхши инсон ўтган. Роббим тиладики, болаларнинг иккаласи ўсиб-улгайсин, балоғат ёшига етиб, хазиналарини кавлаб олсин. Бу ҳам Роббимдан келган бир марҳамат эди. Мен бу ишларни ўзбошимчалик билан қилмадим. Мана, сен тушуниб олишга ховлиқмалик қилган ҳодисаларнинг асл моҳияти ва асоси».

Каҳф сурасида ҳикоя қилинган диққатга сазовор ушбу қисса билан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ўша кунлардаги аҳволлари орасида қандайдир ўхшашлик бор эди. Чунончи:

Расулуллоҳдан (с.а.в.) уч саволнинг жавоби талаб қилинганида, «иншаоллоҳ, жавобини эртага бераман», демадилар ва шу йўсинда қурайшликлар олдига ноқулай аҳволга тушиб қолдилар. Ун беш кун давом этган машаққатли кутишлардан сўнг келган ваҳий бундан буён ҳеч бир ишни «иншаоллоҳ» демасдан қилмаслик тўғрисида огоҳлангирди.

Ҳазрати Мусо ҳам деярли шундай аҳволга тушган эди. У ҳам Оллоҳга ҳавола этмасдан, «Инсонларнинг энг билимдони менман», деган, натижада узоқ ва ҳаяжонли бир сафарга чиқишига

тўғри келган ва Хизр воситаси ила унинг билим доираси қушнинг тумшугига сиққан сувча экани қиёс қилиниб ибрат берилган эди...

Давс қабиласидан шикоят учун келган Туфайл Расули Акрамга (с.а.в.) отаси ва хотини мусулмон бўлганликлари ҳақида хушxabар ҳам келтирди. Бироқ қавмининг бу хусусда бепарволик қилганини, бундан юраги сиқилганини айтди.

— Ё Расулоллоҳ, Давс қабиласи маишатга берилди, тўғри гапни уқмайдиган бўлиб қолибди, уларни дуойибад қилинг.

Сарвари Олам (с.а.в.):

— Оллоҳим, Давс қабиласига ҳидоят йўлини кўрсат. Уларга ўзинг марҳамат қил, — дея ёлвордилар. Сўнгра Туфайлга ўтирилиб: — Қани, энди қавмининг ҳузурига бор. Уларни ҳақ йўлига даъват қилишни давом эттир. Назокатли бул, ширинсуханлик билан дин асосларини тушунтир, — дедилар.

Туфайл хайрлашиб чиқиб кетди.

Бу сафар даъват усули ўзгарди. Худди буйруқ бераётгандай баланддан келган Туфайл ширинсухан, назокатли Туфайлга айланган эди. Исломи дини тез орада Давс қабиласининг орасида ҳам тарқалди.

Халқ оддий тошларга қул бўлиш жаҳолатидан қутулишнинг лаззатини тота бошлади.

Бир куни Расулоллоҳ (с.а.в.) олти саҳобалари — Саъд ибн Ваққос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Билол ва номи ривоят этилмаган яна уч киши билан суҳбатлашиб ўтирган эдилар. Бир одам келди.

— Қурайшнинг йўлбошчилари сен билан учрашишга келмоқчилар, — деди.

— Марҳамат, келаверсинлар, суҳбатлашамиз, — дедилар Ҳазрати Пайгамбар (с.а.в.).

— Бироқ... — элчилик қилаётган одамнинг кўзлари даврада ўтирганларга тикилиб қолди, — булар ёнингда бўлмасин. Улар биз билан бир жойда ўтиришидан ор қиламиз. Агар уларни қувиб юборсанг, сенинг йўлинга киришимиз ҳам мумкин.

Чиндан ҳам мусулмон бўлмоқчи эдиларми? Ёки бу ҳам Жаноби пайгамбаримизга тайёрланган навбатдаги тузоқми?

Шунча йилдан бери иймонлари боис ақл олмас ҳар қандай зулм ва исканжага ўзини тутиб берган инсонларга: «Қани, кетинлар бу ердан, ҳозир улут зотлар ташриф буюрадилар», десалар тўғри бўладими?

Жаноби пайгамбаримиз (с.а.в.) элчига: «Йўқ, уларни қувмайман!» демадилар. Дейишга улгурмадилар ҳам. Бирмунча сукут сақлаб турган ҳолларида навбатдаги ваҳий келди ва донadona қилиб ўқий бошладилар:

«Бу (Қуръон) билан ўзлари учун Оллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир оқловчи бўлмаган ҳолда Парвардигорлари даргоҳида тўпланишдан қўрқадиган зотларни қўрқитинг! Шояд улар (ту-

ноҳ ишлардан) парҳез қилсалар. Эртаю кеч Парвардигорининг юзини истаб Унга илтижо қиладиган зотларни (ҳузурингиздан) ҳайдаманг! Сизнинг зиммангизда уларнинг ҳисоб-китобларидан ҳеч нарса йўқдир ва сизнинг ҳисоб-китобингиздан уларнинг зиммаларида ҳеч нарса йўқдир. Бас, уларни ҳайдаб золимлардан бўлиб қолманг!»¹

Жавоб мушрикларга етиб борганида, улар, қаҳ-қаҳа отиб кулдилар:

— Орамизда Оллоҳнинг икромига сазовор бўлганлар шуларми?.. Бу қанақаси? Абу Жаҳл каби, Валид каби, Утба каби бир ишора қилса бутун бир қабилини оёққа турғизадиган кишилар бир чеккада қолади-да, Абдуллоҳ ибн Масъуд сингари чўпонлар, Билол каби ейишга нон топа олмайдиган озод қуллар, Аммор каби кийишга кийими йўқ фақирлар Оллоҳнинг икромига муносиб бўладими?!

Энди ушбу мавзу кинояга айланди. Қаерда камбагал бир мўминни кўрсалар, мазах қила бошладилар.

— Эй орамиздан Оллоҳнинг икромидан учун танилган улуг зот, эй шарафли киши! Илтимос, бизни шарафингга шерик қилгин!..— деб бақирар, қаҳ-қаҳа кўтарар эдилар.

Бу истехзолар мўминларни йўлдан оздиrolмади. Оллоҳ таолонинг ўзи уларга атаб оятлар туширган ва мартабаларини кўтарган экан, бу шарафни мушриклар қайтариб ололмаслар ҳам. Куп ўтмай Набийи Акрам (с.а.в.) саҳобаларига қуйидаги оятларни ўқидилар:

«Бизларнинг орамиздан ана ўшаларга Оллоҳ инъом қилган эмишми?» дейишлари учун уларнинг баъзиларини бошқалари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Ахир, шукр қилгувчиларни Оллоҳ яхшироқ билгувчи эмасми?! Қачон сизнинг олдингизга Бизнинг оятларимизга иймон келтирадиган зотлар келсалар: «Сизларга тинчлик бўлсин, Парвардигорингиз Ўз зиммасига раҳмат қилишни ёзгандир. Сизлардан ким билмасдан бирон ёмонлик қилса, сўнгра уша ёмонлигининг кетидан тавба қилиб, (ўзини) тузатса, бас, (гуноҳи кечирилади), албатта, (Оллоҳ) мағфиратли, меҳрибондир», деб айтинг».²

Қилдан қийиқ ахтарадиган мушриклар ҳамон ушбу мавзуну муҳокама қилардилар. Улардан бири:

— Бу масала энди жуда меъеридан чиқиб кетди. Агар дуруст ва ҳақ дин бўлганида, бу ялангоёқлардан олдин биз уни тақдирлар, қабул этар эдик. Модомики, бу динни биздан олдин улар қабул этган эканлар, шунинг ўзи бу йўлнинг ботил эканлигидан далолатдир. Ҳақ билан ноҳақни ажратиш келиб-келиб шуларга қолдими?

Бу фикр шу ерда ўтирганларга энг оқилона ва мантиқий бир фикр бўлиб туюлди. Аммо бир жиҳат унутмади ёки атай эътибор берилмадики, бу жиҳат ақл билан бойлик орасидаги муносабат эди. Яъни, бой одам ақлли бўлади, демоқчи эдилар. Бой ва

¹ Анъом, 51—52.

² Анъом, 53—54.

аслзодалардан бемаслаҳат ўзбошимча иш тутган Биллолар ва Ҳаббоблар қўлидан келадигани фақат хато қилишдир.

Ташвиқот шу тахлит бошланди.

Мусулмонларни диндан қайтариш мумкин бўлмай қолган эса-да, ҳали-ҳозирча атрофларидагиларни бу «офатдан қутқаришнинг имкони бор эди». Улганни-ку тирилтириб бўлмайди, аммо ҳали жони омонларни сақлаб қолиш, уларнинг аҳмоқона бир қарорга келишининг олдини олиш лозим», деган фикрда эдилар. Хўш, улар бу ташвиқотларида қай даражада самимий эдилар? Бу фикрга чиндан ҳам ишонармидилар ёки, аксинча, мусулмонларни камситиш, Ислоом динини ботил бир дин қилиб кўрсатиш мақсадида тutilган йўлими бу?

Аслида, уларни бу йўлни тутишга мажбур этган нарса гурур, кибру ҳаво эди. Шу кунгача айтгани айтган, дегани деган бўлиб келди уларнинг, энди бу мавқедан тушиб қолиш, Билол билан, Аммор билан, Ҳаббоб билан бир қаторда туриш қўрқуви тинчларини ўғирлаган эди...

Бу ёқда эса, Жаброили Амин Жаноби Ҳақнинг галдаги ваҳийини етказди:

«Кофир бўлган кимсалар, иймон келтирган зотлар ҳақида: «Агар (бу Қуръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган бўлур эдилар», дедилар. Улар узлари у (Қуръон билан ҳидоят топишмагач, «Бу эски уйдирмадир»!, дедилар».¹

...

Бир куни мушриклар Ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломга яна бир таклиф билан мурожаат қилдилар:

— Сен орамизда ҳеч ким билмайдиган бир динни келтирдиган, даставвал бизга Роббингни танит, — дедилар.

Набийи Акрам (с.а.в.) уларга Ихлос сурасини ўқиб бердилар:

— «Айтинг (Эй Муҳаммад): У — Олоҳ бирдир. Олоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзланувчидир (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У тугмаган ва тугилмагандир. Ва ҳеч ким у зотга тенг эмасдир».²

Қисқа, аммо узига хос, теран ва ихчам қиладиган таъриф эди бу. Уша замоннинг инсонлари учун кифоя қиладиган маълумотни берадиган, неча-неча асрлардан кейин ҳам олиму уламоларни ҳайратда қолдирадиган бир таъриф!

Аммо бутларга қул бўлганларнинг зеҳни буни ҳеч қачон қамраб ололмас, англамас эди.

— Шунақа ҳам тангри бўладими? — дейишарди. Шундай дейишди ҳам.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

¹ Аҳқоф, 11.

² Имоми Термизий, 5/451.

— «Эй инсонлар, бир масал айтилгандир, бас, унга қулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Оллоҳни қуйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам, бир чивин ярата олмаслар, агар чивин улардан бирон нарсани тортиб олса, уни (уша чивиндан ҳам) қутқариб олабилмаслар. (Демак, уша бутлардан ҳожатини раво қилишни) сурагувчи (мушрик) ҳам, сурагувчи (бутлар) ҳам ночор-нотавондир».¹

Ҳақиқатнинг ушбу тарзда ифода этилиши уларни газаблантирди. Аммо газабланиш лозим эдими?

— «Йўқ, бу гирт ёлгон. Асл ҳақиқат мана бундай бўлади...» дейишлари, қаерда хато қилинаётир, қаерда янглиш баён этилаётир, бирма-бир курсатишлари керак эди. Ҳолбуки:

— Энг яхшиси, бир йил ҳаммамиз биргаликда бутларга ибодат қилайлик, бир йил эса, сенинг Роббингга сиғинайлик. Қайси бирига сажда қилиш тўғри эканлигини вақт курсатади, — дедилар.

Бу бемаъни таклифни Пайгамбар (с. а. в.) қабул этишлари мумкин эмасди. Шундай қилсалар, вазифаларига хиёнат қилган бўлардилар.

«Айтинг: «Мен Оллоҳдан узга — сизлар илтижо қилаётган бутларга бандалик қилишдан қайтарилганман». Айтинг: «Сизларнинг ҳавойи нафсларингизга эргашмайман. Зеро, у ҳолда йўлдан озурман ва ҳидоят топгувчилардан бўлмай қолурман».²

Пайгамбар бўлмасларидан олдин ҳам нафратланган бутларга пайгамбар бўлганларидан кейин қанақасига сажда қиладилар? У зотнинг вазифалари бутларнинг оддий бир тош эканлигини инсонларга уқтириш эмасмиди?

Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳақ Таолодан келган ва хусусан мушрикларга ҳам ўқиб берилиши амр этилган ушбу муборак сурани очиқчасига ўқидилар:

— «Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Оллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир!»³

Бошқа пайт Расулуллоҳ (с.а.в.) бир фурсатини топиб мушрикларнинг бошлиқлари — Макка зодагонлари билан баҳс қилишга муваффақ бўлдилар. Уларга Ислом динининг асосларини баён эта бошладилар. Меҳмонларнинг мусулмон бўлишини жуда-жуда хоҳардилар. Чунки улар Исломга кирса, кенг имкониятлар очилар, уларнинг таъсирига берилиб икки ўт орасида

¹ Ҳаж, 73.

² Анъом, 56.

³ Кофирун сураси

юрганлар ёки уларга содиқ кишиларнинг ҳам мусулмон бўлишларига шароит яратилар эди. Ҳеч бўлмаганда, Маккада Ислом динини бемалол, очиқчасига етказиш имконияти тутилиши, мўмин-мусулмонлар аёвсиз зулм, ҳақорат ва киноялардан қутулишлари мумкин эди. Суҳбат айна қизиган чоғда, бир киши келиб қолди.

— Ё Расулаллоҳ, Оллоҳ сенга ўргатган нарсаларидан менга ҳам ўргат, — деб илтимос қилди.

Бу одам Абдуллоҳ ибн умми Мактум эди. Кўзлари ожиз эди. Набийи Акрамнинг овозларини эшитиб турар, аммо кимлар билан суҳбатлашаётганларини билмас эди. Ҳар доимгидай, пайгамбарининг табассум билан, ширинсуханлик билан қаршилашини кутди, аммо бу гал ундай бўлмади. Суҳбат тўхтамади. «Марҳамат қил, эй умми Мактумнинг ўгли», дейилмади. Бир ҳисобга у «Менга ўргат» деб илтимос қилган нарсаларини бошқаларга ўргатаётган эдилар. Бир чеккага ўтириб, диққат билан тингласа, у ҳам мақсадига эришар эди.

— Ё Расулаллоҳ, буюк Оллоҳ сенга ўргатганларини менга ҳам ўргат, — деди у яна.

Яна ҳеч кимдан садо чиқмади. У ердагилар ҳам: «Кел, бир бурчакка ўтир, мана, сен сўраётган нарсалар ўргатилмоқда...» деёлмадилар. Ахир, Абдуллоҳ ибн умми Мактум билан бирон соатлардан кейин суҳбатлашсалар ҳам бўлади-ку. Қолаверса, Абдуллоҳ ибн умми Мактум «Икки дафъа Расулуллоҳга эшитиладиган қилиб гапирдим, жавоб бўлмади, бунинг бир ҳикмати бўлса керак», дейиши даркор эмасмиди?

Йўқ, ундай дейилмади, бундай бўлмади, учинчи марта овозини баландлатиб:

— Ё Набийаллоҳ, Оллоҳнинг сенга ўргатганларини менга ҳам ўргат!.. — деб бақирди.

Бу тушунмовчиликдан Фахри Коинотнинг (с.а.в.) юраклари сиқилди. Юзлари буришди ва тескари қараб олдилар.

Меҳмонлар ўринларидан қўзғалишди. Шу пайт Расулуллоҳни (с.а.в.) ваҳий иси қамраб олди.

Ниҳоят, Буюклар Буюги бўлган пайгамбаримизнинг нигоҳлари Абдуллоҳ ибн умми Мактумни қидирди. Унга табассум билан қарадилар. Атрофларида ҳозир турганлар ваҳий билан Абдуллоҳ ўртасида қандайдир боғлиқлик борлигини тушундилар.

Сунгра ваҳий дона-дона қилиб ўқилди. Бу Абаса сураси эди.

«(Пайгамбар алайҳиссалом) узининг олдига келган кўзи ожиз кишига қошларини чимирди ва (ундан) юз ўтирди. (Эй Муҳаммад,) сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у (сиздан ўрганадиган илму маърифати ёрдамида ўз гуноҳларидан) покланар. Ёки панд-насиҳат олар-да, сўнг у панд-насиҳат унга фойда берар?! Энди (Ўз мол-мулки билан иймондан) истиғно қилиб турган кимсага келсак, бас, сиз ўшанга иқбол қилиб — юзланмоқдасиз! Ҳолбуки, у (ўзининг куфридан) покланмаслиги сабабли сизга бирон зиён етмас! Энди (Оллоҳдан) қўрққан ҳолда олдингизга югуриб-елиб келган зотга келсак, бас, сиз ундан чалғиб — юз

угириб олмақдасиз! Йўқ (сиз асло бундай қилманг)! Албатта, (Қуръон оятлари) бир панд-насиҳатдир. Бас, ким хоҳласа, ундан панд-насиҳат олур».¹

Расулуллоҳ (с.а.в.) танбеҳ олган эдилар. Ҳолбуки, у ибн умми Мактумдан жаҳллари чиқмаган, фақат мушрик зодагонларнинг Исломга киришига умид қилган эдилар.

Набийи Акрам (с.а.в.) шу аҳволда Абдуллоҳ ибн умми Мактумга «Сенинг қилмишинг Роббимдан танбеҳ эшитишимга сабаб бўлди», демадилар. Бошқаларга эса, «Менинг банд эканлигимни кўриб турган эдинглар, нега бу ҳақда унга шишитиб қўймадинглар», деб гина қилмадилар. Балки эгниларидан жуббаларини ечиб, ерга тўшадилар ва:

— Кел эй, Роббим мени танбеҳ қилишига сабабчи булган шарафли инсон! — дея унга лутфу карам кўрсатиб, ёнларига утқаздилар. Кўнглини кўтарадиган гаплар гапирдилар.

Шундан сўнг Абдуллоҳ ибн умми Мактум Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларида алоҳида ўринга, алоҳида ҳурматта сазовор бўла бошлади. Ҳар келганида Фахри Коинот пайгамбаримиз жуббаларини ечиб унинг тагига тўшайдиган бўдилар.

Кўзи ожиз бир одамга ўз вақтида жавоб қилмагани учун пайгамбарлар Султонига танбеҳ берилиши кимнинг ҳам ақлига келарди? Бутун олам унинг ҳурмати учун яратилган пайгамбарга ҳам Оллоҳ таолонинг бошқаларни камситишга изн бермаслиги бундан ёрқин мисол борми?!

Ҳолбуки, ўртада на камситиш бор эди, на озорланган кўнгил. Аммо Оллоҳ таоло Расулининг салгина бепарво бўлишини ҳам истамас эди.

«Бас, қачон (қулоқларни) қар қилгувчи (даҳшатли қичқирик келганда) (яъни, сур иккинчи марта чалиниб, барча халойиққа қайтадан жон ато этилганда, ҳар бир инсон ўзи билан ўзи бўлиб қолур). У кунда киши ўз ога-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотинию бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у Кунда ўзига етарли ташвиш бўлур! У Кунда (мўминларнинг) юзлари ёруғ, кулгувчи ва хуррам бўлур. Ва у Кунда (қофирларнинг) юзлари устида чанг-ғубор бўлиб, у юзлари қаролик қоплаб олур! Ана ўшалар фиску фужур қилгувчи кофирларнинг узидир!»

Абаса сураси шундай сузлар-ла тугар эди.

Кўнгиллар бушашиб кетди... Қуръоннинг мукамал ифодасини шахсан Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларининг тилларидан эшитганларнинг юзларида гамгинлик ва безовталиқ аломатлари пайдо бўлди. Бутун, бу дунёга киши кўзининг оқу қораси булган, кўкракларга меҳр билан босиладиган гўдаклардан, иссиққина бағридан паноҳ топилган ота ва онадан, бир қориндан тала-

¹ Абаса, 1—12.

шиб тушган ака-ука ва опа-сингилдан: бир ёстиққа бош қуйилган умр йўлдошидан... ҳа, ҳа, ҳамма бир-биридан қочиши таъкидланмоқда эди.

Нега, нима учун инсон қочиши керак?!

Чунки одам бир ожиз бандадир, ҳар ким муҳтож, ҳар кимнинг бировдан оладиган, бошқасига берадиган нарсаси бор. Ўзини қутқаришга ожиз бўлган инсон кимга ҳам ёрдам кўрсатади, кимнинг ҳам дардига дармон бўла олади?..

Тугри, уша кун юзи ёруғ бўладиган инсонлар ҳам бўлади. Аммо бундай шараф кимларга насиб этади? Бу ҳам ёлғиз Олоҳга аён.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қиёмат кундан баҳс этишлари, инсонлар ўлганларидан кейин яна қайта тирилишларини такрор ва такрор таъкидловчи оятларни эълон қилишлари қурайшлик зодагонларга сира ёқмаган эди.

— Қиёмат ҳеч қачон бўлмайди, тушундингми, бўлмайди! Ҳеч қачон!

Расулуллоҳга (с.а.в.) шундай дағдага қилар эканлар, гуё бу сўзларига бошқаларни ҳам ишонтиришга қатъий азм қилганга ўхшар эдилар. Гуё Набийи Муҳтарам (с.а.в.) уларга таслим бўлиб: «Тушундим. Чиндан ҳам қиёмат бўлмайди, янглишган бўлсам керак», дейдигандек.

Четдан келганларни иложи борича Расулуллоҳдан (с.а.в.) узоқ тутиш учун бир имкониятларни ишга солардилар.

— Хоҳлайсизларми, ўлиб-чириб кетганингиздан, вужудингиздаги ҳамма аъзо йўқ бўлиб кетгандан кейин яна қайта тирилишингизни уқтирадиган бир одамни кўрсатамиз... — дейишар, мусофирларнинг диққатини шу йўсин ўзларига жалб этгандан кейин: — Олоҳга бўхтон қилаётирми ёки телбасифат бўлиб қолганми, билмаймиз... — деб игво қилишар эди.

Ўзларини ҳақпарвар, самимий қилиб кўрсатиб, гуё «бошга битган бало»дан инсонларни халос этиш учун жон куйдираётгандай тутардилар. Гуё ниятлари соф...

Чирган суяклар

Убай ибн Халаф қўлидаги белкуракни бир чеккага улоқтирди, пешона терларини арди ва тупроқ орасидан чиқиб турган бир чирик суякни қўлига олди.

Суяк шунчалик мўрт бўлиб қолган эдики, бармоқлари билан эзгиласа, кулга айланиши турган гап эди. Шу қадар кўҳнаки, бир неча аср олдин ўлиб кетган бир одамнинг суяги бўлиши ҳам мумкин.

Тупша-тугри Расулуллоҳ (с.а.в.) уйларига йўл олди. Бориб, пайгамбаримизга сен тутаятган йўлнинг боши берк, бемаъни, тутруқсиз сафсаталаринг билан халқни йўлдан оздиришни ҳозирок бас қил, демоқчи эди.

Расулуллоҳни (с.а.в.) топди, қўлидаги суякни унга кўрсатди,

сўнгра бармоқлари орасидан пуфлаган эди, суяк урвоқлари учиб иккинчи қўлининг кафтига тушди. Бу кукунни яна пуфлади, ҳар томонга тўзиб кетди. Сўнгра Набийи Муҳтарам (с.а.в.) жанобларига қаттиқ тикилиб:

— Қани энди гапир-чи, эй Муҳаммад, буларга ким ҳаёт бера олади?! — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) дарҳол жавоб бердилар:

— Буларга Оллоҳ ҳаёт беради, сени эса, жаҳаннамга улоқтиради!

Убайнинг ранги рўйи оқариб кетди. «Сени эса жаҳаннамга улоқтиради!» дея ҳозиржавоблик билан айтилган гап уни ларзага солган эди.

Охиратга ишонмаса ҳам, наштардек ўткир бу сўзлар нишонга теккан эди.

Аслида, Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши кин ва адоват туйғусида бўлган Убайнинг душманлик ҳислари янада кучайди.

Қалби кину адоватга, кўзлари қонга тўлган Убай қаёққа кетаётганини ҳам билмай, тез-тез юриб кетди.

Убайнинг бу хатти-ҳаракати малаклар оламида нохуш бир хабар сифатида кутиб олинди. Жаброили Амин Ёсин сурасига қайд этилгуси охириги оятларни келтирди:

«Инсон, Биз уни нутфадан — бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса баногоҳ у (Ўзимизга) очиқ қаршилиқ қилгувчи бўлиб қолганини кўрмадимми?! У Бизга: «Чириб-битган суякларни ким ҳам тириктира олур?» деб мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди. (Эй Муҳаммад), айтинг: «У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сувдан) пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тириктирур. У (Ўзи яратган), барча халқни билгувчидир». У сизлар учун ям-яшил дарахтдан олов пайдо қилган зотдир. Бас, сизлар ўшадан ўт ёқурсизлар. Осмонлар ва ерни яратган зот яна уларнинг ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Йўқ (албатта, қодирдир)! Унинг Ўзигина яратгувчи ва билгувчидир. Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл» демоқлигидир. Бас, у (наrsa) бўлур — вужудга келур. Бас, барча нарсанинг эгаллиги Ўз қўлида бўлган (Оллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) пок зотдир. Ёлғиз Унгагина қайтарилиурсизлар!»¹

Убай, «Сени эса жаҳаннамга улоқтиради», дейилган сўзларнинг таъсиридан аста-секин қутулар экан, Расулуллоҳдан (с.а.в.) юқоридаги оятларни эшитгач, вужуди титраб-қақшаб кетди. Энди бутунлай ўзини йўқотиб қўйган, нима қилишини билмай гаранг бўлиб қолган эди.

— Ё Муҳаммад, менинг бир учқур отим бор. Унга махсус озиқ-овқатлар едириб, шахсан ўзим парвариш қилиб боқаётirman. Ўша отимга миниб сен билан урушаман ва албатта сени ўлдираман, шуни яхши билиб қуй! — деди.

— Аксинча, мен сени ўлдираман, ё Убай! — деган жавобни эшитиб баттар довдиради.

¹ Ёсин, 77—83.

— Ҳали буни вақт кўрсатади.

Уша куни Убай уйига жуда ҳорғин ва ҳаёлларишон қайтди. Сабаби сўралган эди, жавоб бермади. Қайта-қайта сўрайверилгач, титроқ овозда:

— Бугун Муҳаммад менга «Сени мен ўлдирман», деди, — тарзида жавоб қилди.

— Азизим, булар-бўлмас гапларни кўнглингга олаверсанми? — деб унинг руҳини кўтармоқчи бўлишди уйдагилар.

— Тўғри-ку-я, лекин Муҳаммад ҳеч қачон ёлгон гапирмайди-да?!

. . .

Аз-шануя қабиласининг вакилларида Димод Маккага келганида, қурайшликлар ҳамон Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши игво ёғдириш билан банд эдилар.

— Зинҳор Муҳаммад ибн Абдуллоҳга яқинлашмагин, эй Димод!

— Нега энди?

— Чунки у бир телба, қутуриб кетган жодугардир.

— Бунга асло шубҳа қилма.

— Мен ҳам бир қарашда жинни билан ақлини ажрата оламан. Умрим жиннилар билан гаплаша-гаплаша ўтди.

— Жуда яхши, Димод. Аммо ўзингни эҳтиёт қил. Бир туртинсанг, кейин ўзинга келолмай юрасан.

— Насиҳатларингиз учун ташаккурлар.

У ердан кетди ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ёнларига келди. Ўзини танитди.

— Мен кўп хасталарни кўрдим, даволадим. Оллоҳ шу йўла хоҳлаганига шифо беради. Истайсанми, сендан ҳам бу жиннилик касалининг кетиши учун саъй-ҳаракат қилсам, — деди чин дилдан.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг сўзларига жавобан бундай жавоб қилдилар:

— Ҳамду сано Оллоҳга махсусдир. Унга ҳамд айтмиз, Ундан ердан тилаймиз. Оллоҳ кимга ҳидоят берадиган бўлса, уни бу тўғри йўлдан оздирадиган ҳеч кимса топилмас. Заллатда қолдиргани кимсага ҳам ҳеч киши ҳидоят бера олмас. Шохидлик бераманки, Оллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ ҳеч бир маъбуд йўқдир; бирдир, шериғи йўқдир.

Димод гузал бир балоғат намунаси бўлган бу сўзларни диққат-ла тинглади. Шу заҳоти яна эшитгиси келди.

— Бу сўзларни бир марта айтасан холосми, эй Муҳаммад? — деди ютоқиб.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айнан такрорладилар. Димод бошини эгганча қулоқ солиб утирарди. Бир муддат бу каломларни зеҳнида ўлачаб кўрди, торғди, сўнгра:

— Яна бир марта қайтар шу сўзларингни!.. — деди.

Такрорладилар; тинглади, уйланди, сўнгра дедики:

— Валлоҳи (Оллоҳга қасамки), мен коҳинлар билан, сеҳрбоз-

лар билан, шоирлар билан куришдим, уларнинг сўзларини роса тингладим, лекин мана бу сўзларга ўхшайдиган ҳеч бир калом эшитмадим. Қўлингни бер, мусулмон бўлиб сенга тобе бўламан.

Димод айни чоқда ҳам ўзининг номидан, ҳам қавмининг номидан Расулуллоҳга (а.с.) байъат бераётган эди. Сўнг хўшлашди.¹

* * *

Ибн Масъуд (р.а.) бир хотирасини бундай нақл этади: «Бир куни Набийи Акрам жанобларидан, Оллоҳ таолонинг наздида энг ёмон гуноҳ нима, деб сўрадим.

— Оллоҳ таолога бирон нарсани тенг ва шерик қилишдир. Ҳолбуки, сени яратган ҳам Удир, — деб жавоб қилдилар.

— Сунгра энг ёмони-чи? — дедим.

— Овқатингга шерик бўлишидан қўрқиб фарзандингни улдиришинг.

— Учинчиси-чи, ё Расулуллоҳ?

— Қўшнингнинг хотини билан зино қилишингдир, — деб буюрдилар.

Ёмонлик ва фисқ-фасод йўлининг саркардаларига тобе бўлиб, Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши чиққан, унинг йўлига киришдан ўжарлик билан буйин товлаганларнинг аҳволи қуйидагича баён этилади:

«У кунда бу золим қўлларни (бармоқларни) тишлаб, афсус надомат қилиб дер: «Э, қанийди мен ҳам пайгамбар билан бир йўлни тутганимда! Улим бўлсин менга, қанийди мен фалончини дўст тутганимда эди! Аниқки, менга эслатма — Қуръон келганидан сўнг ўша (фалончи) мени йўлдан оздирди». У кунда шайтон (ҳаёти дунёда ўзига эргашган барча) инсонни ёрдамсиз қўйувчидир».²

Шу орада Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қуйидаги ҳадислари ҳам хотираларга муҳрланди: «Яхши дўст билан ёмон дўстни мушк сотувчи билан ўт пуфловчига қийслаш мумкин. Мушк сотувчидан ё сен сотиб оласан, ё у сенга совға қилади. Ёки унинг ёнида турсанг ҳам, хушбўй ҳиддан лаззатланасан. Ёмон дўст эса, ўт пуфловчига ўхшайди. Ё ўт пуфлаб учқун сачратиб, либосингни ёндириб юборади, ёки сассиқ ҳиддан безовта бўласан».

Мўминлар рия қилишлари керак бўлган одоб-ахлоқ қоидалари, қурайшларга ва хусусан ўзларига ёмон муносабатда бўлган кишиларга нисбатан қандай муомала қилиш кераклиги Фурқон сурасида баён этилди. Шунингдек, фозил мўминларнинг сифатлари ҳам кўрсатилди:

«Раҳмоннинг суякли бандалари Ерда тавозуъ билан юрадиган, жоҳил кимсалар бемаъни хитоб қилган вақтида ҳам «Омон бўлинглар» деб жавоб қиладиган кишилардир. Улар кечаларни Парвардигорга сажда қилиб ва (жойнамоз устида) тик туриб бедор ўтказадиган кишилардир. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини даф қилгин. Дарҳақиқат, унинг

¹ Ибни Касир. Сияр, 1/452.

² Фурқон, 27—29.

азоби кетмас-мангу азобдир. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон жойдир», дейдиган кишилардир. Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам, бахиллик ҳам қилмаслар. (Балки, эҳсонлари) ана уша (хасислик билан исроф) ўртасида муътадил бўлур. Улар Оллоҳ билан бирга бошқа бир илоҳга илтижо қилмаслар ва Оллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ва зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат кунида унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолда мангу қолур».¹

Бу оятлар кўпгина мўминларни ҳаёла толдириб қўйди. Кўзлар намланди, хотираларда ўтмишда бўлиб ўтган аламли, ор қилувчи воқеалар жонланди.

Эгилган бошлар, бир зумда кулимсирашни унутган кўзлар ва беихтиёр олинган чуқур нафаслару хўрсинишлар уларга дунёни тор қилиб қўйди. Чунки тарих қаърига яширинган ва бундай кейин ҳеч қачон такрорланмайдиган бу хотиралар бир дақиқа ичида қуз олдиларида намоеън булган, «Ўтмишингда мен ҳам борман», деяётгандай, виждон азобини кучайтирган эди. Буларнинг ҳаммасини жазо ва мукофотни бергувчи Ёлғиз Оллоҳ билади.

Уша кеча кўпгина кишилар мижжа қоқмадилар, у ёқдан-бу ёққа аганаб тонг оттирдилар.

Ниҳоят бошлари эгик ҳолда Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келдилар. «Ё Расулуллоҳ, дардимизга дармон бўладиган бир чора топинг, ахир, биз адоён тамом булдик», дедилар. Сабаби суралганда:

— Биз жоҳилия даврида зино ҳам қилдик, одам ҳам ўлдирдик, Оллоҳдан бошқа бутларга қайта-қайта сигиндик, — дея жавоб бердилар.

Набийи Акрам (с.а.в) жанобларининг изоҳ беришларига ҳожат қолмади. Ушбу дамда ваҳий малағи Жаброили Амин Сарвари Оламнинг ҳузурларига тушган эди. Мўминларга шафоатчилик қилувчи пайгамбаримиз (а.с.) янги келган ваҳийни ўқидилар:

«Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ ана ушаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон булган зотдир. Ким тавба қилиб, яхши (амаллар қилса, бас, албатта У Оллоҳнинг (ризо-мағфирати)га) қайтган бўлур. Улар ёлгон гувоҳлик бермаслар ва лағв олдидан ўтган вақтларида олижаноблик билан ўтурлар. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган вақтида, у (оятларга) гунг ва кўр ҳоларида ташланмайдилар (балки уларни билиб-англаб амал қилурлар) Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳада эттин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир. Ушалар сабрқаноат қилганлари сабабли жаннатдаги юксак даражалар билан мукофотланурлар ва жаннатда фаришталар томонидан салом ва

¹ Фурқон, 63—69.

омонлик билан қарши олинурлар. Улар уша жойда мангу қолурлар. У энг гузал қароргоҳ-манзилдир. (Эй Муҳаммад, мушрикларга) айтинг: «Агар дуо-илтижо қилмас экансизлар, Парвардигорим сизларга парво қилмас. Бас, сизлар (У зот юборган пайгамбарни) ёлгончи қилдингиз. Энди, албатта, (азоб-уқубат) сизларга лозим булур».¹

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўзларида порлаган севинч учқунлари мана шундай ифода этилди. Бу оятлар мўминларнинг кўнглига таскин, қалбларига ором берди. Кўзларга севинч тўла ёшлар балқиб чиқди. Оллоҳга ҳамду санолар ва шукроналар келтирувчи овозлар юксатди.

Аянчли хотираларга бой мозий эртага яхшилиқ бўлиб қайтиши, Жаноби Ҳақнинг раҳматига сизинганлар мангу бахт-саодатга эришишлари шу йўсинда ваъда қилинган эди.

«Улар кечани жойнамоз устида тик турган ҳолларида, сажда қилиб ўтказурлар» бяти мўминларга кечалари ўқиладиган намознинг зиёда бўлиши ҳақида алоҳида маълумот берди. Ҳамма энг ширин уйқуга кетганида, нафс хоҳишларидан қутулиб, Буюк Яратувчи билан яккама-якка қолиш, унинг ҳузурига бош кўйиш мўминларга ўзгача ҳузур-ҳаловат бахш этарди.

Набийи Акрам (с.а.в.) кечаларни ибодат қилиб ўтказишни истаганларга шундай ўғит бердилар:

— Шони буюк Роббимиз, кечанинг сўнгги учдан бир қисмида дунё самосига қадар пастлаб: «Менга дуо қилувчилар йўқми, қабул қилсам? Мендан сўровчилар йўқми, сўраганини берсам? Мендан мағфират сўрагувчилар йўқми, гуноҳларидан ўтсам?» деб амр қилади. Бу воқелик ҳар кеча барқарордир.

Пайгамбаримиз ушбу сўзлари билан, кечанинг сўнгги қисмидан оқилона фойдаланинг, демоқчи бўлган эдилар.

Мўминнинг яшашга ҳаққи борми?

Пайгамбарлик келганидан буён етти йил ўтди. Қурайшлар қўлаган бир қатор жиддий чора-тадбирлар фойда бермади. Натижада мушриклар, Макканинг юқори қисмида жойлашган Ҳожун қабристонни ёнида фавқулодда бир йигилиш ўтказдилар. Қисқа вақт ичида шундай бир қарорга келинди:

Жаноби Пайгамбарнинг (с.а.в.) қариндошлари булмиш Бани Ҳошимга қарши биргаликда ҳаракат қилиш ва сурункали бир бойқот уюштиришга келишилди. Улардан қиз олинмайдиган, қизларини уларга бермайдиган, савдо-сотик муносабатлари узилмайдиган ва бу қарорга амал қилмаганлар жазоланадиган бўлди.

Агар бу қарор кўнгидагидек натижа берса, ҳошимийлар ва Муттолиб ўғиллари Расулуллоҳдан (с.а.в.) юз ўтиражак, якка бўлиб қолган инсонни эса, мағлуб этишлари осон бўлади.

¹ Фурқон, 70—77.

Қарорларининг қатъийлигини кўрсатиш учун модда-модда қилиб ёзиб, Абу Толибни чақиртирдилар ва ўқиб бердилар, жиянини ихтиёрларига топширмаса, бу қарор шафқатсизларча амалга оширилишини ўқтирдилар.

— Жияним учун ҳар қандай фидокорликка ҳам тайёрман, — деди Абу Толиб. — Керак бўлса, сўнгги томчи қоним қолгунча сизларга қарши урушаман. Бутун ҳошимийлар ва Муттолиб ўғиллари ҳам мен билан ҳамфикрдирлар. Қўлларингдан келганини қилларинг!

Қабила бошлиқлари бундан бир иш чиқишидан умидларини узиб, бошқача қарорга келдилар: бойқотномани Каъбанинг ичига осиб қўйдилар. Шу тариқа бойқот расман бошланди.

Абу Толиб Ҳошим ва Муттолиб ўғилларини бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга, Расулуллоҳни (с.а.в.) қўлаб-қувватлашга чақирди. Ҳаммалари ва Макка мўминлари «Шийъи Абу Толиб» номи берилган ва Абу Толиб яшайдиган маҳаллага кўчиб ўтдилар.

Қарама-қаршилиқ, зиддият авжига минди.

Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаб сингари ашаддий мушриклар бозор-учарларни айлаиб юришар, мўминларнинг бирон нарса харид қилиши ёки сотишига йўл қўймас эдилар. Баъзан улар берганидан ҳам кўпроқ пул бериб, пишай деб турган савдони бузишар, сотмоқчи бўлган нарсаларини эса, камситишга уринар эдилар.

Абу Толиб кечалари ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобларини ёлғиз қолдирмас, ё ўзи, ё ўғилларидан, ё қариндошларидан биттаси пайгамбаримизнинг уйларида қолиб, посбонлик қилар, бирон тажовузга учраб юрмасин тагин, деб бор гайратини ишга солар эди.

Ҳошим ўғилларидан Абу Толибнинг маҳалласига Абу Лаҳабгина кўчиб келмаган эди. Ҳар доимгидай, у мушрик ҳамтовоқлари билан қолишни афзал кўрди, қариндош-уруғларидан юз ўгирди.

Ҳазрати Умар ва Ҳамзадан бошқа ҳеч ким ташқарида бемалол юра олмай қолди. Бошқалар маҳалладан ташқарига чиққудай бўлсалар, аёвсиз калтакланар, ҳақорату азоб-уқубатларга дучор қилинар эдилар.

Ташқаридан ҳам ҳеч нарса олиб келиб бўлмай қолди. Зеро, тикандан бошқа нарса ўсмайдиган бу ерда деҳқончилик қилиш, сабзавот экиб ҳосил олиш мумкин эмасди. Шу боис уйларда бор озиқ-овқатни мумкин даражада тежаб истеъмол қилиш йўли тутилди. Бу масалада қўни-қўшнилар бир-бирларига ёрдамчи бўдилар. Абу Толиб бор бисотини шу йўлда сарфлаб тугатди. Расулуллоҳ (с.а.в.) билан Ҳазрати Ҳадича қўл остиларидаги ҳамма нарсани шу йўлда сарфладилар. Бутпараст бўлсалар ҳам, фақатгина қариндош-уруғчиликнинг ҳаққи-ҳурмати учун шунча азият чекаётган ва лом-мим деб ҳам нолимаган кишиларга тарқатдилар.

Аммо уйдаги озиқ-овқат қанчага ҳам етарди? Бир оила бойбадавлат бўлган тақдирда ҳам неча оилани тўйдирар оларди?

Озиқ-овқатлар қаттиқ тежаб-тергаб ейилишига қарамай, тугади. Мудҳиш бир очарчилик бошланди. Эрта тонгда оч турганлар бир бурда ҳам нон емай кунни утказар, кейинги кунни яна очликда кутиб олар эдилар. Ҳайвонлар оч, одамлар оч. Очликдан мадори қуриган гўдакларнинг йиғи-сигилари, дод-фарёдлари атрофда бемалол эшитилади. У ер-бу ерда ўсадиган дарахтларнинг япроқлари ейила бошланди. Тери парчалари чайналиб шимилди. Топилган ҳар қандай ҳайвоннинг қорни, ичак-чавоғи ҳеч иккиланмай пиширилар ва дастурхонга тортилар эди.

Мана шундай оғир машаққатларга қарамай, хоҳ Ҳошим утиларидан, хоҳ Муттолиб утиларидан бир эркак ёки аёлнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Бизнинг илоҳларимизга тил теккиздинг, динимизни йўқ қилишга уриндинг, оқибатда мана шу балога гирифтор бўддик. Мана кўр қандай аҳволга тушганимизни...» демади. Шундай деганини билмаймиз.

Бу ҳол бир ҳафта ё бир ой эмас, нақ уч йил давом этди. Чилла каби ҳар хил қийинчиликларни ўзида мужассамлаштирган уч йил. Ҳаёт ҳар куни бир бошқа ва аччиқ-аламли жиҳати билан ўтаверди.

Бир куни қоронгу тушиб, кўчаларга жимжитлик чўккандан кейин ўрқачига ун тўла қоплар ортилган бир туя Абу Толиб маҳалласи сари йўл олди. Маҳалланинг бошига етиб келган одам туянинг жловини бўйнига осди, сўнгра орқасидан қўллари билан бир неча марта шапатилаб, «Чуҳ жонивор», деди-да, ўзи қайтиб кетди, қоронгулик ичида гойиб бўлди.

Бу одам Ҳишом ибн Амр эди.

Туя шўрлик кимнинг ҳам уйига борарди? Шундай умид қилган эдики, бирорта одам учратсаю уйига етаклаб бориб, устидаги юкнинг ҳаммасини тезда яшириб, кейин қўни-қўшниларга бўлиштириб берса...

Ҳишомни бу инсонпарварликка, гамхўрликка чорлаган нарса маҳалладан ташқарида ҳам бемалол эшитилиб турган йиғи-сиги, дод-фарёдлар эди. Улар ҳам ўзига ўхшаган инсон, қолаверса, у билан бир уруғнинг вакили эдилар.

Ҳаким ибн Ҳизом ҳам аммаси Ҳазрати Ҳадича учун озиқ-овқат жўнатгани, яна бошқа бир неча киши ҳам ана шундай йўл тутиб, мусулмонларга ҳамдард бўлгани тарихдан маълум.

Бир куни Ҳишом ибн Амр яна уч туяга озиқ-овқат юклаб Абу Толиб маҳалласига жўнатаётганида, мушриклар сезиб қолишди. Эрталаб Абу Жаҳл бошчилигида мушриклар ўртасида ўтказилган бир мажлисда сўроққа тутилди, танбеҳ берилди, келишилган қарорнинг ҳукмларига зид иш тутмасликка онт ичилгани эслатилди. Абу Жаҳл:

— Бизнинг мақсадимиз беғуноҳ одамларга зулм қилиш эмас, — деди. — Ниятимиз жамоамизни тарқатган, илоҳаримизни айблаган... ва гап уқмас, ўжар анави жодутарни тартибга чақириб қўйиш. Ё уни бу йўлдан қайтарамиз, ё Абу Толиб бошлиқ бутун қариндош-уруғлари ундан юз ўтирадилар.

Шу аснода Ҳишомни аямай ҳақорат қилдилар.

Ўзини ҳимоя қилишга унинг қурби етарди. Бу хатти-ҳарака-

ти виждонли кишига муносиб бир иш эканлигини айта оларди. «Мен бу ишни кеч бўлса ҳам, қилганимдан бахтиёрман. Шунча бегуноҳ инсон хотин, бола-чақаси билан ҳамда қариндош-уруғимиз бўлишларига қарамай, очликка маҳкум этилиб, уларга ёрдамчи бўлишга ҳам изн бермаганлар уялиши керак», дея оларди. Ичидан ана шундай фикрлар ўтган, аммо шу фикрини баён этгани билан биров «Ҳишом тўғри гапиряпти, биз жуда ноинсофлик қилдик», демасди.

Шунинг учун у дилидаги гапларни эмас, талаб қилинаётган гапларни гапирди:

— Бу сўнггиси бўлади. Энди шу ишни қилаётганимни кўрмайсиз, — деди.

Бошқа бир куни Ҳаким ибн Ҳизом аммасига ун жўнатмоқчи бўлиб турган эди, Абу Жаҳлга дуч келди. Бу манзара Абу Жаҳлга баттар ёқмади.

— Буларни орқага қайтарасан, эй Ҳаким, — деди.

— Нима учун?

— Чунки бу маҳаллага озиқ-овқат кирмаслиги керак, биз бунга рухсат бермаймиз.

— Мен уларни аммамга жўнатмоқчиман.

— Ҳеч кимга жўната олмайсан.

— Мен билан ишинг бўлмасин. Аммамга ёрдам бериш учун сенинг ижозатинга муҳтож эмасман.

Абу Жаҳл руҳан мадад истаб ёнида турган Абул Бахтарийга қаради. Аммо у Ҳаким ибн Ҳизомни ёқлади. Натижада баҳс-мунозара бошланиб кетиб, можаро алаал-оқибат Абул Бахтарий қўлига илинган бир суяк билан Абу Жаҳлнинг бошига уриши билан тутади. Абу Жаҳл газабини боса олмаган Абул Бахтарийнинг муштларига нишон бўлиб, ерга қулади.

...

Бойқот уч йил давом этди. Унга йўлакай яна бир қатор аламли ҳодисалар қўшилиб кетди.

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) амакилари Абу Толибни излаб топдилар ва Каъба ички деворига осиб қўйилган қарорни дарахт қуртлари еб битирганини, қогозда фақат «Оллоҳим, сенинг номинг билан» деган маънога тўғри келадиган «Бисмика Оллоҳумма» иборасигина қолганини билдирдилар. Абу Толиб ҳайрон бўлди:

— Қаердан биласан шундай бўлганини? — деб сўради.

— Роббим маълум қилди, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Абу Толиб дарҳол бориб Қурайш зодагонларини тўплади.

— Бир таклиф билан келдим, — деди.

— Хуш, қанақа таклиф экан у, Абу Толиб?

— Жияним Муҳаммад, Каъбага осиб қўйган қарорномаларингизни дарахт қуртлари еб битирди, фақат «Бисмика Оллоҳумма» иборасигина қолди, деб даъво қилмоқда. Болалигидан бери синаб келаманки, ҳамиша унинг гаплари тўғри чиққан.

Шунинг учун ҳузурларингизда бир нарсани таклиф қилишга келдим.

— Сўзла таклифингни, эй Бани Ҳошимнинг йўлбошчиси! — дейишди.

— Ҳозир биргаликда Каъбага борамиз-да, у ерга осиб қўйган қоғозларингизни олиб кўрамиз. Агар Муҳаммаднинг даъвоси тўғри чиқса, сизлар бу бемаъни бойқотга чек қўясизлар. Инсонларни оч-ялангоч, чор-ночор ҳолда, била туриб, ўлим чангалига топширишдан воз кечасизлар. Бу ерда қавмингиз, қабиладошларингиз ва уларнинг оилалари жон олиб-жон бермоқдалар. Агар жиянимнинг гаплари ёлгон бўлиб чиқса, у ҳолда Муҳаммадни уша заҳотиёқ ихтиёрларингизга топширишга сўз берман.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг Каъбага кирмагани аниқ. Бу дафъа ўлим фармони уш қўли билан имзолагандай эди. Мушрикларнинг юзларидан табассум ифодаси пайдо бўлди. Ниҳоят зафарга олиб борувчи йўл очилган эди. Бир зум ҳам иккиланмадилар.

— Биз розимиз, ё Абу Толиб, — дедилар.

Биргаликда бориб Каъбани очдилар, Диққат билан қарадилар. Дарҳақиқат, аҳднома илвираб кетган эди.

— Бундай бўлиши асло мумкин эмас, — деди биров.

Абу Толиб сўради:

— «Бўлиши мумкин эмас» деганинг нимаси? Каъбанинг калити сизларда бўлса, бу ерга кимни киритиш-киритмаслик сизларнинг ихтиёрларингизда бўлса... Энди орада юзага келган муаммони узил-кесил ҳал этиш фурсати келди.

Абу Жаҳл сўз қўшди:

— Мен аминманки, жиянинг ўтакетган бир уста жодутар экан. Ундан буюкроқ жодутар ҳали дунёга келган эмас, келмайди ҳам!..

Вазият бирдан ўзгарди. Бир оз олдин «Жуда соз, розимиз...» дея, хабар тўғри чиққан тақдирда, бойқотга чек қўйишга сўз берган кишилар гўёки булар эмас, бошқалар эди. Тўнгилай, тўнгилай тарқалдилар.

. . .

Мусулмонларга ёрдам бераётганида қўлга тушиб қолган Ҳишом, инсонпарварликка том муносиб бир иш қилгани учун Абу Жаҳлдан ва бошқа биродарларидан эшитган ҳақоратни ҳеч ҳам қила олмади.

Сабабсиз ҳақоратлар Ҳишомга алоҳида бир қувват берди. Бу масалани ҳал қилиш ва галабага эришиш учун қўлидан келадиган ҳеч бир ташаббусни ортга сурмасликка қарор берди. Қарорни амалга ошириш учун Зухайр ибн Абу Умаййанинг уйига борди.

Зухайр Расулуллоҳнинг (с.а.в.) аммалари Атиканинг ўгли эди.

— Салом, ё Зухайр!

— Салом сента ҳам, эй Ҳишом.

— Қалайсан?

— Дурустман.

— Дурустсан, аммо тоғаларинг огир аҳволда эканликларини кўра-била туриб, қанақасига хотиржам бўласан, қанақасига еган-ичганинг татийди, ҳайронман. Мен шунга қатъий ишонаманки, агар Амр ибн Ҳишомнинг тоғаларига қарши шундай бир битим тузилса, у буни зинҳор қабул қилмаган буларди.

— Бу билан нима демоқчисан?.. Мен нима ҳам қила олардим, ёлғиз бўлсам... Қасамки, ёнимда яна битта менинг фикримни тасдиқлайдиган биродарим бўлсайди, ўша қогозни бартараф этиб, бемаъни бойқотга чек қўйган булардим.

— У ҳолда, қани, қўлни ташла, сенга керакли одам, мана, менман.

— Жуда соз, унда учинчи бир ҳамфикрни топайлик.

Ҳишом у ердан чиқиб, Мутъям ибн Одийнинг қошига борди. Ҳол-аҳвол сурашилгандан кейин мақсадини баён этди, юзага келган вазиятнинг ўта жиддий эканлигини ўқтирди.

Мутъям инсофли бир одам эди, аммо у ҳам ёлғизлигини писанда қилди.

— Яна бир одам бор, ёрдам беришга тайёр, — деди Ҳишом.

— Ким?

— Мана, мен.

— Жуда соз, у ҳолда яна бир кишини топишимиз керак.

— Учинчи киши ҳам бор, Зухайр ибн Абу Умаййадир.

— Турт киши бўлсак, яна ҳам яхши буларди.

Ҳишом ибн Амр бу ердан ҳам чиқиб, Абул Бахтарийникига борди. Уни ҳам ўйлаган ишига рози қилди. Кейин Замъа ибн Асваж ибн Абдумуттолиб билан учрашди.

Бу беш маслақдош ўша куни кечаси Ҳожун қабристонининг биқинига йигилдилар, бўлгуси ишларининг режасини туздилар. Зухайр:

— Мен бошлайман, сизлар эса, мени қўллаб-қувватлайсизлар, — деди.

Бир қарорга келиниб, уй-уйларига тарқалдилар.

Эрталаб Зухайр покиза либосларини кийиб уйдан чиқди. Бориб, Каъбани етти марта тавоф қилди. Кейин ўша ерга йигилган халойиққа қарата:

— Эй Макка халқи! Ҳошимийлар очлиқдан қирилиб кетар эканлар, бизнинг еган-ичганимиз татийдими? Худо ҳаққи, ноҳақликнинг тимсоли бўлган қариндош-уруғчиликни иддизидан қупорувчи битим ёзилган бу саҳифа бурда-бурда қилинмагунча утирмайман, — деб хитоб қилди.

Абу Жаҳл масжиднинг бир бурчагида утирган эди. Қулогига чалинган бу сузлар уни ўрнидан сапчиб туришга мажбур қилди.

— Бекорларни айтибсан, у қогоз ҳеч қачон йиртилмайди! — деб бақирди.

Замъа ибн Асвад мунозарага аралашди:

— Аслида ёлгончи сенсан, ё Амр! Биз бундай ноҳақ битим тарафдори эмасдик.

Абул Бахтарий:

— Замъа тугри гапирмоқда, — деди. Уша саҳифада ёзилган ҳукмларга бизлар асло рози эмасдик. Энди ҳам нотугрилигини эътироф этамиз.

Мутъим ҳам шу фикрни тасдиқлади:

— Ҳар иккалангиз ҳам ҳақ гапни гапирдингиз. Бошқача гап ёлгон бўлган булур эди. Биз бу саҳифада ёзилган номаъқул гаплар учун Оллоҳдан кечирим сўраймиз, — деди.

Абу Жаҳл бу ерда бир гап борлигини сизди.

— Бу бир маслаҳатли кенгашдан чиқайтган қуруқ сафсатадир. Сизлар олдиндан келишиб олиб, энди халқнинг кўзини буюқчисизлар, — деди.

Ушбу ҳодиса содир бўлаётганда, Абу Толиб ҳам шу ерда эди, аммо у лом-мим демай, бир чеккада ўтириб томоша қилар эди.

Шу чоғ Мутъим утирган жойидан турди. Тугри бориб, Каъбага кирди, саҳифани осиглик турган жойидан олди. Ҳамманинг кўзи унгида, кутиб ўтирмай, йиртиб ташлади.

Шу зайл Маккада уч йилдан бери давом этиб келган умумий зулмга чек қўйилди. Мусулмонларнинг сабр-тоқати тугаётган эди, саҳифа йиртилиб, муаммо ҳам ҳал бўлди-қўйди.

Ҳолбуки, Абу Жаҳл сўнгги зарба бериладиган кунлар яқинлигини, яна узоғи билан бир ёки икки ойдан сўнг пичоқ бориб суякка тақалишини жуда яхши биларди. Ё улим, ё Муҳаммадни Қурайш зодагонларига таслим этиш каби икки йўлдан бири танланадиган кунни сабрсизлик билан кутиб келаётган эди. Овқат пишган, совусин деб ўчоқдан туширилган, ўтириб ейиш фурсати яқинлашган эди. Ҳазилакам гапни, бугунги кун узоқ уч йил кутилди, ниҳоят толеъ энди кулиб боқай деб турган маҳалда бир зумда бой берилди-я. Оғзини ҳам очишга улгурмай қолди: саҳифа йиртилиб, битим бекор қилинди.

Дарров югуриб бориб Мутъим, Замъа, Зухайр ва Ҳишомнинг устига отилиш, пишиб турган ошни бузганларининг ҳисобини сўраш истағи миясига урилди. Аммо масала шу билан ҳал бўлмасди, аксинча, фожиали-қонли бир тўқнашув бошланиб кетиши мумкин эди. Кўпчилик бойқотнинг бекор этилишини хурсандчилик билан кутиб олди. Абу Жаҳл ва унинг ҳамтовоқлари эса, газабдан бурниларини тишлагудай бўлдилар.

Абу Толибнинг маҳалласига ночор кўчиб ўтганлар яна ўз уйларига қайтдилар. Очликдан тинка-мадори қуриган ёш гўдакларнинг оғир аҳволдан кўпдан бери азоб чекиб келаётган отоналар ўша кеча пишиллаб уйқута кетган жигаргўшаларининг ёнида севинч кўзёшларини тўқдилар.

Уч йилдай узоқ бир муддат давомида кўп машаққатларга зўр матонат билан бардош бериб келган, инсонга хос садоқат туйғусининг энг юксак намуналарини кўрсатган қариндошларига Абу Толиб самимий миннатдорлигини изҳор этди. Энди Маккада ҳаёт яна аввалги ҳолига қайтган эди.

• • •

«Алиф, лом, мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. Ле-

кин улар бу мағлубиятларидан сунг бир неча йил ичида албатта галаба қилажақлар. Аввалу охир барча иш Оллоҳнинг (измида)дир. Уша кунда мўминлар Оллоҳ (румликларни) голиб қилгани сабабли шодланурлар. Оллоҳ Узи хоҳлаган кишини голиб қилур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир. (Бу) Оллоҳнинг ваъдасидир. Оллоҳ Ўз ваъдасига хилофлик қилмас. Лекин буни кўп одамлар билмаслар».¹

Абу Бакр ушбу оятларни ўқиркан, Убай ибн Халаф унга кинояли бир қараш қилди:

— Бу ҳақда ҳам сенга Муҳаммад хабар бердимиз?! — деди.

— Худди шундай. Лекин булар унинг сўзлари эмас, Оллоҳнинг каломидир.

— Сизлар ёлгон тўқишдан бошқа ишни ҳам биласизларми узи? Қаерда бир бемаъни гап пайдо бўлса, албатта сизлардан чиққан бўлади, ё Абу Бакр! Мен сени ақли расо одам деб ўйлардим. Азалдан бери шу фикримда собит эдим. Бироқ Муҳаммадга қўшилингу сен ҳам ақлдан оздинг, шекилли. Ҳолбуки, сен «Инсонни камситади, ор-номусга қолдиради», деб шаробни ҳам узингга ҳаром қилган кишисан.

— Ҳозир ҳам шунақаман.

— Жуда соз. У ҳолда нега бу бемаъни гапларга ишонасан?

— Бу хабар бемаъни эмас, юз фоиз тўғри чиқадиган башоратдир.

— Хўп, майли, у ҳолда кел, гаров ўйнаймиз! Мен унта туя тикаман.

Бу икки одамдан бири кузи билан кўриб турган нарсагагина ишонса, азалдан бўён давом этиб келаётган воқеа-ҳодисалардан чиқариладиган ақлий хулосаларга таянса, иккинчиси Буюк Оллоҳдан келган хабарга ишонар эди.

Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) тезда Расулуллоҳни (с.а.в.) топди ва бўлиб утган воқеани сўзлаб берди. Фаҳри Олам (с.а.в.) жаноблари «бир қанча йил» ибораси уч билан ўн йил орасидаги муддатни билдиришини айтдилар.

— Вақтини узайтир, туялар сонини кўпайтир, — деб буюрдилар.

Убай Ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) яна қайтиб келганини кўриб, шошиб қолди:

— Пушаймон бўлдингми-а? — деди.

— Йўқ, пушаймон эмасман, агар рози бўлсанг, туялар сонини кўпайтирамиз, — деди Абу Бакр (р.а.).

— Юзта туя қўяман, вақтни эса, тўққиз йилгача чўзамиз.

— Розиман, — деди Убай.

Шу тариқа ўйналган гаров ўтимлигини сақлаб қолар, румларнинг эронликлар устидан галаба қозонганликлари ҳақида хабар келганда Ҳазрати Абу Бакр юзта туяни Убайнинг меросхўрларидан олажақ эди.

¹ Рум, 1—6.

Румлик темирчи

Мушриклар ҳар куни бир игво тўқиб чиқарардилар. Бу сафар:

— Ўзи ёзган нарсаларни, Оллоҳнинг каломи, деб халққа тақдим этмоқда, — дея бошладилар.

Мажлисларнинг кун тартибида мана шунга ўхшаш сўзлар бўлиб қолди. Муминлар ҳамон ақсизликда айбланардилар.

— Ўз қули билан ёзганларини сизларга ўқиса, «Оллоҳнинг каломидир» деб ишонаверасизларми? Ақлларингиз жойидами ўзи? Ёки эс-хушларингизни еб қўйганмисизлар?

Бу гаплар муминларга қайта-қайта айтилди. Ниҳоят Анкабут сурасига туширилган қуйидаги оятлар бу масалани ойдинлаштирди:

«Сиз (ўзингизга Қуръон нозил қилинишидан) илгари бирон китобни тиловат қилувчи бўлган эмас эдингиз ва ўз қулингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда, бузгунчи кимсалар албатта шубҳага тушган бўлур эдилар. Йўқ, у (Қуръон) илм ато этилган зотларнинг кунгилларидаги аниқ-равшан оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат зolimларгина инкор қилур».¹

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳаётларини қирқ йилдан бери яқиндан билиб келганлар тилларини тишлашга, қўлларини пешоналарига уришга мажбур бўлдилар. У зотнинг мактабга бормаганларини, ўқиш-ёзишни билмайдиган инсон эканликларини жуда яхши билардилар. Аммо ҳар томондан ургимчак тўри сингари ураб олган кибр, кин ва адоват, нафрат туйғулари уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйди. Кунгиллари гап ўқмасликка қасам ичгандай, янги-янги игволарни ўйлаб чиқариш билан банд, зехнлари фақат мана шу йўлда ишлар эди.

Пайгамбарларнинг энг буюғи Муҳаммад (с.а.в.) ора-сира асли румлик бўлган бир темирчининг ҳузурига борар, у билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Бу одам узоқ юртдан келиб, Маккада муқим бўлиб қолган эди. Четдан келган ва арабчани ёшлигидан ўрганмаган мусофир одам арабчани қанчалик билса, у ҳам шу даражада билар, гапирилган гапни зўрга англар, мақсадини ҳам аранг тушунтирар эди.

Бир куни мушриклар вайронадан хазина топгандай хурсанд бўлиб кетдилар.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳ сўйлаётган каломини мана шу темирчидан ўрганар экан, — дея игво бошладилар.

— Ҳа-я... У дуконга жуда серқатнов бўлиб қолган, аммо темирчида арзигулик бир иши йўқ эди-ку... Бирон буюртма бергани ҳам номаълум... Нега шу нарсани шунча пайтдан бери сезмадик-а, — дегандай қўллар пешоналарга урилди. Чашма кашф этилган, энди ундан сув чиқариш керак эди. Ҳа, шак-шубҳасиз, бу каломларни ўша темирчи ёздирар эди.

Чиндан ҳам ажойиб бир кашфиёт эди бу. Бир зумда ҳаммаёққа гап тарқалди: «Абдумуттолибнинг невараси ҳаммани

¹ Анкабут, 48-49.

мафтун этадиган бу жозибадор сўзларни румлик темирчидан урганаётган экан, у одам ҳар борганида нималарнидир ёзиб бераркан...» деган миш-мишлар пайдо бўлди.

Аммо бу миш-мишларнинг ҳам таги пуч, мантиқсиз эди. Не-ча йилдан буён беозор, бегуноҳ мўминларни қон қустириб келганлар шу оддий темирчининг танобини тортиб қўя олмасми-лар? «Биродар, сен ҳаддингдан ошяпсан. Куриб турибсанки, юртимизда фитна-фасод қўзғалди. Ота болани, бола отани танимайдиган бўлди. Буларнинг барчасига сен айбдорсан. Қадамингни ўйлаб бос!...» дейишлари мумкин эди-ку?

Қўллаб инсонларни ўз она юртини тарк этишга мажбур қилган зулмларнинг мингдан бири бу темирчига қилинса эди, шу заҳоти оғзи ёпилар, лом-мим демайдиган булар эди.

Қолаверса, уни ўлдирганлари тақдирда ҳам жавобини сўрайдиган, «Унинг орқасида, мана, биз турибмиз, бошидан бир тола сочини тушириб ҳам куриг-чи!...» дейдиган қудратли мадақори ҳам йўқ эди.

Ёки масалани яхшиликча ҳал этиш йўли ҳам бор эди. Яъни: «Ол, мана сенга унта энг аъло ургочи туя... Фақат тилингни тийсанг, бас. Бундан сўнг Абдумуттолибнинг невараси билан сирлашишни тўхтатсанг бўлди», дейиш қийинмиди?

«Буларни ёзиб беришинг эвазига Муҳаммад қанча пул беради?» деб сўраб олиб, тўлайдиган пулнинг бир неча баробарини бериб, анча-мунча саҳифани ёздириб, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига боришса, «Бу каломнинг ўхшашини келтиринглар, деган эдинг, мана, кўр. Қолаверса, айни манабдан келтирдик. Энди даъвоингдан воз кеч!» десалар бўлмасмиди?!

Лекин масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Яъни, бу темирчи насроний динида эди. Бир насроний ўзининг етук динидан воз кечиб, бошқа бир динни ўртага чиқарармиди?

Бу қадар гўзал, бу қадар латиф ва таъсирчан каломни сўзлашга қодир бўлган бир инсон нега: «Бу мукамал каломнинг адаби менман», деб ўртага чиқмайди, бутун шон-шараф, обрў-эътиборни бошқа бировга эҳсон қилади?

Ниҳоят Жаброили Амин келди. Уйламай-нетмай оғзига келган гапларни айтиб юрган мушрикларга яна бир бор танбеҳ берувчи оятни пайгамбаримизнинг (с.а.в.) қалбларига сингирди:

— «Аниқки, Биз уларнинг: «(Қуръонни Муҳаммадга) бирон одам ўргатмоқда», деяётганини билурмиз. Лекин уларнинг бу даъволари пучдир, чунки улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамий (яъни, арабий эмас), бу (Қуръон) эса, очиқ-равшан арабийдир»¹.

Бир-икки кун ичида бутун шаҳарга тарқалган миш-мишлар бир зумда тўхтади, сутнинг юзидаги кўпиклар сингари йўқ бўлди. Кўпдан бери лом-мим демай келаётган виждонлар қисқа вақт ичида ўзини кўрсатди:

— Тўғри, бу одам оддий араб тилини эслаб гапиролмайди-ку,

¹ Наҳл, 103.

қанақасига шундай бир мукамал каломни ёзиб берсин, — дея бошлашди.

Темирчини танимайдиганлар навбатдаги ваҳийнинг ҳақиқатга қанчалик мос ёки мос эмаслигини билиш учун Марва тепалиги атрофида маскан тутган румлик темирчининг дўкони сари йўл олдилар.

— Ҳорма энди, Жабр. Нималар қилаётирсан?

Жабр келганларга кулимсираб қаради:

— Мен қиялман иш... — деди. Учоқдаги темирни кўрсатиб, ишора қилди: — Темир...

Бу одам чиндан ҳам юмалоқ-ёстиқ қилиб гапирди. Унинг гапираётган сўзларини тўлиқ тушунишни истаган киши у сарф қилган гайратчалик гайрат сарфлаши керак эди.

Ночор у ердан лабларини буриштириб чиқиб кетдилар.

Бечора темирчи, бўлиб утган воқеалардан беҳабар, бутун куч-қудратини ишга солиб, темирни яссилаш билан овора эди.

Асл бир араб фарзандига адабиёт устозлиги қилганини у қайқдан ҳам билсин?

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) Роббиларидан келган оятларни саҳобийларига етказдилар:

«Иймон келтирган, ўз иймонларини зулм (ширк) билан аралаштирмаган зотлар — ана ўшалар хотиржам бўлгувчидирлар ва ўшалар ҳидоят топгувчидирлар»¹.

Ғамгин бир овоз эгилган бошларга, намланган кўзларга таржимон бўлди:

— Ё Расулуллоҳ, — деди, — ораимизда зулм қилмаганлар ҳам бормикан?..

Бениҳоя соф, бениҳоя самимий сўзлар эди бу. Оллоҳ ваъда қилган буюк бир неъмат бизга насиб этмас экан-да, дея хавотирга тушган бир юракдан фарёд бўлиб отилиб чиққан овоз эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу сўзларни сўйлаганга ўтирилдилар:

— Оллоҳ таолонинг муроди сизлар тушунаётгандай эмас. Бу оятдаги зулм ширк маъносидадир. Луқмони Ҳакимнинг ўғлига таъкидлаган сўзларини эшитмаганмисизлар? У ўғлига: «Ҳеч шубҳа қилмагинки, ширк бениҳоя бир зулmdir», деган эди, — деб марҳамат қилдилар.²

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) намоз ўқиётган чоғларида Қуръони Каримни баланд овоз билан тиловат қилардилар. Бир куни у кишининг тиловатларини эшитган мушриклар гоят ҳаддан ошиб, тарбиясизларча, юзсизликнинг энг ёрқин намунасини кўрсатдилар:

— Уқиганни ҳам, уни туширганни ҳам, келтирганни ҳам... — дея сўкиндилар.

Бундан ўзлари завқландилар ҳам. Ҳар сафар Қуръон тилова-

¹ Анъом, 82.

² Имоми Бухорий, 6/20.

тини эшитганда сўкишни кўнгилларига тутиб қўйдилар. Аммо бу орада Жаноби Ҳақ, Набийи Акрамига жўнатган бир фармон билан масалани ислоҳ қилди:

«Сиз намозингизни баянда овозда, ошкора қилиб ҳам юборманг (токи мушриклар эшитиб, Қуръонни ҳақорат қилмасинлар) ва ўта махфий ҳам қилиб юборманг (токи саҳобаларингиз тинглаб фойдалансинлар). Шуларнинг ўртасидаги йўлни тутинг!»¹

Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) намозни паст овозда ўқийдиган бўлдилар.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) саҳобаларига қилинаётган жабр, зулм ва ҳақоратлар илоҳий девонда ёзиб борилаётган эди. Уларнинг жазоси бериладиган, афсусланиб бармоқларини тишлайдиган кунлар ҳам келиши муқаррар...

Чунончи бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) кўкка қараб қўлларини дуога очдилар:

— Оллоҳим, уларга Юсуф пайгамбар даврида келтирилган ҳаётчиликни келтир! — дея илтижо қилдилар.

Натижада ёмғирлар ёгмай қолди, даҳшатли қурғоқчилик бошланди. Бу қурғоқчилик шу қадар мудҳиш тус олдики, очликдан мажолсиз қолган инсонлар осмонга тикилганларида фақат бир туман, тутунни кўраётгандай бўлардилар.

Бутлар ҳар доимгидай гунг ва соқов эди. Шу кунгача бирон ишнинг чорасини топа олмаган, бу сафар ҳам қурғоқчиликка қарши бирон тадбир топадиганга ўхшамайди.

Зеҳнлар ўтмиш кунларнинг хотираларига берилди. Абдумуттолиб, Абу Толиб ёмғир дуосига чиққан кунларни эсладилар. Ушанда улар билан бирга бўлган нур юзли гўдак кўз унларига келди.

Абу Толиб ҳали ҳаёт. Унинг ёнида бўлган нурли бола эса, ҳозир кап-катта киши. Аммо энди уларнинг ҳузурига бош уриб боришга, «Илтимос, ёмғир дуосига чиқайлик», дейишга бетлари чидамасди. Қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ҳақорат қилинган, жабр-зулмнинг ҳамма тури синаб кўрилган, ашаддий бир душман каби, уларга нисбатан аёвсиз бир сиёсат юргизилган эди. Буларнинг барчасини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, худди ҳеч нарса бўлмагандай келиш, ҳол-аҳвол сўрашиб, дуо қилишини сўраш учун ўта орсиз, юзсиз, уятсиз, пасткаш бир одам бўлиш керак.

Аммо қурғоқчилик тобора шиддатли тус олар, халқни бутунлай умидсиз қилиб қўяётган эди. Дуоси бешак қабул қилинадиган улуг зотга бош уриб боришдан ўзга чора қолмади...

Ниҳоят бу ишни Абу Сўфён зиммасига олди. Буюклар Буюгининг ҳузурларига бош уриб борди. Зулмга учраган, ҳаққи қўлдан тортиб олинган мазлумларга хос бир ялинчоқ овозда:

— Эй Муҳаммад, сен Оллоҳга итоат, қариндошларга эзгулик қилишни амр этасан. Ҳолбуки, қавминг очликдан ўладиган аҳ-

¹ Ал-Исро, 110; Имоми Бухорий, 5/229.

волга тушди. Оллоҳга бир дуо қилсанг, ҳаммамиз ҳам бу офатдан қутулардик.

Шу залда Абу Суфён энди сўнгги сўз Расулуллоҳ (с.а.в.) тегишли эканини, охир-оқибатда у зотнинг ҳукмлари утишини, коинотнинг Буюк Эгаси олдида қурайшларнинг эмас, Ҳабиби Акрамининг илтижоси муътабар бўлишини ушбу мурожаат билан очиқ-ойдин эътироф этган эди.

Бу сўзларни сўзлар экан, йиллар давомида ақл олмас не-не зулмларни мўминларга раво кўрганлар гуё улар эмасди. Гуёки Абу Толиб маҳалласига мўминларни ҳибс этиб, уч йил очарчиликда қолдирганлари ёдларида йўқ...

— Жуда соз, — деб кўндилар Жаноби Сарвари Олам. — Бордию дуоим қабул бўлса, иймон келтирасизларми?!

Абу Суфён самимий бир овоз билан жавоб берди:

— Халқ тўхтовсиз равишда бир овоздан ёлвормоқда. Эй Роббимиз, бизни бу азобдан халос эт, энди иймон келтирамиз, дея илтижо қилмоқда. — Шундан кейин қўшимча қилди: — Аҳ-волимиз мана шунақа, илтижоларимиз ҳам шундай.

Неча марта берилган ваъдалар қандай бузилган бўлса, бу сўзга ҳам улар осонгина хиёнат қилишлари мумкин эди. Яна жодутар дейишлари, яна ёлгончи, фолбин, шоир... каби бўҳтонлар ёғдиришлари бегумон эди. Аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) яхшиликни раво кўрдилар. Қолаверса, мўминларга шунча йиллардан бери қилинган жабр-зулмнинг алами олинган эди.

Абу Суфён сўзларида давом этди:

— Гапимга ишон, ўтинаман, эй Муҳаммад, осмон кўзимга худди бир туман каби хира кўринадиган бўлиб қолди. Азалдан мовий, тиниқ бўлган самоват ҳам узғариб қолгандек. Бундан ташқари, оёққа туришим бир азоб, юришим бир азоб, уйда овқат деб зорланаётган гўдакларга бирон егулик топиш яна бир бедаво дара.

Абу Суфён рост гапирар эди.

Оч меъдалар онгларга ҳукм қила бошлаган, кўзлар, нигоҳлар маҳзун, тиззалар қалтирар, кўк юзини эса, хира бир туман қоплаб олган эди.

Буюк Оллоҳ ҳам навбатдаги оятлари-ла ҳол чиндан ҳам шундай эканини тасдиқлади:

«Бас, (эй Муҳаммад,) сиз осмон очиқ (яъни, барчаси кўринадиган) тутунни келтирадиган кунга кўз тутинг. У (тутун барча) одамларни ўраб олур. Бу аламли азобдир. Шунда улар: «Парвардигоро, узинг бизлардан бу азобни аритгин. Албатта, бизлар иймон келтиргувчидирмиз», дейдилар».¹

Натижада Расули Муҳтарам (с.а.в.) қаҳатчиликнинг бекор қилинишини сўраб дуо ўқидилар. Офат бартараф бўлганидан дарак бериб, ёмгирлар ёғди, ҳаёт яна эски ҳолига қайтди.

Машаққатли кунлар унутилди. Абу Суфённинг ваъдасини ҳеч ким, ҳатто Абу Суфённинг ўзи ҳам эсламади. Энди ҳеч ким

¹ Духов, 10-12.

бу ваъданинг устидан чиқмаслигини ўзининг отини билгандай яхши биларди Абу Сўфён.

Аммо бу хиёнат шундайича қолиб кетаверадими?

Ушбу саволга жавоб тариқасида Буюк Оллоҳ шундай амр этди:

«Улар учун қаяқдан ҳам (бошларига тушган бу офатлардан) эслатма-ибрат олиш бўлсин?! Ҳолбуки, уларга очиқ пайгамбар (яъни Муҳаммад а.с.) келди, сўнгра ундан юз утирдилар ва «(Унга Қуръон бировлар томонидан) ўргатиб қўйилган, (у) мажнун», дедилар-ку?! Албатта, биз бу азобни (сизлардан) бир оз (вақтга) ариттувчидирмиз, сизлар ҳам, шак-шубҳасиз, (ўз куфру исёналарингизга) қайттувчидирсизлар. Биз даҳшатли ушлаш билан ушлайдиган кунда (яъни, Бадр жангида ёки қиёмат кунида биз улардан) интиқом олурмиз. Зеро, Биз интиқом олгувчидирмиз».¹

Бу интиқом яқин келажакда, Бадр жангида бошланажак ва то қиёмат кунигача давом этажак.²

Машҳур шоир Оъша қандай алданди?

Оъша донги бутун Араб ярим оролига тарқалган улут шоир эди. Бадр ибн Воил ўтиларидан бўлган бу машҳур шоир Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақларида озми-кўпми эшитган. Исломи дини келтирган аҳкомлар ва Қуръондан баъзи оятларни тинглаган, «Бориб унинг динига кирайин», деб туясига мингану Маккага йўл олган эди.

Йўл бўйи Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақларида ўйлаб келди, у зотни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди.

Ниҳоят бир кун оғтоб ботай деб турганида Утба ибн Робианинг уйига етиб келди. Купдан бери куришмаган қадрдон дўстлар қучоқ очиб куришдилар.

— Хуш келибсан, эй азиз дўстим, — деб қаршилади Утба.

— Сизларни жуда соғиндим, эй Утба!

Уша кеча Оъша Утба ибн Робианинг азиз меҳмони бўлди. Иззат-икром, илтифот кўрсатилди. Оъша гўзал шеърлардан ўқиб берди.

Шу аснода Абдумуттолибнинг невараси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ҳақида битилган бир қасидани ҳам ўқиди.

Утба арабларнинг одатига хилоф иш тутмаслик учун Оъшанинг келишидан асл мақсадини сўрамади. Бироқ мақсад шундоқ ҳам маълум эди. Оъшанинг тўсатдан Расулуллоҳ (с.а.в.) тўғриларида гап бошлаганини бошқача изоҳлаб бўлмас эди.

— Роса чарчагансан, эй Оъша, вақтлуроқ ётиб дамнингни ол, бошқа гапларни эртага гаплашамиз.

— Гапинг тўғри, Утба. Йўл азоби — гўр азоби, деб бекор айтишмаган. Кўзларим юмилиб кетяпти, ётсам, ётақолай.

¹ Духон, 13-16.

² Имоми Бухорий, 2/15-19 ва 6/39.

Куп утмай эшитила бошлаган хуррак унинг қаттиқ уйқуга кетганини билдирди.

Тун ярмида Абу Жаҳлнинг эшиги тақиллади. Овозидан Утба ибн Робиа эканини таниди. Аёнки бундай бемаҳалда беҳуда келмаган. Бир муддат суҳбатлашдилар. Хайрлашар эканлар, Абу Жаҳл:

— Мен боргунча, уни ҳеч қаёққа чиқарма! — деб тайинлади.

Утба қоронгулик ичида гойиб бўлди. Орқасидан эшик ёпилар-ёпилмас мингирлаган овоз эшитилди: «Ҳап сеними, тунгиз шоир... Унинг динига кириб бўпсан!..»

Абу Жаҳл уша кеча мижжа қоқмай у ёқдан-бу ёққа аганаб чиқди. Хаёли Оъшани қандай қилиб фикридан қайтариш билан банд эди. Уйқуга кетса, тушига кирар, уйгонса, яна у ҳақда уйлар эди. •

Шундай улуг шоир ҳам ақлсизлик қилса, мусулмонларнинг кучига куч, гайратига гайрат қўшилиб, янада ҳаддиларидан ошиб кетмайдиларми?..

Эрталабгача Оъшани бўралаб сукиб чиқди.

Тонг-саҳарда Утбаникига кириб келди. Юзида айёрона бир табассум ифодаси бор эди.

— Хуш келибсан, эй Шоир, бизни жуда хурсанд қилдинг, — деб Оъшага илтифот кўргазди. Оъша ҳам шунга муносиб жавоб қилди:

— Хуш вақт бул, эй Абул Ҳакам.

Абу Жаҳл утирди. Туя сути билан меҳмон қилинди. Ҳолаҳвол сўралди. Ниҳоят Абу Жаҳл Оъшадан келиш мақсадини сўради.

— Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг динига кириш учун келдим, эй Абул Ҳакам, — дея жавоб берди Оъша содадиллик билан.

— Нима?!

Оъша қабиласига етиб борган баъзи бир хабарлар ҳақида сўзлаб берди. Янги дин хусусида шахсан пайгамбарнинг узидан маълумот олиб ўрганиш ниятида эканлигини билдирди.

— Лекин, — дея гап бошлади Абу Жаҳл, — бир динга киргач, уша диннинг ҳукмларига қатъий рияз қилиш лозимлигини ҳам билсанг керак?!

— Албатта.

— Жуда соз. У ҳолда Муҳаммаднинг зинони тақиқлаганини биласанми?

Оъша лабларини буриштиради:

— Билмас эдим. Лекин ёшим утиб, зино ҳам хуш ёқмай қолди, бундан кейин зинодан узоқ туриш энди мен учун у қадар қийин бўлмаса керак.

— Хўп, майли... Ичкилик ҳақида-чи, ичкилик ҳақида нима дейсан? Ахир, у ҳам тақиқланган.

— Тушунмадим.

— Муҳаммад ичкиликни ҳам тақиқлаяпти.

Оъша кўзларини катта-катта очди.

— Мана буниси энди чатоқ экан, — деди.

— Яъни?

— Яъни, ичкиликни жуда яхши кўраман. Ундан воз кечшим мушкул бўлади.

Оъшанинг кайфияти бузилди. Абу Жаҳлани титроқ босган эди. Сукунатни Утба бузди:

— Қандай қарорга келдинг, эй Оъша?

— Иш чапчасига кетди. Яхшиси — ҳозироқ уйга қайтиб, бир йил давомида тўйиб-тўйиб шароб ичиб олишим керак. Бир йилдан сўнг келиб унинг динига кираман. Бундан бошқа чора кўрмайшман.

— Уйлайманки, бу энг маъқул фикр бўлса керак.

Утба коса тўла хурмо шаробини, галаба билан қўтлаётгандай қилиб, уларнинг олдига суриб қўяр экан, Оъша сингари ақли расо кишининг уйлаб иш қилиши лозимлигини ҳам қўшимча қилди. Донги Ямандан Дамашққача кетган бир шоир янги бир динга кирса-ю, унинг ҳукмларига риоя қилмаса обрўйи тушиб кетишини ифода этди.

Оъша хайрлашди.

— Яна келгин, кутиб қоламиз, эй шоирларнинг султони!

— Яна келиб, уйларимизга файз киритишингдан умидвормиз, эй Оъша!

— Сизлар ҳам хуш қолинглар, дўстлар. Бир йилдан сўнг, ҳа-ҳа, яна бир йилдан сўнг келаман, хайр!

Оъша тўтри маслаҳат берган дўстларига қайта-қайта миннатдорлик билдириб, кетди. Бир йил давомида тўйиб-тўйиб шароб ичиш ҳақида уйлай-уйлай, Маккани тарк эди.

Ниятига етган ҳамтовоқлар у кўздан гойиб бўлгунча орқасидан кузатиб турдилар. Сўнгра бир-бирига тикилдилар:

— Ифлос шоир, жиннилиги тутиб фикридан қайтмаса эди, деб шундай кўрқдимки...

— Жуда айёрсан-да, эй Абул Ҳакам. Лот ҳаққи қасам ичманки, агар мен шайтон бўлсам, ишларимни битиришдан олдин маслаҳатлашиш учун қирқ марта бўлса ҳам эшигингни тақиллатардим сенинг.

Оъша шундай узоқ йўлни босиб, заҳмат чекиб Маккага етиб келганида, ҳеч бўлмаса бир марта Расулуллоҳ (с.а.в.) билан кўришиши лозим эмасмиди?

Бу жиҳатдан уни маъзур тутиб бўлмайди, деб уйлаймиз.

Абу Жаҳл билан Утбага келсак, улар мушрикларга хос вазифани бажарган эдилар. Умрларини иймон ва ирфон лашкарини тўхтатиш ва маҳв этиш йўлида сарфлаган кишилардан: «Жуда яхши уйлабсан, минг афсуски, биз ҳали ҳам иймон келтиришга журъат қилолмадик, сени самимий қўтлаймиз, эй Оъша!» дейишларини кутиб бўлмас эди, албатта.

Оъша кетди. Айтганидай, буткул ичкиликка берилди. Кетмакет шароб ичарди. Ичган сари завқланар, завқланган сари яна ичар эди.

Бир йилдан сўнг ичкиликка чек қўяман, деб уйлади.

Аммо у кунларгача етиб боролмаслигини ажал эшигини тақиллатиб келганда билди. Тутган жойидан кесадиған, олмасдан кетмайдиган ажал уз ишини қилди: Оъша ҳаёт билан видолашиб, кўзларини юмди.

Бир йил яшаса, келиб мусулмон бўлармиди ёки «Ҳали ҳам ичкиликка тўймадим», деб яна бир йил ичкиликка берилармиди?

Булар қиёмат кунини бўладиган ҳисоб-китобга ҳавола этиладиган мавзудир. Уни ҳам, уни аздаганларни ҳам ҳисоб-китоб қиладиган Буюк Оллоҳ нима қилишни, қандай йўл тутишни, албатта, биздан кўра яхшироқ билади.

Аммо узоқ йўлни машаққат чекиб босиб келган, лекин илк дафъа эшитган бир-икки оғиз сўзгаёқ алданиб, нур юзли Пайгамбар (с.а.в.) билан учрашмай кетган Оъшага ачинмай ҳам бўлмайди.¹

...

Жаноби пайгамбаримиз (с.а.в.) қурайшларни абадий саодат йўлига қорлар эканлар, улар бу ишни қандай қилиб бўлса ҳам бузишга уринишдан ҳеч чарчамас эдилар.

«Ҳеч бўлмаса, бу Қуръон икки шаҳарнинг ҳоқими бўлган улуг мартабали кишилардан бирига туширилмасмиди?» каби миш-мишлар тарқала бошлади бу гал.

Икки шаҳарнинг ҳоқимлари деб тан олинган кишилар Маккада Валид ибн Муғийра, Тоифда Урва ибн Масъуд Сақафий эди. Ҳатто Валид бу борадаги фикрини очиқчасига ифода этиб: «Муҳаммад, Оллоҳ каломидир, деб даъво қилаётган сўзлар чиндан ҳам Оллоҳ каломини бўлганида, менга ёхуд Урва ибн Масъудга тушириларди», деган.²

Ниҳоят, навбатдаги оятлар бу масалани ҳам ҳал этди:

«Яна улар: «Бу Қуръон икки қишлоқнинг биридан бўлган улуг одамга нозил қилинганида эди», дедилар. (Эй Муҳаммад) Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайгамбарлик)ни ушлар тақсимлайдиларми?! (Йўқ, асло ундай эмас!) Уларнинг ҳаёти дунёдаги маишат тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлагтиш) учун айримларини айримларидан балоқд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати — пайгамбарлик эса, улар тўплайдиган нарса (мол-дунё)ларидан яхшироқдир».³

Бу масалада янада ҳаддидан ошганлар, пайгамбарларга берилган нарсалар бизга ҳам берилмагунча, иймон келтирмаймиз, дедилар.

Жаноби Ҳақ бемаъни таклифу истаклар билан суюкли расулини базор қилган маккаликларга бир жавоб ва пайгамбарига бир бесаали тариқасида ушбу оятларни туширди:

¹ Ибни Хишом. Ас-сийратун-набавийя, 2/25-28.

² Қуртубий тафсири, 16-83.

³ Зухруф, 31-32.

«Қачон уларга (Муҳаммад пайгамбар эканлиги ҳақида) бирон оят келса, «То бизга ҳам Оллоҳнинг пайгамбарларига берилган оятларга ухшаш оятлар берилмагунча, ҳаргиз иймон келтирмаймиз», дедилар. Оллоҳ пайгамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ билгувчидир. Яқинда бундай жинояткорларга қилиб ўтган ҳийла-найранглари сабабли Оллоҳ ҳузурида хорлик ва қаттиқ азоб етажақдир!»¹

ҚАЙГУ ПИПИ

Фидокор амакининг ўлими

Абу Толиб энди анча кексайиб қолди. Ортиқ ҳаёт машаққатларини кўтаргудай ҳоли ҳам қолмади. Отаси Абдумуттолибнинг вафотидан буён қирқ йилга яқин вақт ўтди, ахир. Бир куни у касалга чалинди ва ётиб қолди.

Қурайш зодагонларидан Утба, Шайба, Абу Жаҳл, Умаййа, Абу Суфён ва яна бир неча киши уни зиёрат қилдилар. «Тузалиб кетгин», дедилар. Гап орасида:

— Эй Абу Толиб, биз сени ҳурмат қиламиз. Бу касаллик сени тўшаққа михлаб қўйибди. Агар бирон кор-ҳол юз берса, яхши бўлмайди, деб қўрқамиз. Шунча пайдан бери жиянинг билан бизларнинг ўртамизда давом этиб келаётган қарама-қаршиликни биласан. Уни ҳозир чақиртиргин-да, мумкин бўлса, ўзаро бир битимга келишайлик. Унинг бизга зарари тегмасин, биздан ҳам унга зиён-заҳмат етмасин, — дедилар.

Абу Толиб бу таклифни маъқул кўрди. Хабар юборди. Расулulloҳ (с.а.в.) дарҳол етиб келдилар. Ашаддий кофирларнинг ҳам шу ерда эканлигини кўрдилар. Амакиларининг ёнбошига утирдилар.

Абу Толиб чарчаган, ҳоргин товуш билан гап бошлади:

— Эй жияним, булар қавмнинг улутларидир. Сен билан бир битим тузиш учун келишибди.

Расулulloҳ (с.а.в.):

— Жуда соз, амакижон, — дея меҳмонларга ўтирилдилар: — Сизлардан биргина калима талаб қилинган. Шунини айтсаларингиз, натижада бутун араблар сизларнинг ҳокимиятингиз кетида бўладилар. Араб бўлмаганлар ҳам сизларнинг йўлингизга ва динингизга қирадилар.

Абу Жаҳл шошиб-нишиб:

— Бир эмас, ўнга калима сўзлашга ҳам тайёرمىз. Отангнинг боши ҳаққи, шу муаммога чек қўяйлик энди, — деди.

— «Ла илаҳа иллаллоҳ» дейсизлар ва барча бутлардан воз кечасизлар!

Улар ҳайратдан «Ана холос!» дея чапак чалиб юбордилар. Бу билан «Бўлмайди» демоқчи эдилар. Хафсалалари пир бўлди.

— Ё Муҳаммад, сен шунча илоҳни ёлғиз бир илоҳга айлантirmoқчимисан?!

¹ АНЪОМ, 124.

Тутриси, бу жуда булмагур нарса, — дея уринларидан турдилар, истеъзога тўлиқ қарашлар билан хонадан чиқиб кетдилар.

Қиёфаларида, одим отишларида ҳамон кибр ва мағрурлик ифодаси... Йулда борарканлар, ҳайратларини яшира олмасдилар:

— Наҳотки ундан бошқа ҳеч ким бунақа нарсаларни билмаса? Унинг динига ўхшаш бир дин ҳақида эшитган одам борми ҳеч?..

— Азизим, уйдирма қанақа бўлади? Катта бир шаҳарда шунча инсон яшаса-ю, Ёлғиз унгагина ваҳий келадими? Бунақа бўлмайди, ахир...

— Менга Абу Толиб жуда паришон бўлиб кўринди, — деди Умайя. — Тўшакдан қайтиб турмаса керак.

— Яхши одам, мард одам, аммо шу жияни масаласида ҳаддан ташқари ўжарлик қилди-да.

— Бу ўжарлик энди узоғи билан бир ҳафта давом этади. Шундан кейин, мана кўрасиз, майдон ўзимизга қолади.

— Онадан тугилганига пушаймон бўладиган кунлар амакисининг ажали билан биргалиқда келса шояд...

Шу тарз суҳбатлаша-суҳбатлаша, тарқалдилар.

Абу Толиб ажали яқин эканини сезарди. Ёнида утирганг ва Ислоом аҳкомларидан баҳс этган жияни бир муддат ўтгач, ижозат сўраб, хайрлашди. У кетар экан, Абу Толибнинг кўзларидан бир неча томчи аччиқ ёш тўкилди. Бу кўзёшлари тугаб бораётган умр шамчироғи учун эмас, отасидан кейин бор куч-қудрати ва гайратини ишга солиб, ўта самимийлик билан бажариб келган муқаддас вазифадан айрилишга мажбур қолгани учун тўкилаётган эди.

Ниҳоят, яна бир неча кун ўтгач, сўнгги нафасларини беражак ва ҳар бир инсон буйсунишга мажбур бўлган илоҳий ҳукмга у ҳам итоат этажак, ҳисоб ва жазо оламига кетажак. Аммо укаси ўздан кейин бу вазифани давом эттира олмасди.

Абу Лаҳаб Маккада сўзи утадиган, обрўйи баланд бир киши. Бироқ Расулуллоҳга (с.а.в.) ашаддий бир душман кўзи билан қарарди.

Иккинчи укаси Аббоснинг ҳам қўлидан келмайди бу иш. Бундай масъулиятли ва хавфли бир вазифани зиммасига оладиган ҳолатда эмас эди у. Тижоратга, судхўрликка муккасидан кетган. Расулуллоҳни (с.а.в.) ҳимоясига олган тақдирда қурайшларнинг унга душман бўлиб қолишидан ва оқибатда тижорат ва судхўрлик ишлари чапнасига кетишидан қўрқарди.

Яна бир укаси Ҳамза эса, мусулмон бўлган. Мусулмон бўлган кишининг сўзи ўтмас, ҳимояси ҳам тан олинмас эди.¹

Ҳол шундай экан, жиянининг ҳимоясиз қолиши муқаррар эди. Ушбу дамда кўзларидан оқиб соқолини ҳўллаётган ёш томчиларининг сабаби мана шу фикрлар эди.

¹ Уша кунларда Абдуруттолибнинг угилларидан яна кимлар ҳаёт бўлганини биз билмаймиз. (Муаллиф.)

Бир пайтлар ота-онасидан, кейинроқ бобосидан жудо бўлиб қолган, гўдаклик пайтида боқиб олган суюкли жиянини, ҳозирда катта бир киши бўлиб етишганига қарамай, душманлар билан қуршалган бир ҳолатда ташлаб кетишга мажбур бўлаётгани уни йиғлатаётган эди.

Қурайшларнинг не-не таҳдиду тазйиқини мардларча барта-раф этган, унга душманлик билан чўзилган қўлларга доимо сўнги томчи қони қолгунча қарши туришини ва бунда жуда ҳам фахрланишини кўкрак кериб ҳайқирган, бу гапни бир марта эмас, ўн-йигирма марталаб қайтарган эди. Ва Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши қилинган ҳар қандай ҳужум унинг мард, жасур ва ўлимдан қўрқмас кўксига дуч келиб чиларчин бўлар эди.

Битга экан-ку, мингта Абу Жаҳл бўлганида ҳам, босган қадамини орқага қайтиб олган эмас. Натижада уч йил давомида очликка қарши курашишга тўғри келди, неча марта ўлим хавфи яқинлашганда, жирканч нарсаларни ейишга ҳам узини мажбур қилди, дарахт пўстлоқларини кемирди, ўлган ҳайвонларнинг териларини, тирноқларини чайнаб шимиди, меъдасининг фарёдини эшитмаслик учун қорнига тош боғлади, жуда қаттиқ қийналган пайтларида ерга думалаб аганади, бироқ суюкли жиянини кечаю кундуз қўриқлашдан чарчамади. Виждони бор ҳеч бир инсон, ҳеч бир мусулмон: «Абу Толиб яна мана бундай қилиши керак эди... Мен Муҳаммадни ундан ҳам яхшироқ ҳимоя этардим», дея олмайди. Дегудай бўлса, уйламай-нетмай, ҳовлиқмалик қилиб айтилган гап бўлади.

Бир неча кундан кейин Абу Жаҳл билан Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа бирга-бирга яна Абу Толибни бориб кўрди.

Аслида, уларнинг орасида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган, баъзан яхши, баъзан аччиқ хотиралар билан тўла дўстлик ришталари бор эди.

Эҳтимол, мугомбир Абу Жаҳл касал ётган бир дустини зиёрат қилиш баҳонасида у ўлим сари кетяптими ёки ҳаётга қайтяптими эканини аниқлаш учун келган бўлиши ҳам мумкин.

Улар касалнинг ёнига утирар эканлар, ушбу дамда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам келиб қолдилар. Амакиларидан ҳол-аҳвол сўрадилар, тасалли бердилар. Нариги томонга ўтирдилар.

Ўтирдилар, аммо жондан азиз амакиларининг аҳволи анча ёмонлашганини, ўлимга яна бир одим яқинлашганини сездилар. Абу Толиб ортиқ бир неча ҳафта эмас, бир неча кун ҳам яшай олмаслиги аён бўлиб қолган эди. Унга сўнги соатларида бўлса ҳам, бир яхшилик қилишлари мукин эди:

— Амакижон, бир мартагина бўлса ҳам, «Ла илаҳа иллаллоҳ», денг. Токи мен вақти-соати келганда, Оллоҳнинг ҳузурида бунга гувоҳлик бера олайин, — дедилар.

Пайгамбар (с.а.в.) шундай дер эканлар, Абу Жаҳл билан унинг биродари:

— Ё Абу Толиб, Абдумуттолибнинг динидан юз ўтирасанми?! — деб эътироз билдирдилар.

Пайгамбарлар султони такрор-такрор утиндилар, бир марта бўлса ҳам, тавҳид калимасини сўзланг, дея ёлвордилар, бироқ анави иккаласи ҳар сафар Абдумуттолибнинг динини ёдига солар, иймон келтиришга тўққинлик қилишга уринар эди.

Абу Толиб жим эди. Аҳён-аҳёнда инграб қўяр, ҳар нафас олганида, кўкси кўтарилиб-тушиб, хириллаган бўғиқ товуш эшитилар эди. Кўп вақти қолмаганини билиш қийин эмасди. Мадор буткул қочди. Суҳбатдошларга жавоб беришга ҳам мажол йўқ.

Олаамларнинг Султони, кўзларимизнинг нури севгили пайгамбаримиз қирқ йилдан бери жуда кўп яхшиликлар кўрган амакиларининг кўфр деворидан ошиб ўтиб иймон доирасига киришини орзу қилар, охиратда — буюк шафоат ҳаққи берилган онда суюкли амакиларининг қўлидан тутишни, унга қила оладиган энг катта ёрдамларини беришни хоҳлардилар.

Шу аснода Абу Толибнинг лаблари қимирлади, пичирлаш оҳангида шу сўзлари эшитилди:

— У Абдумуттолибнинг динидадир.

Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Абу Умаййанинг юзларида шайтоний бир табассум пайдо бўлди. Кўзларида зафар учқунлари порлади. «Амакингни ҳам сенга бериб қўймадик. Охир-оқибатда зафар биз томонда бўлади», деяётгандек кинояли нигоҳлар Расулуллоҳга (с.а.в.) қадалди.

Пайгамбар (с.а.в.) жанобларининг дардлари беқиёс эди. Ҳаётда энг кўп ёрдамни кўрган ва жуда суюкли амакиларини абадий йўқотиш остонасида эдилар. Бу айрилиқ қайтиши бўлмаган бир айрилиқ эди.

— Тақиқланадиган кунгача сизнинг авф этилишингиз учун дуо қиламан, амакижон, — дедилар ва у ердан чиқиб кетдилар.¹

Абу Толиб нима учун иймон келтирмади?

Жиянини шу қадар яхши кўрган бир инсон унинг ҳурмати учун бир мартагина бўлса ҳам «Ла илаҳа иллаллоҳ» дея олмасмиди?

Бунинг сабабларини ёлғиз Оллоҳ билади. Биз ожизона ақлимиз ила фақат тахмин қилишимиз мумкин. Эҳтимол, иймон келтирсам, Расулуллоҳни (с.а.в.) ҳимояга олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қоламан, деб хавотирлангандир. Чунки қурайшлар орасида беқиёс бир обрў-эътибори бор эди. Аммо иймон келтирса, бу эътиборга путур етиб мушриклар Расулуллоҳга (с.а.в.) қарши ҳар қандай фитна-фасодни қўзғай олар эдилар.

Ахир, бир пайтлар қурайшларнинг суюкли, ҳурматли бир улуг кишиси бўлган Абу Бакр иймон келтирганидан сўнг бутунлай менсимай қўйилган, ҳатто ҳушидан кетгунича калтакланган эди. Ва ўша кундан эътиборан бирон кимсани ҳимоясига олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Акс ҳолда, Ҳабашистондан қайтган мусулмонлар Валид ибн Муғийра, Абу Ухайха каби мушрикларнинг ҳимоясига киришга мажбур бўлармидилар?..

¹ Имоми Бухорий. 2/98.

Хўш, унда ҳаётининг сўнги кунларигача содиқ бўлиб қолган динини ўлим тушагида ётганида ўзгартира олмасмиди? Жиянини чақиртириб, ҳеч кимга эшиттирмай, унинг қулогига калимаи тавҳидни сўзлаб, бу ишни сир сақлашни илтимос қилса бўлмасмиди?

Булар Абу Толиб учун мушкул эмасди. Ушбу калимани келтирса, жияни бениҳоя қувонишини ҳам биларди.

Бу масалани унинг Расулуллоҳга (с.а.в.) айтган қуйидаги сўзлари ойдинлаштиради:

— Эй суюкли жияним! Оллоҳ ҳаққи, агар сенинг ва болаларингнинг бошига балолар ёғдириб, ёмонлик қилишларидан ташвишланмаганимда ва қурайшлар, ўлимдан қўрқиб шундай деди, тарзида бўҳтон ёғдиришларидан андиша қилмаганимда, ҳеч иккиланмай шу сўзларни айтган булардим. Ҳатто бошқа бир мақсад, ният билан бўлмаса ҳам, азбаройи сени хурсанд қилиш учунгина ҳам сўзлардим.

Мана шу икки хусус туфайли Абу Толиб охиратта калимаи тавҳидни сўзламай кетди балки...

Биринчидан, суюкли жиянини қўриқлаш ва ҳимоя қила олиш учун бўлса, иккинчидан, «Абу Толиб узи боқиб катта қилган етимининг динига кирди, ўлимдан кейинги ҳаёт уни қўрқитди», деювчиларнинг муҳокамасидан жиянини халос этиш учун иймон келтирмагандир...

Аммо токи инсоният бор экан, ер юзида биттагина мусулмон қолгунча ҳам, Саййиди Анбиёга беминнат хизмат қилгани эвазига Абу Толибнинг номи хотираларда яшайверади, меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан тилга олиनावеради...

Аммо иккита ашаддий мушрик олдида сир бой бермаслик ниятида, сўнги дақиқаларда бўлса ҳам, атиги бир марта, лоақал яширин тарзда калимаи тавҳидни сўзламагани ноҳуш қабул қилинаверса керак...

Балки у, сўзлайдиган бўлсам, бировдан яшириб-қўрқиб эмас, очиқчасига хитоб қилиб ҳайқираман. Ёруғ юз билан, кўкрак кериб, ҳеч кимдан андиша қилмай сўзлайман. Бугунги кунгача жиянимни ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлмаслик учун шу йўлни тутдим, бугундан эътиборан эса, қурайшлар орасида мусулмонман, деган ҳаёлни кўнглидан кечирган бўлса ажаб эмас. Ёки қалбан интилса ҳам, билатуриб ширк ҳаётида қолишни танлаган бўлиши ҳам мумкин.

Булар ёлғиз Оллоҳга маълум нарсалар.

Раҳмати чексиз бўлган Буюк Оллоҳ эртага Ҳабиби Адибига қилган ушбу хизматлари эвазига Абу Толибга нисбатан қандай муомалада бўлажак? Расулуллоҳни (с.а.в.) севувчи ҳар бир мўминнинг қалбида Абу Толиб учун ҳосил бўладиган яра то қиёмат кунигача битмаяжакдир.

...

Бир куни Ҳазрати Али (р.а.) саросима ичида, нафаси бугизига тикилиб кириб келди. У отасининг ўлими ҳақида хабар олиб келган эди. Бу хабарнинг маънисини қурайшлар учун неча йиллар

дан буён ошиб ўтиш имконияти бўлмаган деворнинг йиқилиши демек эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларининг ўлиmidан қаттиқ гам-қайгу чекдилар. Аччиқ-аччиқ кўз ёшларни тўкдилар. Бу машғум хабардан бунчалик таъсирланишларининг бойси, амакиларининг ўзларига, Исломга самимий хизмат қилган бўлишига қарамай, иймон доирасига кирмай вафот этгани эди.

Абу Толиб ортидан гам-аламга ботганлар билан бир қаторда, севинчдан байрам қилаётган одамларни қолдириб кетди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларининг жанозасига бордиларми, дафн этиш маросимида иштирок этдиларми?

Бу саволга жавоб берадиган иккита ривоят бор.

Биринчи ривоятта кўра, Ҳазрати Али (с.а.) келади ва:

— Ё Расулуллоҳ (с.а.в.), кекса ва мушрик амакингиз вафот этди. Уни ким кумади? — деб сўрайди.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Боргин-да, ўзинг кўмиб келгин, бироқ то қайтиб келгунингча ҳеч ким билан гаплашма... — деб огоҳлантирдилар. Келгандан кейин эса, гусл қилишни буюрдилар ва Ҳазрати Алини дуо қилдилар.

Бу ривоят унчалик тўғри бўлмаса керак, деган фикрдамиз.

Иккинчи ривоятда ҳикоя этилишича эса, пайгамбаримиз (а.с.) жанозада иштирок этадилар ва «Қариндошлик муносабатларига бўлган садоқатингиз охирада ҳам давом этсин, ана шунда хайр-мукофот топасиз, амакижон!» дея дуо қиладилар.¹

Ушбу ривоят, ҳар ҳолда, ҳақиқатга яқинроқ бўлса ажаб эмас.

Расулуллоҳга (с.а.в.) мушрик ва мунофиқларнинг жаноза намозини ўқиш ҳамда уларнинг қабрини зиёрат қилиш ман этилгандир. Аммо бу тақиқ Макка даври ҳаётларига дохил эмас.

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) суюкли амакилари авф этилиши учун кўлларини очиб, буюк даргоҳга тикилар, тинимсиз илтижо қилиб ёлворар эдилар.

Ниҳоят Қасос сурасининг 56-оятга туширилади:

«(Эй Муҳаммад), аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. У ҳидоят топгувчи зотларни яхшироқ билгувчидир»².

Бу оят пайгамбаримизга тасалли берувчи оят эди.

Амакиларининг вафоти муносабати билан Расулуллоҳ (с.а.в.) Абутолибнинг авф этилиши учун қилган илтижолари ҳақида қуйидаги оят ноил бўлгани илгари сурилади:

«На пайгамбар ва на мўминлар — агар мушриклар қариндошлари бўлса ҳам — уларнинг дўзах эгалари эканликлари аниқ маълум бўлгандан кейин, мушриклар учун магфират сўрашлари жоиз эмасдир»³.

¹ Ибни Касир. Сияр. 2/124.

² Имоми Бухорий, 247.

³ Тавба, 113.

Имоми Бухорий турли сабабларга кўра, Абу Толибнинг вафоти билан боғлиқ ҳадисларни изоҳлар экан, баъзан фақат ма-на шу оят туширилганини таъкидлайди.

Юқоридаги оят ушбу мавзу билан боғлиқ эканлигига шубҳа бўлмаса-да, бу оятнинг Тавба сурасига киритилгани ва Тавба сурасининг эса Макка фатҳидан сўнг туширилганини назари-миздан қочирмаслигимиз даркор.

Бундан ташқари, Тавба сурасининг Қуръон суралари ичида энг охирида нозил қилинган сура эканлиги ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуддир¹.

Қисқаси, юқоридаги оятнинг нозил қилиниши билан Абу Толибнинг вафоти орасида камида ун йиллик фарқ борлиги аниқдир...

Бошқа амакилари Аббос билан Расулуллоҳ (с.а.в.) ораларида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Амакинг Абу Толиб улаётганида, ёнида эдим. Лаблари қимирлаётгандай бўлди. Дарров қулогимни оғзига тутдим, ўша онда сен сўзлашини орзу қилиб юрган калималарни эшитдим, — деди.

Пайғамбаримиз қисқагина қилиб жавоб бердилар:

— Мен эшитмадим².

Абу Толибнинг вафотидан сўнг ҳали бир ҳафта ҳам ўтмаган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уйга бош ва юз-кўзлари чанг-тўзонга беланган ҳолда кириб келдилар.

Балогатта етган қизларидан бири йиглаб пешвоз чиқди. Расу-луллоҳ (с.а.в.) бошларини ювиб тозалар эканлар, қизларига та-салли берардилар:

— Қуй, йиглама, қизалогим. Оллоҳ таоло отангни ўз пано-ҳида асрайди. — Сўнгра амакиларини ҳам эслаб, шундай деди-лар: — Абу Толиб ҳаётлик чоғида қурайшлар менга қарши хоҳ-лаган зулмини қилишга журъат этолмаган эди.

Яна бир мислсиз йўқотиш

Расулуллоҳ (с.а.в.) амакиларининг ўлими боис қалбларига тўлган гам-ғуссадан ҳали батамом қутулмаган эдилар, қутулиш-лари ҳам жуда мушкул эди. Чунки унинг вафотини ганимат деб билган мушрикларнинг қадам босишлари бирдан ўзгарган, ҳақо-ратлар, истехзою камситишлар ўн чандон ортган эди.

Устига-устак, бу орада Ҳазрати Ҳадича онамиз касал бўлиб қолди. Олтмиш олти ёшларга кирган эди. Қирқ ёшида учинчи марта, аммо жуда бахтли бир оила қурган, йигирма олти йилга яқин даврдан бери бу никоҳ келтирган ҳузур-ҳаловат ва саодат-дан баҳраманд бўлиб келган, умр йўлдошининг зиммасига юк-ланган оғир масъулиятни енгилатиш учун имкони борича ёрда-мини аямаган, бу йўлда мумкин бўлган ҳар қандай моддий ва

¹ Маноҳилу-Ирфон, 1/90—96.

² Иби Касир. Сияр. 2/124.

маънавий чорага бош урган, хурсандчилигида ҳам, гамгинлигида ҳам ҳамдард ва шерик бўлиб, у кишининг энг яқин дўстига айланган эди. Йигирма олти йил давом этган оилавий ҳаётлари давомида у зот билан турмуш қурганига бирон марта ҳам пушаймон бўлмаган, эрини ҳам пушаймон қилдирмаган эди. У зоти шарифга бири биридан ширин, гулгунчадек ёқимтой фарзандлар ҳада ятган, дардларига ҳамдард бўлиб, бошларига кулфат тушган кезларда тасалли берган эди.

Бироқ бу фоний дунёда ҳеч ким абадий яшамас, бинобарин, у ҳам дунёдан кўз юмажак, ортида ёшли кўзлар, севги ва ҳурмат билан хотирлайдиган кўнгиллар қолдиражак эди.

Касал бўлиб тушакка миҳланганида, ортиқ ўрнидан турмаслигига, бу дунёдан абадий кўз юмиши вақти яқинлашганига амин бўлди.

Сўнги ўн йил давомида юз берган зиддиятлар, можаро ва туполонлар унинг вужудини қолдан тойдирган эди. Ётоққа миҳлангандан кейин тобора мумдек эриб бораётганлиги аниқ бўлиб қолди.

Аммо бу чарчоқ, ҳоргинлик фақат жисмига тегишли эди. Рухияти ва ички-маънавий оламига келсак, ҳамон бақувват, худди вайрона уйдан янги ва баланд, кенг ва шинам уйга кўчиб ўтаётган инсондек ҳузур-ҳаловатда эди.

Дунёда экилиши мумкин бўлган энг серҳосил маҳсулотни эккан. Энг улуг Пайгамбарнинг раҳбарлиги ва ҳомийлиги остида эккан. Охиратда ҳам бунинг эвазига ҳеч ким ололмайдиган ҳосилни олажак, жаннатда ўзи учун қурилган ва Расулуллоҳ (с.а.в.) бошлаб кирадиган кўшкка ўрнашажак, иншаоллоҳ!

Шу жиҳатдан, ўлим унинг учун жаннат ҳаётининг бошланиши эди. Оллоҳ таолонинг раҳматига, лутфу карами ва мислсиз эҳсонига ноил бўлиш демак эди.

Охират оламига файз киритиши боис, малаклар унинг қаршисига пешвоз чиқиб:

— Хуш келибсиз, эй Расулуллоҳнинг (с.а.в.) фидокор умр йўлдоши, тенги йўқ жуфти ҳалоли! — дея кутиб олишар, келажакда жаннатдаги кўшкига кўчиб ўтгунга қадар, Оллоҳ таолонинг азиз меҳмони сифатида иззат-икром кўрар эди.

Бу дунёда Оллоҳнинг Расулига муҳаббат қўйди, ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган оилавий осойишталикни барқарор қилди. Бунинг эвазига Оллоҳ таоло ҳам уни меҳмон қилиб, роҳат-фарогатга қовуштиражак, кўз кўриб қулоқ эшитмаган, бандасининг ҳаёлига ҳам келмайдиган неъматларини эҳсон этажак, иншаоллоҳ!

Улуг Ҳадича!.. Аёллар оламининг улуг маликаси Ҳадича онамиз у ерда Расулуллоҳ (с.а.в.) келгунларига қадар Роббул Оламининг меҳмони бўлажак...

Аммо иккинчи жиҳатдан, бу ўлим Расулуллоҳдан (с.а.в.), суюкли фарзандларидан, муваққат бўлса ҳам, ажралиш демак эди, уларни фоний дунёда, душманлар томонидан қилинажак жабр-зулм, етказилажак озору зиён-заҳматлар ҳалқасига ташлаб кетиш демак эди. Мана шу жиҳатдан, ўлим аччиқ ва фожеали бир воқеа эди...

Пайгамбарлар Султони (с.а.в.) бир дардидан фориг бўлмай туриб, иккинчи бир дардга гирифтор бўлдилар. Узоқ йиллар давомида ҳеч бир эркак хотинидан кўрмаган садоқат ва меҳрни ундан кўрган, мушриқлар берган шунча озору жабру жафоларни унинг ёнида енгиллатиб унутган, дардига унинг ҳузурда дармон тошган эдилар.

Тарихдан маълумки, Абу Толибнинг вафотидан сўнг кўп ўтмай, Ҳадича онамиз, буюк жаннатга чорлаб келган малаклар ҳамроҳлигида олис йўлга чиққан эди. Сунги нафасини берар экан, лаблари орасидан «Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʻабдуҳу ва росулуҳ» сўzlари чиқди.

Бу сўzларни инсоният тарихида илк бор сўzлаш шарафи ҳам у зотга берилган эди. Шу сўzлар билан Иломдан аввалги ҳаётини тутатиб, шарафли иймон ҳаётини бошлаган эди. Ҳозир ҳам охират оламига ушбу шаҳодат калималарини келтириб илк одимини отди, дунё ҳаётини шу сўzлар билан тутатди.

Раҳмат фаришталари келдилар, унинг атрофини ураб олдилар:

— Саломлар бўлсин сизга, эй Расулуллоҳнинг завжаси! Кўрқманг, гамгин бўлманг, ваъда қилинган жаннат муждаси — хушxabарини етказиш учун келдик. Биз дунёда сизга дўст эдик, охиратда ҳам яна биз дўст бўламиз. Истаган нарсангиз, истаган тилагингизни бажо келтиришга ҳозир нозирмиз. Мағфирати чексиз, раҳмати беқиёс Роббингизнинг меҳмони бўлиш учун охират оламига марҳамат қилинг, — дедилар¹.

Расулуллоҳ (с.а.в.) мужда берган саодат юртига малаклар ҳамроҳлигида кетар экан, ортида унутилиши мумкин бўлмаган азиз хотираларни ва унинг учун дуо қилажак, яхшилиқ билан эсга олажак энг хайрли оилани тарк этди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бошлиқ бутун оила ва ҳатто барча мўминлар бу мусибатдан қаттиқ таъсирландилар. Бу қадар қисқа вақт ичида Набийи Акмалнинг (с.а.в.) энг сеvimли ва энг яқин икки кишисининг тўсатдан вафот этиши уларни ҳам қаттиқ ларзага солди. Бу йил мўминлар орасида «ҳузун йили — қайгу йили» деб аталадиган бўлди.

Макканинг Ҳожун қабристони Ҳазрати Ҳадичанинг муборак вужуди ила шарафланди.

Ҳазрати Ҳадича онамиз вафот этганларидан кейин Расулуллоҳнинг (с.а.в.) уйлари мотамхонага айланди, ҳувиллаб қолгандай эди. Худди энди ҳаётнинг қизиги ҳам қолмагандек.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир неча кунгача уйларида чикмадилар.

Қалblари гам-ғуссага тўлган. Камига Қурайш ҳаддан ташқари қутуриб кетди.

¹ Булар бирон-бир тарихий-бадий китобда келтирилган маълумотга таянмайди. Бироқ Фуссиялот сурасининг 30—32-оятларида ҳаёт билан видолашган мўминларга фаришталар келиб бундай дейишлари билдирилади. Шунга кура, Ҳазрати Ҳадичага бу маросим бекаму кўст, мукамма тарзда бажарилганига шубҳаланмаса ҳам бўлади. (Муаллиф.)

Бу вазият юраги кин ва адоватга тула Абу Лаҳабнинг ҳам раҳмини келтирди. Бир куни жиянининг ёнига келди-да:

— Ё Муҳаммад, Абу Толиб ҳаётлик чоғида қандай юрган бўлсанг, шундай эркин юравер. Лотни уртага қўйиб қасам ичманки, ҳеч ким сенга зиён-заҳмат етказа олмайди, — деди.

Макка кўчаларида жар солинди:

— Бугундан эътиборан Абу Лаҳаб жияни Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ҳимоясига олди. Бирон кимса унга қарши зиён-заҳмат етказишга уринмасин!

Бу эълон қурайшийларнинг оёқ-қўлини яна ишсиз боғлаб қўйди. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна худди Абу Толиб ҳаёт чоғидагидек бемалол юра бошладилар. Ҳеч ким у кишига нисбатан одобсизлик қила олмай қолди, бирор ёмонлик қилишга зотан журъати ҳам етишмас эди.

Усмон ибн Мазъуннинг хотини Ҳавла бир куни Расулуллоҳни (с.а.в.) зиёрат этишга келди ва муддаога кўчақолди:

— Ё Расулуллоҳ, Ҳадичанинг йўқлиги билиняпти, — деди.

Уша куни у Жаноби Пайғамбаримизни (с.а.в.) яна уйланишга рози қилди. Савда бинти Замъа билан ҳазрати Абу Бакрнинг қизи Оиша иккаласини номзод ўлароқ кўрсатди ва иккаласига ҳам совчилик қилиш вазифасини зиммасига олиб, у ердан чиқди.

Савда ёши анча катта, туладан келган, огир-вазмин ҳаракатли бир аёл эди. Эри ўлиб, беш-олтита фарзанди билан бева қолган.

Набийи Акрамдан (с.а.в.) келган таклифни мамнунлик билан кутиб олди. Лекин атрофида парвона каби уралашиб юрган фарзандларини нима қилишни билмай ҳайрон эди. Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.):

— Мен билан турмуш қуришингга фарзандларингнинг хаёлидан бошқа тўсиқ йўқми? — деб сўраган эдилар, Савда:

— Ҳа, бошқа тўсиқ йўқ, — деб жавоб қилди.

Шундай қилиб, пайғамбарликнинг ўн учинчи йили рамазон ойида Савда «Мўминларнинг онаси» (Уммул мўминин) бўлиш шарафига эришди.

Ҳазрати Абу Бакр кичик қизи Оишани Мутъим ибн Одийнинг ўгли Жубайрга унаштириб қўйган эди. Бу орада Расулуллоҳнинг (с.а.в.) номларидан Ҳалва бинти Ҳаким совчи бўлиб келиб қолди.

Орзу ҳам қилиб бўлмайдиган, лекин Абу Бакр сира ҳам кутмаган таклиф эди бу. Хабар келгач, узини йўқотиб қўя эди.

Кун бўйи «Нима қилсам экан-а?» деб тинимсиз бош қотирди Абу Бакр. Ниҳоят урнидан туриб, ҳали бир қарорга келмаган бўлса ҳам, Мутъимнинг уйи сари йўл олди.

Мутъимнинг хотини негадир уни хўмрайиб кутиб олди:

— Эй Абу Бакр, қизингни ўғлимга бериб, ҳар ҳолда, уни

ҳам йўлдан оздириб, уз динингга чорлайсан, шундайми? Сенинг ногорангга уйнайдиган аҳмоқ йўқ, билдингми? — деди.

Ҳолбуки, илгарилари Мутъимнинг хотини асло бундай муомала қилмасди.

Абу Бакр Мутъимга ўтирилди:

— Сен нима дейсан?

— Мен ҳам хотинимнинг фикрига қўшиламан, — деб жавоб қилди Мутъим.

— Жуда соз, булмаса, орани очиқ қилиб қўя қолайлик. Иш бузилади деб ҳисоблайверинглар.

Ҳазрати Абу Бакр Мутъимниқидан жуда хурсанд бўлиб қайтди. Муаммо у кутгандан ҳам осон ҳал бўлган эди. Бу ишнинг тагида илоҳий бир сир бордек...

Дарҳол Расулуллоҳга (с.а.в.) хабар жўнатди ва қизи Оишани никоҳлади. Энди фақат тўйни ўтказиш қолган эди.

...

Абу Жаҳл бир дўсти билан Абу Лаҳабниқига келди: Ҳолаҳвол сўрашгандан кейин Абу Жаҳл мақсадини баён қилди:

— Жиянингдан Абдумуттолибнинг ҳозир қаерда эканлигини бир сўраб кўргин-а?! — деди.

Бу савол Абу Лаҳабнинг онгига муҳрланди. Расулуллоҳга (с.а.в.) илк дуч келгандаёқ шуни сўради:

— Қавми билан бир жойда, — деган жавобни олди.

Абу Лаҳаб ортиқча кавлаштириб ўтиришни хоҳламади. Бироқ Абу Жаҳл бу жавобдан қониқмади:

— Жиянинг бу билан, Абдумуттолиб жаҳаннамда, демоқчи, — деди.

Абу Лаҳабнинг кўзларига қон тўлди, сапчиб ўрнидан турди ва жиянининг уйига йўл олди...

Бу келишда Абу Лаҳаб яна эски Абу Лаҳаб ҳолига қайтган эди. Бугунгача қилиб келганидан ҳам ортиқроқ душманлик қилишни, бундан бўён уни ҳол-жонига қўймаслигини бақириб-чақириб маълум этди.

Чиндан ҳам шундай бўлди. Дастлаб ҳимоясини бекор қилди. Сўнг фурсатини топди дегунча, ёмонликларини бошлади. Ҳимоянинг бекор бўлганидан хабар тошган ва тиш қайраб юрганлар ҳам ҳаракатга ўтдилар.

Бир кунни Расулуллоҳга (с.а.в.) энди уйларига кирай деб турганларида, бир дайди тўсатдан у кишининг муборак бошларига туфроқ сочиб юборди. Бу одобсизлигидан у мамнун ҳам эди.

Набийи Акрам (с.а.в.) гамгин қиёфада уйга кирдилар.

Суюкли қизларидан бири қошларига югуриб келди.

— Отажон! Ким бунақа қилди, отажон?! — деб йиглаб юборди.

Бу одобсизликни ким қилгани муҳим эмас эди, у қилмаса, бошқа бириси қилиши аниқ эди.

Тоиф сафари

Расулуллоҳ (с.а.в.) энди Маккада кучага чиқа олмай қолдилар. Қаерга борсалар, одамлардан киноя, сўқишлар эшитардилар. Қуръон тиловат қила бошласалар, атрофда мушриклар атай бақириб-чақиришар, чилдирма уриб, қарсак чалиб, руҳан эзмоқчи бўлишар эди.

Нихоят Маккани ташлаб чиқиб кетишни, вазифаларини бошқа ёқда адо этишни ихтиёр қилдилар. Ёнларига тутинган угиллари Зайдни олиб, Тоиф сари йўл олдилар.

Бир неча кунлик сафардан сўнг Тоифга етиб бордилар. У ерда иймон келтирган кишиларни учратиш эҳтимоли бор эди. Уларнинг ёрдамида Макка халқининг одобсизликларини тўхта-тиш имкони тоилса ҳам ажаб эмас. Тоифда сўзлари ўтадиган уч киши бор эди: ака-укалар Абду Валил, Масъуд ва Ҳабиб.

Аммо кутганларининг тескарисини бўлди. Учала ака-ука иймонга келиш тугул, Расулуллоҳни мазах қила бошлашди. Шундай ҳақоратомуз сўзлар ёғдиришдики, бу борада ҳатто маккаликлардан ҳам ўтиб тушишди.

— Модомики иймон келтирмас экансизлар, лоақал бу суҳбатимизни сир тутишларингизни илтимос қиламан. Маккаликлар зинҳор бундан хабардор бўлишмасин.

— Йў-уқ, ҳунаринг кетмайди. Маккаликларга бор гапни албатта етказамиз, зудлик билан, — дейишди.

Уларнинг гап уқмас кишилар бўлиб чиққани ҳам майли, ҳатто арабларга хос меҳмондўстлик, мусофирга ҳурмат каби одатларни ҳам оёқости қилдилар. «Шундай жиддий бир инсон қанақасига ёлгон гапириши мумкин?» деб ўйлаб ҳам кўрмадилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) уларнинг ёнидан хомуш чиқиб кетдилар. Яна Маккага, яна ашаддий душманларининг орасига қайтишлари керак эди. Бироқ тинчгина кетишларига ҳам қўйишмади.

Бадбахт бир кимса Фаҳри Коинот жанобларини тошбурон қилишни буюрди. Нима қиларни билмай юрган безори болалар кўнгилахушлик бир эрмак топилганидан шодланиб, ишга киришдилар. Қуллар, болалар сўка-сўка, Расули Акрамнинг (с.а.в.) орқаларидан тош, кесак ёғдира бошладилар. Шовқин-сурон ичра иккинчи буйруқ эшитилади:

— Ўлдириб қўйишдан эҳтиёт булинг!..

Бунинг маъноси — катта тош отма, белидан юқорини мўжалама, дегани эди. Ўлдириб қўйсалар, олинажак интиқомдан, қурайшлар билан узоқ йиллар душманлашишга тўғри келишидан кўрқишарди.

Зайд Расулуллоҳнинг (с.а.в.) гоҳ ўнг, гоҳ чап томонларига, гоҳ орқаларига ўтар, тошларга ўзини тутиб бериб, Буюк Пайгамбаримизни — тутинган отасини муҳофаза этишга уринар эди. Шунга қарамай, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) оёқлари қонга белади. Тоифдан чиқиб кетганларидан кейин ҳам тошбурон анчагача давом эди. Эшитмаган ҳақоратлари қолмади.

— Ёлгончи!..

— Бор-э, пайгамбар эмиш!..

— Оллоҳга қарши ёлгон гапиришдан уял!..

Ниҳоят буйруқни қойилмақом қилиб бажарганликларига қаноат ҳосил қилган тоифлик дайдилар орталарига қайтиб кетдилар. Бир бадбахт охирги тошини отар экан:

— Бу кунни ҳеч унутма, эй ёлгончи пайгамбар! — деб бақириб қолди.

...Расулуллоҳ (с.а.в.) бу кунни ҳақиқатдан ҳам унутмадилар, унута олмадилар. Йиллар ўтиб, суюкли хотинлари Оиша онамиз (р.а.):

— Ё Расулуллоҳ, Уҳуд жангидан кўра ҳам ачинарли, аламли кун бўлганми?! — деб сўраганларида, Тоиф воқеасини эслаб, у савдоларни бир бошдан гапириб берган эдилар. Уша кундагидай гам-гуссага чўмган бошқа кунни эслай олмасликларини таъкидлаган эдилар...

Дайдилар қайтиб кетишгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) бир оз дам олиш мақсадида йўл устидаги боғнинг чеккасига бориб утирдилар. Қўлларини очдилар. Мавлои Зулжалолга шундай илтижо қила бошладилар:

— Оллоҳим, қувватим озлиги, чорасиз қолганимни фақат сенга арз этаман, одамлар орасида бу қадар хор бўлганимдан ёлғиз Сенга шикоят қиламан. Эй марҳаматлиларнинг марҳаматлиси Оллоҳим! Дорга осилганларнинг, эзилганларнинг ва менинг ҳам Роббим сенсан! Мени кимларга йўлиқтиряпсан? Ифлосларча қаршилаган гурбат элгами ёки душманларгами топширднинг ишимни?! Агар-ку, Сен менга нисбатан газабнок бўлмасанг, бу азиятларга парво ҳам қилмайман. Бироқ Сендан келадиган саломатлик ва қувватга янада интизорман. Газабингга дучор бўлишдан қўрқиб, Сенинг нурингга сигинаманки, зулматларни зиёга айлантирган, дунё ва охират ишларини тартибга солган нарса Сенинг ўша нурингдир. Токи Сен рози бўлгунигга қадар биз ҳар жиҳатдан Сендан хушнуд ва мамнунмиз. Куч ва қудрат ёлғиз Сенга оиддир.

...

Набийи Акрам (с.а.в.) паноҳ топган боғ Утба ибн Робиа билан унинг укаси Шайбаники эди. Тасодифми ёки заруратми, бу пайтда улар ҳам боғда эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб шу ерга ўтирганликларини, тоифликларнинг ҳужуми ва одобсизликларига нишон бўлганларини ўз кўзлари билан кўришди. Энди бу воқеанинг яширин жойи қолмади. Тоифликлардан сир сақлаш илтимос этилган, улар-ку кўнмадилар, бордию кўнган тақдирларида ҳам, маккалик ашаддий душманларидан иккитаси бу воқеанинг гувоҳи бўдилар.

Утба ҳам, Шайба ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) келтирган динни ва Исломга даъват ҳаракатини сира маъқул кўрмаган эдилар.

Паришон бир аҳволда, оёқлари қонга беланиб ўтирганларидан тоифликларга гап ўқтиролмаганларини билишди ва роса қувонишди. Аммо, ҳар ҳолда Маккада «ал-Амин» деб сифат берилган бу муътабар зотнинг ҳақоратга учрагани уларни бир жиҳатдан гамгин ҳам қилган эди.

Утба ўзининг кунглидан ўтаётган ҳис-туйғуларнинг ифодасини укаси Шайбанинг юзида ҳам кўргач:

— Аддос! — деб хизматкорини чақирди. Хизматкор югуриб келгач: — Бир шингил узум олгин-да, ҳув анави кишига элтиб бер, — деди.

Аддос боғдан узум узиб, бу галати йўловчига элди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) «Бисмиллоҳ...» деб узумни ея бошладилар.

Аддос Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларига тикилди.

— Худо ҳаққи, бу сўзни ўлкамизда ҳеч ким ишлатмайди, — деди.

— Қайси юртдансан, Эй Аддос, қайси диндансан? — деб сўрадилар Ҳазрати пайгамбаримиз (с.а.в.).

— Нинова халқиданман. Насроний динига мансубман.

— Демак, солиҳ бир киши бўлмиш Юнус ибн Маттонинг дийридан экансан-да?!

— Юнус ибн Маттония қаердан биласан?

— У менинг маслақдошим эди, пайгамбар эди. Мен ҳам Оллоҳнинг расулиман.

Аддоснинг кўзларига ёш келди. Эгилиб, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бошлари, қўллари ва оёқларидан ўпди, мусулмон бўлди.

Утба билан Шайба боғ ичидан уларни диққат билан кузатиб туришарди.

— Кўрдингми, уни ҳам сеҳрлади, — деди бири.

— Гўёки яхшилик қилоқчи бўлди, эвазига эса, қулимизни динидан қайтарди, — деди иккинчиси.

Бир оздан кейин Аддос уларнинг ёнига қайтиб келди. Юзида мамнунлик ифодаси...

— Бу нимаси, эй Аддос, бориб у одамнинг қўл-оёқларидан ўпдингми!

— Бу одам дунёдаги энг улуг инсондир. Мен унинг пайгамбар эканлигига иймон келтирдим.

— Қаердан билдинг унинг пайгамбарлигини?

— Гап-сўзларидан. У айтган гаплар фақат пайгамбарлардангина чиқади.

— Менга қара, очигини айтсам, бу гапларинг менга ёқинчирамай турибди. Эҳтиёт бўл, у сени динингдан қайтариши мумкин. Шунга яхши билгинки, сенинг дининг унинг динидан хайрлироқдир.

Аддос бу сўзларни жавобсиз қолдиришни афзал кўрди...

Расулуллоҳ (с.а.в.) Макка томонга йўл олдилар. Йўлда Жаброил (а.с.) туширилиб, истаса, Маккадаги Абу Қубайс билан Куайкиан тоғларини бир-бирига қушиб, маккаликларни йўқ қилиб юбориши мумкинлигини таълиф қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) рози бўлмадилар. Бунча душманни ўлдиришдан кўра, уларнинг наслидан лоақал биттасининг Исломи динига киришини маъқул кўрганларини билдирдилар.

Жинлар Оллоҳ берган қобилият туфайли ҳар хил қиёфага кира оладилар, узоқ масофаларни бир зумда босиб ўтадилар.

Самоларгача юксалишга қодир махлуқлардир... Улар онда-сонда кўкларгача кўтарилиб, фаришталарнинг ўзаро суҳбатларига қулоқ тутиб, кўпгина маълумотларни билиб олар эдилар. Бироқ бир куни кўкнинг дарвозалари ёпиб қўйилди-да, жинлар малакларнинг сирли суҳбатларини тинглашдан маҳрум бўлдилар. Олий даргоҳларга чиқишлари тақиқлаб қўйилди.

Ўзаро фикрлашдилар, лекин барибир бу тақиқнинг маъноси ни тушуна олмадилар. Нима учун йўл ёпилди — ақллари олмас эди. Ораларидан биттаси ер юзини айланиб чиқишни таклиф этди.

— Менимча, ер юзида бу ишга алоқадор бирон гап бўлган бўлса керак, — деди.

Бу ҳодиса Расулуллоҳга (с.а.в.) ваҳий келган кунларга тўтри келар эди.

Жинлар бир қарорга келгач, тўп-тўп бўлиб ер юзини кеза бошлашди. Ҳаммаёқни яхшилаб кузатиб, диққатга сазовор нимаки кўринса, атрофлича урганиб чиқишарди.

Нубувватнинг ўнинчи йили келди.

Илк ваҳий келган кундан бери ўн йил ўтган, жинлар ҳануз бирон янгилик топиш умидини узишмаган эди.

Бир куни Макка билан Тоиф орасидаги Наҳла деган бир жойда икки кишини кўришди. Ҳали кун чиқмаган, у икки одам илк саҳарда ибодат билан машғул эди. Бир гуруҳ жин уларни синчиклаб кузатиш мақсадида, яқинроқ келишди.

Одамлардан бири хиёл олдинда, иккинчиси шундоққина унинг ўнг томонида турар, олдиндагиси энг мукаммал тил билан ҳам ифода этиб бўлмайдиган даражада гўзал, жозибали ва мафтункор бир каломни, жуда ёқимли бир оҳангда ўқиётган эди.

— Тўхтанглар, қулоқ солинглар!.. — дейишди жинлар бир-бирларига.

Мислсиз даражада таъсирчан, ҳеч ким эшитмаган бир калом эди бу!

Бир-бирларининг устига чиқиб кетгудай зич турган жинлар Расулуллоҳ (с.а.в.) тиловат қилаётган Қуръон оятларини охиригача маст бўлиб тинглашди.

Улардан бири:

— Шубҳасиз, кўкнинг дарвозаларини беркитган воқелик худди мана шудир. Қасам бўлсинки, Оллоҳга қасам бўлсинки, мана шудир! — деди.

Намоз ўқиб бўлингач, қидирган нарсаларини топганликларига амин бўлиб, у ерни тарк этишди.

Расули Кибрийё (с.а.в.) ҳам, Зайд (р.а.) ҳам жинлар ташрифидан беҳабар қолаверишди.

Кўп ўтмай Жаброили Амин Буюк Оллоҳнинг саломини келтирди: Аҳдоф сурасининг 29—32-оятларини пайгамбаримизга етказди.

«(Эй Муҳаммад,) эсланг: Биз сизнинг олдингизга бир гуруҳ жинларни Қуръонни тингласинлар деб юборган эдик. Бас, қачонки улар Қуръон тиловатига (ҳозир бўлишгач) бир-бирларига: «Жим туринглар», дедилар. Энди қачонки тиловат тугатилгач,

улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар. Улар дедилар: «Эй қавмимиз, дарҳақиқат, бизлар Мусодан кейин назил қилинган, ўзидан олдинги (илоҳий китобларни) тасдиқ қилувчи бўлган, ҳақ (динга) ва тўғри йўлга ҳидоят қиладиган бир китобни — Қуръонни тингладик. Эй қавмимиз, Оллоҳга даъват қилгувчини, (Муҳаммад а.с.нинг даъватини) қабул этинглар ва унга иймон келтиринглар, (шунга Оллоҳ) сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларга аламли азобдан паноҳ берур. Ким Оллоҳга даъват қилувчини қабул қилмаса, бас, у Ер юзида (бирон жойга) қочиб қутулгувчи эмасдир ва унинг учун (Оллоҳдан) ўзга (Унинг азобидан қутқарувчи) дўстлар ҳам йўқдир. Ана ушалар очиқ залолатдадирлар» (Аҳқоф, 30—32).

Бу гапларни эшитиб турган бошқа жинлар ҳайрон эдилар.

— Нималар деяётирсиз ўзи? — деб сўрадилар.

Расулуллоҳдан (с.а.в.) Қуръон тинглаган жинлар сўзларида давом этишди:

«Дарҳақиқат, бизлар Ҳақ йўлга ҳидоят қиладиган бир ажиб Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга иймон келтирдик. Бизлар (энди) Парвардигоримизга ҳаргиз бирон нарсани шерик қилмасмиз»¹.

Мусулмон жинларнинг бу даъватини қабул этганлар бўлди ва улар дейишди:

«Албатта, бизларнинг ичимизда аҳмоқ (Иблис) Оллоҳ шаънига («У зотнинг хотини ва боласи бор», деб) ноҳақ сўз айтар эди. Албатта, бизлар инс ҳам, жин ҳам Оллоҳ шаънига ҳаргиз ёлгон сўзламас, деб ўйлар эдик»².

Бунинг зидди ўлароқ жинларнинг бир қисми кофирлигича қолди. Оллоҳ таоло Жин ва Аҳқоф сураларини индириб, шарафли расулини бу ҳолатлардан, уртада ўтган гап-сўзлардан хабардор этди³.

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккага тобора яқинлашар эканлар, Ҳиро тоғининг этакларига етганда, тўхтадилар. Бу ердан у ёғига хотиржам кетиш имкони йўқ, бемалол шаҳарга киришга мушриклар йўл қўймаслигини жуда яхши билар эдилар.

Шу пайт Ҳузоъа қабиласидан бир одам учраб қолди.

— Менга холис бир хизмат қилмайсанми? — деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

— Бажонидил, — деди йўловчи.

— У ҳолда Маккага боргин-да, Ахнас ибн Шариқни топ, Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ёнидан келаётирман, «Роббим жунатган дин ва пайгамбарлик вазифасини адо этиш давомида мени ўз ҳимоясига олармикан?» деб сўрадилар, дегин.

Йўловчи кетди. Ахнасни топиб, бор гапни сўзлаб берди. Ахнас ўзининг бошқа қабиладан эканлигини баҳона қилиб, уни

¹ Жин, 2.

² Жин, 4—5.

³ Имоми Бухорий, 1/187.

қуруқ қайтарди. Йўловчи қайтиб келганида, Расулуллоҳ (с.а.в.) такрор илтимос қилдилар:

— Яна бир марта бормайсанми мен учун? — «Майли», жавобини олгач, дедилар: — Сухайл ибн Амрни топ, уша гапларимни унга билдир.

У яна Маккага борди ва яна қуруқ қайтиб келди. Сухайл ҳам «Амр ибн Луай наслига мансуб кишилар Каъб наслидан бўлганларни ҳимоя қилолмас», деган жавоб билан бу таклифни рад этган эди.

Ҳалиги одам учинчи марта ҳам Маккага бориб келишга рози бўлди ва бу сафар Мутъим ибн Одийникига борди. Мутъим бу таклифга рози бўлди.

Тонг отгач, Мутъим қаватига уғилларини олиб, барчалари қуроланган ҳолда Ҳиро тоғи этакларига келди ва Расулуллоҳни (с.а.в.) бошлаб, Макка сари йўл олди. Шаҳарга кирганларида, йўлларини Абу Жаҳл тўсди:

— Муҳаммаднинг динига кирдингми ёки уни ҳимоянгга олдингми? — деб сўради.

— Динига кирмадим, ҳимоямга олдим.

Абу Жаҳлнинг афти буришди.

— Ут, у ҳолда, — деди тўнгиллаб.

(Давоми келгуси сонда)



Минҳожиддин Мирзо

АСРА МАНГУ ГУЛИМ ИСМИНИ...

*Соғиндим,
Ул етти осмон устини,
Кузларим қаролмас бунчалар куч йўқ.
Юрак — бу танимга олис кишвардан,
Энг моҳир тирандоз отган олмос ўқ.*

*Азоблар жисмимни, ғам эзар кўнглум,
Жароҳат бағридан тукилади қон.
У ўқ-чи, у билан чузилар умрим,
У менинг жисмимда муваққат ҳоқон.*

*У олмос ўқ эзар жисм-жонимни, *
Куксимда шундан-да пайдо лолазор.
Кургим бор ким ўзи, тирандозимни,
Бунчалар марҳамат этмиш у озор.*

*Соғиндим,
Ул етти осмон устини,
Аслида, соғинмоқ муҳдиш бир гуноҳ.
Қўмсар дил, нетай, у содиқ дўстини,
Қайдасан азизим — мунаввар нигоҳ?!*

*Кимгадир, бол турар, кимларга оғу,
Бунчалар бешафқат экан бу дунё?!
Дилимда яшайди кўҳна бир қайғу,
Қачонлардир унга тушгандур зиё.*

*Муҳаббат сўзини тилга олмоқлик,
Нақадар оғирдир, бахтсиз дил учун.
Юракка ёшликнинг азобин ортиб,
О, тортмоқ мушкулдир қайғулар юкин!*

Куяги, сен хам мени куйкитма,
Ишонмайман асло суйингта.
Бизни унуттани унутма,
Елворамаман яна узингта!

Асра мангу гулим исмини,
У шамчирот булгали керак.
Бу умрининг колган кисминин
Факат сенга ишондим, юрак!

* * *

Ова чиккан тунги мушуклар,
Тизилишар ойна тагида.
Чумолилар пишиллаб ухлар,
Кари тутнинг яшил баргида.

Базм куйриб куйда юлдузлар,
Рақс туншди хилолни куйшаб.
Гуздор тунла ухлар дайхонлар,
Бир-бирининг куйини ушлаб.

* * *

Оламнинг ортин уқтим илмида,
Карагил куш дунё унгу-суймида,
Бирга элтаман жоним куймида,
Бир ширин висол бор билсамг, улимида.

Дилимини куйлама, энди бу дил банд...

Тилимида юлдузлар хилол маскани,
Куймида оромда офтоб маштали,
Жисим — мухаббатнинг мангу ватани.
Ишкнингта тортматил, эй пари, мани,

Дилимини уйлама, энди бу дил банд...

Куйсмига ситмайдим икки мухаббат,
Куйламам мен сенга, кетил, ибодат,
Тухфаман, бир жонман гулга иноят,
Мен ундан кечмишим эйр жиноят,

Дилимини пойлама, энди бу дил банд...

* * *

Сенга хам, эй дунё, битта арзим бор,
Онамсан, куйрсатай сенга садокат.
Мен толган шу осмон — эрдан қарзим бор,
Юлдузим иссик кил, юлдузим ҳар вақт!

Устозлар меҳрига туймайин кездим,
Энг буюк устозим узингсан, билгил,
Осмон бул сен ҳар вақт, осмон бул кабир,
Тизангта бош куйсам: «Юлдузим» килгил!

Гоҳ дунё кузмига кўринса ёмон,
 Гоҳ дўстлар, «марҳамат» қилса бешафкат...
 «Юлдузи килинг!» деб, сурвайман омон,
 Онажон, ўзингиз айлангиз шафкат!

Сунг, аста хиргойи қилдим, туймадим,
 Дилдан дард кетарди, кетарди қадар,
 Севгидан омадсиз, осмон ахтарид,
 Кезурман ийроқда, маъюс, дарбадар.

Кузмига келмаскан алласиз ўлиқу,
 Ором не билмаган кўшиксиз бу тан,
 Илгирма беш ёшда, ўқсиб кўз юзмай,
 Тилимга шу алла келди дафъатан.

Иккилам йўларда қадим тўломай,
 Чақирад эканман: «Онажон, келинг!»
 Ё ўзим борга, гоҳ тиззаларига
 Бош куйиб дерканман: «Юлдузи килинг!»

Иил ўтиб, илк қадам куйган онимда,
 Тилимда уйғонган қалдирғоч сўзим, —
 Бир роҳат ҳиссини туйиб жонимда,
 Онамни чорларкан, хориган кузим...

Уйламанг, бир мурғак чакалок учун,
 «Юлдуз» деб, бинолар қуймаган экан,
 Саида опанинг алласиз кўчин
 Ангалагач, ҳеч айтиб туймаган экан.

Эслашар шундай деб, болалик чогим,
 «Юлдузум» деб, мени эркалаб дейим,
 Бир ширин алғалар айтар эканлар,
 Бешим тебратиб ўтириб ойим.

Саида Зуннунова,
 Онам менга шундай
 алла айтар эканлар.

Юлдузум десам ҳам оз,
 Кундузим десам ҳам оз.

Хотиржам ышамок соати келса,
 Қачондир осойиш топарми бу дил?
 Ё роҳат дегани тўроқ остида,
 Ўйк, таним ўлиқдир, ё раб, тирилтир!
 Ҳаётдан толайин мен ҳам бир илинж,
 Дунё айт: Булди, бас, уларинг хато!
 Менга ҳам ўзгалар қатори бахт бер,
 Менга ҳам бир ширин ўмр қил ато!

Одил Икром

ЖАВҲАР

*Билгилки, тупроқ жавҳари ўсимлик-
дир, ўсимлик жавҳари ҳайвондир,
ҳайвон жавҳари инсондир ва инсон
жавҳари эса комил инсондир...*

«Офоқнома»дан

I

*Орифлар нафсидай мўмин, мукаррам,
Ибтидо ширкидай гуноҳи азим,
Самовот тоқидай курсоғим — варам,
Нечун яралмадинг, эй намнафасим?
Бир калом бурқсийди қаърим қаърида,
Томиримда тундай тунар наботот.
Урвоғимнинг ҳар қат-қабатларида
Сунгақлар ҳидини туярман бот-бот!
Урвн баданимни ялайди шамол,
Ҳокимга ийланар ям-яшил анвор.
Бир жон истаюрман — сийрати ҳалол,
Бир тан истаюрман — суврати зангор!..
...Ҳаёл олиб қочган манзилинг — йироқ,
Бошяланг баҳордай кўзларинг — маъсум.
Мен нечун яратдим, биламан, бироқ,
Нечун яралдинг сен, эй намнафасим?
Халоскор нафсим тиймадим, минбаъд,
Тийра ботинимдан топмадим зиё.
Жон бериб жонимни олар бир хилқат, —
Нафаси юракка бойланган гиёҳ...*

II

*Яралдим анкабут торлари янглиғ,
Найсоний абрлар гирдибодидан.
Юмшоқ юрагимда гуллайди чандиқ,
Тупроқ нафасидан, нафас хокидан.
Бошимда бақрайган осмон телбадир,
Нафаси танимни ёндирар, эй воҳ!
Таним тупроқ тусар, тупроқ мендадир,
Мен қайтиб тупроққа кирмасман, зеро!
Лабимни пайпаслаб тополмайди тун,
Куксимни ғижимлаб ташлайди зулмат.
Субҳидамда йитган бир жулдур жунун
Қонидай, кафтимда тим-тим ругубат.
Биламан, менгзайди қай бир жонсизнинг
Жасади сийратим шамойилига.
Дунаман оломон ичра ёлғизнинг*

Аввал ангорига, кейин дилига.
Мудраган тупроқни тўлғатдим секин,
Мен забун — дилимда уйғонар овоз.
Мен кўрман — шул боис кўрганларим чин,
Мен карман — шул боис эшитганим рост!
Боқаман бадҳайбат тиш қабатидан,
Зулматни чайнаган осмон — кайвоний.
Бир тубан улуглик салтанатида,
Мен — оддий гиёҳман, дилим — ҳайвоний.
Зарандуд ботиним қолмасдан урён,
Жонимни олгин, деб қанча зорладим. .
Бир ён — тупроқ,
Самовий — бир ён,
Халоскорим менинг — жониворларим!.

III

Яралдим наботот жавҳарин сўриб,
Яралдим ҳайвонот курсоғида жим.
Сокин сийратимда ўзимга дўниб,
Бўғзимга урлайди қандайдир тилсим.
Мен узоқ яшадим,
Узоқ яшадим,
Тағ-тубсиз тоқатим тўлмаса-да тоқ.
Ўзимдан ўзгада келар яшагим,
Мен-ўзга, мендан-да ўзгадир Офоқ.
Мулиён қаъридек чўкди кўзларим,
Ҳолимни сўрмадинг, сўрдинг қонимни.
Ўлигим бошида ўзим бўзладим,
Нечун ўлдирмайсан мендай золимни?
Нечун Зоянда Руд соҳилларида
Зуредсиз аёлдай юрибсан гангиб?
Нечун бевафо ёр кокилларига
Сен боғлаб ташладинг кўзимни чандиб?
Нечун айланмайди бошларинг даввор,
Нечун руҳ гўдакдай чирқирар беун?
Дўст агар дўст эса, ёр эса гар ёр,
Унинг тириклиги ёлғондир нечун?..
Нечун ҳалолатнинг зардобалари
Юрагинг уфқида заҳарга дўнгай?
Нечун ҳалокатнинг дарбозалари
Раводир бенаво бу даҳри дунга?
Нечун одам йиғлаб тўкар дардини,
Нечун ғазаб ила уйқошдир ғазот?
Нечун аммора нафс, кибр гардини
Поклай олмагайдир на савм, на салот?
Кўнгул қайда?
Кўнгул асли ёрдадир,
Ёр деб яратганни айтар аҳли хос.
Одам ёр деб аввал ўзга боради,
Бекин юрагини қамрагач, ихлос.
Одам ботинида пинҳон туман ганж,
Ёрсиз ёр эрур,
Осийга — тавоф.
Рўҳга қанот берар юракдаги ранж,

Каром мукаддаслар,
 Амал — устивор,
 Сабр ато этди Ларвардирим!
 Қодирлик ниҳондир тийрак қўздан ҳам,
 Воситага муҳтож бўлмаган васлим,
 Марги муфожога етишганим дам,
 Таслим этган бўлсам — жон этдим таслим.
 Сарашта руҳимдан сўрдим ризолик,
 Умирини улшдним дорилбакога.
 Тур тоғи узра хур, жозиб жилодек
 Фавона бўлурман арздан самога.
 Ақл салтанатини мақоматида
 Бужудим айландин бир тутам нурга.
 Турокнинг оташини, ёруғ ёлдида
 Тулдин шайтанатдан айро сурурга.
 Энди вужудимнинг хилваттоҳида
 Дунёвий гаводек ўртанмайдим жон.
 Замин, фалак аро руҳдир робита,
 Бужудим эҳсондир, вужудим — эҳсон.
 Бунда мен уйлаган хайлот — мангу,
 Бунда мен бўйлаган тиркилик — абад.
 Ерда нима қолар?
 Бир чиндним қайгу,
 Қайгудан озурда руҳимга шафқат.
 Мен авф айлаганман зоҳиротимини,
 Бадапта сийматган вужудиман, танман.
 Азоларга дучор хотиротимини
 Мен авф айлаганман, авф айлаганман.
 Овозимни олиб қайтган саддонинг.
 Чакнаган товуши чунг гўлдуракдир.
 Юрак сўқмоғида кезган фанонинг.
 Мен кетиб боряман гийҳаримга,
 Мен кетиб боряман камолга, ё раб!
 Мен кетиб боряман илоҳаримга,
 Мен кетиб боряман уймага қараб!..

Урэн ботинини чирмаб хайга
 Рухимга бойланди хайл тизгини.
 Калкон буларми, деб хирсий вабога,
 Дилимга жо эрдим хай илимини.
 Хуснга не даво?
 Улки бекадор,
 Линхон этилди чунл шамсими, шароими.

* * *

Илохий бир вёрдү танамни чунлар,
 Фитратим тубида уйфонар бир сас.
 Зуматниниг куксига кадалган нурдай —
 Юратимда илм омокда нафас.
 Машварат бошлайди мени халк сари
 Ба хакка рубару айлади хилват.
 Отамган туралгай одам жавхаари, —
 Фано гирдобидида нажоткор хикмат.
 Ниматир порлайди сунгакаримда,
 Ниматир чорлайди шаффоф, дилсимон.
 Мен — мен, деб уэмини курсатганимда,
 Сен — у, деб фалакни курсатди имон.
 Мен мехр куйилага ошуфта булдим,
 Адоват дилимдан итди ложарам.
 Хар икки дунёга хар лахза дундим,
 Уэмдай уэлага айладим карам.
 Уэмдай уэлага айладим сармаст,
 Кунгум сатокатниниг майида сармаст,
 Куэмда очилар бир гойиб сатто.
 Ул бахтикарорлар бахти каромас,
 Тира юрагини камраса вафо.
 Рухимниниг уйноки жилагаридида
 Ишкимни ифода айланди бир.
 Дилимни залолат чирмаганимда
 Калтпайди ракси самовий энкр.
 Аклимни чархлайди халоватмас, гам,
 Куларимни вэди мурувват, сахо
 Ба шавку завқимни бидим, мени хам
 Тушунганлар аро, тумонат аро.
 Халолат бахридидан кематим тактир,
 Ушал бахр ичра кечди хайтим.
 О, софлик сийрати — нечоглик чягир,
 Бир тараф — наитимлар, бир ен — талатум.
 Ким сүздан Мосуво,
 Ким сүздан — малул,
 У дунё, бу дунё тополмас уэни.
 Рухим иуларидида айладим кабул,
 Жоним риштасига улланган суэни...

IV

Дилга сабот бедар карлбдари инсоф.
 Маоб яонадир, кибла — бир тараф,
 Авлиё — уллохнини курган оламда.
 Мен кетиб боряпман кунгумга караб,
 Мен кетиб боряпман комил одамга.



Саломат Вафо

ТҮҚҚИЗДАН БИРИ

Ҳикоя

«Дерлар: ҳама ишқ ҳавойи номдир,
ёғон,
Дерлар яна: ишқ умиди хомдир,
ёғон.
Бахт юлдузи кўқдамас, шу жонимда
яшар,
Дерларки, баландлик неча томдир,
ёғон».

Р. Жалолиддин.

Кўзларим кенгайиб кетди, борлигимни галати шовуллаш қолади, аллақандай ёқимли оҳанглар эшитилди. Бутун вужудим қизиб, ҳар бир ҳужайрасидан бутун олам дард-ҳасрати билан ўтиб борарди. Назаримда, учиб борардим, фақат қушга ўхшаб эмас, ичимнинг ҳарорати билан учиб борардим, чор-атрофимга ул азиз нигоҳлар ёйилган эди... Ва ниҳоят, ерга гурсиллаб қапишдим, суякларнинг қисирлаб сингани эшитилишини кутдим, ҳеч нарса эшитилмади. Лол қолдим. Саккизинчи қаватдан момиқ пахта устига тушгандай, тўрт мучам соғ эди. Ярим тун осмонда юлдузлар чарақлаб ётибди, дунё она бағридаги гўдақдай осуда ухларди. Бошимда чордона қуриб олган кўп қаватли уйлар кураш тушиб ҳориган паҳлавоннинг яғринидай ялтирарди. Бу фикр суйикли паҳлавонимни эслатади. Султонбек Темурхон! Мен ўша одамни севиб қолган эдим. Энди — не эдим мен, ерга қапишиб пора-пора бўлган мажруҳ аёла кимга керак? Ҳа, бу кечикиб дарёлар мисол ўзанидан тошган — муҳаббатим, тангрига ёқмаган, ғайри йулардан қайт дея, огоҳлантирган. О, тангрим, менинг кимлигимни билардинг-ку?! Бу ғариб ва яширин муҳаббатим эвазига ул Султонбек Темурхондан ҳеч не истамаган, ҳатто туйгуларим ҳақида гапирмаган ҳам эдим. (Суз қайда, журъат қайда). Фақат шундай, ўзимга ёққан бир эркақдан, бу қуриган кўнглимга, инсоний ҳурмат, меҳр-муҳаббат тиламиш эдим, холос. То гурга қадар ҳеч нарса мумкин бўлмамиш дунёда — бир мартагина оила занжирларидан халос бўлиб, кимнидир севиб қўлиш ҳуқуқи — аёлга берилаганми, худойим! Мен учун бу туйғудан ўзга — халоскор куч йўқ. Билъакс, ортиқ бу ҳолатда, ул инсонга

(Султонбек Темурбек. Дунёда бундан-да гузал ва қудратлироқ исм бормикан!) туйғуларимни билдирмай, сездирмай яшамоғим ҳам мушкул, ҳам азобли эди (...билганида, бирор нарса ўзгарармиди?). Эҳ, бу баланд уйлар, анов қорайиб кўринаётган баладда тоғлар ҳам — менинг кўнглим қошида — ер эди, тупроқ эди... Ҳар тонг кувёш чиқадиган, ҳар тун ана шундай ой порлайдиган осмон остида, шу кичкина жоним билан, умрлик орзу-умидларни кўксимга жойлаб, гимирлаб шу икки миллиёнми, уч миллиёнми (барибир эмасми) кишилик шаҳарда — яшаб юрганим ҳамиша дилимни гамга тўлдирарди. Бунинг устига, энди мен бу дунёда буткул ёлғиз қолган эдим. Яқинда ҳаётимда мусибат юз берган, менинг знам ўлган эди. У дунёнинг бир чеккасида, Маноқ деган жойда яшаган, кичик жуссали, оқ сочли аёл — ҳаётимнинг катта устунни эди.

Уй-хаёлларни қувиб яна ерда ётмиш танамга қайтдим. Кеча ойдин эди, шу атрофда ахлат титиб бир-бири билан уришаётган ит ва мушукларнинг қизганчиқ сасидан ўзга товуш йўқ. Юрак садаларим маромига тушган — кўрқинч нелигини ҳис этмадим. Энди, бамайлихотир, эс-хушимни йиғиб олиб, уйлай бошладим. Ҳали содир бўлган воқеадан буткул ўзимга келмас, ҳали-ҳануз недир содир бўладигандай қимирлашга юрагим дов бермасди.

Ҳаёлимда икки хил тахмин айланиб юрарди, агар ҳақиқатан саккизинчи қаватдан қулаган бўлсам — тириклигим шубҳали, иккинчи фикр — уйқузираб эшикни очиб чиқиб кетган бўлсам (уйқуда гапириб туриб юрадиган одатим бор эди), унда нега бунда ётибман? Бу аянч аҳволимга, дарди-дунёмни ағдар-тўнтар этиб ташлаган ул аламли ва ёқимли дарднинг ҳам жуда катта таъсири бор эди. Кейинги кунда оромим йўқолган, кўзларим юмилган бўлса-да, ярим уйқу ҳолда — уни уйлаб ётаверардим. Бўйларини, юзларини, кулишларини эслаб, болалари билан нақадар бахтиёрлигини уйлаб қийналардим. Баъзан бу нарсалар ҳақида атайлабдан ўзимни ўзим азоблаш ёки йиғлаш, ўзимни энг сўнги заррамгача янчиб, йўқ этиш учун уйлардим. Азобларимдан лаззатланардим.

Ҳозирги ҳолатимда, бунда нечук ётганимни билиш учун ўрнимдан туришим керак эди. Ўрнимдан туришга оёқ-қўлимнинг бор-йўқлигини ҳис этишга (борди-ю, оёғим ё қўлим узилиб кетган бўлса — нетдим) юрагим дов бермасди. Қайдандир совуқ шамол эсди, жунжикдим, шунда тункўйлақда ётганимни англадим. Ипакли тункўйлагим шамолда товусдай шишар, бу сукутта чўммиш уйлар қомида ваҳимали нарсаларга ўхшаб кўринарди. Ичимда туришга ундовчи қаттиқ истак пайдо бўлди, сакраб ўрнимдан турдим.

Шукр, соғ эканман. Ҳеч нарса юз бермабди, ўзимни пардай енгил ҳис этдим. Бошимни кўтариб қоронғилик қаърига сингиб кетган уйнинг саккизинчи қаватига қарадим. Ялтираб қора нур сочаётган деразадан ўзга ҳеч нарса кўринмасди. Бугун бошли тўққиз қаватли уйда милт этган чироқ кўринмас, эгалари шоша-пиша кўчиб кетганга ўхшарди. Ваҳима босди. Балки, бу уй эмасдир, умуман бошқа жойда (у дунёда)дирман, деган фикрга бордим. Балки, бу қўл теккизмасдан осмонларга кўтарилиб йўқ бўлиб кетадиган шайтонларнинг ўтовидир. Шайтон ўтов! Ё, худойим — нақадар ўз уйларим билан ўралашиб, ўзимча ненидир кашф этиб, ненидир ишғол этиб ўрганиб қолганман. Қалбимда не-не юксак ва буюк қалбалар вайронага айланар, не-не тиконлардан энг гузал ва мўъжизакор гуллар унар. Мен ўз оламим билан борлиқдан тобора узоқлашар, бу уйда яшашим, одамлар билан муносабатим, бари мажбурият юзасидандай эди. Асли шу ўқиб келганимиздан

бери — уйнинг мустақамлигига шубҳа этар (назаримда, уй тунлари алақандай куй монад чайқалиб тургандай эди), ҳатто ойлар, қўрғон — қанча балли зилзилага дош бераркан, деб уйлаб юрсам-да бирон мартаба текширишга — журьғат эзмагандим. Йиллар давомида не-не маслакдаги одамлар куч-кўрони, ашқол-дашқоли, гуноҳу савоби билан яшаётган, кириб-чиқаётган уйнинг яна қанчага дош беришини ўйлайверардим. Баъзан шунча одам не бўлса, менам шу-да, дея ўзимга таскин берсам-да, бу уйларга шунчалик кўникма ҳосил этган эканман, ёлғиз қолдим дегунча яна ўйлай бошлардим. Тўғри, бу уйлар юрагимда сизга таниш дард пайдо бўлмасидан илгари жуда қаттиқ азоб берарди, уйимизда яшайдиган бирон одамни кўрсам, кўзимга оқ, қизил алам боғлаб ташланган азиз жойлардаги — муқаддас дарахтлар кўринарди. Нега бундай — билмайман. Мабода, уй қулайдиган бўлса, булардан ному нишон ҳам қолмайди, бир уюм тошдан бўлак. Мен уларга ачинардим. Энди бу уйлар Султонбек Темурхон дарди билан қўшииб, заиф вужудимни адо этиб, ҳаётимни издан чиқарар — борлиқ моҳиятини йўқотарди.

Анов хирачиноқ ёритиб турган озиқ дўконини, қўшнилариимиз қўлбола этиб қўрган қўйхона ва чўчқахоналар — кўзимга бошқача кўринаверди. Дарахтзор ортидаги ҳовлилар, уйларга туташиб кетган қўшнилариимизнинг минг бўлакка бўлган полизчалари — бу уй ўзимнинг уйим эканлигидан далолат бериб турарди. Ҳолатимга қарама-қарши, журьғат ва қасд пайдо бўлди. Бориб уйни ушлаб, яланг оёқларим билан ялтироқ деворни тегиб кўрдим: қаттиқ эди. Оёғимга — бутун вужудимга совуқ ўтди. Энди бу совуқ уйнинг менга тегишли эканлигини аниқлаш қолди, холос.

I

Йўлак эшигидан киришим билан бурнимга кўп йиллик рутубат ва зах исси урилди. Қоронғида оёғим остида алақандай қоғозлар, темир қўтилар, пўчоқлар шитирлади. Шилимшиқ бир нарсага тийганиб йиқилиб тушдим, манглайим темир панжараларга тегди. Иссиқ томчилар юзимга потираб тушди — қон таъмини, исини ҳис этдим. Пешонамни қўлим билан қаттиқ ушлаб олдим. Шу дафъа қўлогимга чақалоқ йиғиси эшитилди. Таниш йиғи. Шу қаватда яшайдиган ёшгина келинчакнинг яқинда кузи ёриганди. Чақалоқ чирқираб йиғларди, кўкракларим жимирлаб кетди. Қўшнилариимиз, келиннинг уйқуси жуда қаттиқ деб гапиришарди, қачон йўлакдан ўтсам — чақалоқ йиғлаб ётарди. Дунёдан ҳориган ёшгина онаси — тош қотиб ухларди. Ул норасида бирон жойи оғриган катта одамдай, туну кун тинмай йиғларди. Йиғлайверарди. Келинчакнинг ўзи ҳам нозик, рангтар, мулойим, ўн саккиздан энди ўтган ё ўтмаган эди. У тоғ ортидаги шаҳардан келин бўлиб тушган, бу уйда куёвнинг ака-укалари билан яшарди. Келинчак, доим ерга қараб, шу қадар секин гапирардики, билмаган одам ўз ҳолича хаёли сўрапти деб уйларди. Тасодифан учрашиб қолиб, гап сўрайдиган бўлсангиз, гуноҳ устида қўлга тушгандай лов қизариб кетар, тезроқ сиздан кутулиш пайида бўларди. Шунчаки сўраган гапимни малол олганини — юзидаги оламча инжилишни кўриб — ачиниб кетардим. Бу ҳаё фариштасининг бирор яқин одами бормикан, эри билан қандай гаплашаркан? Бир куни қайнонасини йўқлаб уйига кириб қолганимда, ғалати воқеа юз берганди. Келин не муддаода

борганимни билгач, ўзи сезмаган ҳолда, уй ичида югура бошлади. У гоҳ хонасига кирар, боласига алаҳсир, гоҳ балконга югуриб чиқарди. Маълум бўлишича қайнонаси, шундай балконнинг пастида гулларга сув қуйиб юрган экан. Бу келин овоз чиқариб, ёки бақириб, (о, овоз кўтаришга қани журъат) қайнонасини чақиришга журъат этолмаётган экан. Бизгача етиб келган норасмий хабарларга кўра, келин сира томоқ емасмиш, бўш қолди дегунча, гўдагини бағрига босиб, рангпаргина юзини, вужудини деразадан тушаётган бир парчагина нурга тутиб утираркан. Она-бола нурни яхши кўришаркан. Буни сезиб қолган қайнонаси, келинни қаттиқ назорат остига олиб, келиним телба, у офтоб ейди, деб шовқин соладиган бўлибди. Ҳар не бўлганда ҳам, келиннинг шу ерда яшаши улуғ бир неъмат эди. Ҳамиша эшиқдан кириб унинг эшигига кўзим тушиши билан қалбим илиқ ҳисларга тўлар, ҳайрат ва таажжубга тўлиб, эшикка ҳар сафар биринчи бор кўраётгандай қарардим. Бувак йиғлай-йиғлай ҳориди чоғи, тўхтаб ҳар замон бигиллаб қўярди. Унинг ёнида ёшгина онаси тош қотиб ухларди. Келиннинг қўнғирогини чалиб, ҳамма нарсага аниқлик киритишни, бир йўла гўдакни ҳам овутишни истасам ҳам, бунинг сира иложи йўқлигини билиб қўзғолдим. Йўлак гўристондай қоронғи эди, кўнглимнинг нурлари бир зумда йўқ бўлдилар. Бунда — анов эшиклар ортида юзлаб одамларнинг юзларига темир пардаларни тортганича яшаётганига ишонгинг келмасди. Қоронғида қайга юришимни билмай туртинарканман, яқин орада одам зоти ўтганига шубҳаландим. Оёқ ости, деворлар — алақандай юмшоқ ва шилимшиқ улкан махлуқнинг жундор ва серёғ танасини эслатарди.

II

Яланг оёқларим билан бетон зиналарни бир-бир босганимча, иккинчи қаватга кўтарилдим. Жуда бадбўй ҳид димоғимга урилди, кўнглим ағдарилди. Бурчакка тартибсиз босиб қўйилган қоғоз ва шишаларга қўлим тегиб, этим жимирлашиб кетди. Мен бу уйга кўчиб келганимда, энг аввало шу қаватда яшайдиган қўшним билан танишгандим. У Гулюз Орифий деган шоир хотин бўлиб ниҳоятда жиззаки ва асабий эди. Биринчи марта кўриши билан, шовқинлаб:

- Сизми саккизга кўчиб кирган? — деди.
- Мен, — дедим.
- Саккизни зарари йўқ, — деди.
- Зарари йўқ?! — дедим ҳайратим ошиб.
- Умуман, тўққизга келишингиз керак эди, — деди.
- Нега? — дедим.
- Худога яқинроқ бўлардингиз, исмингиз нима? — деди.
- Севилбека.
- Севилбека! Нақадар гўзал, исмингиз ўзингизга мос экан.

У «Гўзал» деган сўзни шу қадар қаттиқ ҳаяжон билан айтдики, бу ҳаяжон нафақат менга, бутун бошли уйга етарди. Кейин учраш-гавларимизда бундай кўришардик: у атайлабдан жимжимадор ва тантанавор гапиришга ҳаракат этарди.

- Салом азизим, Севилбека, — дерди.
- Салом, ҳурматли Гулюз Орифий, — дердим мен.

Гулюз жуда таъсирчан хотин эди. Купинча ишдан асабийлашиб қайтарди. Бундай пайтда у ўзини қўйишга жой тополмас, устма-уст чекарди. Уни Ватан ва Ойдин деган иккита гўзал ҳизи бор эди.

Қизлар шу қадар нозик, уятчан, тортинчоқ, Гулюз Орифийнинг тескариси эди. Қизлар ҳам пастдаги келинчакка ўхшаб офтоб ейдими, сув ича томоғидан кўринарди. Қандай уйда яшайман узи, ҳар ким ўз ҳолича қуёшни тутиб олиб еяверса, келажакдаги бахтиёр авлодлар осмонни қуёшсиз қолмайдими? Қуёшсиз яшаб бўладими, ахир?! Ой, ой-да, ахир! Хуллас, Гулюз хоним Орифий атворининг бошқа томонлари ҳақида гапирмоқчи эдим. Унинг феълига сира тушуниб бўлмасди, ғалати мавжудот эди: бирор масалада — қарши чиқишса, ё таклифини рад этишса, ё сўраганини беришмаса, адашиб танқид этиб қўйишса — бу одамларнинг ҳаммаси Гулюз Орифийга душман саналарди. Уйда яшовчиларнинг деярли ҳаммаси, таниш-билишларининг аксарияти, собиқ ишхонадагиларнинг ҳаммаси — душман эди. Бутун дунё душманлардан иборат эди. Унинг манфаатларига зид ҳолатларда, «душман» сўзи юзага қалқиб чиқарди. У эски хотиралар учун қийналиб ҳам ўтирмасди, янги-янги дўстлар орттирарди.

Гулюз Орифийнинг ғалати-ғалати одатлари бор эди. Феъли айниб турган вақтларда қизларига йўлакларни тозалаттирарди-да, ўзи эшик олдида ўтириб оларди. Бир куни ўрис қўшнимиз билан талашаётгани устидан чиқиб қолдим.

— Бу ердан ўтмайсан, эй кампир.

— А как пройду тогда?

— Учиб ўт, учи-иб...

— С такой сабакой... — кампир ростдан учишга ҳозирлангандай, ола-була зотдор итини эринмай айлангириб кўрарди.

— Қайт орқанга, бутун ўтмайсан бу ердан, мен сени нечи марта огоҳлантирдим, қачонгача Ватан сенинг итингни ахлатини артади, мен Ватанни ахлат тозалаш учун тулмаганман.

Кампир, юқорига шикоят қиламан деган маънода гудуранди.

Гулюз Орифий:

— Бор, қаерга борсанг боравер, ана уй бошқарувчи Қулқодирнинг олдида бор, узи тилим қичиб турибди.

Кампир яна мингирайди, хаёлига итни сотиб юбориш ҳам келади-ю, ёлғизлигини ўйлайди.

— Ну дарагая... во первых я старшая...

— Мен сенга, дарагая эмасман — другаяман... Сен нега менадан иззат кутасан, ўзинг ота-онангни сизлаганмисан? Нега ит боқасан, болаларнинг ўтакасини ёриб... Бир ўзинг яшашга кўрқсанг, ит боқасанми?..

Кампир уй орқасидаги майдончада Гулюз Орифийнинг кайфияти жойига келиб, уйига кириб кетишини кутиб ўтирар, ҳар замон, ҳар замон юқорига қараб: «шизик, ах, ты шизик» деб гуддирарди. Буни ўз-ўзига гапиргандай мингирлабгина айтар, эшитиб қолмадимикан деган хавф билан юқорига қараб қўярди. Гулюз Орифий қизларини ниҳоятда яхши кўрар, аммо феъли бузилган кезларда, уларга ҳам кун бермасди. Бирор сабаб билан ичиб олган вақтида, деразасини очиб қўйиб, бақирарди:

— Ҳали қараб турларинг, мен дунёдаги энг зўр шойир бўламан, келажак фақат менинг шеърларимни ўқийди. Менинг шеърларимни Майкл Жексон, Патисия Каслар айтади, о, мен ҳали миллионер бўлиб кетаман. Мен туғма даҳоман. Даҳонинг кимлигини биласизларми узи? Ҳали ҳаммаси зўр бўлади. Вата...ан, Ватааан, ўлдингни, қаердасан?.. Ойдин, Ватан қани? Чақир уни, қулогинг том битганми?

Қўшниларимиз баланд овоз чиқаришга кўрқиб, пичирлагандай

муҳокама этишарди. Гулюз Орифийни кўп гийбат қилишса-да, ундан чўчишар, ҳайқишар ва ўзлари тан олишмаса-да, ҳурмат этишарди.

Яқинда Гулюз Орифийни бир даста эзилган чучмомани бағрига босиб келаётганида кўриб қолдим. У чиройли кўзлари чақнаб, эзилган гулларни юзига босарди.

— Қаранг, Севилбека, нақадар гўзал. Яна баҳор келибди, бир зумда — билмай қолибман. Ўтди умрим во дариг, шу фаслдан ниятларим кўп эди. Кеча зўр шеърлар ёздим, чиқсангиз ўқиб берман...

Мен инсон руҳиятини ўрганадиган мутахассис бўлмасам-да, бу тахлит кўнгил товланишини — ўйлаб тагига етолмасдим. Шафқатсизлик, фитна ва бахиллик урулган кўнгилдан, инсоннинг энг нозик туйғуларининг маҳсули бўлмиш — шеър униб чиқса... Эзгулик ва ҳурлик ҳақида фикр юритилса...

Уларнинг эшигидан милт этган ёруғлик тушмасди, Гулюз Орифий қоронғилиқдан қўрқарди. Эшикка ичкаридан қўш-қўш занжир ва қулф солинган. Журъатсиз ҳолатда кўнгироқни босдим. Беш дақиқалардан сўнг бировнинг шипиллаб юрганини эшитдим. Босинқи, уйқусираган овоз:

— Ким? — деди русчалаб.

Нега, ҳамма, бундай — кечаси русча гапиради-а?

— Мен, мен Севилбекаман, — дедим шоша-пиша инсон овозини эшитганимдан, барча шубҳа-ғумонларим тарқаганидан қувониб.

— Ким дединг? — деди яна ичкаридан зардали овоз.

Ичкаридаги одам — ҳеч нарса эшитмасди ёки эшитишни хоҳламасди.

III

Яна юқорита кўтарилаётганимда, белимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди, ҳа, оғриқлар туриб билиняпти. Демак, жуда қаттиқ йиқилганман, ишқилиб уйимга етмасдан йўлда қолмасам бўлди. Тувақда гуллар ушиб ётган йўлак саҳни, бойвачча қўшнимизнинг темир эшиги қорайиб қуриқди. Бу уйнинг бекаси — гумбаздай — боши кичкина хотин силкенишни яхши кўрадиган зилзила кўғирчоққа ўхшарди. Зилзила кўғирчоқ. У жуда одамохун ва оқибатли аёл эди. Ваъзан атрофдагиларнинг диққатини тортиш ва узини жуда ҳам банд кўрсатиш учун — ҳар хил нарсалар ўйлаб топарди. Ҳар баҳор майсалар энди униши билан, одамлар узун қишдан ҳориб чиқиб, энди деразалардан мўралай бошлаган кезлар — Зилзила кўғирчоқ, аллақайда қурилаётган ҳовлисига кўчиш учун, кўч-кўрон йигишни эълон этар, камбағалроқ одамларга, ҳар хил совғалар берар, хайрухушларарди. Орадан бир оз муддат ўтгач, бу буюк кўчиш — янаги хайрли баҳорга қолдирилларди. Биз бутун уй — тўққиз қават уйнинг тўққиз деразасидан бошимизни чиқариб, буюк кўчиш манзарасини бепарвогина кузатардик. Мен Зилзила кўғирчоқнинг нега бундай қилиши ҳақида кўп ўйлардим, аёлниң эри барча пулдорларга ўхшаб, димоғдор бўлиб, бошқа аёллар атрофида кўпроқ айланишарди. Қўшниларнинг айтишига қараганда, Зилзилани эри кўп хўрлар экан. Аёл уйдаги ўшандай муҳитдан қаҳр ва аламга тўлиб — кўчишга ўхшаган маросимларни ўйлаб топаркан. Шу ўйлар билан юқори кўтариларканман, юмшоқ бир нарсани босиб олдим. Аллақандай лайча тун сукунатини бузиб, ангиллаб ўзини қоронги бурчакка урди. Қопқондай бир нарса икки оёғимни маҳкам қисиб

олди (ё бу бойваччалар кечаси эшиги олдига қопқон қўйиб қўярмикан), ҳозир ўлмасам ҳеч қачон ўлмасман деган ўй ўтди миямдан. Қоронғилиқдан узук-юлуқ алақандай саслар эшитиларди.

— Ким?... Ки...имсан? — деди уйқусираган ваҳимали овоз.

Қўрқиб қотиб қолганимдан на тилим сўзга келар, на бир ҳаракат қила олардим. Шундагина оёғимга ёпишиб олган нарса — одам эканини билдим. Бир ҳайрон ўй миямдан ўтди: йўлақда ҳам одам ётадимми?..

— Ким, кимсан ўзи? Не керак сенга? Гапир, тилинг борми?.. Ҳозир отиб юбораман, — деди ҳалиги овоз.

Воҳ, яна ўлим таҳдиди, саккизинчи қаватдан қулаган одамга, учинчи қаватдан тушиш — ариқдан сакрагандай бўлса керак.

— Қўйиб юборинг оёғимни, қандай одамсиз ўзи? Йўлақда ётиб, ўтган-кетганининг оёғига ёпишиб.

Гапим таъсир этди шекили ул ёт одам оёғимни бўшатди. Бу одам барваста, қоронғида фақат кўзларигина ялтираб кўринарди. У пишиллаб ҳорғин оҳангда гап бошлади:

— Ўзинг кимсан? Қайдан кевотирсан бу бемаҳалда?

— Бунча сансирадингиз, қайдан келишим билан нима ишингиз бор? Саккизинчи қаватдан йиқилиб тушдим — у дунёдан келяпман.

Ул одам бир муддат жим қолди, сўнг бўғизидан самовар қайнагандай сас чиқариб:

— Қайси қаватдан? — деди.

— Саккиздан! — дедим қаҳр билан.

Чол ялтираётган кўзлари билан оппоқ тунги қўйлагим, қонга беланган юзимга бошдан-оёқ қараб чиқди. Қоронғида соқол босиб кетган юзи буришиб кетганини кўрдим.

— Кет, ким бўлсангам кет. Жинмисан, ажинамисан нима бало? Одамнинг боласи инонмайдиган гап айтасан. Астағфурилло, бетга сачраганингда бу юртни одами эмассан.

Юқорига чиқиб кетарканман, чолнинг сўзларини тун суқунатида аниқ эшитардим.

— Тегма менга, йўлингга кетабер, мени қўй... Бу бошимга не кунлар тушди. Бу қандай кун бўлди-я?.. Ун бир кун бўлди — бунда ётибман. Шаҳар айланиб-айланиб, киши оёғи узилгач — шу ерга келаман. Шу уйнинг эркагидан оладиганим бор. Қўйга шакар, қанд-курс алмаштирамиз деб, йигирма бош қўзини олиб кетганча бадар кетяпти. Орадан бир ёз ўтди, қарзни ололмай сарсонман. Ҳар кун эрталаб тураман-да, семиз келндан — эганг келдим, дейман. У йўқ дейди. Уҳ десам, ичимдан, ўт чиқади-я. Кампирининг бир ўзи нетди экан, эй, худойим, мушқулимни осонлаштир, бу уйнинг эркагини сафардан тезроқ қайтар...

Чол шу гапларни айтганда, мен оёғини босиб олган кучук ангиллаб юборди. Ул одам оғир хўрсиниб бурнини тортди, йиғлай бошладими, овози тамоман бўғилган эди.

— Яқ-қинда-а икки манглайи қора бола от-имди ўғирлаб кетиб эди. Олис йўлга юрадиган шўпирлар тошиб келтирди... Суюнчисига қўчқор бердим. У юзи қора болалар, отни оппориб бир майиб одамга беш минг сўмга сотиб экан. Шу одамга ҳеч бўлмаса уч минг сўм оппориб берай дейман... Ул бечора ҳам пулдан, ҳам отдан айрилса... унга кўп жавир бўлди-да. Ҳали... пойиздан тушиб ярим кун пиёда юруввум керак. Кампирим... бир ўзи нетди, экан?..

Чолнинг гапларини эшитиб борарканман, ҳайронликдан одимларим секинашарди. Узи Зилзилаар уйидамикан?.. Уларнинг темир қопқоқдан иборат эшиги шу қадар баҳайбат эдики, ҳеч қачон

очилмагандай эди. Балки Зилзилалар умуман йўқдир, аллақачон кучиб кетгандирлар. Ул жаннатнинг қоқ уртасига қуриланган ҳовли-сига. Буни — ўн бир кундан бери бунда ўтирмиш чолга қандай ўқтирдим экан?

IV

Вужудимни қуршаб олган қўрқинч ва ваҳима ўйларимни остун-устун қилиб ташлади. Нафақат одим отишга, нафас олишга қўрқиб, тезроқ юқорига чиқишга интилдим. Гап шундаки, бу ерда Людмила деган фариштали бир аёл яшарди. У ҳеч кимга аралашмасдан, гийбатларга суқилмасдан, жимгина шу уйда яшарди. Нурли деганим ҳамиша мени кўриши билан жилмаярди, кулги нур бўлиб ёйиларди юзига. У юввош, содда, раҳмдил эди. Куни кеча бирданига ўдди-қолади. Мен ҳали насронийларнинг мотам маросимида қатнашмагандим. Бечора Люда қора тобут қутисиди, бир бурдагина бўлиб ётарди. Мудҳиш қутида озгинлиги жуда билинар, ўлганига минг йиллар бўлгандай, қанишиб қолган эди. Юрак ютиб ул жонфидо аёлининг нурли юзини сунгги бор кўриб қоламоқ ниятида... яқинроқ бориб қарасам... тобутда бадбашара бир аёл ётибди. Қўрқинчдан унинг кимлигини билмай қолавердим. Ушандан бери бу ердан ўтишга қўрқаман, назаримда бирор кун Люда эшиқдан жилмайиб чиқиб келадигандай. (Нега одам марҳум одамдан қўрқаркан, ул ғариблар бир йўла ҳамма нарсдан «махрум» ёки «марҳум» бўлгани учунми?) Анчадан бери Люданинг уйида ҳеч ким яшамаса ҳам, кечалари биров ҳазилашгандай, галати қизил чироқлар ёниб ўчиб турарди. Шу маҳал оёгимни жуңдор бир нарса ушлади, елкаларим тортишиб, ҳушимдан кета бошлади. Темир панжарага маҳкам ёпишдим, ичимдан «ойи» деган ингроқ овоз чиқди. Оёгим остида кучук ангиллади. Лаънати кучук егулик илинжида эланиб келаётган экан. Юрагимни ёриб юборай деди.

Фақат шу қаватдагина йўлак ойнагига панжара тутилган, фақат у қаватнинг деворлари мовий ранга бўялган эди. Бу ер ҳалигина бирон кўнгилли йигин бўлиб ўтгандай шинам ва тантанавор эди. Бу қаватда биз яшайдиган уйнинг бошқарувчиси туради. Бошлиқ, мен бу одамни кўпинча бирор воқеа содир бўлганда, юқоридан қандайдир буйруқлар тушганда — мажлисларда кўрардим. У озгин ва журъатсиз гавдасини ерга эгганича, ҳамиша дафн ёки бошқа маросимга пул йигиб юрган бўларди. Улим хабарчиси. Маҳалламиз саноат туманларига жойлашгани учун — турли-туман миллатлар яшарди. Тез-тез урис чол ва кампирлар улиб турарди. Бундай пайтларда дунё кимсасиз ва ташландиқ қариялардан иборатмикан, деб ўйлардим. Хуллас, бу қора хабарчи, адо этмиш вазифасига зид ҳолатда кўнгилчан, урф-одатларимизни чуқур тушунмайдиган овру-палашган одам эди. Менимча, у қилаётган ишини чуқур ўйлаб ҳам ўтирмас, ишхонада бошлиқнинг, уйда эса хотиннинг буйруғига ўрганиб қолган бўлса керак. Бизнинг қаҳрамонимиз Қодирқулани дунёнинг ташвишлари шу қадар эзиб ташлаган эдики, у кўзларини ердан кўтаришга ҳақди сизмасди. Унга ҳар сафар эшик очарканман, боладай масъум жилмайиб туришига кўзим тушиши билан газаб бутун вужудимни эгаллаб оларди. Бу одам не илинж, не маслақда бу ишларни бажараркан?.. Балки мажбуран бажарар. Бу ишларга — Қодирқулда на салоҳият, на журъат бор эди. Балки у ҳар кеч уйига боргач, бир уйга беркиниб олиб — йиглар. Ҳа,

йиглар. Бундайлардан — фақат кунгил гаш бўлади. Бу кунларда, замон қимматчилик бўлиб кетгани учун — Қора хабарчини кўриши ҳамон ҳамма қочиб қолиш пайига тушар, улмай улгур кампирларни қарғаб, янги гўрга гишт қалашарди. Хабарчи эса бу нарсаларни тушунмайдигандай жилмаяр (ростдан ҳам тушунмаса керак), пул етмай қолган пайтларда, хотинидан яшириб ўзи тўлаб юборарди. Баъзан мен уни бир сумка кучук кўтариб (суғқабосх кампирлардан мерос) шаҳар маҳкамасига кетаётганини кўриб қолардим. Бир марта янги йил оқшомида, қўшнимизниқидан келаётсам Қодирқул қўйлақчан, қаватнинг совуқ саҳнида, бир дунё қайғу ва ҳасратта ботганича ўтирибди. Менинг уйга юринг деган таклифимни эшитиб бечора қўрқиб кетди, дағдағ қалтираб бошини сарак-сарак этди. Ё, Тангрим, ҳатто бундан кетишга ҳам журъати йўқ эди. Дунёда хотин зотини катта куч деб ҳисоблайдиган одам иккита бўлса — шуларнинг бири бизнинг хабарчи эди. Унинг ҳоргин кўзлари шу қадар гамгин эдики, (у тугилиб, юрагидаги сирни ҳали бирон кимсага айтмагандир) озгингина вужудига хотини жойлашиб олиб, ул бечорани ҳар қўйларга соларди. Мен ҳеч тортинмай бориб Қодирқулнинг қўнғирогини босдим. Вазифасини бажарсинда, бутун бошли уйимизнинг энг каттаси. Бир оз муддат ўтиб ичкаридан:

— Кто?! Кто там? — деган босинқи овоз эшитилди.

Такрор-такрор, мен қўшнингиз Севилман десам ҳам, ҳеч ким эшикни очмади.

V

Юрагим тўкила-тўкила яна юқориладим. Уйимизнинг бу қисми айрим тасвир ва тавсифга лойиқ эди. Бу ерда яшайдиган аёлларнинг аксариятининг эри йўқ. Мен уларни ҳазиллашиб, улкан монастрнинг бекалари, дердим. Уларга бу эътибор ва мақтовим ниҳоятда ёқар, гаплашиб қолсак, негадир ўзларини оқлашга тушишарди. Катя деган қўшним эса: «О, роҳибалар биздан омадди ва бахтли» деб куларди. Куларди-ю, бирдан маънос тортиб, кал-катта хотин, югуриб уйига кириб кетарди. Кўчиб келган пайтимизда у ёш ва келишган эди. Иккита қизини етаклаб, мактабга, боқчага қатнаб юрар эди. Хуллас, унинг Ирина деган қизи хорижлик йигитга тегиб кетди. Шундан кейин у одам бўлмади, туну-кун ичиб, кўчаларда алжираб юрадиган бўлиб қолди. Илгариги чиройли ва озода Катеринадан асар ҳам қолмаган эди. Эшитишимча, покистонлик куёв етиб боришлари билан Иринани қўлидан боласини олиб, ҳайдаб юборганмиш. У ҳозир ановиндай аёллар тўпланган жойда экан, онаси, кел деб мактублар битаркан...

Катя бугун ҳам ҳар кунги одатини тарк этмаган бўлса, эртадан ичиб олиб тарашадай қотиб ётгандир. Аммо, ўзимни қай йўсинда пастда пайдо бўлиб қолганимни аниқлаш истаги бир муддат пайсаямаган эди, шу ичкиликбоз хотиндан нени ҳам аниқлаш мумкин эди. Бу ёғига озроқ сабр этсам, (сабрнинг ичида тугилган қизманку) гўрадан ҳолаво битгани... Қўнғироқни босиб юбордим, товуш ичкаридан ҳам кўпроқ бу ёққа эшитилди. Эшик ортидан қадам саси эшитилиб, кимлигини сўрамасдан ҳам (ўғриманми, жинми-шайтонманми) қулфлар шақирлаб очилди. Катя эшикка суяниб бир муддат чайқалиб турди-ю, мен сари отилди. Қўрқиб кетдим — у мени ким деб ўйлади. Бурнимга ароқнинг ачимсиқ иси саримсоқ исига араллашиб урилди.

— Ира, дарагая, дарагая... Радость мая. Пришла наконец-то, я знала.. знала что ты придешь... Недавно во сне снилась... тебе плохо была... ты бродилась в безлюдных незнакомых улицах... Милая моя... боже ты мой...

Катя — қоронғиқда ұпар, қучоқлар, қовурғаларим қисирлаб кеттудай куч билан бағрига босар, пойинтар-сойинтар гапириб тинмай йиғларди.

Қотиб қолдим, нетдим энди мен. О, қани эди, шу лаҳзада олтин сочли, мовий кўзли навқирон қизга айланиб қолсам. Иринага айланиб қолсам. Уша ёқлардан кабутар бўлиб учиб келсам-да, бир думалаб ул ҳурлиқога айлансам. Онамнинг бағрига отилсам. У лаҳзанинг бахтидан бу хотин телба бўлмоғи, маст дунёлардан ҳайқирмоғи тайин!.. Аммо ҳалиги доғули ислар бутун уйни қамраб олгандай бўгилиб ўлаёзиб, ҳайқириб юбордим.

— Катя, пусти меня... Катя, эта, я, соседка твоя.

Унинг қўллари ҳаракатдан тўхтаб, шалвираб тушди. Бир муддат нафас олмай қотиб қолди. Майлар оғулаган миясига, менинг кимлигим, бу ерда туришимни сиздиролмай қолди. Оёқ тағидаги лайча ўксигандай ангиллаб қўйди. Катя ўз-ўзига гапиргандай, тупук сочиб шивирлади. Унинг сузларида соғинч ва алам унари бор эди.

— Эта ты... на такое время?!.. Будь проклятье ты — ночной призрак. Надеела вы... все мне...

Бўсағада ҳайрон қолиб турган лайча кучук ҳам, вазият ўзгарганини сезиб вовуллаб оёғимга ташланди. Эшик шарақлаб ёпиди, ғўристон қоронғиқида яна ўзим қолдим.

VI

Қалтирай-қалтирай юқори кўтарилдим, йўлақда оч арвоқдай кезиб юрмиш елвизак жонимдан ўтиб кетди. Рухим — ҳақоратланган, вужудим бўм-бўш ахлат қутисидай увилларди...

Тасала берай десам, ичимдан ўкириқ чиқарди. Шу он қулогимга бир оҳанг, гўзал бир наво урилди. Қайдан у наво, дунёда ёқимли нарсалар... оҳанглар бор эканми?.. Ахир бунда — қари созаңда, қари масхарабоз, қари телба яшайди. Айтишларича, бу одам бир вақтлар зўр ашулачи ва бастакор бўлган эмиш. Қўшиқларини ҳали ҳам, санъатни табақалаштириб улгурмаган ҳаваскор ва ёш қўшиқчилар айтишаркан. Собиқ қўшиқчи маҳалламизда бўлган, бир-иккита одамнинг тўйини бузгандан сўнг, тўй буладиган бўлса, олдинроқ келиб қари созаңдани ичириб маст этиб — ухлатиб кетишарди. Алданган қўшиқчи эса, эртасига, айтолмай қолган қўшиқларини болаларга айтиб берар, рақсга тушарди. Болалар — зерикса, томоша охирида, қари созаңдани тош, кесак отиб қувлашарди. Кейинчалик маҳалла фаолларининг меҳрибончиликлари сирини билиб қолган созаңда, бир бойваччанинг тўйида ҳаммага бир-бир ялиниб чиққани ёдимда. У ҳеч нарса чиқаролмаслигига кўзи етгач, майли қўлимни боғлаб қўйинглар, фақат қўшиқ эшитиб утираман деб Қодирқулга юзланиб йиғлаб юборган эди.

Телбани кеча-кундуз ухламайди, дейишарди. Шу ростта ўхшарди, эшик тирқишидан хира нурлар заифгина ўрмалаб чиқарди. Шикаста бир қўшиқ тараларди. Таниш қўшиқ, қайда эшитган эканман буни, эслолмайман... Шу бемаҳалда радио айтармикан, нима қўйган экан у. Бу қадар ғамли қўшиқ, умрим бино бўлиб бундай гўзал қўшиқ эшитмагандим. Наҳот, шу қўшиқни қари телба айтаёт-

ган бўлса, инонма. Инонма... Балки, бу қўшиқни ҳар тун аршдан тушмиш фаришталар айтар, оёғидаги кумуш қўнғироқчаларни жанглатиб... Балки, бу қўшиқни ухлаб ётмиш қари аҳмоқнинг руҳи айтаётгандир... Тасаввуримда бу қари телбанинг эшиги бошқа дунёга очилган-у, бу қўшиқ ўзга оламлардан эшитилаётган эди.

*Кекса бошим тушди ишқнинг домига,
Йўқса ёпишмасдим мен май жомига,
Эгимга сабрдан кийгандим либос,
Йиртилди дош бермай ишқ айёмига.*

*Зухра ой осмонга чиққан кезданоқ,
Майдан соз нарсани ким кўрган... бироқ —
Ҳайронман майфуруш бодани сотиб,
Пулига нима олур ундан яхшироқ.*

*Мен келдим, дунё кўрдими фойда,
Кетсам мартабаси ошарми? Қайда?
Ҳеч ким тушунтириб бера олмайди:
Келишим — кетишим сабаби қайда.¹*

Билдим, бу Туннинг қўшиғи, Тун — мен каби адашиб, ҳар кимнинг эшигини бир қоқиб, бу ўткинчи дунёга ненидир кўрсатмоқчи ва исботламоқчидай — оқибат шу қари телбанинг уйдан паноҳ топган. Тунлигидан, ёлғизлигидан безиб меҳдан илгарироқ — бу ерга кириб олган. Оҳ, маккор ва босқинчи тун. Алам ва ҳасратдан қалтираб қўнғироқни босдим. Ўрадан миллиён йиллар ўтди. Эшикни на қари телба ва на хиёнаткор Тун очди. Мен бу икки айбдорни дунёдаги энг тубан ва қабиҳ сўзлар билан сўкиб хумордан чиқдим. Ва юқорилаб кетдим.

VII

Азбаройи ҳаяжонланганимдан ўзимнинг қаватим, уйим қолиб, тўққизинчига чиқиб кетибман. Бунга ҳам анов, еттидаги, икки шубҳали шахс айбдор. Бу қаватда галати (ҳаммаси галати-я) бир кампир яшарди. У бир қоронғи тунда бошқа сайёрадан келтирилиб, бу уйга кўз-қулоқ бўлиб туриш учун ташланганга ўхшайди. Кампиршо тўртта ҳайҳотдай хонада бир ўзи яшар, аниқроғи шарпадай кезиб юрарди. Кампир бир зарурат учун ҳам бирон марта кўчага чиқмас — баъзан унинг уйда яшаётганига инонмай қолардим. У ҳеч қаерда кўринмас, нима ейди, нима ичади, ҳеч ким билмасди. Жуда қизиқ гап бўлди-ю, барча қуёш ейдиганлар ва умуман... емайдиганлар шу тўққиз қаватли уйга йигилиб қолгани... Умуман кўпдан бери кампир ҳақида турли гап-сўзлар юрар, эмишки, бу ёруғ дунёда бирон яқин одами, суянадиган кишиси йўқмиш. Ой балққанда осмонга қарармиш, кимлар бидандир гаплашармиш. О, мен шу Ой деганини ёмон кўраман, унда хусуматим бор. У миллиён йиллардан бери — дунёнинг тунда содир бўладиган, энг қабиҳ ва ёвуз қилмишларининг гувоҳи, қатнашчиси. У қоронғи тунни ёритади, дейсизми, ёритмасин эди. Ёритса, қуёш каби ўзи куйиб, ўзи нур сочсин эди. Кимнингдир нуруни ютиб, кечалари ўзиники этиб улашгунча... У

¹ Умар Хайёмдан.

бу қиёфасини ё одам боласидан, ё одам боласи Ойдан олган эди. О, мен уни ёмон кўраман, у менга ўзга, нотаниш, ёвуз оламаарни эслатади. Ҳамиша инсониятнинг эртасини ўйлаб, Ойнинг доғли юзларидан дилим муҳкам ва сароб туйғуларга тўлади. Ахир, унинг юзлари — доғ, демак вужудида иллат ва захм бор. Унинг бу тахлит инсониятга юз тутиб туриши, ҳалокатли ва гумонли эди.

Кампир ҳақида ўйлаганим учун, атайлаб қилгандай, ул сирли роҳибанинг эшиги олдига қандай келганимни билмай қолибман. Бу нечук гал? Уй ичида бировлар юрар, қаттиқ-қаттиқ гапирар эди. Бирдан қўлогимга жуда-жуда таниш овоз эшитилди. Энамнинг овози!.. Ул ғамли ва мискин энамнинг овози, у овоз нақадар ёқимли, қўлоқларим остидан сирғалиб тушаётган ипакка ўхшарди, худойим! Дунёда бахт нелигини билмаган аёл иккита бўлса, шулардан бири менинг энам эди. Энамнинг келинлиги, ёшлиги уруш ҳақатчилиги даврига тўғри келган эди. У гўзал, ниҳоятда хушфёъл бўлгани учун — уйдагилар уни беш марта эрга бериб — жон сақлаб қолишган. У ҳар гал кўзида ёши билан, изига бир қараганича, тул араваларга миниб кетаверган... У вафот этган пайтида ҳам кўз очмасдан, ризолик тиламасдан кетди-борди. Гуё унга бу дунёнинг жафолари у дунёнинг нотаниш кўрқинчли қиёфаси — барибир эди. Наҳот, менинг энам бу ерда бўлса... Ҳаяжонланганимдан — бутун вужудим қалтирарди. Наҳот, бунда яшамиш кампир — энам бўлса, нечук буни сир тутди? Яширишдан не мантиқ? Қишлоқдан қандай келиб қолган, агар энам бунда бўлмаса, овози қандай эшитилди? Ҳаяжонланганимдан тўғри фикрлай олмасдим, ихтиёрсиз ҳолатда эшик кўнғирогини босиб юбордим. Пастга отилиб тушишдан қандайдир бир куч ушлаб қолди. Уй ичи бирдан жимиб у ердагиларнинг тараддуда тушиб қолганини англадим. Бирдан соғлом фикр миямга келди, минг йилдан бери сўққабош яшайдиган кампирнинг уйда ҳар хил овозлар, қолаверса, менинг энам нетсин. Балки, энамни бунда кўришни қаттиқ орзу этгандирман. Менинг кичик вужудимга қўшилиб, бутун дунёни ваҳима босди. Юрагим ёрилиб пастга қочман деганда, эшик очилиб, йигирма беш-ўттиз ёшлардаги аёл пайдо бўлди. Агар ҳуснини, ёшини эътиборга олмаганда, қуйиб қўйгандай кампирнинг ўзи эди.

— Энам, йўқ-ей, уй эгаси хола қанилар? — дедим тутилиб, нима дейишимни билмай.

— Мен-да хола, уй эгаси.

Шу лаҳзада у хотин бир нарсани тутиб оғзига олиб бормоқчидай, лабини чўччайтирганнамо кулди. Тангрим, унинг оғзида биронта ҳам тиши йўқ эди, қоп-қоронғи гор эди. У гор ичидаги қоронғилиқда мудраб ётган улкан салтанат кўринди. Ул ботиқ ва ёнмиш кўзлар ғалати нур сочади. Аёлнинг қурқшаб юлқайиб қолган қўллари, кел деган имдоҳ билан, олдинга ҳузилганича қолди. Мен пастга отилдим. Саккизинчи қаватга тушиб уйим кўнғирогини жон-жаҳдим билан босдим. Узун бир муддат кутиб турдим. Ҳар лаҳзада юқорига хавф билан қараб қўйдим. Атрофдан тараддуд ва шовқин-сурон, энасини танимади, деган гаплар эшитилиб турарди. Кўнғироқ тўхтамай жирингласа-да, эшикни ҳеч ким очмади. Гуё дунё мени унутган эди. Энди юқоридан тушганим аниқ бўлгани учун, бутун вужудимни даҳшат қоплади. Демак, уйқусираб саккизинчи қаватдан эрга тушиб кетганим рост. Яна ҳамма нарсага, уйга, шубҳа билан қарай бошладим. Эшигим мени умрида биринчи бор кўраётгандай бўзариб ҳайрон қараб турса-да, бир зум ўзимни ётоқхонада, қўш картта солинган момиқ ўринда тасаввур этдим.

Хира тунги чироқ нурида ёстиқ устига ёйилган сочим, оқ ипак кўйлак остидан аранг билинмиш вужудим кўзга ташланарди. Ана, устимга ҳатто чойшаб ҳам ёпмай, музликларда қотиб қолмиш малика лошидай, виқор ва тароват билан ухлаб ётардим. Мағрур юзимда дунёнинг азоб ва қайгуларининг адо бўлмас излари... О, мен дунёда узоқ дайдиб ҳоридим, энди қайтмоғим лозим. Шунда юқоридаги ёвуз роҳибанинг чорлови эшитилди: «...энангнинг олдига қайтар вақтинг бўлди... ҳозир дарбозалар ёпилади»... Мен зиналарни икки-уч ҳатлаб, жон-жаҳдим билан пастга эндим, қочдим. Яна ул паҳлавонимнинг нигоҳларини кўрдим. Йўлда турли жонзотларнинг бошини, бойваччалар эшигида ётмиш «адашмиш банда»нинг қўлини, ҳамма нарсадан умидини узиб бурчакка тиқилмиш кучукнинг оёғини босиб олдим. Ҳеч кимдан садо чиқмади, ҳамма қаттиқ уйқуда эди. Уйқу ўлим билан тенг. Олам ўлган эди. Мен ўлик олам устидан юриб борардим. Шунда оёғим бир нарсага тийғониб панжарадан ошиб пастга қулаб кетдим. Қоронғи ва рутубатли ҳавони кесганимча, пастга жуда тез тушиб борардим. Бутун вужудимда шовуллаш ҳукмрон эди. Яна таниш оҳангни, телба созанданинг овозини эшитдим, мен қўшиқнинг елкасига чиқиб яна... Яна ерга гурсиллаб тушдим. Тўққиз қават уйнинг тўққиз деразасидан қараб турган уйқусираган, ланж, кир башараларни кўрдим. Мен уша қадим ва навқирон сасда яшаган эдим. У жуда ҳам Султонбек Темурхоннинг юзларига ўхшарди...

Қоронғи дунё шовуллашдан тўхтади, дарбозалар ёпилади.



Жўманнўз Жабборов

АЙЛА ҲИС ОЛАМ САФОСИЊ, ЭЙ КЎНГУЛ

Аждодлар

*Не улуғ кошона аждодлар иморат этдилар,
Ким унинг ҳар гиштини ишқдан иборат этдилар.*

*Ҳар китобким, биз учун ёзмиш боболар меҳр ила,
Бахт-саодатли замонлардан ишорат этдилар.*

*Уйлаб истиқболу, истиқлолу авлод эртасин,
Бахш этиб борлиқларин, орзу ифодат этдилар.*

*Биз уларнинг ҳар сўзин айлаб тумор, ундик букун,
Чунки, ҳар сўз қаърида қутлуғ ибодат этдилар.*

*Юртни севгил, элни севгил, эркини севгил оятин
Кўп ҳадислар мағзида бир-бир иродат этдилар.*

*Биз уларга минг ташаккурлар десак оздир, вале,
Яхши сузда ёд этиб қўймоқ ижозат этдилар.*

*Камтару доно мураббийлар, беҳиштий зотлар,
Халқимиз қалбинда мангулик иқомат этдилар.*

Ёнма-ён

*Бул ҳаёт бағринда шодлик бирла қайғу ёнма-ён,
Худди юргандек азал зулмат ва ёғду ёнма-ён.*

*Мен олис умрим йўлин кўздан кечирдим неча бор,
Ким ушал сўқмоқда армон бирла орзу ёнма-ён.*

*Қайда мардлик бор, кезар ёнинда кўрқинч ҳамқадам,
Чун тўқай ичра келур шер бирла оху ёнма-ён.*

*Меҳру қаҳринг сузларингдан англай олмасман, гузал,
Чунки, бозор ичра шаккар бирла оғу ёнма-ён.*

*Кўп ўқиб ҳасратли ошиқлар китобин, билганим —
Неча минг йилким келур кўзёш ва кулгу ёнма-ён.*

*Икки қудрат бир қўшилса, очилур асрори ғайб,
Бил, вужудинг ичра доим ақлу туйғу ёнма-ён.*

*Мен ҳаёл кўзгусида ҳар лаҳза кўргумдир сени,
Утру келгандек гуё офтоб ва кўзгу ёнма-ён.*

*Мен Ниёз аҳли, дилимда сенга етмоқ орзуси,
Ҳайрат этмас эл, агар тош бирла инжу ёнма-ён.*

Иzzат менга

*Хизматингда лаҳза бўлмоқ мангулик иззат менга,
Иzzатинг осмонча тутмоқ энг баланд хизмат менга.*

*Меҳр ила этдинг табассум, бул менга олий нишон,
Қаҳр ила нозинг магар ҳам фаҳру, ҳам лаззат менга.*

*Бир қиё боқмас эсанг, сўнгсиз бўлур дардим менинг,
Бир қиё боқсанг — кетиб дардим, келур сиҳҳат менга.*

*Бир буюк байрам эрур ҳар кун кўчангдан ўтмоғим,
Унда ҳар бир зарра тош дурдонадан қиммат менга.*

*Таъналар бирлан ёзибсан минг хатимга бир жавоб,
Во ажаб, билсанг, не чоғлиқ рутбаю ҳиммат менга.*

*Эл агар ошиқлигимдан кулса, ор айлай нечун,
Ушбу иқрор, билсалар, тенгсиз, улуғ ҳурмат менга.*

*Илтифотинг соғиниб, назру ниёз айлар Ниёз,
Сенга, эй доно санам, шайдолигим — зийнат менга.*

Карвон ўтмоқда

*Кўнгироқлар шуҳ жаранглар карвон ўтмоқда,
Буюк Ипак йўлим бўйлаб жаҳон ўтмоқда.*

*Манзил-манзил элтгай бугун уммонга йўллар,
Ғарб ила Шарқ бошин қўшиб сарбон ўтмоқда.*

*Пок нияту озода руҳ — қўш қанот элга,
Дилга орзу, ишонч ортиб инсон ўтмоқда.*

*Бу йўлга жон бахш айлагай мардона қалблар,
Элдан-элга эҳтирому эҳсон ўтмоқда.*

*Донолардан жаҳон узра қолур яхши ном,
Гафлат босиб бу дунёдан нодон ўтмоқда.*

*Багрин очмиш уфқларда бизга юз диёр,
Дўстдан-дўстга марҳамату имкон ўтмоқда.*

*Мерос эрур Ипак йўлим аجدодларимдан,
Пайваст бўлиб бир-бирига замон ўтмоқда.*

Субҳидам

*Бунча кўркамдир бу олам субҳидам,
Янграгай чин дилдан одам субҳидам,
Кетгуси дилдан алам-ғам субҳидам,
Борлиқ ичра энг нафис дам субҳидам.
Дилда бўлгай орзулар жам субҳидам.*

*Бор яшиллик товланур тупроқ уза,
Нуқра, мовий шуъла ўйнар тоғ уза,
Тарқалур дилбар наволар боғ уза,
Парпирар минг томчилар япроқ уза,
Бу сафо ёғдуси шабнам субҳидам.*

*Тинглагил қушлар садосин, эй кўнгул,
Дилга сол юртинг самосин, эй кўнгул,
Куйга ол водий сабосин, эй кўнгул,
Айла ҳис олам сафосин, эй кўнгул,
Бўлмоқ истарсан муқаррам, субҳидам.*

*Чиқ чаман сайрига, дил, гашт истасанг,
Бул томон тоғ, ул томон дашт истасанг,
Кўнглунгга завқу тараб, шашт истасанг,
Сўхбатингга бир париваш истасанг,
Саргузаштлардан мужассам субҳидам.*

*Ёндирур кўзларни тонг пайт лолалар,
Бунча рангни, айт, қаёндан олалар?
Абри найсон бағридан шўх жолалар —
Ёпирилиб келмоқдадир, қоч болалар,
Бўлмаин дерсан агар нам субҳидам.*

*Ўзни гафлат уйқудан бедор қил,
Таънаю танбеҳлардан ор қил,
Яхши орзуларга дилни ёр қил,
Дил жилосин ёрингга изҳор қил,
Севги бергай сенга байрам субҳидам.*

Умр

*Бешиқдан то қабрга қадар,
Одам умри ажабдур-ажаб.*

Боғча фасли тугалса агар,
Қучоғига олгайдир мактаб.

Бир энтикиш, маъюс бир лаҳза
Гудак қалбин имтиҳон этар.
Бу айрилиқ — илк оғир ларза —
Хувиллатиб боғчани... кетар.

Сўнг мактабда ўн йиллик ҳаёт,
Ешлик кечар сойдек гувиллаб.
Бир кун келиб: «Хайр!» дер, ҳайҳот,
Мактаб қолар ортда хувиллаб.

Сўнгра эса олий илмгоҳ,
Бунда умр сабоғин олар.
Бул қаср ҳам бир кун қолур, оҳ,
Олтин давр хувиллаб қолар.

Сўнг... ҳаётда минг синов кечиб,
Қўражақдир узоқ-ёвуқни.
Гоҳо ширин, гоҳ аччиқ ичиб,
Қўп татийди иссиқ-совуқни.

Ҳар бир одам ўзи бир олам,
Йуқ ухшаши, такрори асло.
Дунё ичра дунёдир одам,
Бир-биридан фарқли, мустасно.

Қўз олдида эврилар замон,
Фарқ этади бахтни, руёни.
Авж нуқтага етганда инсон,
Хувиллатиб кетар дунёни.



Абдурауф Фитрат

*Ҳиндистонда бир фаранги
ила бухороли мударрисининг
жадид мактаблари хусусида
қилган мунозараси*

МУҚАДДИМА

Бухоронинг нажиб миллати бўлган ватандошларим, бир мунча вақтдан бери жаҳид ва қадим ўртасида ихтилоф чиққани, бу баъзи миллат хойнларининг хато ва фасодларидан бошқа нарса эмасдир. Муқаддас ватанимизни парчалаб, унинг аҳли жамоасини жаҳид ва қадим унвонлари остида икки фирқага ажратиб, уларнинг бирини иккинчисига душман қилиб қўйдилар.

Хор ва хароблигимизнинг асосий сабаби мусулмонлардан эмас, балки уша маъносиз ихтилофдан экани маълум бўлди. Бинобарин, ҳар ким ўзини дини мубини исломнинг хизматида билса, уйимизни бузгучи бу ихтилофни биз — бухоролимилар орасидан кўтаришга ҳаракат қилсин.

Баъда (камина) ҳам бу маслаки муқаддаснинг солиқларидан бири бўлгани ҳолда, шу кунларда бир ҳикоят ёздимки, бу бухороли бир мударриснинг Ҳажга боратуриб, Ҳиндистонда бир фаранги ила усули жаҳид ва усули қадим хусусида қилган мунозараси бўлиб, мазкур ҳикоят ушбу масалани тўтал ҳал қилгандир.

Шояд бир рисола суратида ва бухоролимиларнинг суҳбати тарзида тартиб қилиб, нашр қилмоқни истаганим шу васила ила муҳтарам ватандошларим масъаланинг ҳақиқатидан огоҳ топиб, ўртадаги ихтилофларни тарқ қилиб, ҳаммалари иттифоқ билан ҳақоят йўлига қадам қўйсалар.

Бухороли Абдурауф ФИТРАТ.

Ғисмилласиф розманиф розман

Фаранги! Аҳволингиз қандай?

Мударрис: Алҳамдулиллаҳ ала кулли ҳол⁴.

Фаранги: Жаноб, Сиз қаерликсиз?

Мударрис: Аҳли бухоройи шариф.

Ф: Қаерга кетяпсиз?

М: Байтуллоҳга.

Ф: Бухорода нима иш қилар эдингиз?

М: Мен илм аҳлиданман, мударрислик қилар эдим.

Ф: Бухоро қандай жой?

М: Бухоройи шариф катта шаҳар, кўб турли илмларнинг маркази ҳам ширин-шарбат меваларнинг манбаи.

Ф: Бухоро шарифлигининг бойси илмларнинг кублигиданми ё меваларининг сероблигидан?

М: Мен буларнинг ҳар иккаласини ҳам Бухоронинг шарифлигини кўрсатувчи мустақил сабаблардан деб биламан.

Ф: Бир жойнинг шарифлигига меваларининг кублиги сабаб ўлмас?

М: Кўб яхши. Сиз илмларнинг кублигини Бухоронинг шарифлигига сабаб деб билинг.

Ф: Тузук. Аммо, бир мулкнинг илм қувватини билмак, у ердаги уламолар сонини билмакка боғлиқдир. Бас, марҳамат қилиб айтинг-чи, Бухоронинг жами аҳолиси қанча?

М: Биродар! Мен бир банд одам бўлсам, Бухоронинг қайси кучаларида юриб, унинг одамларини санабман?!

Ф: Йўқ, йўқ, асло! Мен бундай деб таклиф қилсам, магар Сизнинг юртингизда жуғрофия ўқимайларми?

М: Мен бир мударрис бўлсам, кечалари китоб кўраман, кундузлари дарс айтаман. Қачон қўлим тегибдики, мундай ҳикоят китобларини ўқисам. Мундай китоблар Бухорода йўқ. Бўлганда ҳам қиссахолик қурадиган бойларнинг уйларида бўлади.

Ф: Жуғрофия ҳикоят китоби эмас, илмий китобдир. Жуда фойдали, бир неча қисмдан иборат. Унинг бир қисмини «истотистик»⁵ атайдилар: бунда ҳар мамлакатнинг аҳолиси баён қилинади. Масъаладан узоқлашдик, Сиз билмас экансиз, мен арз қилсам, Бухоронинг илгарилари ҳам ўн миллион аҳолиси бор эди. Ҳозир унинг саккиз миллиони рус тасарруфида қолди. Икки миллион, эҳтимол, ундан камроғи (ўз ҳудудида) сақланган. Бу ҳисобдан етмиш минг нафари шаҳар ичидадир, қолганлари унинг теграсинда, Энди марҳамат қилиб айтинг-чи, бу икки миллион одамнинг ҳаммаси ҳам илмлими ё йўқ?

М: Йўқ, ҳаммасининг илмли бўлиши мумкин эмас. Агар ҳаммаси олим бўлиб кетса, бошқа ишлар эгасиз қолади.

Ф: Уларнинг ярми илмлими?

М: Йўқ.

Ф: Туртдан бири илмлими?

М: Йўқ, ўшал етмиш минг шахрийдан бошқаси илмдан бебахра авомдир.

⁴ Шу ердан бошлаб, Ҳожи Муъин томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимасида, «Фаранги» учун «Ф», «Мударрис» учун «М» шартли белгилари қўйилган. Биз ҳам, шунини сақладик. (Ҳ. Б.)

Ф: Бу авомнинг зарурий хат-саводи борми?

М: Э, вой! Биз уларни одам ҳисобламаймиз. Мендан етмиш минг шахрийни сўранг.

Ф: Уша етмиш минг шахрийнинг ҳаммаси илмдан баҳраманда-ми?

М: Йўқ.

Ф: Уларнинг ярми илмими?

М: Йўқ. Бухоро аҳволи илмиясининг тафсили йўқдир. У ерда турли синфлар мавжуд. Масалан, савдогарлар синфи, саррофлар гуруҳи, чойфурушлар фирқаси, баъзиси мешкоб, такасалтанг, бир дастаси бекорчи ва илмилар жамоаси.

Ф: Айтишингиздан бу етмиш минг нафар, йигирма синфга бўлуниб, булардан бир қисми илм аҳли бўлса керак?

М: Боракаллоҳ.

Ф: Бас, бу ўн тўққиз қисмнинг етарли хат-саводи борми ё йўқ?

М: Ҳаммалари эмас, лекин уларнинг озроқ қисми, алҳамдулиллоҳ, керакли хат-саводга эга.

Ф: Илтимос қиламан, ҳазил қилмай тўғри жавоб беринг.

М: Ҳар нима деган бўлсам, ҳаққи рост, тўғри сўздир. Ҳазил эмас.

Ф: Ажабо! Бундай фармойишлардан мурод не? Бухоро илм маркази бўлса ва айна пайтда, бунчалик илмсизлик не демак? Узун соқолли кўса, обод бўлмаган жаннат дейишдан қандай маъни бор? Бу исмсиз исмдан нима фойда?⁶ Дунёда шундай юрт бормики, унинг подшоҳи ва раияти⁷ бир динда булатуриб, унинг аҳолиси ўз динининг зарурий аҳкомларидан беҳабар ва маҳрум бўлсалар? Ҳиндистон ва Миср маълум муддатдан бери бизнинг тасарруфимиздадир⁸. Биз сизнинг динингизнинг душмани бўлсак-да, у ерликларнинг орасида илмсизлик тугул, саводсизлик кўринмайди.

Бухоронинг бечора мардумлари, дунёнинг иззати ва охира-нинг шарафи бўлган илмдан ҳам улар маҳрум қолганлар. Оқи-

ТАРЖИМОНДАН

Абдурауф Фитратнинг «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли му-дарриснинг ҳадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси» ижодкорнинг ҳадидчилик йулидаги илк насрий асаридир. Асар форс тилида ёзилган. «Мунозара» номи билан машҳур. Қисса Истамбул дорилфунунида таҳсил олаётган камбағал талабанинг ўз ҳисобидан «Исломия матбаасида» босилган. Фитратнинг синглиси — Маҳбуба Раҳим қизининг хотирлашича, Фитрат Истамбулдаги ошхоналардан бирига ходим бўлиб ишга кирган ва таҳсидан бўш пайтлари меҳнат қилиб, ушбу асарининг наشري учун маб-лаг тўплаган. Асарнинг ёзилиш даврини ўзбек олимлари 1909, 1910, 1911 йиллар мисолида ҳар хил курсатишади. Бунинг боиси, китоб муқовасида ҳижрий 1327 санаси курсатилган бўлиб, у мелодий 1909—1910 йилларга тўғри келади. Бироқ, қисса воқеаларини изчил кузатганимизда, унда, 1910—1911 йилларда, Бухорода содир булган айрим воқеалар ҳам ўз аксини тоғганини кураимиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, япон фитратшуноси Хисао Куматсу асарнинг тугалланган даврини 1911 деб курсатади (Фитрат-нинг «Мунозара»си хусусида қайдлар. Анқара, 1991, 7-бет).

Хорижда нашр булгани ва Бухородаги энг «мунозара»ли масала — «Ҳадид» ва «қадим» курашини акс эттиргани учун, бу асарнинг ўз юртида

бат, бу илмисиз ҳаётнинг ҳосили минг турли тубанликдирки, бундан қандай қаноат ҳосил қилиш мумкин?

Жаноби мударрис! Аввал айтганингиздек, «Агар ҳамма одам таҳсили илмга рағбат қилсалар, бошқа ишлар эгасиз қолади», деган ақидангиз шуми? Ҳамонки, Сизнинг ақидангиз шу бўлса, бошқа ватандошларингизнинг ақидалари қандай?

М: Ҳа, менинг ақидам шудир. Юртдошларим ҳам шу ақидага шерикдирлар. Агар ҳамма кишилар илм таҳсили билан бағд бўлсалар, бошқа касбу корлар қолиб кетиб, дунё хароб бўлар.

Ф: Сизнинг ва юртдошларингизнинг бу ақидаси ботилдир⁹.

М: Нега?

Ф: Шунинг учундирки, агар илмга рағбат дунё хароблиги ва баъзи ишларнинг эгасиз қолишига сабаб бўлса, Пайгамбарингиз «Утлуб-ул 'илма ва лав би-с-син»,

«Утлуб-ул 'илма мин-ал-маҳди ила-л-лаҳади»,

«Ал 'илму иззуд-дунйа ва шараф-ул-ахираҳ», яъни, «Илми Чиндан бўлса ҳам изланг», «Бешиқдан қабргача илм изланг», «Илм дунёнинг иззати ва охиратнинг шарафидир» ҳикматлари билан ўзининг барча умматларини илм таҳсилига даъват этмаган булар эди. Бинобарин, Бухоро ишлари шу қадар жаҳолатта ботганки, аҳоли илмли бўлганидан кейингина тартибга тушади: «Ҳал ястав л-лазина йа-ламуна ва-л-лазина ла' йааламун», яъни, «Биланлар билан билмаганлар баробарми?». Таассуфки, Сиз мусулмонлар тоифаси Қуръон ва Ҳадиснинг маъноларидан жуда йироқлашиб кетгансиз. Шу алфоз билан Қуръонни ўқиб, савобини фақат ота-оналарингиз руҳига бағишлаб ўрганиб қолгансиз. Бошқача фикр қилмайсизки, бу муборак мажмуа (Қуръони карим)ни Ҳазрати Ҳакими Азал (Аллоҳ) ўзининг буюк фаришта-си орқали оламнинг оқилларига бекорга жунатмаган эди.

Албатта, Бунинг асрори бордирки, бунга диққат қилишимиз керак. У (Аллоҳ)нинг амрларини амалда қўлайлик, унинг таъқиқларидан сақланайлик. Биз фарангилар динингизнинг душмани эсак-да, диний хусуматларимиз тақозо қилганидек, Қуръон ва Ҳадисларингизни куйдириш ўрнига, улардан ўз манфаатимиз

тарқалиши жуда қийин кечган. Садриддин Айнийнинг гувоҳлик беришича, «Мунозара»нинг бир қисми йўлда рус цензорлари қулига тушиб, йўқ қилдиган бўлишига қарамай, у Бухорога яширин келтирилган. Фитратнинг бошқа бир замондоши — Файзулла Хужаевнинг қайдига кура, рус охранка-си ва Бухоро амирлиги нафақат Фитрат асарини, балки уни ўқиган, келтирилган кишиларни ҳам қаттиқ таъқиб остига олган. Шунинг учун бўлса керакки, қисса дарҳол рус тилига махсус курсатма асосида таржима қилиниб, «Оглашению не подлежит» муҳри билан Тошкентда полковник Ягелло таржимасида жуда оз нусхада бостирилган. Асар таъқиб қилинганига қарамай, жадидчилик ҳаракатининг устозларидан Маҳмудхужа Беҳбудийнинг тавсияси билан Ҳожи Мўйин Шукруллоҳ угли томонидан туркча (ўзбекча)га таржима қилиниб, 1912 йилда дастлаб, «Туркистон вилоятининг газети»да, сунгра эса, алоҳида китобча ҳолида «Туркистон китобхонаси» рукнида чоп қилинган. Бу таржима саҳнага мулжалланган вариант бўлгани учун, у тез орада Тошкент ва Самарқанд театрларида қўйилган. Таржима аввало, томошабинлар савияси ва саҳна имкониятларини назарда тутиб бажарилгани учун, асарнинг муҳим уринлари тушиб қолган, унинг тил ва услуби ҳам томоша асарларининг «тили»га қараб тортилган. Қолаверса, қисса Амир ва Рус ҳокимияти томонидан таъқиб қилиниш даврида

нуқтаи назаридан фойдаланмоққа, чанқогимизни қондирмоққа ургандик. Унинг амрларини амалга оширдик ва фавқулодда тараққиётга эришдик. Ва сизлар гафлатда қолиб, Қуръоннинг саодатли ҳукмларидан ҳамда ҳикматли хабарларидан баҳра ололмай таназзул тубига тушдингиз.

Агар икки юз йил аввал, ушбу минг нафар мусулмон Қуръон ва Ҳадис ҳикматларига эга бўлсалар эди, ҳозир йигирмата ислом мамлакатидан ун саккизи қўлдан кетмаган булур эди. Балки бизда кўриб, таажжубга тушаётганингиз, нуқсонсиз зийнатимиз булган тараққиёт дастгоҳини ҳам Сизда кўрган булур эдик.

Энди, марҳамат қилинг-чи, Сизнинг илм толибларингиз қандай ва қайси илмлардан таҳсил кўрадилар?

М: Болалар мактабни тугатган вақтларида...

Ф: Тақсир, мени кечирадилар, мактаб нима? Болалар у ерда нима қиладилар ва неча йил ўқиш бўлади?

М: Ҳа, воқеан, мактаб кўрмаган кишилар хийла беақл буладилар. «Алҳамдулиллаҳи 'ала динал-ислам»!

Ф: Илтимос қиламан, бу сўзларни қўйиб турайлик. Айтинг-чи, Сиз у ерда ўқиб ақлли бўлган ва мен уни кўрмай беақл қолган мактаб қандай нарсадир?

М: Мактаб шундай жойдирки, бир муаллими бор, уни мактабдор дейдилар, болалар у ерда етти йилдан то ун йилгача зарурий хат-саводларини чиқаргунга қадар қоладилар, ундан кейин хоҳишларига қараб, мадрасага бориб, дарс ўқий бошлайдилар.

Ф: Неча йил дарс ўқийдилар?

М: Йигирма йил, йилга олти ойдан.

Ф: Нега олти ой ўқийдилар? Қолган олти ойда нима қиладилар?

¹ Ислом дини учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.

сахнага чиққани учун ҳам ундаги айрим сиёсий шарҳлар тушиб қолган, баъзи қахрамонлар ва тилга олинган тарихий шахсларнинг номлари ҳам узгартирилган. Шунингдек, қиссанинг ўзига хос «Муқаддимаси»си урнига, «Мутаржимдан» кичик кириш сўз берилган ҳамда асарнинг Бухоро амири ва аҳли ватанга хитобан ёзилган «Хотима»си урнига, Маҳмудхужа Бехбудийнинг «Мунозара Ҳаққида» номи билан рус-тузем мактабларининг тарғибига бағишланган сўнгсўзи қўшилган. Шунга қарамай, Фитратнинг асари ўз она юртида ҳам, шарқ ва гарб улкаларида ҳам машҳур бўлиб кетган. Унинг форсий матни Бомбайда (1929), Карачида (1942) ва Душанбеда (1969) қайта нашр қилинган. Шундай жаҳонгашта асарнинг турли сабаблар билан ҳозирги ўзбек китобхонларига етиб келмагани тўғайли, уни форс тилидан қайта таржима қилишга ва айрим изоҳталаб уринларни шарҳлашга эҳтиёж туғилди.

Юқорида қайд этилганидек, «Мунозара»нинг илк танқидчиси ҳам, шири ҳам Маҳмудхужа Бехбудий булган. Улуғ аллома асарнинг замона учун энг муҳим хусусиятларини таъкидлар экан, шуларни ёзади: «Усули жаҳида мактабларини нафлиги ва фунун замонида таҳсилининг бухорийлар учун лузуми тўғрисида Фаранги афанди ила Мударриси бухорий жанобларини ораларида булган баҳс ва суҳбат «Мунозара» исмида бир рисола шаклида форсий тилида табъъ ва нашр бўлубдир. Биз-да куздан кечирдикки, ҳақиқатан бухорийлар учун нафъийдир. Фаранги ва Мударрис тили-

М: Қолган олти ойда қишлоқларга бориб, имомгарчилик қилиб, ифтитоҳ¹⁰ сарфи учун пул топадилар.

Ф: Энди мушкулумиз иккита булди. Ифтитоҳ пули нимадир?

М: Муллабаччалар таҳсилнинг биринчи йилида, иккинчи таҳсил йилида ўқишлиш лозим бўлган китоблардан дарс бошламоқ учун ҳар ким қурби етганча, масалан, йигирма тангадан беш юз тангагача тўлаб, устоз ҳазратларига етказадилар.

Ф: Энди тушундим, магар бу ҳазрати устозлар ўз вазифалари учун моянага эга эмаслар?

М: Эгадилар.

Ф: Қанчадан вазифалиги (мойнаси) бор?

М: Уламоларимиздан биринчи даражали бўлган охунд йигирма беш минг танга вақфи муқаррар, агар у яхшироқ олим бўлса, яна муҳр¹¹дан ўн минг танга ҳам оладир.

Ф: Сизнинг бу тафсилнингиз, менинг назаримда, гоят ажибдир. Аммо, кейинги иккинчи фикрингиз ундан ҳам ажиброқ. Биринчиси шуки, шундай яхши мартабага эришган бўлсаю, яхши олим бўлмаслиги ҳам мумкинми? Иккинчидан, «муҳрдан ҳам ўн минг танга...» дедингиз. Бу қандай маънога эга? Сизнинг юртингизда «муҳр» қандай қилиб пул беради?

М: Биродар, Сиз худди даштда катта бўлган одамга ўхшайсиз. Дунёнинг йўлини ҳам, расмини ҳам билмас экансиз. Бухорода муоҳаз¹²яъни, охунлик, уламолик, муфтилик, мударрислик мартабалари жаноб олий ҳазрати Амир томонидан Қози Калон воситаси-ла берилур. Шу тариқаки, мазкур Қози Калон кимники бир муоҳаз (номзод)ликқа лойиқ топса, Амирга арз қилади, вақтики унинг номига ёрлик келади.

Ф: Қози Калон ҳар кимнинг лаёқатига қараб уни муоҳаз (номзод)ликқа арз қиладиган бўлса, илмсиз киши охунлик мансабига қай тариқа эришади?

М: Нотўғри тушундингиз. Ҳар кимни лойиқ курсаларда, ҳар кимнинг лаёқатли бўлиши (шарт) эмас...

дан бу муҳим баҳслик рисола ни таҳрир этгучи ва ҳам табъига арзи ташаккур қилурмиз. Иншооллоҳ, бу рисола бухорийларнинг уйғонмоқига боис бўлиб, «Мунозара» муҳарририни раҳмат ила ед этарлар». Бу каби тавсияномадан ҳамда Туркистон театрлари сахналарида ва бошқа театр труппалари томонидан қайта-қайта ижро этилгани учун ҳам асар эиеллилар уртасида катта мунозараларга сабаб булган. Шунинг учун ҳам ушбу асарга «Туркистанские ведомости» газетаси В. Андреевнинг «Бухорода янги оқимлар» номли мақоласи (1916) орқали муносабатини англашишга мажбур булган. Асарга илиқ муносабат ўз даврида Истамбулда чиқадиган «Сирот ул-мустанкам» жаридасида билдирилган. Мазкур нашрдаги туркум мақола-ларда Гиесиддин Хусни Бухоронинг аср бошларидаги аҳволи руҳиясини таҳлил қилар экан, ундаги таълим тизими билан боғлиқ қатор можароларни «Мунозара» воситасида изоҳлашга ҳаракат қилган. 60-йиллардан сунг, бу асар Америка ва Ғарбий Оврӯпа олимлари томонидан талқин ва таҳлил этила бошлаган. Америкалик машҳур туркшунос олим Э. Олвортнинг «Ўзбек адабий сиемати» (1964), фаранг олимаси Элен Каррер д'Энкоуснинг «Ислому ва Рус империяси» китобларида чуқур таҳлил этилиб, ўз ижобий баҳосини олган. Шунингдек, олмон олимаси И. Балдауфнинг тадқиқотлари ва, ниҳоят, Хисао Кумятсунинг қисса таҳлилига бағишланган алоҳида рисолалари эълон қилинган. Ўзбек ва тожик насридаги илк замонавий

Ф: Бас, илмсиз кишини қандай ва қайси виждон билан охунликка лойиқ кўрадилар?

М: (Эй худо, сўз пардадан чиқиб кетди, сир фoш бўлди). Биродар, жаноб Қози Калон ҳазратлари улуг шахс бўлиб, олим ва уламоларнинг раҳбаридирлар. Ва шу билан бирга, ҳазрат Подшоҳнинг ишончига сазовордирлар. Кимники, қандай вазифага лойиқ кўрсалар, нега у кас (нинг номзоди) қабул этилмас экан?!

Ф: Тушундим, аммо, мен айтаманки, агар у жаноб уламоларнинг раҳбари бўлса ҳам, «Ал-улама-у уманй-уллаҳ»¹ ҳукмича, илоҳий даргоҳнинг ишончли улугларидан бўлсалар қайси виждон, қайси диёнат, қайси илм ва қайси мусулмонликқа кўра илмсиз шахсни уламоликнинг хос мансабига лойиқ кўрадилар?!

М: Яъни, кимки кўпроқ хушомад қилса, ҳар куни уч маротаба уларнинг ҳузурларига бориб, руку², таъзим, балки сажда қилишни жойига қўйса, у вақтда Қози Калон унга қараб соқодини лиқиллатиб, калласини силкитиб табассум қиладилар, бундан маълум бўладики, унинг номини манофиқлар⁴ дафтарига ёзадилар, бундан икки-уч кундан кейингина унинг номига ёрлик келади ва у кишининг агар бахти чопса, мударрис ё муфти бўлади.

Ф: Бу бечора Бухоронинг хароблиқ сабабларидан биридир. Аллоҳ даргоҳининг ишончли улугларидан бўлган зот шу тариқа ноҳўя ҳаракат билан хиёнат қилса, узгаларнинг ҳоли не кечади? Суҳбатимиз шу тарзда давом этса, Сиздан жуда ажиб маълумотлар олсам керак. Энди, марҳамат қилиб айтинг-чи, муҳрнинг пул бериши қандай бўлади?

М: Ҳой бечора фаранги, илминг йўқ билмайсанки, муҳр пули жомаддир⁵. Жомад қобили иштиқоқ, яъни, ишлаб чиқарилган нарса эмас, муҳр кишига пул бермайдир.

Аммо бир киши бир шаръий масъалага дуч келиб қолса,

¹. Ҳадиси шарифдан: *Олимлар Аллоҳнинг ишонганларидир.*

қисса сифатида баҳоланган асар, 60-йилларнинг охирироғидан ўзбек ва тожик олимлари томонидан ҳам тилга олина бошланган. Дастлаб, Холик Мирзозоданинг «Демократ жадид адабиети» («Садои Шарқ», 1968, 4-сон) мақоласида, сунгра, ўзбек олимлари Э. Каримов, Б. Қосимов, А. Алиев, Б. Эргашев ва Г. Раҳимова кабиларнинг талқиқот ва мақолаларида таҳлил этилган.

Улуг юнон файласуфи Афлотун асарлари услубида, яъни, суҳбат-бахс тарзида ёзилган «Мунозара»да, нафақат аҳли Бухоронинг, балки бутун Туркистон ёки жумлаи шарқ улкаларидаги таълим тизими масалалари борасида фикр юритилади.

Қисса негизига асос қилиб олинган зиддиятларнинг илдизи, фақатгина таълим тизимининг архаик усули доирасида қолиб кетмайди, балки Бухоро зиёлиларининг шундай ҳолат ботқоғига ботиб қолишига ва мамлакат халқининг ночор ва қашшоқ турмуш кечиришига сабаб бўлган иллатлар Фаранги ва Мударрис баҳси воситасида очиб берилган. Муаллиф иллатларнинг замирини ошкор этиш орқали калаванинг учини бевосита Бухородаги амирлик тузуми ва Бухоро юртини мустамлака тупроғига айланishiга сабабчи бўлган Амир Олимхон ва унинг аъёнлари ҳамда мамлакатда ўз ҳукмини ўрнатган рус маъмурларининг зулми каби масалаларга боғлайди. Шунинг учун ҳам асар уч томонлама — ҳам Бухоронинг жоҳил муллалари,

фатво берувчининг олдига боради, таҳрир этилиши жоиз масъаланинг ҳал этилиши йўларини ундан сурайди. Муфти масъаланинг аҳамиятига қараб, икки тангадан беш юз тангагача пул олиб, муҳрини босиб берадир.

Ф: Бай, бай, бай! Бу нечук мусулмонлик!!! Бу қандай диянат!!! Воқеан, мусулмонларнинг ўз шариатларини шунчалар таққирлашлари олдада биздан қўрқиб кутаётган заллат (адашиш)лари ҳеч нарса эмас экан.

М: Ажаб содда одам экансан. Наҳот уйламайсанки, фатвохон муфтилар халқ ривоятларига «фи сабилайлаҳ»¹⁶ муҳр босиб берсалар? Бу қандай беодоблик?! Агар бир муфти бир шаръий масъалани текин муҳрласа, шариатни таҳқирлаган бўлади. Шариатни таҳқирлаш эса, куфрдир. Бас, у муфти кофир бўлади.

Ф: Бу таҳқиқотингиздан менинг ҳам кулгум, ҳам ййглагум келади. Пайгамбарингиз буюрганларки: «Улама-у уммати ка'анби йа-и бани Исроил»¹ ва «Ал-'улама-у варосатул-анбийа»². Қайси тарихда кўрдингизки, бани Исроил Пайгамбарларидан бири илоҳий аҳкомларнинг ҳукми учун пул олганини ва ё кимдан эшитдингизки, Куръони ҳикматлари оят-оят бўлиб, халқ зарурати учун Пайгамбарингизга нозил бўлган вақтларида у жаҳоб таби¹⁷ қилаётиб пул талаб қилганини? Булар бўлса «варосатул-анбийа» ва «Қа'анбийа' бани Исроил» ўқиб ҳам пул олишни лозим кўрсалар. Жаноб! Пайгамбарингиз бу Ҳадисларни сизларнинг мажлис қуриб, тўрга чиқиб ўтиришингиз учун айтмаган. Бинобарин, унинг матлуби шул эдики, уламолар ҳам Пайгамбар атворини ўзига маслак тутиб, дарсфурушлик, фатвофурушлик, бошқача ибора билан айтганда, шариатфурушликдан сақлансинлар. Токи, Сиз уламолар ҳавойи нафсга мафтун бўлиб, мусулмончиликнинг мақсадларига хилоф тарзда ҳаракат қилмангизлар!!!

¹. Ҳадиси шарифдан: Менинг олимларим баъзи хусусиятларда бани Исроил Пайгамбарларига ухшайди.

². Олимлар Пайгамбарларнинг ворисларидурлар.

ҳам амир ва унинг вазир ҳамда амалдорлари, ҳам Туркистондаги рус ҳокимлари ва борингки, бевосита Петербургдаги ҳукмрон доираларнинг аралашуви воситасида қаттиқ қаршиликка учраган. Асарда фош қилинишича, доимий аҳолисининг нуфузи 10 миллион булган Бухоро музофоти, Русия ҳужумлари тўғрисида атиги икки миллион кишигагина эга булган кичик бир ҳудуддагина қолган. Унинг атиги етмиш минг нафари пойтахт ҳисобланган Бухоро шаҳрида яшайди. Фитрат ун турфа синфга булинган бу етмиш минг аҳолининг ундан тўққиз қисми зарурий хат-саводга эга булмаган кишилар эканини ачинаш ҳисси билан баён қилган. Эндиги муҳим масала, уша хат-саводга эга булмаган аҳолини ўқитиш эмас, балки зиёлиларнинг ҳам билим ва савияси ҳаминқадар эканини кўрсатиш орқали, қадимдан «ислом динининг қуввати»га айланган Бухоро ва унинг алломаларининг қадрини орттириш ҳамдир. Миқдор жиҳатдан олиб қараганда, атиги уч ярим минг кишини ташкил этадиган зиёлилар, асосан, мадраса мударрислари ва мулабаччалар қатлами ҳам «шиа» ва «сунний», «жадид» ва «қадим» сингари муҳолифатлар асосида узаро нифоқда булган. Фитратнинг талқинича, зиддиятнинг ўзаги таълим тизимидагина эмас, балки уша таълим тизимини манфаат ва иқтисод қуролига айлантириб олган зиёлиларнинг сажинида. Мусулмон улкаларида табиийки, таълим тизимининг асоси Куръон ва унинг тафсири, Ҳадислар ва мўминларнинг Пайгамбаримиз

М: Чой совуди, Сиз жуда гавгочи экансиз.

Ф: Дарвоқе, матлабдан узоқлашдик. Хўб, боя айтаётганингиздек, жаноб охунднинг ифтитоҳ пулидан ташқари ўттиз беш минг танга кирими бор экан. Энди марҳамат қилиб айтинг-чи, бошқа уламоларнинг киримлари қанча?

М: Яна бошқа бир мартаба борки, бу охундлик мартабасидан кичикроқдир, лекин даромади охундикидан кўброқ.

Ф: У қандайдир?

М: Аъламлик.

Ф: Аъламликнинг ҳам тафсили киримини баён қилсангиз?

М: Жаноби мустабоби қудувватул уламо (уламоларнинг олий мартабали раҳбари) ул-аълам ўз мадрасасидан ўттиз минг танга, муҳрона ва бошқа даромад жойларидан йигирма минг танга, жузкашлик¹⁸дан ўн икки минг танга олади.

Ф: Жузкашликни тушунмадим?

М: Ҳа, Сиз мадраса кўрмагансиз. Бунинг маъносини билиш учун мадрасага бормоқ ва дарс ўқимоқ лозимдир.

Ф: Илтимос қиламан, менга ҳам тушунтирсангиз.

М: Номини мадраса бўлиб, у ерда аълам дарс айтади, уни Говкушон¹⁹ дейдилар. Ул мадрасада бир киши муайян маблағни вақф қилган, жаноби аълам ул маблағни муллабаччаларга улашиб беради ва вақф қилгучининг фармойишига кўра, икки минг тангани ўзи олиб қолади.

Ф: Бу сўзингиздан маълум бўладики, жузкашаниқдан икки минг танга олар экан, нега ўн икки минг танга дедингиз?

М: (бир оз ўйлаб олгандан сўнг) Қолган ўн минг тангани муллабаччалар ўзлари...

Ф: (Сўзини кесиб), Жаноби мударрис! Зоти Воҳид²⁰га қасам бераманки, менга тўғриси айтинг. Негаки, каминанинг бу су-

ахлоқлари билан зийнатланиш каби масалаларга қурилган. Фитрат бу жиҳатни бир мусулмон зиёлиси сифатида асло инкор этмайди, ҳолбуки, айрим шуро ва рус олимлари томонидан асар шу руҳда ҳам талқин қилинган. Бироқ, уша мусулмон таълимотининг асоси саналган Куръон ва Ҳадис илмининг ўқитилиши талаб доирасида эмаслиги, атиги уч-тўрт йиллик таҳсил давомида урганилиши зарур бўлган билимлар ортиқча «мусахрофот»лар эвазига, йигирма йилга қадар чўзилиб кетиб, киши умрининг асосий қисмини банд қилиб қўйиши ва бу каби нодонлик билан боғланган айрим зиёлилар аҳли Бухоронинг аҳволидан мутлақ беҳабарлиги масаласидир. Маълумки, барча жамиятларда аҳолининг асосий фикр қатламини зиёлилар ташкил этиб келган. Аср бошларига келиб узаро низо ва билимсизлик, мусулмон ахлоқига тўғри келмайдиган бад хулқлар билан шугулланиш натижасида, умумжаҳон тараққиетидан анча ортда қолиб кетган зиёлиларнинг ҳолати асарда реал курсатиб берилганки, бундан мурод — жамият узининг аҳволини худди ойнадаги каби курсин, узининг камчил ва устун жиҳатларини англасин ҳамда Бухоро музофотида ҳам зиёлилар етакчилигини ўз қўлларига олсин, деган мантиқ сингдирилган. Масаланинг муҳим жиҳати муаллифга тинчлик бермаганини қиссанинг ҳар бир воқеасидан, сюжет чизигиго композицион қурилишидан аниқ илғаш мумкин. Асарнинг «Мунозара» деб олинishi ва кўҳна суҳбат усулини тайин қилиниши ҳам бевосита муаллиф ниятларининг амалга ошиши учун бажарилган вазифадай туюлади. Қолаверса, бундай усул нафақат қадимий, балки икки аср бусоғасидаги мураккаб ижодий воқеалар силсиласини англатиш учун замонавий услуб даражасига кутарилган эдики, бунинг тасдиғини ғарб адабиетида ҳам, мусулмон шарқ аломаларининг асарларида ҳам учратамиз.

роғлардан ҳеч гаразим йўқ. Фақат азбаройи қизиққанимдан, бу умумий томошахона бўлган Бухоронинг аҳволидан маълумот олмақчиман, холос.

М: Мазкур ўн минг танганинг тафсили шуки, ул аъламнинг ун саккиз жамоа шогирди бор. Ҳар жамоанинг бир катгаси борки, уни қорийи жамоа дейдилар. Жузкашликнинг тақсими пайтида қори ўз шерикларининг номларини ёзиб келиши лозим бўлиб, токи ҳазрати устоз шерикларининг ҳақларини ҳам унга топширадилар ва ў (жамоа қориси) тақсим қилади. Шу суратда аълам мазкур қорига буйруқ бериб айтадики, шерикларидан бир нечтасининг исмларини ортиқроқ ёзиб, тақсимдан ортган пулни устознинг хизмати учун (ортиқчароқ ёздиргани учун) унга қайтариб берсин.

Ф: Жаноби мударрис! Бошим айланиб кетди, қўрқаманки, бир ваҳшатни менга юклаб қўйдингиз ва илло қаттиқроқ айтаман: Бухоро уламоларининг бу иши қандайин ҳаракатки, магар булар Худодан қўрқмайдиларми, Пайгамбардан уёлмайдиларми?! Магар улар Худонинг расули ҳаром қилган нарсани ҳалол деб билсалар, бу хиёнат уларни ўз (жаҳаннам) қаърига тортмайдири? Бечора жамоа қорисини бу тундоҳ ва бенаф ишга мажбур қилмоқлик, бошқача қилиб айтганда, уларни ҳидоят ва раҳнамолик ўрнига залолат ва гумроҳликнинг қоронғу тубига отмоқликдир. Ажабо, бу икки турли қора сифат эгалари Пайгамбарнинг ўринбосарлари даъвосини қилишдан шарм қилмайдиларми? Айтинг-чи, қолган муфтиларнинг мадоҳили²¹ қанча?

М: Қолган муфтилар мадраса ва муҳрдан олти минг тангандан то ўттиз минг тангагача оладилар.

Ф: Ҳар қайсиларининг шунчадан даромадлари бўлатуриб, улар яна нима учун бечора муллабаччаларга жабр қилиб, улар-

«Мунозара» фақатгина жадидчилик қарашлари ифодачисигина бўлиб қолмай, балки бир томондан, муаллифнинг «Мавлуду шариф ёки хайрул башар» (1913), «Раҳбари нажот» (1913), «Мухтасари тарихи ислом» (1915), «Ойила» (1916) каби асарларидаги диний-фалсафий ақидаларнинг ибтидоси билан боғланса, иккинчи томондан, ижодкорнинг айна уша даврда яратилган «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» асарида баён қилинган ўз юртини мустақил, озод ва обод кўрмоқ истаги билан йўғриладики, бу мураккаб асарни тушунишда табиийки, Фитратнинг бошқа публицистик ва бадий асарларини ҳам назардан ўтказишга тўғри келади. Жумладан, Истамбулда ёзилган «Бухоро вазир Парвоначи Насруллоҳбек Ҳазратларига очик мактуб» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1996, 9 май), «Жоҳилна таассубга мисол» («Халқ сузи», 1992, 12 ноябрь) каби мақолаларида жадидчилик кайфиятлари жуда аниқ очиб берилган. Шунингдек, Фитратнинг мазкур қисса доирасида зухур бўлган қарашларини англашда, унинг «Шарқ сийсати», «Йиғла, Ислом» сингари публицистик рисоалари ҳам кумак бериши шубҳасиз. Хулоса, ким қандай талқин қилишидан қатъий назар, асарнинг умумий руҳини, унда акс этган масалалар қамрови ва муаммолар мушкуллигини тушунишда, шуро даврида урф бўлган турли «изм»лар ўртасида сарсон таълимотларга эмас, балки, Фитратнинг ўз асарларига таянилгандагина, қўтилган мақсалга эришиш мумкин.

Халқимиз ўз мустақиллигини тиклаётган шароитда, бевосита кун тартибига қўйилган қатор ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий, маърифий ва маданий муаммоларнинг ечимига ҳам бу асар ёрдам бериши шубҳасиз.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ.

дан пул оладилар ва у ғариблар таътил пайтида ҳам шаҳарда қолиб дарсларини мукаммаллаштиришига нега йўл қўймайдилар?

М: Сиз галати одам экансиз. Сиз аҳли фаранги Бухоро муллабаччаларининг ғамини емай қўя қолинг. Бу дардлар билан нима ишингиз бор? Ҳазрати домлалар кимнинг отасининг ҳаммоли ёки қайси бир муллабаччанинг опасининг эридирки, кечалари ухламасдан бедор қолиб китоб кўрсалар, кундузлари текинга дарсгўйлик қилсалар?! Улар вақтида меҳнат қилиб, қанча машаққатларни ютиб, бу мартабага эришганлар. Энди улар рози бўлмайдиларки, муллабаччаларга текиндан дарс беришга... Уларнинг бунга ҳақлари ҳам бор. Чунки бу замонда шундайки, бирон-бор киши ўз манфаатини уйламасдан текинга жойидан қўзгалмайди.

Ф: Секинроқ сузланг, сузни ҳаддидан оширмангиз. Аввало, Сизнинг «бирон-бир киши ўз манфаатини уйламасдан текинга жойидан қўзгалмайди», деган сўзингиз ботилдир. Зеро, бу замон маданият замонидир. Маданият деган муованат²² демақдир.

Тасаввур қилинг: Ниёзийбек, Анварбек Истамбул маршрутаси²³ учун қилган меҳнатлари тараққийпарварлик бўлмай нимадир? Эрон маршрутасини сўраб чиққан Сагторхон ва Боқирхон²⁴нинг ўз жонини қўлларига олиб, ҳар тарафга югуришлари элнинг осойишталиги учун бўлмай нима эди? Абдурашид Иброҳим Нўғай уйдан ўн икки сўм рус пули билан чиқиб, ислом иттиҳодини таъсис қилиш учун то Чин ва Японияга қадар борди. Япониянинг пойтахти Токиода бир қанча аъёнларни мусулмон қилиб, бир ислом жамятини тузди. Бунинг мақсади ислом динига фидойилик қилишдан бошқа нима эди? Ҳатто ҳайбатидан тоғлар ларзага келадиган баъзи япон вазирлари бўш вақтларини ўз раиятининг болаларига таълим беришга сарфлаб, яъни, Сиз айтишингизча, мактабдорлик қиладилар ва бунинг учун ҳеч кимдан ҳеч нарса олмайдилар, балки ўз харжларидан қолган қисмини бу йўлда сарф этадилар. Бутунги кунда насронийлар орасида ҳам шундай одамлар борки, улар фақат ўз манфаатлари йўлида юрмасдан, ботиний умуминсоний ниятларини амалга оширишни лозим биладилар, бундай йўлда юрмаганларни эса инсон санамайдилар. Энди, инсоф қилинг: «Хайрун наси ман йанфа'ун-нас», яъни, «Инсонларнинг яхшиси инсонларга наф келтирувчилардир», деган Сизнинг Пайгамбарингиз. Сизнинг уйларингиз қандай-у ва Сиз кофир деб билганингиз бизнинг ақидамиз қандай экан? Бундаги тафовут қаердан қаергача? Ва бунга илова қилиб, у вақфдан оладиган пули отасининг ёки акасининг моли эмас, балки буни маърифатпарвар зоти карамлар савоб ва Худо йўлида вақф қилиб қолдирганларки, бирор олим бу ерга келиб, дарс айтиб, фақир муллабаччалардан пул талаб қилмасин деб. Шундай экан, агар ҳазрати уламолар текин дарс айтсалар отасининг ҳаммоли ё поччасининг шогирдлари бўлиб қоладиларми? Йўқ, йўқ! Улар ўз ҳақларини олганлар, энди ифтитоҳ ҳақини олмасликлари лозим. Ё аксинча, вақф пулидан воз кечсинларки, уларнинг иккисидан бири ҳаромдир.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, у «авсофи ҳамида» (мақталган сифатлар) қандай дарс ўтадилар ва мазлум муллабаччалар улардан нимани урганадилар?

М: Биринчи йили — «Аввали'илм», «Бидон»²⁵

Иккинчи йили — «Муъзий», «Занжоний»²⁶

Учинчи йили — «Кофия»²⁷

Туртинчи йили — «Шарҳи Жомий»дан « Ал-марфуъот...»²⁸

Бешинчи йили — «Ал-мажрурот...», мазкур шарҳдан.²⁹

Олтинчи йили — «Ал-мансубот...», мазкур шарҳдан.³⁰

Еттинчи йили — «Ал-мабнийот...», мазкур шарҳдан.³¹

Саккизинчи йили — «Ҳамд» ва «Баҳси исм», мазкур шарҳдан.³²

Тўққизинчи йили — «Қутбий» ҳошиясидан «Ва роттабтуху ала муқаддима...»³³

Ўнинчи йили — «Ҳамди Ақоид».³⁴

Ўн биринчи йили — «Баъд...», «Ақоид»дан.³⁵

Ўн иккинчи йили — «Самава...», «Ақоид»дан.³⁶

Ўн учинчи йили — «Ҳақойиқ ул-ашйа...», «Ақоид»дан.³⁷

Ўн туртинчи йили — «Ҳамди таҳзиб».³⁸

Ўн бешинчи йили — «Таърифи илм», «Таҳзиб»дан.³⁹

Ўн олтинчи йили — «Ҳикмат ул-айн»дан «Ал-ҳикмату истикмалу-н-нафси».⁴⁰

Ўн еттинчи йили — «Ҳикмат ул-айн»дан, «Ал-вужуди бадиҳийун».⁴¹

Ўн саккизинчи йили — «Мулла Жалол»дан, «Йа ман ваффақана».⁴²

Ўн тўққизинчи йили — «Мулла Жалол»дан, «Сатафтарику».⁴³

Ўн тўққизинчи йили охирида — «Саҳиҳ Бухорий»дан «Ин-нама-л-амалу би-н-ний йатни»,⁴⁴ «Тафсири Байзовий»дан «Му ав-вазатайн»ни⁴⁵ ўқилиб, хатми таҳсил қилинади.

Ф: Номии келтирилган китоблар тамом ўқилурми?

М: Ҳу! Ҳаммаси қаёқда?! Фақат айтилган жумладан ўқийдилар.

Ф: Ажабо, бир жумлани ўқиш бир кундан ортиқ вақт талаб қилмайди-ку?! Улар нима учун бир жума кетидан бир йил югурадилар?

М: Ҳошия ўқийдилар, ҳошия!

Ф: Ҳошияси нима?

М: Сиз жуда гаранг одам экансиз. Ҳошия, яъни, шарҳнинг шарҳидир. У шундайки, мен айтган китобларнинг ҳар бирига қарийб ун беш нафар одам ҳошия (шарҳ) ёзганлар. Масалан, Мулла Жомийнинг шарҳига битилган ҳошиялар: Абуғафур, Асомиддин, Абулҳаким Исматуллоҳ, Шайх Жамол, Мавлавий Шариф, Охун Шайх, Содиқ ва ҳоказо.⁴⁶

«Қутбий»да Абдулҳаким, Мулла Аҳмад, Асом, Саййид Шариф, Қул Аҳмад ва бошқаларнинг шарҳлари бор.⁴⁷

«Ақоид»да Хаёлий, Мулла Аҳмад, Абдулҳаким, Асомиддин, Мулла Қосим Харпутий, Сарих ва шу кабиларнинг ҳошиялари⁴⁸ (шарҳлари) ёзилган. Ҳоказо қолган китоблар...

Ф: Бу китобларда нималар ҳақида баҳс юритилади?

М: Бу ҳошиялардаги бутун мақсадлар икки амрга боғлиқдир. Биринчиси, шарҳ қилгувчи сўзининг таҳқиқи. Масалан, «Ҳамд»нинг «алиф», «лом»и нимадир?⁴⁹ «Вароттабтуху» замирининг ўрни қаерда?⁵⁰ «Сафатарикун»дан «син» қайси «син»дир?⁵¹ Иккинчиси, ҳақиқатан биринчининг ҳосиласидирки, қуйидагилардан иборатдир: шарҳ қилгувчи сўзига эътироз, мазкур эътирознинг радди, мазкур эътироз радининг радди, мазкур эътироз радди радининг радди, мазкур эътироз радди радининг радди радининг радди ва ҳоказо қанчалик даркор бўлса шу қадар (давом этиш мумкин).

Ф: Ажабо, Ҳар че дарин парда нишонат деҳанд.

Чун настони ба изонат деҳанд.

(Мазмуни: Ҳар нарсаки, бу парда ичра сенга нишон берадир.

Худди санчиқ каби сенга озор берадир).

Мен бу «музаҳрафот»ни⁵² бировдан уйқуда эшитсам ҳам гумон қиламан! Бу не беҳудалик, нечук вақт утказишдирки, Бухоро мардуми бунга гирифтор бўлмиш? Уттиз туққиз йиллик қимматли ва азиз умрни бир муфтига беҳуда сарф қилгач, кейин мазкур пуч ва бемаъни таҳқиқотнинг тадрисига⁵³ машғул бўлдилар, аммо, таҳсили вожиб бўлган Тафсир, Ҳадис, Фикҳ, Усули фикҳни урганиш вақти қачон келади ва яна бу йигирма йилда Наҳв, Мантиқ, Ақоид, Ҳикматдан ўқиган бўлсалар ҳам фақат уларнинг дебочаси экан. Мазкур илмларнинг аслини, фойдали асосий қисмини қачон ўқийдилар?

М: Гумоним борки, форсийни яхши билмас экансан. Мен айтдим-ку, таҳсил йилига олти ойдир. Қолган олти ойда, яъни, таътил пайтида агар ўқисалар моневъ йўқдир.

Ф: Ё мен (Сиз айтган) форсча сўзларни хато тушунаман, ё сиз хато гапирясиз. Боя айтдингизки, «қолган олти ойда имомгарчилик қилиб, ифтитоҳ пулини топадилар» деб, энди лутф қиялмасизки, «бу олти ойда ўқисалар, моневъ йўқдир». Бу олти ойлик таътил вақтида, бу зарурий дарсларни ўқиган тақдирда ҳам бу қандай ноинсофликки, олти ой таҳсил пайтида пуллари, истак ва гайратлари бўла туриб, у бечораларни «Ҳамд»нинг «лом»ини таҳқиқи, «Тааммул» муродининг тайини, «Фал-йа тааммул»лар⁵⁴дан иборат бўлган пуч ва беҳуда нарсаларни ўқишга мажбур қиладилар. Агар у мулабаччалар зарурий дарсларнинг ўқитилишини талаб қилсалар, бир сўз билан «вақтим йўқ» деб, уларни маъюс қиласизлар. Таътил кунларида пулсиз, гайрат ва истаксиз «агар хоҳласалар, ўқийдилар», дейсиз! Мен уларнинг номидан айтаманки, ҳозирги таҳсил пайтида ҳам зарурий дарсларни урганишни хоҳлаймиз, агар таътил вақтидаги олти ойда ҳам шаҳарда яшаб, дарс ўқиб, имомгарчиликка бормасдан, ифтитоҳ пулини топишга вақтимизни бермасак, келгуси таҳсил йилининг бошида бепул ёки Сизнинг ниятингиздагидан озроқ пул билан ҳозир бўлсак, у вақтда, наузибиллаҳ⁵⁵, нафрат ва газабдан тўлган кўзларингизга, чимирилган қошларингиз қаршисидан

қандай чидаб утирамиз? «Жувонмарг, оқ қилдим», деб дамбадам бақиршишларингизни қайси тоқат билан эшитамиз?

Энди айтинг-чи, Бухорода аёллар ҳам таҳсил оладиларми ёки йуқ?

М: Йуқ, аёллар таҳсил кўрмайдилар.

Ф: Нега уларни таҳсилдан бебаҳра қолдирганлар? Аёл ақли таълим ва тарбия хусусида эркакдан камроқ бўлмаса керак. Бизнинг ҳақимлардан бири айтадики, «биз Америка ва Франсиё аёлларининг ихтиролари мушоҳадасини кейин бйддикки, аёлнинг тушуниш даражаси эркакникидан кам эмасдир». Ва Сизларнинг Пайгамбарингиз ҳам буюрдики, «Талаб ул илми фаризатун ала кулли муслимини ва муслиматин», яъни, «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир». Аёлларнинг тарбияти фойдали бўлиб, «Ман жаа бил ҳасанати фалаҳу ашру амсалиҳа», яъни, «Кимки яхшилик келтирса, унга ун баравар...» оятининг ҳукмига кўра, яхши амалларга эга бўлишлик вожибдир. Негаки, яхши амаллар, яхши ахлоқсиз мумкин бўлмайди. Яхши ахлоққа кейинроқ эга бўлишлиқ ҳам «Мин баъби муқаддимат — ул вожиб», яъни, «Вожиб бўлган амалларнинг биринчиларидандир». Бирор кимса ҳам тарбиясиз яхши ахлоқ соҳиби бўлмайди. Бизнинг биринчи тарбиямиз оналаримиз тарафидандир, уларнинг ўзлари тарбия кўрмаган бўлсалар, биз ҳам уларнинг ёмон тарбиясидан ҳаминша ёмон ахлоқ эгаси бўламиз. Шу сабабли донолар бизнинг оламни инсоният доирасидан ташқарида деб биладилар. Юртнинг бахтсизлиги, заминнинг саодатсизлигидирки, аёллар у ерни таълим ва тарбия шарафидан маҳрум қиладилар.

М: Ажаб содда одам экансиз. Беҳуда ишларнинг ташвишини қилишсиз. Аёлларнинг яратилишидаги ҳикмат «таволуд ва таносул» (туғиш ва насл қолдириш)дир. Мен аввалдан арз қилдимки, бизда таҳсил 37 ёшда тамом бўлади. Бу суратда агар аёлларни ҳам таҳсил эттирсак, уни тугатгандан сўнг ёши 37 га борганда, ҳеч бир эркак уларга рағбат қилмайди ва у вақтда, «силсилаи таносул» (кетма-кет насл қолдириш) узилган бўлади.

Ф: Аммо, бу гапингиз, яъни, агар аёлларни таҳсил эттирсак, таносул силсиласи узилади, деганингиз ботилдир. Далил шуки, агар Сизнинг ушбу сўзингиз тўғри бўлганда, комил ақл эгаси бўлган, оламнинг низомини Сиздан яхшироқ билган Пайгамбарингиз «Талаб ул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин», яъни, «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир», демас эди. Аммо, Сизнинг «биздаги таҳсил муддати узун»дир деганингиз, бир таҳсил усулининг нодурустлигидирки, бу таҳсилни манъ қилишликни келтириб чиқармайди. Сизнинг бу таҳсил усулингиз мушкул ва нуқсонли экан, бошқа усулни ихтиёр қилингиз.

М: Фаранги биродар, бўлмайди, асло бўлмайди. Биз осон бўлган таҳсил усулини қабул қилганимизда ҳам яна бўлмайдики, қизларни илм таҳсили учун кўчага чиқариб юборсак. Негаки, эркакларимизнинг ахлоқи бузуқдир. Тездан уларнинг таҳсилни фасодга йўлуқтиради.

Ф: Бу ҳам узингизнинг камчилигингиз. Ахир, Сиз уламосиз. Шаръий ишлар Сизга тоштирилган, амри маъруф, наҳйи мункар Сизнинг вазифангиз. Нега у бечора эркаларнинг ахлоқини тугатишга киришмаяпсиз?

М: Ҳой, бечора фаранги! Сен шариятни билмайсан. Бизнинг шариятда амри маъруф ва наҳйи мункар фасодни тутатган тақдирда ҳам аслида тўғри бўлмас.

Ф: Бу масала доимо эътино⁵⁶ бўлмаган, бироқ ёлгондир. Амри маъруф, наҳйи мункар кабиларни эса бажариш керак. Чунончи, Сизнинг Пайгамбарингиз ҳам буларни бажарган.

М: (Қаттиқ газабланган ҳолда) Ай, одам огзингни юм! Шаръий масъалалар ҳақида беҳуда гапурма. Магар сен кофиру мен мусулмонман, бу гапларни эшитишга тоқатим йўқ.

Ф: Ажаб, мени гапуриш ҳуқуқидан манъ қиласизми? Асло хомуш бўлмайман, айтаманки, «миёямаш аз уҳда берун»,⁵⁷ яъни, бу масъала шаръий масъала эмас, балки тўқиб чиқарилаган нарсадир.

М: Хомуш бул, одобсизлик қилма. Сен кимсанки, бизнинг дини аҳкомимизни «бу тўқилган нарса», «бу шаръий эмас», деб айтасан. Ахир, қаердан биласанки, бу шаръий масъала эмаслигини?

Ф: Ваҳшат қилмангиз, далил сўранг. Бу масъалани қаерда кўргансиз?

М: Китобда.

Ф: Ислонинг хароб бўлиш сабаби шудир! Сиз ислом тоифаси умрнинг таълифи билан шунчалар машғул бўлгансизларки, натижада ислом динининг ҳақиқатидан фарсаҳларча узоқлашгансиз.

Магар ўн йил аввал саккиз ёшли бир бола шўхлик қилиб, китобнинг ҳошиясига «мен офтобни туя суратида кўрдим» сўзларини ёзиб қўйгани туфайли бутун Сизга офтобнинг ҳақиқий шаклини исбот қилишлик мумкин бўлмай қолди. Масъала Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан равшан бўлаётган вақтда, қўшимча китобга қараб югурмоқ девоналикдир. Қуръони карим возеҳ⁵⁸ усулида айтадики, амри маъруф ва наҳйи мункар лозимдирки, бу ишни Пайгамбар (с.а.в.) бажардилар, саҳобалари бажардилар, фитнадан қўрқмадилар. Сиз, ахир, уларнинг уммати ва издошларисиз, улардан улугроқ эмасдирсизки, нега йўқ фитнадан қўрқасиз? Шариати аҳмадий асло Сизнинг бу узрингизни қабул қилмас. Ислон тарихида фитна чиқарувчи бўлиб қолдингиз. Пайгамбарингиз бутун араблар тавҳид аҳлига душман бўлган ҳангомда Пайгамбарлиқ даъвосини қилди, халифани аввал, Муҳаммад умматининг энг фазилатлиси Абубакр Сиддиқ хилофот маснадига⁵⁹ ўтирганда ҳар тарафдан араблар иртидодга⁶⁰ тушдилар, яъни, диндан қайтдилар. Абубакр Сиддиқ ислом лашкарларининг заифлигига қарамасдан комил бир азм билан уларни таслим бўлишга мажбур қилди ва бу қиёсга кўра, Сизнинг салафларингиз асло ҳеч кимдан қўрқмасдан ислом муқтазойидлари, яъни, тақозо этган нарсаларнинг ижросига азму ҳаракат қилдилар. Ҳа, ислом динининг хоҳиши шудир. Сиз айтаётган бу

масъала бир неча нафар таъмагир ва шикампараст⁶¹ мусулмонлар томонидан уртага қўйилган бўлиб, шариати аҳмадийга бунинг алоқаси йўқдир. Муллаваччаларнинг энг кичик бир нафари бесоқол бир болакай туфайли шаҳар катталарини ҳақорат қилишдан қайтарсаю, уламолар эса, бунчалик иқтидорга эга булганларига қарамасдан, амри маъруф ва наҳйи мункар фасод чиқаради деган гапларини ким қабул қилади?

Булардан ташқари биз амри маъруф ва наҳйи мункарни кўполлиқ билан амалга оширинг деб, қачон айтдик. Худо сақласин, ҳеч қачон бундай гапни айтмаганмиз ва айтмоқчи ҳам эмасмиз. Минбаъд айтмаймизки, мактаб ва мадрасаларда ахлоқни вайрон қилувчи ошиқона байтлар ва «лом жинси»ни таҳқиқ қилишдек пуч нарсалар билан кўмилиш ўрнига ахлоқ ўргатиб, матбаа очиб, жаридалар воситасида халққа яхши хулқни тарғиб қилинг. Яхши, Сизнинг тамоми араб тилида булган 20 йиллик таҳсилингизда, наҳвни билмаса ҳам араб тилида маҳоратта эга бўлишингиз керакми?

М: Ҳў, биз Бухоро уламози араб тилини арабларнинг ўзидан ҳам яхшироқ биламиз.

Ф: Шуниси ҳам ганиматдур. Марҳамат қилинг, бир оз биргалиқда араб тилида сўзлашиб кўрайлик, мен ҳам бу тилдан хабардорманми ё йўқ?

М: (Ай худо! Бу ногоҳон балони қаердан бошимга юбординг? Мени аста-аста расво қилишига яқин қолди). Биродар, авфу этасиз. Биз Бухоро уламози арабча гаплашишни билмаймиз. Бизнинг арабча билишимиз шу меъёрдаки, муллабачалиқ вақтимизда устознинг ёнида ўқиган эдик, арабча дарс китобларини бир кечада машаққат ютиб, улардан саҳифасинигина мутолаа қила олардик.

Ф: Бай, бай! Сиз Бухоро уламози хуб «арабийдон»⁶² экансиз. Бизнинг болаларимиз уч йил мактабда ўқиб, зарурий хатсаводни чиқаргач, 2-3 тилларни ва диний масъалаларнинг муқаддимаси, ҳукмлари, тарихи, ҳисоб илмини яхши ўрганадилар. Сиз 20 йил арабча таҳсилдан кейин ҳам ҳануз у тилда такаллум қилишга ожизсиз.

Уфф!.. Абу Али ва Форобий каби комил фарзандларни етиштириб, бундай кимсасиз ва қора кунда ўтирган шўрлик Бухоро, бегоналарнинг шухрат, илму фазилат ногорасининг шовқинини шарофат деб кўтариб юришга мажбур булдингки, бу жаҳолат ва фалокат поясига етиб қолганингдандир, бечора Бухоро!

Жаноби мударрис, ахир, инсоф қилинг, бу илмсизлик қачонгача, бу нодонлик қачонгача?! Илм — мулк-мамлакат ободлигининг сабабчисидир. Илм — миллат тараққийсининг боисидир. Илмдирки, Амриқо ваҳшийларининг қайнашини ушбу даражадаги такомул ва буюклик мартабасига етказган; илмдирки, Эрон заминида зиёлиларни йўқ қилмоқчи булган икки отни таназзул ва зиллат чоҳига қулатган; илмдирки, бир сиқим инглиз ороли эгаларини Ҳинд, Миср, Белужистон⁶³ ва Арабистоннинг бир қисмига фармон-раво қилган: руснинг зиёли бўлмаган аҳли-

ни Татар, Қирғиз, Туркистон, Қафқаз мусулмонларига молик қилиб қўйган. Васий⁶⁴ усмонли мамлакатларини парча-парча қилиб, бегоналар қўлига тутқазган магар жаҳл, фаронса таслис аҳлининг⁶⁵ байрогини то форс муваҳҳидлари⁶⁶ уйининг томига қадар токиб қўйган магар жаҳл. Токай, Сиз мусулмонлар, бу хонумонингизни ёқувчи дарднинг даъвоси учун бирор тарадду курсатмасдан қайси чорани излаяпсизлар? Инсоният иқтисосига кўра айтаман: магар Сиз туркистонлиларнинг йўлингиз шу бўлса, яъни, азиз умрнинг қимматли 37 йилини музаҳрафот парчаларининг таҳсилига сарф этиб, узингизни фойдали илмларнинг шарафидан маҳрум қиляпсиз. Бир неча йилдан кейин Туркистонда Ислождан ҳеч нарса қолмайди, фақат тарих саҳифаларидагина унинг номи қолади, холос! Бу қандай таҳсил?! Инсоф қилинг, «Ломи ҳамднинг жинсияти ва зиёдати лафзин салосин»дан нима матлаб ҳосил бўлмоқда? Афсус, бунга кетган вақтлар учун. Дариг, бунча ҳаракатлар учун! Агар шу ҳаракатни Қуръоний маънолар ва рамзларни дарж ва кашф этмоққа сарф қилиб, саодат аҳкоми учун ишни йўналтирганингизда эди, ҳозир «Йа аййуханнасу коджа' акум бурҳанумми-р-роббикум ва анзалнаа илайкум нуром-мубийна», «Фааммаллазина аману биллаҳу ва тасиму биҳи фасойудҳилухум фи роҳматин минҳу ва фазлин ва йаҳдиҳим илайҳи сиротим-мустақийма», яъни, «Эй инсонлар, Сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келди ва Сизларга равшан нурни (яъни, Қуръонни) нозил қилдик», «Аммо шундай зотларки, Аллоҳга имон келтирдилар ва унинг ҳукмларини маҳкам тутдилар. Бас, тез кунда уларни ўз тарафидан бўлган раҳматта ва фазилатта дохил қилади», ояти каримасининг ҳукмига кўра, бир озда бўлсин фазилатларингизни брттириш фурсатига эришган бўлардингиз! Ҳозир ҳам фурсат кетмаган. Тафсир ва Ҳадиснинг таълим ва таалуми⁶⁷ учун ҳаракат қилиб, Қуръони каримнинг олий сирлари ва ҳукми мутаволияси⁶⁸ни диққат билан кузатинг. Шояд «Ҳаза китабун анзалнааҳу мубаарокан фаттаби» уху ла'аллакум тарҳамун», яни «Бу китобни (Қуръони каримни) унга (Пайгамбарга) муборақ тариқада нозил қилдик, бас, унга тобеъ бўлинглар, шояд раҳм қилингайсизлар», оятининг равшан ҳидоятига кўра, молингизнинг ҳусрон⁶⁹ ҳолига Худонинг раҳми келиб, ҳосили натижасиз ва фалокатли бўлган бу мазаллат ва асоратдан Сизга нажот берса ва илло, такрор айтаманки, бир неча йилдан кейин Моварауннаҳрда исломни куффорлар залолати остида нобуд ва кузингизни очгунча, масжидингизни бутхона, фарзандларингизни насроний кўрасизлар.

Бас, қўлдан кетган ислом мамлакатларига назари ибрат билан қаранг, мусулмонларнинг ҳам гамини еб, фарзандларингизнинг ҳолига раҳм қилинг.

М: Жаноби фаранги, Сиз хотиржам бўлинг. Бухоронинг соҳиби бор, унинг ўзи ҳимоя қилади. Биз аминмизки, то, Баҳоваддин мазорининг бир гишти боқий экан, рўйи заминнинг таомом подшоҳари Бухорони ололмайдилар. Сиз беҳуда ташвиш чекапсиз.

Ф: Бу қандай қўпол хато, бу қандай исломни ёндирувчи

ақида?! Баҳоваддин Бухорони ҳимоя қилади? Бу нима дегани? Баҳоваддин?!:

М: (Фурсат бермасдан камоли ғазаб билан) Ҳэй, ҳэй... Эй одам, оғзинга қара, ислом улуглари ҳақида беҳуда гап гапирма, сени шундай жазолаб, чеккага сурайки...

Ф: Бечора мударрис, Баҳоваддин ҳақида «ёмон» гапирганим учун бу қадар ваҳимага боряпсиз, йиллардирки, минг Баҳоваддин ва ундан ҳам улутроқ азизу авлиёлар ислом муҳофазаси учун жон тошпирган. Ислам ҳуқуқи масиҳий давлатларнинг бебок тажовузлари билан поймол бўлмоқда, (бунинг учун) узингизни ҳамиятсизлик ва ҳамдиликда айбдор деб билинг!

Агар Баҳоваддинга нисбатан бўлган бу ҳамдардик ва тарафдорликни исломга нисбатан ҳам дариг тутмасдан, уч ярим миллиун ислом нуфузи биргаликда қўлни-қўлга бериб, камоли иттифоқ ва ҳамжиҳатлик билан, оламни тутувчи балаңд овоз билан, бутун олам узра исбот қилингки, «биз мусулмонлар тоифаси дини мубинимиз ва муҳтарам диндошларимизни ҳимоя қилишда жону дилдан тайёр бўлиб, то ҳар биримизнинг сўнгги нафасимиз бор экан, бизнинг биргаликдаги жонимиз узра азиз исломга ҳеч ким таарриз қилишга муваффақ бўлолмайди. Шубҳасиз, ўз диндошларимизни қаерда асирилик бўлса, мусулмонлар ҳисобига бўлаётган бу қаро кунлардан халос қилингиз».

М: Сиз доно одам экансиз, ҳақиқатан биз мусулмонлар тоифаси учун иттиҳод ва ошкора ҳаракат зарурат даражасига етган, аммо, таассуфки, иттиҳод бизнинг ўртамызда маҳол, иттиҳодсиз ҳаракат ҳам мутлақ зарарли бўлади.

Ф: Буларнинг барчаси ақидангизнинг сустигидадир.

М: Агар бизнинг бу ҳалокатли хасталигимизнинг иложи бўлса айтинг?!

Ф: Агар исломий жаридаларнинг мутолаасини ҳаром демасдан, балки гоҳида бўлса ҳам ўқиб борса эдингиз, бугун ислом дардининг иложини мен кофирдан сўрамас эдингиз. Ҳозир нима дардингиз бўлса, унинг иложини бир-бир Сизга шарҳлаб беришлик менинг инсоний бурчимдир. Лекин, аввал мақсадни тамом аниқлаб олишимиз керак.

М: Ҳақиқатан мақсаддан узоқлашиб кетдик, гап Баҳоваддин ҳақида эди.

Ф: Бале, жаноби мударрис! Мендан Баҳоваддин ҳақида беҳуда гаплар айтаётибди деб гумон қилманг. Чунки ҳар бир динда шу тариқа улут кишилар бўлганлар, улар ўз ҳаётлари давомида дин ва миллатнинг саодати учун хизмат қилгач, жаҳонда яхши ном қолдириб кетганлар. Гап шундаки, Сиз ўз вазифангиз бўлган диний ва дунёвий ишларингизни уларга ҳавола қилиб, тинчгина ухламаслигингиз керак, бинобарин, ислом шарияти ҳам бу ақидангизни қабул қилмайди.

М: Юз марта айтдим-ку, бизнинг диний масъалаларимиздан гапирманг, деб. Яна, «Ислам шарияти бу ақидангизни қабул қилмайди», деяпсиз. Қандай қилиб қабул қилмас экан? Авлиёнинг кароматларини тасдиқ этмоқ бизнинг диний масъалаларимиздандир.

Ф: Мен авлиёнинг кароматларини тасдиқ этманг, демаяшман. Айтмоқдаманки, ўз ишларингизни тамоман Баҳоваддинга топшириб қўйиб, ўзингизни танбалиқ ва гайратсизлиқ эшигига урушингиз на шаръан дурустдир, на ақлан.

М: Нега дуруст эмас?

Ф: Албатта, дуруст эмас!

М: Қайси далилга кўра?

Ф: Мен биладиган ўша далилга кўра!

М: Қаҳ, қаҳ, қаҳ... ҳеч билмайсан, беҳуда лофлар уряпсан!

Ф: Биламан, лекин, Сиз уларни эшитишга қобил эмассиз!

М: Мен одам эмасманми?

Ф: Билъакс, Сиз одамсиз, аммо одамийлик сифатларидан бири Сизда йўқ.

М: У нима?

Ф: Ҳақ гапни қабул қилмоқ.

М: Сизнинг гапингизнинг ҳақлиги қаердан маълум?

Ф: Айтинг-чи, Аллоҳ улутми ё Баҳоваддин?

М: Аллоҳ.

Ф: Пайгамбар дономи ё Сиз?

М: Бу саволларнинг маъносини тушунмаяшман?! Албата, Пайгамбар доно бўлганлар.

Ф: Пайгамбар Сиздан доно экан, у ҳеч бир ишни Баҳоваддиндан улугроқ бўлган Баҳоваддиннинг холиқи Аллоҳга ҳавола қилмаган. Ўзлари сафарда ранж, йўл заҳмати, очлик азоби куриб, газотларда қатнашиб, муҳораба⁷⁰ майдонида ҳозир бўлардилар. Кофирлар азиз ислом вужудига ҳар тарафдан зарба бериб турган бир ҳолатда, бу суратдан унинг шариати қачон рози бўлади. Сиз бир гуруҳ осудапараст уламо бу қимматбаҳо гавҳари аҳмадийни қутқармоқни ўйламасдан, билъакс, бу ишни Баҳоваддиннинг вазифаси билан, ўзингиз аҳли аёл билан, камоли осудаликда-лазиз таомларнинг тановули билан машғул бўлдингиз. Иккинчидан, Аллоҳ таоло «тужаҳидуна фи сабиалилаҳи биамваликум ва анфусикум заликум хойрул-лакум ин кунтум таъламун», «Ва қотилулу мушрикийна каффатан кама йўқотилуна-кум каффатан». «Ва қотилулу-лазийна лаа йуминуна биллаҳ», яъни, «Аллоҳ йўлида молларингиз ва нафсларингиз билан жиҳод қиласизлар, агар билсаларингиз, мана бу Сизлар учун яхшидир», «Сизларни қатл қилсалар, сиз ҳам мушрикларни бутунлай қатл қилинг», «Аллоҳга имон келтирмаганларни қатл қилинглар», ояти каримасини ҳидоят қилувчи ва бошқа оятлар ҳам жиҳод ва қитол⁷¹дан мақсад исломни муҳофаза қилиш ниятида айтилган олий калиматуллоҳдирки, у тирикларга фарз қилинганми ё ўликларга?!

М: Тирикларга.

Ф: (Олий калиматуллоҳни қўйдук), Аллоҳ таоло равшан тарзда, Сиз тирикларга амр берган байзойи исломнинг муҳофазасини нега тажохул қилиб ўликларга ҳавола қиялсиз?

Учинчидан, Пайгамбарнинг вафот замони яқинлашиб қолганда, барча асҳобни жам қилиб, хутба ўқиб: «Эй менинг асҳобларим, мен тириклигимда Аллоҳнинг динига нусрат беришда их-мол⁷² кўрсатмадингиз, менинг риҳлат вақтим егиб келган. Дини

мубини ислом ва шони улуг Қуръонни Сизга ва сизнинг авлодларингизга ва авлодан-авлодларга омонат қолдиришман», деганларида, ўша вақтда, Пайгамбарни тинглаб турган асҳоблар тирикмидилар ё уликмидилар?

М: Тирик.

Ф: Бас, У соҳиби омонатларини тирикларга топширган экан, Сиз нега уликларга ҳавола қилиб, ўзингизни чеккага тортяпмиз?

Туртинчидан, Улкан Андалус қитъаси 450 йил мусулмон султонларнинг идораси остида уламо ва фузалонинг кўблиги бўйича мусулмон ўлкаларининг биринчиси эди. Жуда кўб уламон киром етказиб, бисёр авлиёи изом⁷³ етиштирди; андак гафлат шумлиги ва андишасизлик оқибатида, Испания насронийларнинг тасарруфига ўтиб қолди. Бир олам уламо ва авлиёнинг умри ўтган масжид ва мадрасалар бутхона, ўша бутун ислом уруғларининг қабрлари бутпарастлар томонидан поймол бўлган; илгари азон садоси янграган жойларда бутун қўнгироқ овози жанрангламоқда; нега у жойнинг авлиёси қабрдан чиқиб бу ислом ноҳиясини кофирларнинг дастидан халос қилмадилар?! Улар ҳаётлик пайтларида ўз вазифасини битгириб, вафотидан сўнгра бу вазифаларга мажбур бўлмаганлиги учун лозим бўлмади; исломнинг муҳофазаси ўша сарзаминдаги тирикларнинг иши эди; тириклар ўз вазифаларини адо қилишда гафлатга тушдилар, кўрадиганини кўрдилар, гафлат уйқуси ва андишасизлик билан жаҳонни мунаввар қилувчи шариати гарройи аҳмадий қуёшининг саодат нуруни бу маъмур ўлкадан шу қадар узоқлаштирдиларки, бутун у ерда бир мусулмон масжиди тугул мусулмоннинг узи ҳам топилмайдди.

Бешинчидан, Ҳинд ва Мисрга ибрат назарини солинг. Бу муқаддас ислом замини инглизларнинг босқинчилик тажовузлари билан поймол бўлган ва ҳануз у ерларда ўтган авлиёлардан бирортаси инглизни даф этмоқ учун бирор каромат кўрсатмаяпти.

Нега кўрсатмаяпти?⁷⁴

Уларнинг вазифаси эмас.

Қайси далилга кўра?

Мен айтган далилга кўра.

Олтинчидан, Сиздан сўрайман. Баҳоваддин улуғми ё Пайгамбарнинг амакиваччасими?

М: Пайгамбарнинг амакиваччаси.

Ф: Бир неча йилдирки, Русия давлати Самарқандни эгаллаган⁷⁵, бу зулм у ерлик мусулмонлар учун ачинарлик эмасми? Айтишларича, руслар у ерда фақш ишларига йўл очган бошараф аёл ва қизлар агар хоҳласалар у ерга бориб ўтирадилар. Бу ишни ҳеч ким манъ қилолмайди? Ҳам айтмоқдаларки, уламо рус законига мувофиқ бўлмаган ҳар қандай шаръий масъалани ижро этишда ожиздирлар. Яна айтмоқдаларки, Самарқанд уламоси русларнинг байрам кунида табрик учун черковга бориб ўтирадилар. Буларнинг ҳар бири ислом вужудига берилган катта зарба эмасми?!

Нега Пайгамбарнинг амакиваччалари ётган Шохизинда русларни у ердан даф қилмаяпти? Бу уларнинг вазифаси эмасми?

Бале, вазифалари эмас.

Қайси далилга кўра?

Боя айтган далилимга кўра.

Еттинчидан, (узоққа бормайлик) Бухоронинг ўзини руслар эгаллаганларми ё йўқми? Агар эгалламаган бўлсалар ҳар куни император томонидан амирга ё консулдан қушбегига келадиган янги бир таклифнинг боиси нима? Шояд бу ҳукмлар дўстонадир, деб айтсангиз, мен ҳам камоли одоб билан сизга дейманки, нега бунинг муқобили сифатида амирдан ҳам рус давлатига бирор таклиф бўлмаяпти?

Агар (руслар Бухорони) эгаллаган бўлсалар, нега бунга Баҳоваддин йўл қўйиб берди?

Бу уларнинг вазифалари эмасмиди?

Бале, вазифаси эмасди.

Қайси далилга кўра?

Боя айтган далилимга кўра.

М: Тургиси шуки, бизнинг ҳеч қайсимиз рус давлатининг бизнинг ҳукуватимиз билан муносабати қандайлигини билмаймиз. Фақат мен шу қадар биламанки, марҳум подшоҳимиз Амир Музаффарнинг мағлубиятидан кейин рус давлати билан бизнинг ҳукуватимизни асло йўқ қилмаслик ҳақида дўстона бир битим тузилган.

Ф: Жаноби мударрис! Бухоро илгарилари тугал мустақил ва икки миллион нуфузи бўлган бир давлат эди. Амир Музаффарнинг мағлубиятидан кейин хонлик тантанаси амирликка, истиқлол дабдабаси вассалликка ўзгарди, раият нуфузи уч барвар, ер майдони эса ўн баравар тушиб кетди. Ўша кундан то шу дамгача ажнабийларнинг қўли Сиз нодонлик саҳросининг уйқучиларининг гафлати дастёрлигида бу ярим тугатилган амирликни ҳам тушкун ҳолга келтириб қўйдик, унинг вужуди назарларда мавҳумлик мужассамаси⁷⁶ каби жилваланмоқда. Агар яна бир оз муддат эски гафлатингизни давом эттирсангиз, дин ва миллатингизнинг гамини емасангиз, шараф ва номусингизнинг муҳофазасини ўйламангиз, меҳрибон она Ватанингизнинг ҳуқуқини унутсангиз, жаҳонгир Темур бобонгизнинг шаъни ва иззатига хийнат қилсангиз, бу мужассамани ваҳималар доирасидан ҳам чиқариб ташлаб, ном-нишонсиз, шарафсиз, иззатсиз роҳат уйида азал-абад ухляяжаксиз!

М: Биродар, мени ваҳимага қўйдингиз. Сўзларингизнинг ҳайбатидан жоним тан қолибидан чиқиб парвоз этиб кетишига оз қолди. Азбаройи худо, айтинг, бизнинг иложимиз нима? Бу дарди бедавонинг чораси қайси? Қаерга борайлик? Нима қилайлик? Қайси тупроқни бошимизга сочайлик? Қачон бу фалокат ҳолатидан ва истиқбол мушкулликларидан димоғимизга ҳалос бўлишлик бўйи етиб келади.

Ф: Сабр қилинг, айтаман.

М: Жуда сабрим қолмади, айтинг!

Ф: Агар талаб қилмаганингизда ҳам айтардим. Энди бу қадар талаб этар экансиз, албатта, айтаман.

М: Тез-да айтинг!

Ф: Айтаман, аммо...

М: Азбаройи «аммо»ингизни қўйиб туриб, муддаони баён қилинг!

Ф: Жаноби мударрис! Албатта, бунинг иложини Сизга айтаман, бироқ қўрқаманки, қабул қилмассиз.

М: Сиз дарди бедавойимизнинг иложини айтасизу биз қабул қилмас эканмизми?!

Ф: Иложингиз шуки, жаҳид мактабларини очингиз. Бу музаҳрафотни, яъни, «Ломи ҳамднинг жинсияти ва зиёда тул лафзин салосин»нинг урнини серманфаат, натижаси тез ҳосил бўладиган илмларни таҳсил қилишга алмаштирингиз. Пайгамбарингиз халифасининг пойтахти булган Истанбул, бугунда, янги илмларнинг кўблиги ва санъатининг тараққиёси билан машҳурдир. Муаллимларни жалб қилиб ҳаракат қилинларки, то Сизлар ҳам ундан намуна олиб, бирор нарсалик булинглар. Носаролар шулар туфайли ислом устидан галаба қозонганлар.

М: Бай, бай, бай! Энди тушундимки, сенинг мақсадинг нима эканини... Энди билдим, ислом учун бунчалик куюнишларинг ёлгон экан. Энди англадимки, Бухоро тўғрисида қилган дустиқларингнинг асли йўқ экан. Бизни алдамоқчимисан? Билгинки, сенинг фириб вақтинг ўтди. Бизни гумроҳ қилмоқчи булган дустиқларингнинг пардаси кўбдан бери йиртилган.

Ф: Бу нима дегани? Мен нима дедимки, бундай тавбеҳга сазовор бўлсам? Нима ҳимоятдирки, жаҳид мактабининг номини эшитишингиз билан бундай совуқ қараяспиз? Хуб, менга айтинг-чи, жаҳид мактабини қачон, қаерда кўргансиз? Бу серфойда илмлар манбар ҳақида нима эшитансиз? Агар ҳақиқатни айтсангиз, мен ўз томонимдан айтилган тавбеҳ — дуқ-шўписа сўзларга тавба қилиб, Сиздан узр сўрайман.

М: Бечора! Менинг ваҳшатимдан қўрқдинг. Бу сен айтган жаҳид мактаблари бизнинг Бухорода ҳам очилган эди, бир йилча давом қилди... лекин бизнинг уламои бузрукворлар ишнинг ҳақиқатини билиб қолиб, мазкур мактабларни тезда беркитдилар.

Ф: (Ўта ажабланган ҳолда) мударрис, очиқроқ гапиринг, яъни, бу жаҳид мактабини Сизнинг Бухоронгизда очган эдилару уламолар қўймадиларми?

М: Ҳа, ҳа!.. Бу мактабни бизнинг диндор, шариатпараст уламоимиз анинг ҳақиқатини англаб қолгандан кейин беркитдилар.

Ф: Илтимос қиламан, менга ҳам тушунтиринг, бу мактабнинг ҳақиқати нима эканки, уламоингиз бу қадар фойдали мактабни манъ қилдилар?!

М: Ҳой нодон, яна фойдали мактаб дейсан. Гумон қиласанки, мен ҳали сенинг фирибингга алданяпманми? Мендан эшит, бу мактаб бир неча йил ичида бизнинг болаларимизни ҳам кофир қилиб қўйди.

Ф: Ажаб далилсиз даъвони ўртага қўйдингиз.

М: Нега далилсиз? Минг далилимиз бор!

Ф: Хуб, аввало, марҳамат қилиб айтинг-чи, бу мактаб Сизнинг болаларингизни кофир қилиб қўйувчи эканини қаердан билдингиз.

М: Сен Бухоро уламосини кўрмагансан ва билмайсанки, улар гоят улуг зотлар бўлиб, ҳар қайсиси минг нафар талабага дарс айтувлар. Отларининг буйнига беш сир (75 гр.х 5=375 гр.)⁷⁷ олтун тақарлар. Бизнинг уламои ҳазратимиз сафойи ботин билан анинг маъносини кашф қилган бўлсалар бу олтувлар жой-из эмасми?

Ф: Бечора мударрис! Менинг Бухоро уламосининг аҳволини билмаслигимни бекорга гумон қилиб, хато қиласиз. Бандангиз ҳуб хабардорманки, таҳсил давомида кундузлари кўчама-кўча бачаларнинг кетидан югурадилар, кечалари эса ҳужраларнинг бурчакларида анвойи мускурот ичимликлар ичадилар. Ўзининг инсонлик шарафларини хатм қилиб, озгина муоҳаз учун қози уйининг остонасида туфроқ ялаб, қози ё раис бўлганлар, бечора, бадбахт райятнинг молу жонини ўз оталари авлодларга қолдирган вақт сингари тасарруф қилардилар. Агар муддарис бу-зург ё муфти бўлсалар, ўз ватанидан овораи гариб бўлиб келган муллаваччаларнинг қонини «ифтитоҳ» ва «совғалиқ» номи билан ичарлар. Бу жамоадан қандай кашфу каромат умид қиласиз. Айтасизки, уларнинг ҳар бири минг нафар талабага дарс айтарлар — муқаррардир.⁷⁸ Бироқ, айтинг-чи, қандай дарс айтадилар, ўша минг нафар бечорага қайси илмдан таълим берадиларки, бу илмнинг дунёда ё охиратда фойдаси бор? Бунинг ўрнига у гариблар йигирма йил давомида ўз молларини сотиб, устоз ҳазратларига пешкаш (совғалиқ) қиладилар. «Лони ҳамдинг жинсияти», «зиёдати лафзи сулус», «қубҳу ҳусни замири машгаъмала»⁷⁹дан бошқа нима ўқийдилар? Мазкур музаҳрафотнинг таълимидан кейин ҳам уларнинг дини ва дунёсига нима фойда етади, аммо, «отларининг буйнига беш сир олтун осадилар», деб айтганингиз — бу маъжусийлар афъол ва атворининг каромат оламига нима даҳли бор?

М: (Камоли ваҳшат билан) ай, беҳради донистағуй (эси наст донишмад!) Сен бизнинг уламони маъжус дейсанми?

Ф: Ҳаргиз, ҳаргиз... мен уламоингиз ҳақида мундай адабсизлиқни ўйламайман, лекин айтаманки, аларнинг бу одати кароматларининг далили бўлмас. Бунга илова шуки, бу одатта шариатингиз ҳам ҳеч вақт йўл қўймайди.

М: Нега йўл қўймас экан? Бу ишлар илм иззати, илм иззатининг шариатда маъмур бўлиши яхшидир.

Ф: Ажаб шаръий масъалани ўртага қўйдингиз. Сиз бухоролар нафсга алданиб, ўз дини мубинингизнинг аҳкомлари ҳақиқатидан ҳам гофилсиз. Пайгамбарингиз бутун умри давомида заруратсиз отга минмаган. Сизга қаердан етдики, отнинг гарданига «беш сир» олтун осмоқ ва олдинда бир неча мулозимларнинг югуриши. Ахир, ўз мазҳабингизнинг уламоси ва улугларининг аҳволи тарихидан ибрат назари олингиз. Уларнинг ҳаёти қай равишда кечган, атворлари қандай бўлганини ўрганингиз, токи, «илм ула-яқин»⁸⁰ Сизга маълум бўлсинки, бу Сизнинг равишингиз эмас. Магар мажусийлик шўбаларидан бу номашруъ васфларнинг бутун васфи қай виждон билан кашфу кароматни даъво қиларлар?

М: Хуб, кашфу кароматни қўйдук, бинобарин, бизга муни мударрислик мансабига сарафроз бўлган, усули жадидага хуб диққат қилган муътабар уламолардан бир нафари тушунтириб қуйди.

Ф: Бинобарин, мен ҳам Сизнинг уламоингиз бу «кизби маҳз»ни⁸¹ далилсиз қабул қилганларидан жуда таассуфдаман. Менинг вазифам Сиздан далили истифосор талаб этмаклиқдир; бироқ мақсадим, Сизни гафлат уйқусидан уйготмак бўлгани учун бундай фойдали усули жадидаани ҳаром деб, арбоби ислоҳни кофир атаган ул жаноби мударриснинг аҳволини очиқ кўрсатишим керак. Хуб, марҳамат қилинг, ул зоти муҳтарам Бухоро аҳлиданми ё хорижий?

М: Хорижий.

Ф: Усмонли раиятиданми ё Эронданми?

М: Рус раияти.

Ф: Қайси тоифасидан эканлар?

М: Тотор тоифасидан.

Ф: Унинг таржимаи аҳволини биласизми? Бошқача ибора билан айтганда, бу киши ўз миллати ва мамлакатига қанчалар буюк хиёнат қилганини биласизми?

М: Йўқ.

Ф: Бу шахс ўз ватандошларининг диний ва дунёвий ишларида бағоят буюк хиёнат қилгандирки, бутун ҳиссиёт соҳиби бўлган ҳар бир тоторнинг лаънатларига уҳрамоқда.

М: Яна бизнинг уламоимизга бадғўйлик қилишни бошлаяпсан?

Ф: Бадғўйлик қилмаяпман, ҳақни гапиряпман. Айтмишларки, ҳақни яширмаслик лозим. У шахс хиёнаткор кишидир, ҳеч қачон, ҳеч бир мусулмон ҳақида ёмонлиқни дариг тутмаган, бутун ҳам Сизларни жаҳид мактабини манъ қилишга қўзғаб қўйиб, шу васила ила мусулмонларга зарба бериб, ислом душманлари олдида узини тинчликсевар қилиб курсатмоқчидир. Агар истасангиз, ул шахс ўз миллати ва Ватанига раво кўрган зарарларни шу онда бирма-бир айтиб ўтаман.

М: Йўқ, керак эмас! Негаки, мен у мударриснинг аввалги ҳолларини билмайман. Бинобарин, Сизнинг сўзларингизни тасдиқ қила олмайман. Лекин ҳар бир оқил наздида бухороли бир мударриснинг хиёнаткор бўлиши маҳол кўринади.

Ф: Жим туринг, чалкаштирманг. Баъзида саводсизни охунд қилиб қўйишган бир шаҳарда, бир мударрисни хиёнаткорга чиқарилса бунинг нима фарқи бор? Нимаси маҳол бўлди?

М: Маҳол демаяпман. Айтаяпманки, олим ва диндор бир мударрис қайси виждон билан дин душманларига ёрдам учун ўз миллати ва Ватанига хиёнатни ва Бухоро мусулмонларига зарарни раво кўради.

Ф: Мударрисни олиму диндор деб васф қилмоқ ботилдир. Чунки, бир охунд талабга жавоб бермаган бир мамлакатда қандайдир бир мударрис авло⁸² йўлда бўлмайди. Диндорликка қачон етсин?! Иккинчидан, қайси виждон билан қабул бўлишини сўрайсиз. Қулоқ солинг, қайси виждон билан «фалон аълам жуз

кашликка хиёнат қилди, фалон муфти рибо (пора) еди, фалон муфти фалон бесоқол бачага шармсизларча ҳаракат қилди, бу мударрис ҳам ислом оламига хиёнат қилишликни қабул қилди», деб айтасиз?

М: Булар билан жаҳид мактаби масъаласини исбот қила омайсиз. Негаки, Бухоро уламози, балки бутун аҳли Бухоро бу жаҳид мактабининг ҳаром эканлигида бир фикрга келганлар.

Ф: Бир жамоанинг далилсиз ва ҳужжатсиз бир амр хусусида бир фикрга келишлиги девоналикдир. Улар бирор нарсага талаб қилмайдиларки, бунга ҳам ҳеч қандай эътибори йўқдир. Макка кофирлари Ҳазрати Набини тақзиб қилмоқ⁸³ учун бирлашмаганларми, носаролар зоти илоҳийни таслис қилиш⁸⁴ учун ҳам бирлашмаганларми? Улар бирлашганликларининг аҳамияти бўлмагандек, Сизнинг бир фикрга келганликларингизнинг ҳам аҳамияти йўқдир. Бир фикрда жамъ бўлишлик ақлий ва нақлий бурҳонлар (ҳужжатлар) билан бўлиши лозим, гумон ва интизоъ⁸⁵ билан эмас.

М: Ай, одам, сен мадраса кўрмаган, бизнинг илмларимизни ўқимаган бўлсанг, бу гаплар билан нима ишинг бор? Ҳазрати Наби буюрадилар: «Лā тажтами'у уммат'алаз — залалат», яъни, «Умматим залалатга жамъ бўлолмайди (ҳамма бараварига залалатга бормайди)» вақтики, жамъ бўлган эканлар бошқа гапга урин йўқ.

Ф: Бале, бале! Азбаройи ҳалол, бинобарин, жаҳид мактабининг лозим эканлигига шу Ҳадис кифоя қилади. Ўзингиз биласизки, Муҳаммад уммати танҳо Сиз эмас, балки қаерда мусулмон бўлса, Ул жанобнинг умматидир. Ҳинд, афгон, усмонли, араб, тотор, эрон мусулмонлари иттифоқ билан бу мактабнинг зарур эканлигига иқрордирлар, Сиз эса, бу суратда инкор қилмоқдасиз. Гарчи ҳамжиҳатлик бўлмаса-да, назар солинг, аксарият қайси тарафни ёқлайди?

М: Бизнинг назаримизда, вақтида собит бўлдики, бу мактаб ҳаромдир, энди бу гапларнинг фойдаси йўқ.

Ф: Қайси далил билан собит бўлди?

М: Бу мактаб болаларимизни кофир қилиб қўяётганди.

Ф: Худди шу ўринда, мен айтаман ва бутун ислом олами ҳам айтмоқдадирки, бу мактаб болаларингизни кофир қилмайди, балки ватанпарвар, боодоб, комил мусулмон қилади.

М: Йўқ, йўқ! Бу мактаб болаларимизни кофир қилиб қўйиши муқаррар.

Ф: Худо ҳаққи, агар қиёматгача ҳам Сиздан далил сўрасам, «Фалоний деди»дан бошқа далилингиз йўқ. Шунга қарамай, сўраш мумкинки, Сизнинг шаҳрингизда бир йил давом этган бу мактабда билдингизми нима дарслар берилар экан?

М: Бале, билдик! Бир йиллик ўқув дарслари тутагач, имтиҳон топширдилар. Баъзи уламо, мен ҳам улар жумласидан эдимки, мажлисда ҳозир бўлдик. Форсий хат-саводдан ҳамда ахлоқий, тарихий, диний масъалаларнинг муқаддимоти, ҳисоб ва жуғрофиёдан имтиҳон топширдилар, ҳақиқатан жуда таҳсинга лойиқ имтиҳон бўлди.

баки бутун масъалаварни хоҳ диний, хоҳ маънавий, хоҳ эъти-
қодий, хоҳ фансодий бўлсин тўла эътибор билан танқид қилиш
муътадилликнинг исом жонқуярларидан ҳамдур.

Ф: Хали, жаноб, Сиз нутай муъаррисларнинг ҳиёнатли ҳақида
айтмиши эътиборингизга қўра, олим ва муътадилликнинг бўлган
бу киши ҳақида ҳам у ўз ўзининг ҳам муътадилликнинг жамъаси-
нинг кўфиди бўлишига қайси виждон билан рози бўлди, деб
Хў, билингизми, бу мактаб неча йилдан кейин бовларингизни
кофир қилиб қўрққан?

М: Ҳа, тўрт йилдан кейин.

Ф: Бу мактабнинг прўграммини биваситизми?

М: Прўграм нима? Менга муътадилликнинг таърифи биваситиз-
ми?

М: Мен қачон бу ношаръий китобларни қўрибманки, би-
лаини?

Ф: Усули жаъдани харом деган Сизнинг бошқа бир ула-
монингиз муни биваситизми ё йўқ?

М: Ажаб, аксиз айтсан, бир одам бир жаъид мактабни оч-
ди, бошқа бир одам айтдики, бу мактаб харомдур, уамо ҳам
муни қабул қилиб муътадилликнинг беркитилди. Дунёда бу-
лай усули жаъид мактабни борлигини биваситизми, унинг ки-
тобларини биваситизми?

Ф: Магар Сизнинг уламонингиз Алаох таборақ таоло юбор-
ган мана бу «Бал тақулу ламта тасифу асунат қуму-а қиба
ҳаза ҳаъаун ва ҳаза харом», яъни, «Тилларингиз бу ҳаъо ва
харом деб сифатлаётган бўлса ҳам ёлгон нолон айтмапти», оғти қа-
римасининг назмуналарини қўйивдики, бир тарихи билиб, таққик
қилмасдан, бир ажабоний одамнинг таълиғи қараб бир нарса
харом десади? Агар Сиз ҳақиқатан нима арабои бўлди, бир
кимсанинг фурси тарзининг бўлмаса, абадта, умумисом олами
лозим билиб қабул қилган нарса Сиз ҳам қабул қилиб, бу пу
таасуф ва беъаза муътадилликнинг қайтмиши таққик қилини,
токи эртала қиёматда Ҳақиқат қозисининг ҳукмидан шаръида
бўлганлигиз. Ҳозир бу мактабнинг зарарлиги ҳақида абадлик-
лардан қувватлироқ бир аъёнлик эътибор.

М: Таърифи.

Ф: Бундай мактабни Истанбул, Бағдод, Миср, Хина, Нў-
байистон ва Қафқазда очилганига аяъа бўлди. Ҳалигача улардан
бирортаси кўфиди бўлмаган, баъки муътадилликнинг ва имам қо-
ми ва ражага етганлар. Мувоҳаза қилиб қўрини, нарсонинг
булун қимматларини исом динини раъ қилишга қаратган шу
вақтда, шаръиати муҳаммадийга қарши қўнига бир неча жина

Ф: Үша вақт у боғавардан бирортаси кўфромуз каима ё

нафратангиз ҳаркат солар қилмадми?

М: Йўқ, йўқ! Боғавар у мажисса жуа оабоя ва мусулмон

қўривар.
Ф: Үша мактаб китобхонада бирорта кўфр каима ёзилгани-

ни қўрайдигими?
М: Йўқ, бинобарин у ердаги бутун китоблар фойдава, во-

жиб у-таълим эди.
Ф: Үша боғавардан бирортаси мактабдан ташқарида мусу-

монларнинг нафратига сабаб бўладиган бирор сўз айтганини

эшитганимиз?
М: Асло, бунга илова, эски мактаб боғавари каби ўйунларни

хуш кўрмасдан нафрат қиларивар.
Ф: Бу мактаб боғавари таҳорат ва намозда сустлик қилди-

ларми? Ё уларнинг таҳорат ва намозлари бошқачамиди?
М: Ҳаргиз бундай эмас эди, бинобарин, бу боғавар таҳорат

ва намознинг барча руқналарига амав қилдиб, катталардан яхши-

роқ ҳаркат қиларивар.
Ф: Илтимос қилмав, ҳазилни қўлиб туринг. Етти яшар бо-

ларнинг еттиш етлаи қилидан таҳорат ва намозни қондариб

адо этишга қандай ишониш мумкин?
М: Мен айтаман хушсулар ростдир, ҳазил йўқ. Ҳераки, биз-

нинг катталарнинг аксарияти савобсизлар. Аларнинг савоби-

лари ҳам Хўжа Ҳофиз ва Навоийнинг икки-уч газаидан бошқа

нарсаси бўлмайдди. Бу боғавар диний масъаладан воқифлар.

Шўнинг учун аларнинг таҳорат ва намоз катталарникидан қои-

давирок бўлди.
Ф: У мактабнинг муаллими қофирми ё номалум бир

шахс?
М: Билмак, уларнинг муаллими мусулмон ва мутаъийин

шахс бўлиб, Бухоро фозилларининг бири эди.
Ф: Бас, Сиз ўзингиз иқдор бўлган бутун яхшиликларга қара-

масдан, бу мактаб боғаварининг қофир қилдиб қўйганлигини

қардан билдингиз?
М: Яна мунозаранинг аввалига қайтаинг. Мен бу мактаб-

ни яхши демадим. Бинобарин, мажсадим шўки, ҳийла ва мақр

майдонда гўё билмасдан сабоқ оваттан бу нобақор жамлар

боғаварининг қофир қилмоқ учун яхшилик билан маргуб

бир усулбни амалга оширтмав. Аввало, боғаварга машруъ

илмаврдан таълим бериб, ўзларини бизга хайрихоҳ қилиб

қўрсатмоқдалар. Үша муфтига ўхшаб уларга аълансақ, Үша

заҳоти боғаварининг қофир қилмоқлик сари аса мажсававри-

ни бошларивар.
Ф: Ажаб, нахотки бир нафар муфти ҳам усули жамланнинг

тарafdори бўлган бўлса?
М: Ҳа, ўзининг бир ўғлини Үша мактабга берган.
Ф: У муфти яхши олимми? Ё Бухоронинг оватдаги муфтига-

ридан?
М: Ҳў, у бисёр мулавар. Бошқа катта мулаварга ўхшаб

бутун иамада танҳо бўлиб, мантик ё наҳв, ё қавоматгина эмас,

китоб ижод ва нашр қилинмоқда. Истанбул, Ҳинд, Миср уламоси соатма-соат уларнинг китобларига раддия ёзишга киришганлар. Кунма-кун уларнинг тўпланган мулалари билан мунозаралар қилиб, аларни мағлуб этмоқда. Бухоро уламосидан бирортаси насронийларни рад қилиш сифати билан ҳатто бирорта мактаб ёзганини ҳалигача эшитмадим. Бу йил 1328 да Афғонда ва Пайгамбарингизнинг шаҳарлари бўлмиш Мадинаи мунавварада бундай мактабни очганлар. Хусусан, Мадинада бу мактаби шарифанинг очилиши катта байрам бўлди. Сиз қаердан олиб гапиряспиз? Ҳеч ким «бу мактаб ҳаромдир, болаларимизни кофир қилиб қўяди», демади.

М: Бу жаҳид мактаби кофир қилишдан ташқари бошқа бир неча ваҳждан ҳам ҳаромдир.

Ф: Жуда яхши, ҳозирнинг ўзида иқроф бўлдингизки, жаҳид мактаби болаларингизни кофир қилмаган.

М: Магар девона бўлибманки, мундай иқроф қилайин. Албатта, жаҳид мактаби болаларимизни тўрт йилдан кейин кофир қилур.

Ф: Қайси далилга кўра?

М: Далилнинг нима кераги бор. Нўғай мударрис айтдилар...

Ф: Бу нўғай одамнинг гапидан бошқа ҳужжатингиз борми ё йўқми?

М: Йўқ.

Ф: Ажабо, фитнаангиз ва хиёнаткорлиги ҳаммага маълум бўлиб турган ажнабий бир кимса ўз маишатининг таъмини учун ёлгон гап тарқатсаю, Сиз эътибор берсангиз. Ахир, мен ҳиссий шохидлар келтирмоқдаманки, нега қабул қилмайсиз? Масалан, мен айтаяпманки, бу мактаб анчадан бери Истанбул, Миср, Бағдод, Нўғайистон ва Қафқазда жорийдир. Ҳануз кимсани кофир қилгани йўқ, балки уларнинг ҳаммаси аввалгидан олимроқ, мутадаийинроқ ва ватанпарварроқ бўлганлар. Демак, тўрт йилда болаларни кофир қилади деган нўғай одамнинг гапи ёлгон эканлиги маълум бўляпти. Бундай мактабни бу йил Афғонистон ва Мадинаи мунавварада очдилар, ҳеч ким, ҳеч нарса демади. Демак, нўғай одамнинг гапи фириб эди. Ҳозир ўзингиз Ҳиндистонни кўрдингиз, инсоф юзасидан айтингчи, шариати муҳаммадийя ҳукмларига бу ерлик одамлар собитқадамроқми ё бухоролилар?

М: Ҳиндистонлилар бухоролиларга қараганда мусулмонроқ экан.

Ф: Бу ерлик мусулмонлар орасида бирор кимса Аллоҳнинг бирлигини ё Ҳазрати Муҳаммаднинг Пайгамбарлигини ва ё Қуръон ҳақиқатини ҳамда шариат аҳкомларидан бирор ҳукмни инкор қилганини кўрдингизми ё эшитдингизми?

М: Йўқ, йўқ! Асло, бу ерликлар хўб комил мусулмон эканлар.

Ф: Йигирма йилдирки, мактаби жаҳида бу заминда жорий қилингандир. Ўз айтганларингизга кўра, алардан бирортасини кофир қилмаган экан, ҳали ҳам ўша нўғай мударриснинг ёлгон гапидан шубҳангиз қолдими?

М: Жаҳид мактаби болаларимизни кофир қилмайди деб фа-

раз қилайлик, бироқ бошқа бир неча сабаблар бирлан ҳам у ҳаромдир.

Ф: Ҳаром бўлишлик бошқа масъала. Ҳозирги менинг тақриротимдан сўнг ҳам ўша фасодчи нўғайнинг гапани тасдиқлашга мажолингиз борми ё йўқми?

М: Хуб, Сизнинг тақриротингиздан билдимки, ҳақиқатан, бу мактаб болаларни кофир қилмас экан. Аммо бир оз шубҳам бор.

Ф: У нима экан?

М: Ўша нўғай мударрис нима учун бекордан-бекор бу бе-наф ёлгонни гапиради.

Ф: Бу гапни аввал даф қилган эдим, ахир, бир кунни у кимсанинг миллат хойни эканлиги собит бўлади-ку! Демак, у ёлгонни ўз орқасидан гапирмайди, бундан манфаатсиз ҳам эмас.

М: Тўғри, аммо мулла бир мусулмон қайси виждон билан ислом зарари учун иш тутади?

Ф: Уфф, неча марта айтдим, аксар муллаларингизнинг виждони йўқ. Қайси виждон билан «фалон аълам жузкашликка хиёнат қилди, фалон муфти фоиз олди, фалон муфти бесоқол бачага нобоп ҳаракат қилди. Бу мударрис ҳам аҳли куфр тарафидан ислом зарари учун иш қилди». Энди нега гапиряпсиз? Жаҳид мактаби болаларингизни кофир қилиб қўймаслигини тушуниб етдингизми?

М: Ҳа.

Ф: Бу ёлгон гапни нўғай одам ислом душманлари тарафидан туриб ёйганини фаҳмладингизми?

М: Ҳа.

Ф: Хуб, мактаб ҳақида не дейсиз?

М: Бу мактаб ҳаромдир.

Ф: Қайси далилга кура?

М: Минг далилимиз бор.

Ф: Жуда яхши. Аввал бутун далилларингизни бир-бир айтиб чиқсангиз, сўнг мен жавоб берсам, масъала равшанлашмаяпти... Яхшиси, бу далилларни битта-битта айтсангиз, таҳқиқ қилсак.

М: Биринчи далил шуки, бу мактабда болалар курсида утирадилар.

Ф: Жуда яхши, бундан нима чиқади?

М: Сен шариятни билмайсан. Пайғамбар «Ман ташаббаҳа қовман фаҳува минҳум», деб буюрганлар, яъни, «Кимки бирор қавмга узини ўхшатса, бас, у ўша қавмдандир». Курсида ўтирмоқ ўриснинг ишидир. Агар бизнинг болалар ҳам курсида ўтирсалар, ўрисларга ўхшаб қоладилар, демакки, ўрис бўладилар.

Ф: Боракаллоҳ, ҳазрати муҳаддис, ўша ҳадисни айтган кимса, мазкур ҳадисни ҳам айтганлар: «Ман қола ла илаҳа иллаллоҳу лайаҳ-ҳулун-наро», яъни, «Кимки, калимаи тавҳидни айтса, дузахга кирмайди». Агар биринчи ҳадиснинг маънисини Сиз айтганингизча бўлса, бу икки ҳадис бир-бирига зид тушмоқда. Бир ҳадисни або-аждоларингиздан эшитасиз, лекин ҳадис китобларига боқиб таҳқиқ қилмайсиз. Муҳаддисни киром мазкур ҳадисни шу тариқа шарҳлайдилар: «Ман ташаббаҳа қовман (муҳабба-

тан лаҳум, майлан ала дийниҳум) фаҳува минҳум» яъни, «Кимки, бирор қавмга муҳаббати юзасидан ўхшаса, у ўша қавмдан-дир». Иккинчидан, агар кофир бўлмоқ учун бу қадар ўхшашлик кифоя қилса. Сизнинг уламоингиз отининг боши ва буйинларига тилла ва кумушлар осмоқдалар. Бунинг ўзи мажусий одатидир. Улар ҳам мажусий бўлишлари керак.

Учинчидан, Худованди карим Сизнинг кўз ва қулоқларингизни ўрисларнинг кўз ва қулоғи каби яратди. Бундан динингизга нима зарар етди?

Туртинчидан, курсида утиришни ўрислар бино қилмаганлар, балки курсида ўтирган биринчи кимса саҳобанинг улугларидан Муовия бинни Абу Суфён⁸⁹ эди.

Бешинчидан, бирор марта ўз виждонингизга мурожаат этинг. Олам ва оламларнинг ҳаллоқи тарафидан улуг фариштаси воситасида яратилмишларнинг энг фазилатлиси бўлиш Расулуллоҳга нозил бўлган Қуръонни нега ҳар ким ҳар ерда ва ҳас-хашак устида ўқиса мусулмонун ва кимки камоли эҳтиром билан курсида ўтириб ўқиса кофирдир?

Олтинчидан, агар болаларнинг курсида ўтиргани учун бир ислом мактабини беркитсангиз, нега ўрис мактабини очиқ қолдиряпсиз. У ерда ҳам курсида ўтирадилар ҳамда ўрис тилини урганадилар.

Еттинчидан, амирлик раиятининг қонини ичаётган зино, уламоси ейдиган рибо, талаба ҳуқуқига хиёнат, мусулмонлар ўртасида нифоқ; мулласи мускирот ичимлиги истеъмол қиладиган, бойлар закот ва намозни тарк қилган ва аскар тақиқ қилинган ишлар билан машгул бўлаётган бир мамлакатда (исломни) ҳеч ким ҳалигача манъ қилмаган ва қилмайди. Қандай қилиб фойдали бир мактабини курсида ўтириш баҳонаси билан манъ қилсалар. Агар уламоингиз ҳақиқий уламо бўлсалар, «варосат ул-анбийа»,⁹⁰ «Қа анбийа» бани Исроил»⁹¹ бўлишлари керак. Бас, Худованди карим «Ва маллоҳу йўриду зулуман лилаламйн», «Валлаҳу лайаҳдил-қовма-з-золимийн», яъни, «Аллоҳ тамоми оламга зулми хоҳлагувчи эмас», «Ваҳоланки, Аллоҳ, золим қавмларни ҳидоят қилмайди», ояти карималарига кўра, зулмдан қайтарар экан, нима учун Бухорода кенг тарқалган зулмининг асосини очиқ ташлашга ҳаракат қилмаяптилар? Зулм учқунини ва фалон ҳокимнинг истибодиди улкан... қитъасини беҳад ёндирганига қарамадан, бугун 20.000 Муҳаммад уммати у ердан қўшни мамлакатларга ҳижрат қилганлар. Ҳеч ким Сизга нима бўляпти, нега ўз Ватанингизни тарк этияпсиз, хонумонингиз харобалигининг бойси ким, деб сўрамади. Балки золим бир шахсни ...нинг давлатхоҳи қилиб қўйдилар. Фалон қозининг ситами ... маъмур мамлакатини хароб қилган, Аллоҳ яратган осойиш асосини юлиб ташлаб, олиму тошадайин жаноби эшон номи билан ... дорияҳукумани унга топширдилар. Субҳоналлоҳ, Марвда ...нинг истибодидан қочганлардан бири билан мулоқот қилганим ва унинг ҳижратининг сабабини сўраганим ҳануз ёдимдан кетмайди. У деди: «Соҳибжамол хотиним бор эди. Ҳокимимизнинг катта ўгли буни эшитиб, нафс ва шаҳват кўйида хотинимни

унинг олдига жуъатишимни мендан талаб қилди. Мен унамадим. Ҳар қанча ширин ваъдалар ва даҳшатли таҳдидлар билан талаб қилган бўлсаларда, мен кунмадим. Ночор мени қўйиб юбордилар, лекин тўрт кундан кейин жаҳаннам муваккилларидек ҳоким ясовули келиб, дасту гарданимга ўгрилик туҳматини осиб, мени олиб кетди. Ҳоким ҳам менга гуё унинг бандилигидан бир неча бор қочгани учун сўроқ-саволсиз ҳибсга олинган, деб қаради. Зиндонда бир муддат ётганимдан кейин мажбуран ҳокимга икки минг танга, унинг одамларига минг танга ҳая қилиб халос бўлдим, бир оз осойиш умиди билан уйга шошилдим. Уйга етиб келгач, ҳайҳот, кўрдимки, эшик очик, на аёлимдан хабар бор, на амвол ва асбобимдан асар, девона бўлиб ҳар тарафга югурдим.

Ҳамсояларимдан бири айтиб берди. Мени ҳибсга олишгандан сўнг, ҳокимнинг Худодан қўрқмас ўғли хотинимга одам юборган. У бечора гарiba қўрқувдан бировга маълум қилиш урнига йиғлаган ва у зolim бўлса, гоят газабланиб, уйимнинг ашёларига эгалик қилибди. Буни эшитиб, у сарзаминда ортиқ яшашга тоқат қилолмасдан, бошқа бир қишлоқдан аёлимни топиб, уйимни бир оз оқчага сотиб, шу тарафга келдим.

Ажабо! Бу бечоралар наҳотки инсон эмаслар, магар Муҳаммаднинг умматлари эмасми улар? Магар Аллоҳ адолатни буларнинг осойиши учун кўрмадими? Магар шариати аҳмадий уларнинг истироҳати учун зулми наҳий³² этмадими? Камоли имон билан айтаманки, бу кун Бухоронинг ҳар бир гушасида минг турли зулм ва жафо мавжуд, уларнинг энг осони мазкур ҳикоятдир: инсон ҳар қанча бағритош, ваҳший, бераҳм бўлса ҳам, аёгдан йиқилаёзган бу миллатнинг хароб ҳолини кўтаришга мадад қилмаслиги мумкин эмас. Бале, урислар галабасининг боиси шулардан мужассамдир. Бухородай маъмур ва обод бир заминни дунёнинг энг хароб еридан ҳам хароброқ қилган шу зулмдир; агар ҳаммол ва мешкобдан тортиб то Бухоронинг улут аёнларигача сўрасак, алалиттифоқ ислом душмани бўлган ўрис ҳукуматини бу диёнатсиз мусулмонлардан кўра таржеҳ қиладилар. Агар уламоингиз чин уламо бўлсалар, илоҳий амрларни ижро этиш хаёлини қилсалар, Аллоҳнинг номи билан холи қолган майдонга чиқсинлар, исломни тараққий эттирсинлар. Бир тоифа Муҳаммад умматини зулм юки остидан халос этиб, ислом динини кофирларнинг тасаллутидан қутқарсинлар ё нажот берсинлар; йул қўймасинларки, бир нафар ҳоким на худодир, на пайгамбар, на авлиё, на малоика, на унинг тўрт кўзи бор, на саккиз оёғи, на диний илмларни биладилар, на мухтасар сиёсий фанларни ва на зарурий хат-саводлари бор?! Раиятнинг шарафли кишиларидан бирини зиндонбанд қилди, хотинини олиб қочди, мол-мулкни талон ҳолга келтирди.

М: Бу уламоларнинг вазифаси эмас, амирнинг ишидир. Уламонинг не ҳадди борки, амирнинг қаршисига бирор гап қилсинлар.

Ф: Хато гапиряпсиз, муборак амири олий ҳазратнинг раъий ҳаргиз ҳеч вайҳдан бу тамом зулмларга ва раияткашликка розилик бермайди. Зоти Ҳумоюн бу ишда шу қадар танҳодирки,

инсонийлик тақозосига кўра, ҳар раиятнинг аҳволини ўз кўзи билан кузатиб тура олмайди; шунга кўра, бир шахсни муайян бир жамоага ҳоким номи билан юбориб, байт ул-мол ҳуқуқини улардан бажаришликни талаб қилади, шунинг учун у раият аҳволи ва ҳокимлар интизомини қўриқлай олмас. Ҳоким ўзи ишонғай уламодан якки нафарини қози ва раис тайин этиб, ўзига йўлдош қилади, улардан ҳеч бири ҳоким ҳаракатларининг назоратчиси бўлиб, у ғайри машруъ бирор амрни содир этган заҳоти уни ҳайдаш учун арз қилолмайди. Бу икки нафар уламо ҳазрати ҳокимнинг ҳар бир номашруъ амри тугул, уни хунхўрлик йўлидан ҳам қайтара олмайди; бу уч нафар инсоният душманининг жафо ўқларидан яраланган раиятнинг уйқусини кўтаришга ҳеч кас ботинмас; (улар) ҳазрат подшоҳга арз қиладиларки, аҳоли осойишталик бешигида беланган; фаалакзада мазлумларнинг ноласи арши аълодаги сокинларнинг қулогини қар қиларкан, улар кундан-кун ортиб бораётган абад ул-давлат дуосидан бошқа ишлари йўқдир, деб хабар қилади. Агар баъзан ўша мазлумлардан бир нечтаси бизнинг ҳам подшоҳимиз бор, подшоҳимиз одил ва мушфиқдир, бориб арзи ҳол қилайлик, шояд бизни бў дўзах моликиннинг набиралари азобидан халос қилса, деган мулоҳаза билан ҳазрати Ҳумоюн даргоҳига келсалар, истибдодпеша бўрилар подшоҳ олий ҳазратнинг атрофини маҳкам ўраб олганларки, ундан ўтишнинг иложи йўқ; агар раиятнинг аризаси тақдим этилса ҳам уларнинг назаридан ўтиб, Ҳумоювнинг мутолаасига етиб бормоғи маҳолдир; биневбарин, аларнинг аризасини ярим йўлда йиртиб ташлаб, «Ёлгон ёзгани» учун амирнинг номидан бир шаллоқ уриб, яна ўз жойига қайтарарлар; бечора раиятнинг ҳоли аввалги кунидан ҳам сиёҳроқ бўлиб қайтиши аниқдир. Энди айтинг-чи, амир олий ҳазратнинг бу уртада гуноҳи нима? Қарши ҳокимлигига ўтирган Тўра хўжа 1327 йилда қозиларнинг зулмини ҳазрати амир (марҳум)га арз қилди; Ҳумоюн дастхати содир бўлдики, қози ўз мулозим, хизматкор ва раислари билан вазифасини бўшатсинлар, аммо бадбахтликни қарангки, ҳеч ким мазкур дастхатнинг ижросини жойига қўймади. Агар Сиз уламо ҳам ҳокимларнинг зулмини зоти Ҳумоюнга эшиттириб, золим ҳокимлар подшоҳ олийҳазратнинг номини ёмонотлик қилмоқдалар деб арз қилсаларингиз, золимлар салтанати «Ва ма лиз-зали-мийна мин ансар», яъни, «Золимларга ёрдам берувчилар йўқдир», ояти каримасига кўра, Сизнинг арзингизни поймол қилмайди, албатта, Сизнинг гапларингизни қабул қилади, аммо начораки, Сиз Бухоро уламиси ҳамиша нафсоний ҳаваслар билан машғул бўлиб, ислом тараққиёти ва илоҳий ҳукмларнинг ижросини хаёлга ҳам келтирмагансиз...

Воқеъан, мастъаладан узоқлашдик. Бу мактабнинг ҳаром эканлигига Сизнинг бошқа далилингиз борми?

М: Агар бу мактаб Бухорода ўн йил давом этса, бутун мадрасалар хароб бўлиб, таҳсили дарс барҳам топади.

Ф: Бу гапдан мақсудингиз «илм Бухородан кўтарилади» демак бўлса, буни бошқа ибора билан, «бу мактаб аҳли илм таҳси-

лини куфр ё гуноҳ биладилар», деб айтиш мумкинки, бунинг ўзи ботилдир. Зеро, юқорида айтдим. Бу мактаб Ҳинд, Бағдод, Миср, Қафқаз, Қозонда бир неча йиллардан бери жорийдир ва бу мамлакатларнинг аҳолиси Бухоро мардумидан бир неча бор илмироқдирлар. Ўзингизнинг иқрорингизга кўра, Ҳинд аҳли Бухоро мардумидан илмироқ ва мутадаийинроқдир. Агар айтсангизки, «бухоролилар мубтало бўлган мазкур дарс ўқитиш равиши барҳам топиб, ўрнига бошқа бир равиш шойеъ бўлади»,³³ деб. Бундан ислом оламига нима зарар? Матлабимизни муфассалроқ баён қилайлик. Ўз иқрорингизга кўра, таҳсили қадимнинг равиши шу тариқадир: бола етти ёшлигида мактабга бориб, ўн йил ўқиб, форсий хат-савод чиқариб, ундан сўнг машаққатлар чекиб, ҳар не топса устоз ҳазратларига тақдим қилиб, йигирма йил таҳсил қилади. Бу муддатда «жинсияти лами ҳамд», «зиёдати лафзи салоса»дан бошқа ҳеч нарсани билмасдан тутади. Ҳатто йигирма йиллик таҳсил тамоман араб тилида бўлгани ҳолда, ҳануз у тилда такаллум қилишга ожиздирлар. Хатми таҳсилдан сўнг бориб исломга хизмат қилиб, мардумни рост йўлга ҳидоят қилиш ўрнига у ўз инсонлиқ шарафини озгина «муаҳаз» учун жинсдошларининг кўзи ўнгида поймол қилади. Бир мударрислик мансаби учун бир саводсиз қозининг уйини «каъбай муаззама» ва дарбонларини³⁴ «малокаи раҳмат» деб танисин.

Таҳсили жаҳиданинг равиши шуки, болани олти ёшлигидан мактабга юборадилар, ўн тўққиз ёшлигида олим, мутадаийин, ватанпарвар, диндўст, миллатпараст, сиддиқ, одил, тамом исломий амрларга мутеъ, бутун инсоний шартларга муштამал бир шахс бўлади. Демак, мактаби қадим ва мадрасалардаги усули қадим билан бирга ўттиз йил, таҳсили жаҳида муддати эса ўн уч йилдир. Таҳсили қадимнинг кайфияти: талаба аввало ўн йил қоронгу хона андуҳини чекиб, зиндон гушаларига жуда ўхшаш бўлган зах ҳавода ё ҳайвонлар яшайдиган жойларга ўхшаш уринларда ўтириб, «малак ул-мавт» (ўлим фариштаси) бир муаллимдан калтак ва ҳақоратлар қўшилиб, ҳар куни икки сабоқ оладилар. У ҳам «ўқи» ва «ўт» тариқида, ҳеч ким парво қилмайдигани, кечаги сабоқ ушлаштириладими, бутунги сабоқ тушунарли бўлгани ё йўқ?

Таҳсили жаҳиданинг кайфияти: болалар фараҳбахш, ҳамма бисоти муҳайё, кенг иморат ва ҳифзи сиҳат (гигиена) қоидаларига мувофиқ бўлган бир хонада эрам боғларининг ўртасида, жаннат қасрига ўхшаб жилваланаётган мактабга келиб, фаришта каби хуш феъл, хушсиймо муаллимлардан бир кунда уч дарс имтиҳон шarti билан пешонасини тириштирмай, ҳар дарс ўртасида чорак соат танаффус қилиш усули билан таълим оладилар.

Таҳсили қадимнинг фойдаси: талаба таҳсил давомида қўлини ишга урмайди, кўп вақтларини камоли қашшоқлик ва қарздорлик билан ўтказадилар. Қашшоқлик иллати туфайли хотун ҳам ололмайди. 37 ёшдан то 40 ёш орасигача мадрасани хатм қилгандан кейин ақлан уч йил «муаҳаз» талабада дарбадар кезинадилар. Равшандирки, аскар мардум умрининг замони қирқ ёшдир;

шундай қилиб, кўпинча, хатм қилувчилар хотун олмоқ тугул қарзини адо ҳам қилолмасдан ўлиб кетадилар; шу туфайли ҳам мусулмонлар ўртасида насл камаймоқда, бир неча мусулмон ўз шариатларига хилоф равишда мардумнинг ҳаққини буйнида олиб кетадилар.

Таҳсили жаҳиданинг фойдаси; бойларнинг болалари пулли мактабларда, бечораларники пулсиз мактабларда камоли осудалик билан таҳсил олиб, хатмдан сўнг мударрислик, сипоҳийлик, тижорат, ҳунармандлик, кимдир деҳқончилик, умуман, хоҳлаган ишига дарҳол қийналмасдан киришиб олиб, ўз вазифаларини удалай оладилар.

Таҳсили қадимда мuddат узоқлиги учун аёлларни илм олиш шарафидан маҳрум этиб, «Талабул илму фаризатуни ала кулли муслимин ва муслиматин» яъни, «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир», ҳадиси шарифига риоя қилмайди.

Таҳсили жаҳидда, қизни олти ёшлигида мактабга берадилар, агар хоҳласалар ун саккиз, аксарият, ун тўрт йил ўқитиб тафсирхон ва ҳадисхон олима қилиб, куёвга берадилар. Ҳозир маълум бўлдики, қаерда жаҳид таҳсили ўн йил давом этса, албатта, таҳсили қадим барҳам топади, аммо бу исломга зарар эмас, беҳад фойдалидир.

М: Нега исломга зарар эмас? Бизнинг мужтаҳидлар, олимлар, оталар, боболаримиздан қолган таҳсил орадан кўтарилиб, унинг ўрнига кофирларнинг ихтироси бўлган янги усул юзага келмоқда.

Ф: Аввало, жаҳид мактаби кофирларнинг ихтироси эмас, кофирларнинг ихтироси бўлган тақдирда ҳам мусулмонларнинг бугунги ҳолатида гоят фойдали бўлгани учун ихтиёр қилсангиз, дунёнинг қаери вайрон бўлади?

М: Дунёнинг ҳеч қаери вайрон бўлмайди. Агар бу усули жаҳидани усули қадимдан афзал кўрсак, «таржеҳи куфр бар ислом», яъни, исломнинг ўрнига куфрни танлаш, лозим келади.

Ф: Чунончи, усули жаҳид кофирларнинг ихтироси бўлмаганидек, Сизнинг таҳсил усулингиз ҳам ислом улуглари ва мужтаҳидларининг таҳсили эмасдирки, «таржеҳи куфр бар ислом» лозим келса; фараз қилайлик, Сизнинг таҳсилингиз ислом улуглари ва мужтаҳидларининг таҳсили бўлган, бугун ундан осонроқ ва фойдалироқ бир усул топдингиз, буни қабул қилсангиз исломга нима зарар етади?

Масалан, оталаримиз, улугларимиз, мужтаҳидларимиз ҳажга хизмат қилишдан аввал от ёки эшак миниб, олти ой давомида Бухородан Бағдодгача борар эди. У ердан елканли кемага ўтириб, бир йил давомида Маккага етиб, ҳаж қилиб, Бухорога келгунча уч йилу бир неча ой ўтарди. Ҳозир кофирлар ўт-ароба ва оташ-кемалар қурганлар. Ҳамма бир бор ўз дини улугларининг ҳаж қилиш тарзини тарк этиб, кофирлар очган йўлдан 25 кун мuddатда Маккага бориб етдилар; на динингиз қўлдан кетди, на дунё вайрон бўлди, балки Бухородан қадимда йигирма киши Каъба зиёратига зўрага етиб борарди, ҳозир йилига минг киши ҳажга бормоқда.

Таҳсил масъаласи ҳам шундайдир: эски усулда бутун аёллар илм олиш шарафидан маҳрум бўляпти, эркакларнинг аксари хат-саводсиз ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳар асрда бир ёки иккита улуғ олимгина етишяпти, усули жадидага кўра, осонлик билан аёллар ҳам, эркаклар ҳам бутунлай олим бўладилар.

Чунончи, Қуръони каримни Пайғамбар ва унинг асҳоблари замонида қўйнинг терисига кўфий хат билан ёзардилар. Ҳозир асрлар ўтмоқдаки, қулайлик учун қороғза насҳ хати билан ёзпдилар. Ҳануз осмон узилиб ерга тушгани йўқ. Таҳсил масъаласи ҳам шундайдир. Шариати аҳмадийнинг асоси тасҳили амал⁹⁶ бирла Парвардигорнинг розилиги билан бўлади. Ҳақ таоло айтдики: «Йуридуллаҳу бикум ул-йусро вала йуриду бикум ул-йусро», «Йуридуллаҳу ан йухаффифа анкум ва ҳолақол инсана зоифа» яъни, «Аллоҳ таоло Сизларга енгилликни хоҳлайди, машаққатни эмас», «Аллоҳ таоло Сизларга енгиллик хоҳлайди, ваҳоланки, инсонни заиф яратгандир».

М: Бошқа далилимиз шуки, жадидлар алифбони 25 ҳарф қилганлар, бу бизнинг мазҳабда дуруст эмас, жадидлар кофирдирлар.

Ф: Алифбой форсийни 25 ҳарф қилганларми ё алифбой арабийними?

М: Алифбонинг форсий, арабийси йўқ. Болалар мактабда ўқийдиган ўша алифбони.

Ф: Жаноби мударрис! Сиз ҳам воқиф бўлишингиз керакки, инсоният бирор маъно ифодалаш учун тақаллумга муҳтож бўлган вақтда азбаройи ўша ифодаларнинг сақланишлиги учун ҳам шу қадар таҳрирға эҳтиёжлари бор эди. Бас, ҳар қавм азбаройи ҳар бир нав товушни ёзиш учун бирор шакл вазъ⁹⁶ қилдилар. Масалан, тақаллум вақтида оғизларида 29 тарзи садо чиқадиган араблар 29 шакл, гаплашганида оғизларидан 25 ҳарф чиқадиган форслар 25 шаклни ёзмоқ учун тайин қилдиларки, биз у шаклларни «алифбо» деб атаймиз. Бу тақрирдан уч нарсани тушунган бўлишингиз керак. Биринчиси шуки, ҳар миллатнинг ўз тилига мувофиқ алифбоси бор; иккинчиси — алифбой арабий 29 ҳарф, алифбой форсий 25 ҳарфдир; учинчиси — ҳар қавмнинг алифбоси ўз тилларига тобеъдир, дин ва мазҳабга алоқаси йўқдир. Жаҳид мактабида алифбой форсийни алоҳида, алифбой арабийни алоҳида таълим берадиларки, шу тарздадир:

Алифбой форсий

ا ب پ ت ج چ خ د ذ ر ز ژ س ش غ ف ك گ ل م ن و ه
لا ی

Алифбой арабий

охиригача шу тартибда:

ا ب ت ث ج

Бу тақрирдан билдингизки, жадиd мактабида алифбони камайтирмаганлар, балки алифбои форсийни алоҳида, алифбои арабийни алоҳида ўргатганлар. Токи, бола катта бўлгандан сўнг, дарс ўқиб, мударрис бўлиб, ҳаж йўлида бир фаранги олдида ўз тилининг алифбосини бошқа бир тил алифбосидан фарқ қилишда ожиз қолмасин. Бас, бечора жадиdлар кофир ҳам бўлмаганлар. Алифбони 25 ҳарф қилиб қўйганини қабул қилган тақдирда ҳам қандай қилиб, Сиз Бухоро уламози Худованди карим кўбгина оятлар билан фарз қилган жиҳот ва байзойи исломнинг муҳофазаси масъаласидан танбаллик ва роҳатпарастлик билан кўз юмдингиз, рибо, нусаввасга монеъ қилишдан ташоҳул қилиб, маҳзари шаръийда қонуний васиқалар билан муомала қилдингиз, вақфларни шаръий ижозатсиз олди-сотдига чиқардингиз, Туркистон ислом миллатларини, ислом подшоҳларининг қавзаи тасарруфидан чиқариб ташладингиз? Азиз исломни — залил, ғолиб исломни — мағлуб, жузъя олувчи исломни — жузъя берувчи қилдингиз. Қаҳр қуввати билан кофирни титратган исломни анвойи тазалзулга дучор қилдингиз.

«Аслуҳа сабитун фил-арзи ва фар'уҳа фис-самаъ», яъни, «Ислом шариатининг асли (томири) етти қават ерда мустаҳкамдир, унинг шоҳлари осмонда», бўлган исломни йўқ бўлиш ҳолатига етказиб қўйдингиз, меҳрибон она Ватанни бегоналарнинг оғушига ташладингиз, бироқ кофир бўлмадингиз. Энди жадиdлар алифбодан тўрт ҳарфни камайтирганлари учун кофир бўлдиларми?

Ай, гафлатзадалар! Токайгача тажохул? Қачонгача худдисандлик? Исломни ғариб кунга солдингиз, исломни кимсасизлик ҳолига келтириб қўйдингиз, бир оз ҳўшингизга келинг, етар танбаллик, етар худдисандлик, етар ваҳшийлик! Бир оз мулоҳаза юритиб қаранг, Сизнинг вужудингиздан исломнинг латиф пайкарига нима зарбалар етмаган, шаръий матини Муҳаммадий бошига Сизнинг ваҳшатингиз воситасида нима балолар ёғмаган? Ай, беҳабарлик водийсининг гумроҳлари, магар қисқа муддатда, Арабистондан тортиб, то Ҳинд, Чин, Тотористон, Туркистон, Рум, Эрон ва Андалусни маданият нури билан равшан этган бу ислом эмасмиди? Баҳодирлар тарафдорлари ва жасур ҳимоячиларнинг ҳайбатидан замин у замонни титратган магар ислом эмасмиди? Исломнинг иззати, шукуҳи, давлати ва шавкати бор эди. Ислом азамат ва устунликка эга эди. Ислом қудратли ва забардаст эди. Фаранса қалъаларини титратган Андалус султонларининг тўп садолари ва ўрис қолиса (черков)ларини зиру забар этган Темурий суворийларининг туёқ ларзалари ислом тўфайли эди. Эрон ва усмонли султонларини Фарангистондан қўлини баянда қилган, ўн саккиз буюк подшоҳини ҳамишалиқ Ҳиндистоннинг тождори қилган ислом эди. Ай, мусулмонлик ҳақиқатидан беҳабарлар, исломнинг қувваи ғайбийасига ким барҳам берганини ўйлаганмисиз?

Ислом маданияти қани? Илмга нима бўлди? Жасур ҳимоячилари қайга кетдилар? Уларнинг баҳодир тарафкашларига нима бўлдики, ислом тарафдорлигини тамоман тарк этдилар? Из-

зат ва шарафини ким гасб этди? Давлат ва шавкати ким яксон қилди? Нима бўлдики, улар баҳодирлик ва ғолиблиқни қўлдан бердилар? Нега қудрат ва забардастлиги нобуд қилинди? Андалус заминидан фотимий султонларининг номини, ҳинд тулроқларидан тождор подшоҳларнинг асарини ким йуқ қилди? Қайси тасаллут қули усмонли ва Эрон подшоҳларини заиф ва тазалзул кунига солиб қўйди? Темур набираларининг гарданига урсининг итоат арқонини ким боғлаб қўйди?

Камол итмиён билан⁹⁷ айта оламаники, буларни Сиз қилдингиз. Ҳа, ислом азиматининг бартараф этилиши, ислом давлатининг заволи, диннинг яксон бўлишга йулиқиши, ҳаммаси, Сиз туфайлидир, эртага исломнинг барбод бўлиши ҳам Сиз сабабли бўлади. Зеро, агар Сиз тараққиёт ва маданият эшикларини Муҳаммад умматларининг юзига ёпмаганингизда; агар Сиз ваҳшийлик бисотини буларнинг орасига ёймаганингизда; агар Сиз ҳарб асбобини шамширу эгри камон ва етмиш яшар мафлуқ⁹⁸ сарбозлар билан азекланиб, «Фамане'тада алайкум фа' таду' алайҳи бимисли ма'тада алайкум», яъни, «Бас, кимки Сизларга тажовуз қилган бўлса, Сиз ҳам уларга шундай тажовуз қилинг», ояти каримасининг мазмунича, бир оз мулоҳаза қилмай туп, милтиқ, бумба, динамит ва бошқалар ясашни ва илми низом⁹⁹ таҳсилани ҳаром демаганингизда; агар Сиз, «Ва'тасиму биҳаблиллаҳи жамъиян ва ла тафарруку», «Иннамал му'минуна ихватун фаслау байна аҳавайкум», яъни, «Жам бўлган ҳолатда Аллоҳнинг ипидан тутинглар ва ажралманг», «Албатта, тамоми муминлар бир-бирларига биродардирлар, бас, бир-бирларингни салоҳиятта келтиринглар», номаи шарифасининг топширигидан кўз юмиб, кучли ва бирлашган уммати Муҳаммадийни шиа, сунний, зайдий, ваҳҳобий номи билан фирқа-фирқа қилиб, бирини-бирига душман қилиб қўймаганингизда; агар Сиз Қуръони карим амрларининг аксариятини шаҳватпараст ҳавойи нафсингизга фидо этмаганингизда; агар Сиз миллат ҳуқуқин гасб қилувчиларга тамалуқ¹⁰⁰ билан муованат этмаганингизда, албатта, ислом бутунги ҳолга тушмасди. Агар ислом учун ҳозир нажот йўли мавжуд бўлса, у ҳам ушбу жаҳид мактабидир. Иблисининг дасиса дўқонида¹⁰¹ тўқилган бир неча ёлгоннинг асосий сабабини қабул этсангиз, токи буни ҳам ёпиб қўйиб, ислом номини Туркистон саҳифаларидан ўчириб ташласинлар.

Инсоф шунчამики, Сиз ислом вужудига зарба берувчи бўлдингиз ва шундай бўлмоқдасиз?! Алйавму нахтиму ала афваҳи-ҳим ва туқаллимуна айдихим ва ташҳаду аржулуҳум бима кану яқсибун», яъни, «Қиёмат кунда уларнинг оғизларини муҳрлаймиз, нимаики қилган бўлсалар (бу ҳақда) қўллари гапиради ва оёқлари гувоҳлик беради», унинг хосиятларидан бир лавҳа бўлган қиёмат куни, агар Аллоҳнинг расули Сиздан юз ўтириб, «Эй душманлар ва менинг нурли шариатимнинг бадҳоҳлари, Аллоҳдан қурқмадингиз, менинг бутунги мулоқотимни мулоҳаза қилмадингиз. Сизга омонат топширилган шариати матинимга¹⁰² хиёнат қилдингиз. Бу қавий¹⁰³ диним асосининг тамҳиди учун қилган меҳнатларимни зое этдингиз; боринг, ай шариат ҳуқуқи-

нинг хоинлари, ай Аллоҳ амрининг утрилари, «Ҳазихи жаҳаннам ул-лати кунгум та'адун», яъни, «Сизлар қўрқитилган дузах мана шудир», деса, шармандалиқдан бошқа нима узрингиз бўлади? Аллоҳнинг азобиға гирифтор бўлишдан бошқа бошингизға қайси тупроқни сочасиз? Уйлаб кўринг, Сизнинг салоҳингиз бунда эмаски, «Фаҳқум байнаннаси вала таттаба'ул-ҳава», яъни, «(Пайгамбарга) Одамлар орасида ҳукм қилинг, ҳавои нафсага тобеъ бўлманг», ҳукмига кўра, ҳавойи нафсага тобеъ бўлишлиқни тарк этиб, шахсий гаразларни оёқ-ости қилиб, халқуллоҳни иттиҳод ва иттифоқ тарафиға ҳидоят қилиб, илм талабиға тарғиб қилиб, ҳақиқатан ходими дини мубини ислом бўлган бечора таҳсил тариқини осонлаштирувчи ва мусулмонлар тараққиётининг сабаби бўлган жадид мактабларини очишга ёрдам кўрсатяпсизми?

М: Йўқ. Мамлакатимизда бу мактабни ҳаргиз очмаймиз.

Ф: Нима сабабдан?

М: Зеро, бу мактаб ҳаром бўлмаган тақдирда ҳам бидъатдир.

Ф: Ҳа, бидъатдир, аммо бидъат икки хил бўлади: бидъати ҳасана¹⁰⁴, бидъати саййина.¹⁰⁵ Масалан: Қуръонни қоғозга насх хати билан ёзмоқ, оташ арава ва ўт-кемада ҳажга бормоқ, мадраса бино қилиб, вақф тайин этмоқ бидъати ҳасанадир; муайян вазифалиги (маоши) бўлатуриб гариб муллаваҷчалардан дарс ҳақи сифатида пул олмақ, отнинг гарданини тилла тақинчоқлар билан зийнатламоқ, баҳмал, фаранги анжомлар, кимхоб киймоқ, сайр кунларида катта саллалар билан, узун-узун тасбеҳлар билан рус аёлларининг ўйинхоналарига кирмоқ бидъати саййинадир. Мусулмонлар тўп ва милтиқ ясашни билишлари керак. Нега? Чунки, бу бидъати ҳасанадир. Қайси далилга кўра? Шу далилга кўраки, бутун исломнинг муҳофазаси тўхтаб қолган.

Уламо ифтитоҳ олмасинлар. Нега? Чунки бидъати саййинадир. Қайси далилга кўра? Шу далилга кўраки, ислом буюкларидан ҳеч бири муайян вазифалиги (маоши) бўлатуриб, дарс ҳақи олмаганлар.

Мусулмонлар жадид мактабини очмоғи керак? Нега? Чунки бидъати ҳасанадир. Қайси далилга кўра? Бир қанча далилга кўра. Биринчи: Сизларнинг мактаб ва мадрасангизнинг таҳсил усули гоят узоқдир, шу сабабдан бечора аёллар улар учун ҳам фарзи айн бўлган илм ва ирфон шарафини қўлга киритишдан маҳрум қолмоқдалар. Иккинчи: улар илмсиз қолмоқдалар, ҳар илмсиз тарбиясиз бўлгани каби улар ҳам тарбиясиз бўлиб қоладилар. Маълумдирки, ким тарбиясизнинг қўлида катта бўлса, у тарбиясиз ўсади. Бинобарин, Сиз ҳаммангиз тарбиясиз қолмоқдасиз, чунончи, қолгансиз ҳам. Учинчи: Сиз насронийлар устингиздан ғалаба қилиб, номингизни олам саҳифаларидан учириб юборишиға восита бўлган илмларни таҳсил олмоғингиз лозим. Агар бу илмларни ҳозирги дарсларингизға қўшиб усули қадим билан ўқисангиз олтмиш йилда хатм қилишингизға тўғри келади, бунинг эса фойдаси йўқ. Агар ҳозирги дарсларни тарк этиб, фақат жадид илмларни ўқисангиз бу ҳам маҳолдирки, зеро,

дарсларнинг аксари диний илмлардирки, уларни тарқ қилиб бўлмайди. Демак, таҳсилнинг учун янги бир усул топилгани, ҳам қадимги илмлар, ҳам янги фанларни камоли осойиш билан ун икки йил давомида ўн саккиз ёшда хатм қилиб, ундан сўнг ислом муҳофазасининг асбобини ҳозирламоққа киришинг. Демак, собит бўлдики, усули жадида шунга кўра, бидъати ҳасанадир ва жоиздир, лозим ва вожиб ҳамдир.

Булардан қатъий назар, кўрайликчи, Худованди карим қитол ва жиҳодни кубгина оятлар билан нега фарз қилди экан?

М: Ҳифзи ислом¹⁰⁶ ва илқойи калиматуллоҳни¹⁰⁷ қўяйлик, бироқ байзойи исломнинг муҳофазаси бугунги мусулмонлар учун ҳам фарзи ё йўқ?

М: Албатта, фарздир.

Ф: Фараз қилайлик насроний давлатлар исломни парчаламоқ учун бирдан ҳужум қилиб қолсалар, чораси нима?

М: Маълумдир, ул вақт мудофаа барча мусулмонлар учун фарз бўлади.

Ф: Насроний давлатлар ҳарбий аскар, оловли ҳарб қуроллари, тўп, милтиқ, динамит, бўмба сингари, лашкарни сафарбар этмоқ учун эса, кема ва бронепоездларга эга. Мусулмонларнинг ҳам мазкур асбобга энг мукамал тарзда эга бўлиши лозими? Ё уларнинг муқобилида ўзининг номунтазам лашкарини таёқ, пичоқ, ҳанжару эгри шамшир, тийри камон билан қуролланиб, от аробаларда йўлга тушиб, ҳеч қандай қаршиликсиз ўзини кофирларга мағлуб ва исломнинг йўқ бўлишига маҳкум этадиларми?

М: Албатта, лозимдирки, аҳли ислом ҳам янги ҳарбий қуролларга эга бўлсин, зероки булардан ташқарида мудофаа бўлмайди.

Ф: Қарорингизнинг изҳоридан маълум бўлишича, мусулмон кишиларига бу вожибдир. Бироқ ҳозирги насроний давлатларидаги каби тараққиётни қўлга киритишга машғул бўляптими?

М: Ҳа, бинобарин насроний давлатларидан ҳам ўз мавқеини зиёدارоқ мустаҳкамламоқ вожибдир.

Ф: Муддао равшанроқ бўлсин. Масалан: жумладан, тараққиёт асрида насроний давлатлари ўзларининг ҳифзи шарафи учун, номусини ҳимоя қилмоқ учун, нуфузининг ортиши, сарватининг таъмини ва ўз тинчлиги учун ўртага чиқаргани тўп ва милтиқдир. Мусулмонлар ҳам мазкур мақсадлар мулоҳазасига кўра, тўп ва милтиққа эга бўлмоғи вожибми?

М: Албатта, вожибдир.

Ф: Мусулмонлар ҳам тўп ва милтиқларни насроний давлатлари ясаган йўл билан ясайдиларми ё аввалдан ўзи янгича тўп ва милтиқ ихтиро қилганларми?

М: Агар мумкин бўлса, аввалдан насронийларнинг молидан яхшироқ қилиб, ўзи янги тўп ва милтиқ ясамоғи лозим.

Ф: Насроний давлатлари ишлатаётган қурол-яроғлари билан одамнинг бир неча минг йиллик илм ва ижтиҳодининг¹⁰⁸ натижасидир. Асрлар ўтмоқдаки, ҳануз бирор нафар мусулмон улардан бирор намунасини ясаганини эшитмадик. Ва аминмизки, бундан

кейин ҳам ясамасалар керак. Магар вақти етдики, ҳозирги кунда таҳсил билан умумни комилликка етказса.

Ҳозир нима деяпсиз, мусулмонлар ҳам тўп ва милтиқни фарағ ҳақимларининг илму фанлари орқали ясашлари керакми ё мусулмонлар уртасида ҳам янги ихтиро зоҳир бўлгунча мунтазир утирсинларми?

М: Доимий интизом ҳалокатни тақозо этганидек, ўз дини ва Ватанининг муҳофазаси асбобини ҳозирги илму фанлар билан тезроқ тартиб беришлари керак мусулмонларнинг.

Ф: Бас, ўзингизнинг иқрорингиз билан аҳли исломга жадид мактабини очиш ва ҳозирги замонавий фанларнинг таҳсили вожибдир. Кимки буни манъ этиш учун қалқса, шариатга мункир, исломга душман, маҳбуби Ватан хоини бўлиб, дунё ва охиратда ҳазрати Ҳақ таолога мағзуб ва макхур¹⁰⁹ бўлади.

М: Нақадар бисёрроқ гапирсанг, шу қадар бемаънироқ бўляпти. Қуръони каримнинг ҳукмига кўра, мухарраф ва мансух¹¹⁰ бўлган насроний китобларини биз учун улардан таълим бериш дуруст эмас, бу гапларинг билан уларнинг таҳсилани бизга вожиб қилмоқчимисан?

Ф: Қани айтинг, нега яна қочяпсиз? Хато қиласиз. Қуръонингизнинг ҳукмига кўра, мухарраф ва мансух бўлган у китоблар Инжил, Таврот, Забур бўлиб, бизнинг диний китобларимиздир. Уларнинг ҳеч бирида тўп ва милтиқ ясалиши ҳақида бирор сатр мавжуд эмас. Мен Сиз вожиби таҳсил дейётган бу илмлар шундайки, уларнинг асосини насронийлар мусулмон ҳақимларининг асарларидан олган. Булар дин ва миллатга даҳли бўлмаган иқтисодий фанлардир. Бу илмларни Сиз ҳам таҳсил кўрсангиз телеграф сими тортасиз, оташ ароба қурасиз. Йигирма кунда юз минг сарбозни бу дунёдан унинг бошқа чеккасига етказасиз. Қуръоннинг асрорини тушунасиз, Ватанингизни бегоналарнинг дастидан халос этасиз. Ҳифзи ислом ва илқойи калиматауллоҳ учун тўп ва милтиқ ясангиз. Мулкдорлик усули тижорат, зироатни урганиб ўз мамлакатингизни обод қилинг, ўз миллатингизни асорат занжиридан халос қиласиз. Исломни аввалги ҳолатига келтирасиз. Виждонимга қасамки, исломнинг боқийлиги бугунга боғлиқ. Ислом тараққиёти шу илмларига боғлиқ. Агар бу илмларнинг таҳсилдан яна ҳам чекинсангиз, ортиқ юз йил ислом номини Туркистон саҳифаларида сақламоғингиз маҳолдир.

М: Тоқай бу бўлмагур илмларнинг манфаатидан озгингни тўлдирасан? Магар хотирламайсанми, мусулмон султонлари Амир Темур Бухорий,¹¹¹ Маҳмуд Газнавий, Нодиршоҳ Эронийларнинг тараққиёт замонлари биз эга бўлиб турган мана шу мадраса, мана шу мактаб, мана шу мулкдорлик усулида бутун оламни олганлар, уларнинг ҳеч қайсиниси сенинг бу бўлмагур илмларингни на ўқиган, на эшитган?!

Ф: Қайси замонни айтяпсиз? Бу подшоҳларнинг тараққиёт замони қачон бўлган? Қани уларнинг тараққиёти? Улар эгаллаган оламлар қайқа кетди? Амир Темур Бухоро ҳодисаларининг ахбори бир кечада Ҳиндага етиб боради, деб қачон гумон қилган? Бир нафар одам йўлнинг икки минг қадамидан бир соатда

элик кишини тортиб кетиши Нодиршоҳнинг хотиридан ўтганми? Амир Темур замонида Бухородан Ҳиндгача лашкар тортиб бориш мuddати бир йил эди, ҳозир йигирма кундир. Бу подшоҳлардан ҳар бири Ҳиндни Чинга қадар қабзайи тасарруфига олганига шубҳа йўқ, лекин улар ўтиши билан ўша шаҳарлар ҳам аввалги ҳолатига қайтган, уларнинг тараққиёти муваққат, ўша шахсларнинггина ҳаётига боғлиқ эди. Оврупа давлатларининг тараққиёти эса доимийдир, зеро ўша вақтда, мусулмон подшоҳларининг салтанати ўз таъйига тобеъ бўлган. Бугун Оврупа султонларининг раъйи ушбу илмларга тобеъдир.

М: Менинг гапим буларда эмас, балки айтаманки, инчунин, собиқ ислом подшоҳлари замонида ушбу мактаб, мадраса, илмлар тараққий этиб, бошқа давлатлардан устун келдилар. Ҳозир ҳам ушбу дастгоҳимиз билан Оврупа давлатлари каби тўп, милтиқ ва аскар тўплаб, тараққий этишимиз мумкиндир.

Ф: Ислом подшоҳларининг тараққиёт замонини бу вақтга тенглаштирманг... Сарбозларингиз низомсиз эди, ҳатто насронийлардан ҳам низомсизроқ, илмларингизнинг доираси чекланган, таҳсил усулингиз мушкул эди. Насронийларда эса, шу қадар ҳам йўқ эди. Бинобарин, подшоҳларингиз насроний давлатлари устидан голиб келиб, илқойи калиматуллоҳга муваффақ бўлганлар; лекин аста-секин кофирлар бу қадар мағлубиятга тан бермай, сайъ ва тараддуд йўлига тушиб, ислом уламосининг китобларини Бағдод ва Андалусдан жамлаб, уларнинг асрорини таҳқиқ қилишга тушдилар ва салтанат асосини Қуръонингиз аҳкомига кўра белгилаб: «Ва ман йу'тал-ҳикмата фақат Ўтййа ҳайрон касира», «Утаубул — 'илма валав бис-син», яъни «Қимгаки ҳикмат ато қилинган бўлса, батаҳқиқ унга кўб яхшилиқлар ато қилингандир», «Илмни Чиндан бўлса ҳам изланг», ҳукмига кўра, бутун илму ҳикматни қўлга киритиб, аслаҳани табдил этиб, яъни, шамшир, найзани тўп, милтиқ, бўмба қилиб, аскарни низом остига олиб, оташ ароба ва ўт-кемага миндириб, шу васила билан исломий ҳукуматлардан устун келдилар ва мусулмонларнинг аскарини маҳқум ва барбод, баъзиларини мағлуб ва яксон қилдилар. Агар ҳозир Сиз ҳам таассубни бир тарафга қўйиб, мунтазам жадид мактабларини очиб, олам тараққиётининг асоси бўлган ушбу илмларнинг таҳсилини олсангиз, фабиҳалмурод¹² бўлади. Ва аксинча, агар мактабларингиз, таҳсил усулингиз, мулкдорлик равишингиз шу бўлса фарангилар каби аскарга эга бўлишлик тутул, бугга ҳам эга бўлишингиз маҳолдир.

М: Сиз хийла донишманд одам экансиз. Воқеан, бизнинг Ватан ва миллатимизнинг дардларини тошиб, илджини ҳам яхши баён қилдингиз. Зотан, бизнинг ҳам «биринчи нажот йўли илмдир» хусусида муҳолифатимиз йўқ. Бизнинг иштибоҳимиз жадид мактаби ва замонавий илмларнинг таҳсили эдики, буни ҳам камоли яхшилиқ билан юксам эканини курсатдингиз. Сиз жаноб мусоҳабатидан кўб масрур бўлдим. Энди бизга рухсат.

Ф: Хайр, Аллоҳга омонат!

ХОТИМА

Ушбу уринда қаламни бухоролиларнинг меҳрибон отаси, олий ҳазрат ҳам миллатпаноҳ подшоҳ «ваффақаҳуллоҳу би-та'йид ил-ислом»¹³га қаратиб, арз қиламизки: Ай, сени ҳазрати Кирдикор (Аллоҳ) энг муқаддас зот, мусулмонлар жамоасининг моликрақоби қилиб қўйган! Исломия салтанатининг заифлиги меҳрибон қалбингга очиқ ва бадийатан, давримизнинг авлиёсига маълумдирки, бутун ё эрта дини исломнинг душманлари биз мусулмон халқини қаро асирлик кунига дучор қиладилар; вази-фай аввали дини исломга хусумат бўлган бу разиллар яқин замонларда биздан динимизни тарк қилишни талаб қиладилар; имомимизни пўшга, азонимизни кўнгирокқа, масжидимизни чер-ковга алмаштирмоқдан бошқа чора қолмас; ахир, муборак фик-рингни ишнинг бу томонига ҳам машгул қилиб кўргин, бу ҳолда биз бечораларнинг иложимиз нима бўлади? Бизнинг халоскори-миз ким? Бизнинг ожиз қўлимиздан тутиб, бу бало гирдобидан ким қутқара олади? Бизнинг изтиробли нолаларимизни дилсўз-лик қўлоғи билан ким эшитади? Бу кун зоти муқаддаси Ҳу-моюн, меҳрибон отамиз, хуш фармонлар чиқаргучимиз, оқил подшоҳга эга эканлигимизнинг узи бизнинг энг яхши фурсати-миз эмасми? Ушбу Ҳумоюн вужудининг бақоси нажотимиз-нинг энг буюк василаларида эмасми? Ҳошо... виждон билан қа-сам, сенинг муборак вужудинг билан қасам ичаманки, агар би-рор фурсат лозим бўлса, бирор қутилиш йули кўринса, биз уни хоҳлаймиз, бас, нега ва қайси хотиржамлик билан янги келган меҳмон каби осуда утирибмиз? Токи, бу фурсат ҳам қўлдан кетмасин. Агар раиятнинг ҳаракат қилмасалар, айб эмас, улар гофилдирларки, оламнинг тараққиётидан хабарлари йўқ; аммо сен зоти муборак барча тараққиёт асроридан нуқтама-нуқта огоҳдирсан!

Ай, Бухоро миллатининг меҳрибон отаси! Раият ҳолига ту-шуниб раҳм қилгин, муборак вужудингга Ҳақ таоло тарафидан тошширилган Муҳаммаднинг нурли шариатига хизмат қилиб, йи-қилган миллатининг нурли фикрларига ва маориф тараққиёти-нинг тавсиясига иқдом қил.¹⁴ Ҳа, «чанин кунанд бузургон чу кард бояд кор» (Улуғлардан бирор иш лозим бўлса, шундай қиладилар).

Иккинчидан, барча азиз ватандошлар, муҳтарам диндош би-родарлар! Сизларга хитоб қилиб камоли одоб билан айтаманки, биродарлар, жуда кўб кунларни ва хийла фурсатни гафлатда ва танбалликда ўтқаряпмиз. Бас, энди! Ҳозир гафлат вақти эмас. Ҳар қайсингизга маълумдирки, насронийлар ҳар тарафдан ис-ломга ҳужум уюштириб, ҳар соат бизни нобуд қилмоқ учун, динимизни йўқ қилиш учун, баҳоналарни қўлга киритмоқдалар. Ўзингиз инсоф қилинг, ким рухсат бердики, бундай бало сели атрофимизни ураб олган бир пайтда, осудалик билан утириб, ҳеч вақт, ҳеч важҳдан қўл-оёқни ҳаракатга солмайлик, токи кофирлар бизни нобуд этиб, динимизни орадан кўтариб, муқад-дас Ватанимизни, бир қанча муддат нозпарвар огушида парва-

риш қилган обод юртимизни поймол этмасинлар, нега уларга қарши ҳаракат қилмаяпмиз. Агар Сиз иккилансангиз, тарадду-сизлигингизнинг боиси «ислом очиқ диндир ва Аллоҳ унинг қу-риқчиси» бўлса, мен ҳам Сизнинг ақидаларингизга шерикман, бироқ айтаманки, Аллоҳ диннинг қуриқчиси ва носиридир, аммо у Сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Агар Сиз ҳам азиз жонингиз-ни қўлга олиб, нусрат учун кутарилмасангиз, аниқдирки, Сиз на мусулмондирсиз, на Аллоҳ Сизга нусрат этар! Аллоҳ ва унинг расули бизга жиҳотни фарз қилганларининг далили билан агар бизнинг уйда ўтиришимизни ҳам Аллоҳ нусрат қилар экан, нега унинг Пайгамбари иззат нафси билан газотга борганлар, ҳамма асҳобларини нега кишанга тутганлар; узоққа бормайлик, агар менинг ақидам рост бўлмаса нега ҳозирга қадар нусрат қилма-ган?! Агар Сизнинг тарадду-сизлигингизнинг сабаби «қулли Ёв-мин батар», яъни, «кундан-кун бадтар бўлади»,¹⁵ Ёлгон ҳадиси бўлса, бу Пайгамбарнинг ўз ҳадиси эмас, балки сохта жумла-дир, Ёлгон муҳокамадирки, Сизнинг танбал, шикампараст ула-моингиз уни ўз осудалиги учун иблис дастёрлигида тўқиганлар; то шу васила билан ҳақиқатбин кўзингизни боғлаб, ҳавойи наф-сингизга мувофиқ яшамоқдасиз. Бале, танбал уламолар шу қа-дар ҳам танбалдирларки, форсча «батар» («бадтар»нинг қисқар-гани) калимасини арабчадан нотўғри талқин қилиб ўз Ёлгон муд-даолари учун буни халос йули сифатида тузганлар. Биродарлар, ислом қадимдан тараққий қилган. Нимаики, қўлга киритган бўл-салар бу мусулмонлар сайъ-ҳаракатининг баракоти билан эди; у пайт жузья¹⁶ олар эди, мусулмонларнинг танбаллиги ва гайрат-сизлиги билан бу кун у жузья беради.

Ҳа:

*Кофирлар жамияти бизнинг паришонлигимиздандир,
Бутхоналарнинг ободлиги бизнинг вайронлигимиздандир.
Зотан, ислом, аслида, қандай бўлса шундайдир,
Қандай айб бўлса, бизнинг мусулмончилигимиздандир.*

Ислом бизнинг динимиздир, ислом бизнинг шарафимиз, ис-лом бизнинг саодатимиздир, ислом бизнинг сарафрозлигимиз боиси; ислом осойишталигимиз сабабидир, исломни бизга Пайгамбаримиз омонат топширганлар. Бухоро бизнинг муқад-дас ватанимиздир, Бухоро бизнинг меҳрибон онамиздир, Бухо-ро бизнинг нашъу намо жойимиз, Бухоро бизнинг садагоҳи-миздир, Бухоро бизнинг азиз маъшуқимиздир, Бухоро бизнинг жонимиз-ла баробар маҳбубимиздир, Бухоро биздандир, биз Бу-хородан. Бас, бу қадар гафлат ва танбаллик, беҳабарлик ва жо-ҳилликда ўтирганимиз. Бу дини мубинимизнинг нобуд бўлиши, бу муқаддас Ватанимизнинг поймол этилиши, бу камоли шараф-сизлик билан қабул қилганимизни на шарият, на урф-одат қабул қилмайди. Балки, олам оқиллари, жаҳон ҳамиятмандлари бизни лаънат қилиб, инсоният йулидан четда ҳисобламоқдалар. Биро-дарлар! Бир оз ҳушингизни йигинг. Инсон ер юзюдаги махлуқ-ларнинг энг шарафлисидир, инсоннинг бошқа махлуқотдан ша-рафи шундаки, инсон тараққиёт ва таназзулга қобилдир, бошқа

хайвонларда эса, бу йўқ. Ҳақимлар инсон тараққиёти ва таназзули учун уч оламини ажратганлар: ҳайвонот олами, жамодот¹⁷⁷ олами ва инсоният олами; кимки ўз инсонлик даражасини бу муайян ҳолатга маҳкамлаб қўйса, ҳайвонот оламига дохилдир, бошқа ибора билан айтганда, ҳайвондир; кимки, инсонлик даражасини муқаррарлиқ мақомидан таназзул қилса, жамодот оламига дохилдир, яъни, жамоддир; кимки, ўз инсонлик даражасини асил ҳолатидан тараққий қилдирса, бу унинг инсонлик оламига киришидир. Ҳақимлар уни ИНСОН деб атаганлар. Ахир, инсоф қилинг, кофирлар тараққий қилсалар — биз нега таназзулда?! Кофирлар бутун олам оқилларининг наздида ўз номини ИНСОН ёздирсалар — биз нега жамод?! Кофирлар камоли давлатмандлик ва осудалик билан ҳаёт кечирсалару биз нега гадойликка рози?!

Уялмайсизми, ҳар куни насронийлар оташ ароба, ўт-кема ва телеграф симлари каби минг тур ҳунарлар зоҳир қилмоқдалар, бизнинг саноатимиз сайр аравача ва сопол офтобалар билан чекланмоқда. Тфу, бу қаро кунимизга, эшигу девордан ҳам хижолат чекмоғимиз лозим. Насронийларнинг энг кичик амирлари ҳам бир лак доимий сарбозга эга бўлган бир пайтда, биз ўн минг ўргини атрофимизга тўшлаб,¹⁸⁸ болаларимизнинг уйинчоғи қилиб қўйганмиз. Ай, менинг бу китобчамнинг ўқувчилари! Агар динга, Ватанга, молга, жонга, авлодга муҳаббатингиз бўлса; агар диннинг халос бўлиши, шариатнинг ривожи, Ватан ободлиги, авлоднинг тинчлиги, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласангиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир. Қобилиятлиларни таҳсил учун ислом халифалиги пойтахтига ўқишга юборинг: қобилияти сустроғини Бухорода янги мунтазам мактабларни очиб топширинглар. Иккинчидан, исломдаги ҳамма фирқалар иттифоқи, яъни, кимки: «Ла илаҳа иллаллаҳу Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасини айтса, қайси мазҳабда бўлса ҳам, мусулмон деб билинг, аниқроқ айтсам: шиа ва суннийлар ихтилофини орадан кутаринг. Сизни ушбу ваҳж ила муҳолиф қилиб ажратаётганлар ислом хоинларидир, уларнинг фирибларига учманглар! «Биллоҳу валлоҳу», яъни, «Аллоҳ номи билан қасам!» На замонавий илмларнинг таҳсили ҳаромдир, на ислом иттифоқи! «Вас-саламу'ала мин таба ал-ҳуда!» — «Ҳидоят йўлига тобеъ бўлганларга саломлар булсин!»

ИЗОҲЛАР

1. Нажиб — ёруғ. Айрим манбаларда юлдуз.
2. Дини мубин ислом — Сўзма-сўз: очиқ ислом дини, ҳақ дин.
3. Солиқ — сулуҳда турувчи. Тасаввуфда бирор тариқат сулуҳида турувчилар.

4. «Алҳамдулиллаҳ ала кулли ҳол» — ҳар бир ҳолатда Аллоҳга ҳамд йўсун.

5. Истатистик — статистика. Бу ерда жаҳон аҳолиси ҳақидаги таълумотлар йиғиндида маъносиди.

6. Исмсиз исм, деб берилиши форсча матндан сўзма-сўз угирилганидир. Аслида ҳар бир отни (номни) ўз инкори билан беришдир.

7. Райят — аҳоли, аҳли.

8. Фаранги тилидан баён қилинган бу фикр Ҳиндистон ва Мисрни таалаган инглизларга таалуқдир.

9. Ботил — асоссиз, нотўғри, бун.

10. Ифтиҳо — бошлаш. Бу ерда имомчилик орқали бошлаб пул қошиш назарда тутилган.

11. Муҳр — ношаръий келган даромад.

12. Муоҳаз — вазифалик, моюна.

13. Руку — намозда тиззаларига қўлини қўйиб эғилиш рукни. Бу ерда «таъзим» маъносиди.

14. Манофиқ — номзод.

15. Жомад — жонсиз нарса. Ишлаб чиқарувчи (қобили ишгиқоқ) куч эмас, балки жонсиз буюмдир.

16. «Фи сабиаллаҳ» — Аллоҳнинг йўлида. Бу ерда текин маъносиди.

17. Таблиғ — истеъдодли, қобилиятли. Бу ерда Нозил булган оятларни истеъдод билан қабул қилиш маъносиди.

18. Жузкашлик — «жуз» — бўлак сўздан олинган бўлиб, талабаларга пул тақсимаши пайтида бир қисмини олиб қолиш.

19. Говкушон — Бухородаги олий мадрасалардан.

20. Зоти Воҳид — ягона зот, яъни, Аллоҳ.

21. Мадоҳил — моюна.

22. Муованат — узаро ердамлашиш.

23. Истамбул маршрутаси — Конституция. Туркиянинг Истамбулда амалга оширган конституцион монархияга ўтиши назарда тутилмоқда. Анварбек ва Ниёзийбек — унинг ташиқлотчилари.

24. Сатторхон ва Боқирхон — Эрон инқилобчилари. Ёш эронлилар ҳаракатининг раҳбарларидан.

25. «Аввали илм», «Бидон» — таҳсилнинг биринчи йилида ўқиладиган китоблар. «Аввали илм» қисмида «Аввали илм нимадир?» деб сўралади ва бунинг жавобда Аллоҳни таниш, Пайгамбарни тан олиш, Шайтонни англаш хусусида жавоб берилиши лозим. «Бидон» — сўзма-сўз таржимаси: «Яхши бил!» («беҳ» — яхши, «дон» — бил). Араб тилининг сарфи (морфологияси) хусусида форс тилида ёзилган дарслик китоби. Бундай ва қуйида изоҳлари бериладиган китобларнинг мажмуаси «Мутун» (Матлаар) умумий номи билан Абдулҳарим бинни Ҳусайн ал-Андажоний томонидан тўпланиб, 1910 йилда Қозонда бостирилган. Табиийки, бундан аввалроқ қўлёзма ёки тошбосма ҳолда мадрасаларда мавжуд булган. «Бидон» — «Мутун» мажмуасининг 166—187 бетларидан берилган.

26. «Муъзий», «Занжоний» — «Муъзий» номи китобда араб тилининг сарфи арабча баён қилингандир. Бу китоб «Бидон»га кўра мураккаброқ булгани учун ўқув йилининг кейинги даврида ўқилади.

«Занжоний» — китобнинг асл номи «Тасрифи Зангоний» (Зангоний сарфи) бўлиб, бу китоб асар муаллифининг исми билан юритилади. Иззуддин Зангоний (вафоти 1257 милодий йил) Гилон яқинидаги Зангон (Эрон) да туғилган бўлиб, Бағдодда таҳсил олган ва ишлаган. Ушбу китоб юқоридаги мажмуанинг 124—141 бетларидан ўрин олган.

27. «Кофия» — сўзма-сўз таржимаси: кифоя қилувчилар. Бу китоб қисқа наҳв (синтаксис)дан иборат бўлиб, муаллифи Абу Амир Усмоин ибн Умардир (вафоти 1249 милодий йил). У Исрода туғилган, Дамашқда таълим олган. Асосан, Мисрда яшаган лугатнавис олимдир. «Кофия» юқоридаги мажмуанинг 2—85 саҳифаларидан жой олган.

28. «Шарҳи Жомий»дан «Ал-Марфуъот» — айрим манбаларда ва

- отэкай нурга «Мува Жомий» ёки «Шарҳи Мува» ёёб ҳам юрғидаи
 Мишхур Жомийнинг араб тилида ёзилган «Фавоийа уз-зиёия» (Зия —
 имининг фойдалари) китобининг танланган боблари «Ал-Марфуъот» —
 Жомий китобидан эга, гапнинг асосий бўлавлари, эганинг состави ҳақи-
 даги қисми.
29. «Ал-Мажрурот» — Жомий китобининг исм, яъни, от ва уларда
 изофий бирикmalarнинг қўлланганиши ҳақидаги қисми.
30. «Ал-Мансубот» — Юрғидаги китобнинг ушбу қисмида
 исм(от)нинг тушум қилинигида фойдаланиши ва унинг шарҳи ёёб
 қилинган.
31. «Ал-Мабнийот» — сарфининг ўзгармас исмлар ва сузар ҳақида-
 ги боёлар (юрғидаги қисмлар ўзгарувчан исмлар ҳақида эан).
32. «Хам» ва «Бақс исм» — юрғидаги китобининг ҳамд қисми
 ўғида ва «Бақс исм» номланганиши остида исм(от)га она грамматиқ
 шарҳлар саво-жавоб воситида таъриҳланади. Бу китоб сарфининг исм
 (от) ҳақидаги умумлаштирувчи қисмлар.
33. «Қутуб» ҳошиққидан «Ва роттабуҳу даи муқаддима» — юрғи-
 даги китобининг шарҳи унинг хошиқсида қўлғидан томондан ёзилган.
 Буна «Фавоийа...»нинг муқаддисида ёзилган қўлғидан томондан шарҳлар
 ўғида.
34. «Хамд Ақойна» — китобининг номи «Ақойна Насайи» бўлиб,
 унинг асия матни Абу Ҳафис Умар бини Муҳаммад бини Аҳмад ан-
 Насайидир. Шу китобнинг «Хамд»га ёзилган шарҳлар ўғида.
35. «Баъа...» «Ақойна»дан — юрғидаги китобда «Баъу...» (сзма-
 сфа таржимаи — сун) яъни, Ақойнинг ҳамд ва Латлабарнинг қайта
 айтилганган сунли қисми ўғида бўна барча қимарнинг таърифи
 ёёбган.
36. «Самая...» «Ақойна»дан — «Ақойна Насайи» китобидан
 қисм ўғида. Буна эътиқоднинг навалари ва масъалари ёёб қилинган.
 37. «Ҳақийқ ул-ашйа...» «Ақойна» китобининг «Ҳақ, йиқ», ёёб
 бошланганга жумласи ўғида, унинг шарҳи таржима қилиш мумкин:
 нарсаларнинг ҳақиқатлари ном ёёбган соёлар.
38. «Хамд таҳзиб» — «Таҳзиб» (эриқов ҳақидаги китоб) асарининг
 «Хамд» қисми ўғида.
39. «Таърифи ёқм» — «Таҳзиб» китобининг қайта таърифи ёёбган
 жумласи ўғида.
40. «Ҳикमत ул-анни» — матни ва ақойна ҳақидаги китоб бўлиб,
 ўғидаги «Ал-Ҳикмату истиқомату-л-нафси» (таржимаи: Ҳикमत нафсининг
 қамолга етишиши) жумласи ўғида.
41. «Ҳикमत ул-анни»дан «Ал-Вужулу баъҳидийун» — жумласи ўғида
 шарҳ қилинади.
42. «Мува Жаъна»дан... — асар муқаддисидаги номи ёёбган юрғида-
 га ақойна китоби бўлиб, унда «на ман ваффақана» (таржимаи: эи
 бизга таъриқ берган) жумласи ўғида, шарҳ қилинади.
43. «Мува Жаъна»дан «Сатафарийқ...» — юрғидаги китобдан
 «Сатафарийқ...» (тез қуна бўлинад) жумласи ўғида, буна Абу
 томондан умумлаштирилган 73 фикрга ёёбган баёларнинг қилинганлигини
 маъмуни ёган.
44. «Сахр Вухори»дан... — Абу Абдуллох Муҳаммад бин Исмоил
 ас-Вухорий (810—870)нинг мажхур таълимидаги «Хавоидан» «Иниме-л-а-
 ману би-н-ни йати...» ёёб бошланган Ҳадиси шариф ўғида ва шарҳ
 қилинади.
45. «Таърифи Байзавий»дан... — Юсуф Байзавий машхур мутаас-
 суфлардан бўлиб, унинг маоқиб китобидан таржимаи форс тилида
 ёзилган «Таърифи Байзавий» асари маълум. Бу китобдан «Му аввазатайи»
 ёёб номланган икки сура ўғида шарҳ қилинади.
46. «Жомийнинг шарҳи...» — «Мува Жомий» китобида қулида
 номадари келтирилган муқаддисида битилган шарҳлар ўғида.

75. «Русия давлати Самарқандни эгаллаган» — Русия ҳукумати XIX асрнинг II ярмида Туркистонни эгаллагандан сунг, Бухоро амиригаининг бир қисми ҳам, хусусан, Самарқанд Чор Русияси ихтиёрига утади. Бухоро эса, вассал бўлиб қолади.

76. Мавҳумлик мужассамаси — ноаниқ жисм.

77. Сир — оғирлик уллови. Бир «сир» 75 грамм бўлган. Бу ерда беш сир, яъни, $75 \text{ гр.} \times 5 = 375 \text{ грамм}$ бўлади.

78. Муқаррар — тўғри. Бу ерда тасдиқланяшти маъносида.

79. «Кубху ҳусни замири маштаъмала» — хунук ва чиройли қилиб, «маштаъмала»нинг замирини айтиш.

80. Илм ул-яқин — аниқ илм, чуқур эгалланган илм.

81. Кизби маҳз — Ёлгоннинг ўзгинаси.

82. Авло — яхшироқ, ҳақроқ (тўғрироқ).

83. «Ҳазрати Набини тақзиб қилмоқ» — Пайгамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг гапларини ёлгонга чиқариш.

84. Таслис қилиш — утча дейиш.

85. Интизоъ — тортишиш.

86. «Вожиб ут-таълим» — ўқилиши лозим бўлган китоблар. Диний таълимда «фарз», «вожиб» ва «суннат» йўналишидаги китоблар бор. Алоҳнинг амри билан буюрилган Куръони каримнинг таҳсила фарз бўлса, «вожиб» инсониятга зарурат жиҳатидан (эҳтиёж туфайли) керак бўлган таълим усулидир.

87. «Зараба Зайд»нинг таркиби — бирикманинг луғавий маъноси — «Зайд урди». Бунинг таркибини аниқлаш эса, эга (Зайд ва кесим (зараба — урди)ни аниқлаш демақдир.

88. Пруғрам — дастур.

89. Муовия бинни Абу Суфён — илк ислом даврида Макка ҳукмдорларидан бўлган Абу Суфённинг ўғли Муовия назарда тутилган. У Усмон даврида Сурия ҳокими этиб тайинланган. Ҳазрат Али вафоти (661)дан кейин халифаликни қўлга олиб, умавийлар сулоласига асос солган.

90. «Варосат ул-анбийа» — Пайгамбарнинг ворислари.

91. «Ка анбийаи бани Исраил» — бани Исроил Пайгамбарларига ухшаш (айрим сифатларда).

92. Наҳий — манъ этиш, қайтариш.

93. Шойеъ бўлмоқ — ёйилмоқ, тарқалмоқ, ҳаммага маълум нарс.

94. Дарбон — эшик очувчи.

95. Тавҳили амал — амр қилинган ҳукмлар (аҳком)ни амалга ошириш.

96. Вазъ — қуйиш.

97. Камоли итмийнон билан — хотиржамлик билан, ишонч билан.

98. Мафлуқ — фалокатга учраган, жабр кўрган.

99. Илми низом — ҳарбий таълим низоми.

100. Тамаллуқ — ялиниш, лаганбардорлик.

101. Иблисининг дасиса дукони — Шайтоннинг бузгунчилик уйи.

102. Шариаи матин — қаттиқ, мустақкам шариат.

103. Қавий — кучли, бақувват.

104. Бидъати ҳасана — яхши одат.

105. Бидъати саййина — ёмон, макруҳ одатлар.

106. Ҳифзи ислом — ислом муҳофазаси, ҳимояси.

107. Илқойи калиматуллоҳ — Алоҳ сузи (Куръони карим)ни уртага қуйиш, орага солиш.

108. Ижтиҳод — тиришиш, жаҳд, ҳаракат.

109. Мағзуб ва макхур — Алоҳнинг газаби ва қаҳрига учраган.

110. Мансуҳу мухарраф — мансуҳ — Алоҳ томонидан бекор қилинган, мухарраф — кофирлар томонидан ўзгартирилган (бузилган).

111. Амир Темур Бухорий — Қарши, Шаҳрисабз, Бухоро амиригаи ҳудудда бўлгани учун, Амир Темурга ҳам шундай Бухорий нисбати берилган. Бироқ бу нисбат хато бўлиб, Амир Темур даврида ҳали Бухоро амиригаи мустақил хонлик сифатида мавжуд эмас эди.

112. Фабиҳалмурод — яхши ният, умид.

113. «Ваффақаҳуллоҳу битайид ил-ислом» — Аллоҳ, уни исломни қўлаб-қувватлашига эриштиради.

114. Иқдом қилмоқ — қадам қўймоқ, юра бошламоқ.

115. Форсча «баттар» калимасини арабчадан нотўғри талқин қилиш «баттар» сўзининг форсча маъноси «ёмонроқ» бўлиб, бу ўринда уни арабча маъноси билан адаштириб, араб тилида айтилган «Қулли авмин баттар» иборасидаги «баттар»ни форсча шарҳ қилмоқ ва «Кундан-кун баттар бўлади» маъносига эришмоқ.

116. Жузя — ғайридинлардан олинadиган солиқ. Бухорода Амир Музаффархон даврида яҳудийлардан жузя олинар эди, энди 1910 йилга келиб, яъни, Амир Олимхон тахтга чиққач, яҳудийларга жузя тўланадиган бўлди. Бу амириликнинг мустақил бўлмай, балки вассал тартибда кун кечираётганидандир.

117. Жамоdot — жонсиз нарсалар.

118. Ун минг ўғрини атрофимизга тўлаб — бу ўринда Амирнинг «ун минг» сарбози танқид остига олинган. Бухородаги жорий қонунга кўра, илгари ўғирлик ва бошқа айб билан қозихонага тушган айбдор кишиларни сарбозликка (муайян муддатта) ҳукм қилишган.

Баҳор келиб, томларга қизғалдоқлар қунган пайт,
 Қалдирғочим уяси толғи келти адалмай,
 Бошим узра чарх айла, энди тинмай қушиқ айт,
 Дилим бўлсин ошнингн уавертин айланг.
 Сен мухаббат, мен вафо, қолсин қунгул бойланиб.

Уяун оппоқ киш келти, қорли кунлар беадо,
 Энди кузлар фиқоқта, қалдирғочча алавиго,
 Бирон тилин соғиндим, қалбимдан яқар нитго,
 Оқушлар қанотидай қорлар ёғар айланг.
 Эрка қушнингн иули берк, қолди қалбим бойланиб.

Канотида қувончим олиб келди, не илож,
 Ошенини тарк айлаб, уяиб келди қалдирғоч,
 Осмонларда чарх уяиб, қуяиб келди қалдирғоч,
 Кетар экан бошимдан уяди эркин айланг.
 Кейин бирдан нуқотдим, қузим қолди бойланиб.

* * *

Ешлик утди, умр утар, утар қуз,
 Мен ушаман, сен ушасан — ширин суз,
 Бахтиёрман, бахтиёрсан ёруз юз,
 Мен етишдим, сен етишдинг, етишдик!

Гоҳ қуз ёши, гоҳ ёмиғра юз ювдик,
 Гарчи армон даштларга қувилдик,
 Лекин вафо садафидан дур тердик,
 Мен етишдим, сен етишдинг, етишдик!

Бошлар уяиб кетдик тоғу тошларга,
 Шайдоликда ботиб юрдик ташларга,
 Лек илож йук, дилини юяиб ташларга,
 Мен етишдим, сен етишдинг, етишдик!

Жуфт қанотни қайирмоқ ҳам бўлилар,
 Жонни-жондан айирмоқ ҳам бўлилар,
 Юракларни дорга тортоқ бўлилар,
 Мен етишдим, сен етишдинг, етишдик!

Ўмидимга атир сояиб келган, қиз,
 Гуллодадек хандон отиб келган, қиз,
 Армонларда, фиқоқларда ёнган, қиз,
 Мен етишдим, сен етишдинг, етишдик!

Мен дарवेशу, сен дарवेशа бўлгандинг,
 Нақш олмага қуйининг туяиб тулгандинг,
 Гушандаги сада гулдек қулгандинг,
 Мен етишдим, сен етишдинг, етишдик!

* * *

Узлага айламоқ ҳаётбахш қудрат,
 Узгани суямоқ катта бир бахтиёр.

Эзгүлүк дегени — брүгүлүк, албат,
Халкыниңга мухаббат улуғ максатдир.

Ягона тиланиңг булса эзгүлүк,
Кулингда бор булса ягона никон.
Ирдобларда калкиб турса ооздүлүк,
Биргина үз жонин уйларми инсон?!

Туфонда кетаркан жондан азияниңг,
Ирдобга шитоб-ла ташланар экан,
Оламзот шу лахза уйларми үзин,
Угани суямоқ умидин кылган.

* * *

Күш — чарх. Олов чарх булиб айланар,
Толмайди. Тинмайди момо куллар,
Хар катим итали — атои гавхар,
Атои гавхардир умр нуллари...


Нилохи паршон... оқ сочли момо,
Кулидан тушмайди шу күхна чархи,
Чарх билан баробар айланар дуня,
Умри санайди хар лахза чархи.

Умр деган момо бир чарх иңира,
Дакикалар булиб увар парлари,
Дакикалар булиб сочилатди зар —
Терван териб олар умр зарларин.
Олов — чарх айланар момо кулида,
Бу чархтан кун буий нуллар тухилар —
Итаклар тухилар само йулида.

* * *

ШАРБОДА УФРИН ЭЛАР ЭЛАКДАН

Шифрат Оттабек





Дилофом Салоҳий

НАВОИЙ НАСРИДА ИСЛОМ ЗУҲУРИ

Ҳазрати Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг назмларидаги ҳамд ва наътлар асарнинг диний либосини яққол намоён этиб турса, насрларида бу нарсга узгача бир куринишда акс этади. Улуғ мутафаккирнинг маърифий мазмундаги насрий асарлари заминида Ислом илми тарғиб этган ҳикматлар ва улар борасидаги шоирнинг фалсафий мушоҳадалари етади.

Ҳазрати Алишер Навоий, замондошлари каби, адолатни, ҳалолликни, юксак ахлоқни ҳимоя қиладилар. «Маҳбуб ул-қулуб», «Насойим ул-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Муножот» каби маърифий асарларида шахснинг комил инсон сифатида шаклланиши учун қай тарзда тўғри фикр юритиши, нималардан узини тийиши ва қандай инсоний фазилатларга интилиши кераклигини юксак бадий маҳорат билан тасвирлаб берадилар. Азиз-авлиёлар ҳақида битилган «Насойим ул-муҳаббат» асарида Ислом дини тарғиб этган барча олий сифатлар — поклик, садоқат, саховат, хилм, шафқат, тавозуъ, собирлик, ватанпарварлик каби инсоний фазилатлар васф этилади. Чунончи, ахлоқ-одоб бобида энг олий мақомларга эришган шайхлар ҳаётдан ибратли ҳикоялар келтирилади. Ҳазрат таъкидлаганларидек, бу тоифа аҳли (яъни, суфий шайхлар) тариқат одобини маҳкам тутадилар. У қандай одоб экан?

Ҳазрати Навоий эсадилар: «Ул адабдурки, яхши ва ямон ва улуғ ва кичикка бажо келтирурлар. Андоқки, барча халойиқдан узларин кичик ва камроқ тугарлар ва барчага хизмат ҳузурда булурлар. Ҳаттоки, уз фарзандларига ва ходим ва мамлукларигакам, ҳар неча алардин беқондалиг кўрсалар, ҳушунат била аларга сўз демаслар, балки насихатни юмшоғ ва чучуқ тил била қилурлар, ҳаттоки утригача».

Шундан сўнг Ҳазрат бир ҳикоят битадилар. Бу воқеий ҳикоят чуқур маърифий аҳамиятга эга булганлиги сабабли уни тулиқ келтирамиз.

«Манқулдурки, Ҳазрати Хожа Абул Вафои Хоразмий... бир равзан ёруғлигида ултуруб, мутолаа қилурлар эмиш. Бир угри андиб, уларнинг дасторларин сирмабдур. Алар узлари тарафидин тутубтурлар ва угри изтириб била тортар эмиш ва дер эмишларки: «Ҳей, валлоҳ, эски ва йиртуқдур. Сизнинг ҳеч ишингизга ярамас». Бу сўзни мукаррар қилибтурлар. Угрига асар қилмай тортор эмиш. Хожа ожиз булгондин сунгра дасторни қуябориб, демишларки «Сизга ҳар неча айттуқ, инонмадингиз, очқанингизда кургунгуздур». Угри нарироғ борғач, очиб курса, Хожа дегондек, бағоят эски ва пора куриб, ташлабтур. Хожа билибки, курғач ташлагусидир, кейинича бориб дасторни олмишлар ва бошларига чирмарда уз-узлари

била дер эрмишларки: «Ҳар неча айтгукки, ярамас, инонмаслар, узлари курмагунча ташламадилар».

Ҳазрати Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да ҳам «Одобли инсон барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гузалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одоб кишилар тарафидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини беркитади ва одамни ҳазил-мазаҳдан, камситишдан сақлайди», дея таълим берадилар ва одоб ҳар бир инсонда булиши шарт деб ҳисоблайдилар.

Ислоҳ дини пайдо бўлгандан бошлаб уни чуқур урганган кўп мутафаккирлар ахлоқ масалалари билан шуғулланишни узларининг бурчлари ҳисоблаганлар. Бунга уларни Қуръони Карим даъват этган. Чунончи, Ҳазрати Навоийнинг шогирдлари Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳирот мадрасаларида талабаларга кўп вақт таълим-тарбия берган. Шу билан бирга, бутун Хуросон вилоятида ахлоқ-одобдан ваъз айтган. У узининг «Ахлоқи муҳсийний», «Рисолаи Ҳотамиа», «Анвори Суҳайлий», «Ахлоқи карим» ва бошқа асарларида одоб-ахлоқ ҳақидаги исломий таълимотни илгари суради.

Қуръони Каримда мусулмоннинг мусулмонлиги унинг рангидан билинади, деган маънодаги оят бор. Тафсиричи уламоларнинг езишларича, «Мусулмоннинг ранги» деганда унинг ахлоқ-одоби тушунилар экан. Яъни, Исломи қабул қилган киши бошқа инсонлардан аввало узининг ҳалим хулқи, қомил ахлоқи билан ажралиб туриши зарур экан.

Одоб-ахлоқ борасидаги оятлар мусулмонларнинг муқаддас илоҳий китобларида фаровондир. Жумладан, Қуръони Каримнинг Фурқон сураси 63-оятда: «Раҳмоннинг (суоқли) бандлари ерда тавозуъ билан юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) хитоблар қилган вақтида ҳам «Омон булинглар», деб жавоб қиладиган кишилардир», дейилган.¹

Ёки Фуссилат сурасининг 34-оятда баён қилинишича: «Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) гузал сузлар билан дафъ қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан урталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содиқ дўст каби булиб қолур».²

Урта Осиёда ахлоқий тафаккур тараққиётининг Навоийгача бўлган намояндalarидан бўлмиш «илми калом алломаларидан, мусулмонлар эътиқодини тузатувчиси»³ Абу Наср Форобий узининг «Фозил шаҳар адллари-нинг фикрлари» рисоласида, яхшиликни қўлга киритиш ҳар бир инсоннинг донолигига, ақллилик даражасига боғлиқдир, дейди. Форобий виждонли, гурурли, олижаноб, илм-маърифатга интилувчи, адолатпарвар, одил, оқил, ҳаёли кишиларни ахлоқли деб тушунади. Унинг бу қарашлари кўп жиҳатдан Ҳазрати Навоий фикрларига ҳамоҳангдир. Ҳазрат «Маҳбуб ул-қулуб»нинг мана шу каби олий инсоний фазилатларга бағишланган бўлимларида ва бир қатор «Танбеҳ»ларида ибратли фикрлар баён қиладиларки, бу фикрлар ҳозирги замонда мақолларга айланиб кетгандир. Чунончи:

«Мазлумга яхшилик курсат, тоқи золимдан тинчлик кургайсен»;

«Ақлли душманлашишдан қочар ва келишиш учун уйғунлик эшигини очар»;

«Адабдан муҳаббатга безак ва пардоз етади, адаб таркидан дўстликнинг равнақ ва баҳоси кетади»;

«Адаб ва тавозуъ дўстлик кузгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик еткази» ва ҳ. к.

Алишер Навоийнинг ижодий мероси гузал одоб-ахлоқ кузгуси, баёнчилик санъатининг юксак намунасидир. «Насойим ул-муҳаббат» асариде Ҳазрат узлари шаҳсан танимаган ёки узларидан анча олдин яшаб ўтган шайхлар ҳақида ёзганда «...Хуросоннинг шайхуш-шуоҳи эрди»; «...ўз замонининг кутуби эрди»; «...машойхнинг ақобиридиндур»; ва ҳ. к. ифодаларни иш-

1. «Қуръон Карим». Тошкент, «Чулпон». 1992 й. 216-бет.

2. «Қуръони Карим». Уша нашр. 354-бет.

3. Абу Исо Термизий. «Саҳиҳи Термизий». Тошкент, Ғ. Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриети. 1993 йил. 5-бет.

латганлар. Аммо баланд мавқеъдаги машҳур шайхлар ۋ уларининг пиру устозлари таърифидан суз борса, уларни «алар», «мавлоно» деб сизлаб улуғлаганлар. Масалан, туркий шайхлардан Занги ота ҳақида Ҳазрат шундай ʼзадилар: «Туркистон машоихидиндур ва куп машоихи суҳбат ва хизматига етиб ва турк улусида машохиридидур. Анинг бобида ҳам куп сузлар манқулдир».

Уларининг маънавий пирлари ва устозлари Хожа Убайдуллоҳга (Хожа Аҳрори Валийга) бағишланган булимда эса, Ҳазрати Навоий баънининг «сиз» кўринишини қўлайдилар: «...Ҳазрати маҳдуми нурунким, алар васфида бу навъ нуқта сурубтурлар, аларнинг маорифидин баъзи суз келтуррубтурлар чун суз бағоят дақиқ бийик эрди ва бу бевизоатнинг фаҳми ва идроки андин қосир». Еки: «Аларнинг еши туқсондин олти ой уксук эрди. Секкиз юз туқсон тўртда дунёдин уттилар» ва ҳ. к.

Алишер Навоий қозиблик, мунофиқлик каби иллатларнинг ижтимоий ҳаётда нақадар муҳдиш оқибатларга сабаб бўлишини ифодалаб, кескин қоралайдилар. Қуръони Каримда елгончи, мунофиқлар ҳақидаги оятлар, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг: «Қозиб менинг умматимдан эмас», каби ҳадисларида ифодаланган фикрлар Алишер Навоийнинг бадий асарларида гузал ташбеҳлар, муболагалар, бетакрор лавҳалар воситасида акс этади.

«Насойим ул-муҳаббат»да қозибликдан қўрққан бир шайх ҳақида ҳикоя келтирилади.

Шайх Рузбехон Бақлий Маккада яшарди ва кўнглида Оллоҳ ишқи муқаррар эди. Ногоҳ бир муганния муҳаббатига мубтало бўлди ва бу элдан маҳфий эди. Шайх Оллоҳдан узгага муҳаббат қўганини элдан пинҳон тутишни истамади У «Ҳарам мавлоийхи қонига борди ва хирқани бошидан тортиб, алар қонига ташлади ва дедиким: «Тиламасменки, уз ҳолимда қозиб бўлмаймен». Ва муганния мулозаматини лозим тутди ва чун шайхнинг ишқу ҳолу муҳаббатини муганния билди, мутаассир бўлиб, билдики, авлиё ақобиридин, шайх Ҳайида тавба қилди ва мулозим бўлди ва шайхнинг ул туғени муҳаббати таскин топди ва машоих мажлисира бориб, хирқасини олиб, яна эғнига ояди...»¹

Ислоҳ оламида мусулмон уламолари томонидан Қуръони Каримдан кейин олти эътиборли китоблардан бири деб эътироф этилган Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» китобида келтирилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларига насиҳат қилиб, шундай деган эканлар: «Ростғўйликни маҳкам ушланг, чунки ростғўйлик эзгуликка олиб боради, эзгулик эса, жаннатга олиб боради. Киши рост сузлаб ва ростни қидириб юрса, Оллоҳ ҳузурини сиддиқлардан деб эътилади...»²

Яна бир ҳадисда: «Агар банда елгон сузласа, унинг бадбуй хидидан фаришталар бир мил масофага қочади»³, дейилган.

Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобалари ва аҳли аёлларининг гувоҳлик беришларича, ҳулқда энг яхши инсон бўлганлар. Имоми Термизийнинг яна бир машҳур асари «Шамойили Набавийда» бу ҳақда жуда куп саҳиҳ маълумотлар берилган. Ростғўй, ишончли, ваъдасига вафодор бўлганликлари сабабли Пайгамбар алайҳиссаломнинг номларидан бири «ал-Амин» (ишончли) бўлган.

Алишер Навоий башарнинг бу покиза фарзандига бўлган самийий муҳаббатларини уларининг назмий асарларидаги наътларда теран ифодалайдилар. Ҳазратнинг Набий алайҳиссаломга бўлган эътиқодлари шу даражада кучлики, бир уринда Пайгамбар эшиқларидаги итларга ҳавас билан қараб, уларининг бундай бахтдан бенасіб эканликларидан афсусланадилар:

1. Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат». Тошкент, 1968 йил. 100-бет.

2. Абу Исо Термизий. «Саҳиҳи Термизий». Тошкент, 1993 й. 51-бет.

3. Шу китоб, 51-бет.

Итларинг махсусу маҳзундур, Навоий,
кошки,
Булса бу маҳрум ҳам ул зумран
маҳрам аро.

Албатта, бу эътиқод шоир қалбида тасодифан шаклланмаган ёки вақтинчалик ҳавас эмас.

Алишер Навоий Ислому динининг умумбашарий, фақат эъгуликка ундовчи боқий илм эканлигини, унинг биринчи тарғиботчиси Муҳаммад алайҳиссалом эса, инсоният тарихидаги энг комил шахс эканликларини даҳо мутафаккир сифатида қалбан тан оладилар ва бутун ижодларида у зотнинг оташнафас куйчисига айланадилар.

Ислому маънавиятининг энг зарурий олий сифатларидан бўлмиш вафо ва ҳаё зикрида Алишер Навоий насриётида гузал ташбеҳларга бой боблар, ҳикоятлар, ҳаётий-воқеий мисоллар кенг урин эгаллайди. «Вафо шундай севиқлидирки, яратилиши пок, пок кунгидан бошқага ромлиги ва улфатчилиги йўқ. Шундай истакдирки, зоти покиза, покиза табиатлидан бошқага майл ва рағбати йўқ», деб ёзадилар шоир «Маҳбуб ул-қулуб» да.

«Насойим ул-муҳаббат»нинг Абу Ҳомид Дустон исмли суфий шайхга бағишланган бўлимида бу авлиеннинг ваъдага вафо бобида барча замонлар ва турли эллар учун намуна бўлгулик фазилати бир ҳаётий воқеа мисолида васф этилади:

«Бир кун бир рафиқ била бир йўлда борур эрди. Рафиқи айтди: «Сен мунда тур. Менинг бу яқинда жузвий ишим бор. Келурмен». Борди ва келмади. Ул ҳамул ерда турди. Кеча азим қор ёғди. Тонгласи келди. Курдиким, ул қор остида тебранадур. Қорни оритти ва деди: «Сен хануз мундасен?» Ул дедики: «Сен деманингмуки, тур, мен келурмен. Дустлар дустлар вафосин асрагайлар!»¹

Ҳазрати Алишер Навоий вафони дурри саминга қиёс қиладилар, уни инсоният тожнининг зийнати ва оташин гавҳардирки, одамийлик бошига тождир, дейдилар.

Буюк мутафаккир вафо билан ҳаёни туғридан-туғри иймонга, иймонни эса, одамийликка боғлайдилар. «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ — андин одамийлик келмак имкони йўқ».

Демак, иймонсиз инсон Оллоҳ томонидан яратилган бир жонзотдир, холос. Ундан одамийлик кутиш бефойда.

Айнан шу тарзда Алишер Навоий Ислому арконларини уз жамиятларида кенг тарғиб қиладилар. Зеро, мусулмон кишининг асосий фазилати унинг иймони бўлигидир. Номусулмон бедиянат зотнинг интилувчи мақоми йўқ, борар манзили номъалум. Бу эса, инсонлик жамияти учун энг қурқинчи офатдир. Ҳазрати Алишер Навоий узларининг «насрий шеър»² деса ҳам буладиган дуо асарлари «Муножот»да бундай ноасл, бедиянат халқ суҳбатидан йироқ қилишини Оллоҳдан сураб илтижо қиладилар: «Илоҳи! Баслар мазаллатидин (хор-зорлигидин) асра ва бедиянатлар тухматидин асра...»

Урта аср насрининг ажойиб намунаси бўлмиш бадийи баракамол бу асарда ҳазрати Навоийнинг диний дунёқарашлари энг дақиқ ва мукамал ифодасини дорғандир. Қатор илтижоларида улуг шоир Ислому дини манъ этган идлатлардан эмийн қилишини Оллоҳдан утинадилар:

«Илоҳи! Беилж дарда алил (гирифтор) қилма ва бемуруват номарга залил (паст, муҳтож) қилма».

Муқаддас Қуръони Карим хайр-эҳсон хусусида чуқур таълим ва қур-сатмалар беради. Сахий ва муруватли булишлик мусулмонга хос фазилат-

1. «Насойим ул-муҳаббат», 105-бет.

2. Валихужаев Б. Н. «Муножотдаги бадийи санъаткорлик». Мерос. 1994 йил, 3-бет. 2—3-сонлар.

дир. Лекин эҳсонни қай тарзда ва кимларга қилмоқ керак? «Эй муминлар, касб қилиб толган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилингиз! Эҳсон қилиш учун улардан узингиз фақат куз юмиб туриб оладиган — паст, нопокларини танламангиз! Ва билингизки, албатта, Оллоҳ беҳожат ва ҳамду санога лойиқ зотдир» (Бақара сураси, 267-бет).

Бундай илоҳий курсатмалар Алишер Навоий ижодининг жавҳарини ташкил этади. Қуръони Карим таълимоти ила яқдиллик ва уйғунлик барча асарларида етук бадний маҳорат билан акс этади. «Битта утмақид (нонни) икки бўлиб, ярмини бир очга берганни сахий де; узи емай барини муҳтожга берганни ахий (дуст) де», деб ёздилар Ҳазрат «Маҳбуб ул-қулуб»да.

Саховат ва ҳиммат бобида, қарам ва футувват тариқида қалам тебратар эканлар, бу олий инсоний хислатлар нақадар баланд мақомли, гузал ва хуш бўлса, Ҳазрат улар таърифи ва таълиқида ҳам шу қадар хуш ва гузал ташбиҳлар, муболагадар қиладилар:

«Саҳосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била улиб қуруғон кашафга (тошбақа) не эътибор... Сахий булутдур — иши хирман, балки маҳзан бермак, бахил мурдур — даъби хуша, балки доно термак» (бахил чумолидир — одати дон ва машоқ термоқ).

Хайру саховат бобида «Насойим ул-муҳаббат»да ибратли ҳикоятлар кўп келтирилади. Жумладан, Абдурахим Истахарийга бағишланган бўлимда шундай ҳикоя зикр этилган: «Анга отасидин йигирма минг дирам мерос қолди. Аммо эл зиммасида эрди ва ун мингни элга кечди ва ун мингни олди. Кеча тонг откунча ул ваҳж ани гоҳо савдо хаёлига, гоҳи зироат хаёлига паришон қилиб эрдиким, саҳар қушуб ул ваҳждарни овуч-овуч қушнилари уйга сочди. Кундуз ул элга хаёл буддиким, гўё ермоқ ёғибтур. Ул тубрани силкети, ярим дирам қолиб эрди, тушти, асҳобиға дедиким: ишорат сизгаким, нон ва боқло будди. Эл дедилар: «Бу девонани қурунг. Ун минг дирамни сочиб, ярим дирам учун шодлик қилур».

Қуръони Каримда такрор-такрор эслатилган, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларида «Узинг севган нарсангдан эҳсон қил», дея таъкидланган. илоҳий курсатмалар Ҳазрати Алишер Навоий насрий ижодларида мана шу тарзда намоён булади, маърифат истовчиларга тортиқ этилади, тарғиб қилинади.

Муқадас Илоҳий китобдаги инсонпарварлик ва инсон қадр-қимматини улуғлаш, поклик ва эзгулик инсоний фазилатларнинг шарафланиши Алишер Навоий ижоди учун илҳом манбаи булганлиги маълум. Шу сабабдан, улуг мутафаккир яратган барча назмий ва насрий асарлар бевосита илоҳиятга алоқадор асарлардир. Зеро, таниқли навоийшунос олим Р. Воҳидов таъкидлаганидек: «Алишер Навоий ва илоҳият эгизак тушунчалар, уларни айрим-айрим талқин қилиш гуноҳдир».¹

Исломи реаксион деб ёзган «илмий» китоблар Қуръон оятлари сонидан ҳам куп бўлса керак. Ваҳоланки, Ислому энг халқпарвар, энг байналмидал диндир. У зурвонлик дини эмас. Шунинг учун ҳам жаҳоний шухратга эга ижодкорлар уз мусаннифотлари учун уни чин юракдан гоъвий таянч қилиб олганлар. Демак, бу масалани еритишга энди киришилмоқда. Ҳар бир лафзида ислмоий тафаккур дурдоналари булган улуг Ҳазрати Алишер Навоийнинг маърифий насрий асарлари халқимизнинг маънавий хазинасига қушилган ноиб ва бетимсол бойлиқдирки, уни «мавриди кедган» бутунги кунларда холисона тадқиқ этишнинг савоби каттадир.

¹ Воҳидов Р. «Алишер Навоий ва илоҳият». Бухоро. «Бухоро» нашрияти. 1994 йил, 141-бет.



СОҒИНЧДАН ЮРАККА СИРҒАЛАР ТАҚИБ

Абдул Азиз,
Тошкент Давлат
дорилфунуни толиби

Осмон кучоғидан учоқлар қайтди,
Ердан кукка ҳижрат қилди мрамор муз.
Ҳатто тун чирогини судраган пайтда,
Ўтиндим: Биз қачон қайтамыз?!

Бисотим хаёллар, ҳилолдай тутқун,
Насибам — самога сочилган юлдуз.
Майса май — шабнамни қуёшга тутди,
Ўтиндим: Биз ўзи қайдамыз?!

Гардуннинг гардани гуноҳга лим-лим,
Паймонам тула ғам, андуҳим тукис.
Дардисар дардларим тилсам, тил-сим-сим,
Хўрсиндим: Кимгаям айтамыз?!

...Бухтон — сифинганим соҳир санамга,
Сомондай сарғайиб қолганим миш-миш.
Ёнганларим ёлғон, айтинг онамга,
Фақат... Мени ёмон кўриб қолди Хуш.

Тун.

*Нимта ой.
Чилпарчин кўнгул.
Ойюзлигим, элас-элас
ой юзингни эсладим...*

Юзарида пардан ибo,
 Нигоҳга тушмас нигоҳим,
 Яшнаб гураб герамда, аммо,
 Соғинаман уларни гоҳи,
 Катларига китгани яшил,
 Кафтларига юракнинг расми,
 Келинчакдай эрилган боши,
 Улар қайси мардларнинг хасми?!

Бир-бир пазм солинг уларга,
 Ўлов-лов ёнар озиққан диллар.

* * * *

Сеннинг нигоҳларинг эмасдан ханжар,
 Тиз бўлиб, чуғ бўлиб ботмайдиган,
 Юракни этмайдиган парчаю парча
 Ва шундоқ тугказиб қуймайдиган қўлга,
 Ошиқлар охлари — маҳзунга еллар,
 Зорли қушиқ айтиб билмаслар тиним,
 Нендидир пичирлаб титрайди гуллар,
 Улар-да билмайдиган исмининг сеннинг,
 Баридир гузалсан!

Сен мағлак эмассан яраган нурдан,
 Шаффоф хавёларнинг юрмагай ушиб,
 Қулсанг — гул, нигласанг соғилмас дурлар,
 На севиб бўлади, на бўтқул кеңиб.

* * * *

Чиройлисиз чиройилардан,
 Баҳор ҳўки сураган тамларда,
 Соғланнингиз юракка неғам,
 Ки, дил азиз айлар ғамларни,
 Табассумлар кетар бирлашиб,
 Жилмансангиз, сиз ҳам хаволаар,
 Нигоҳингиз билан тиллашиб
 Эвавбар қўқдан наволаар,
 Бахтиёрдир бунчалар баҳор,
 Изингизни гулга қўмадир,
 Менинг эса ултириб зор-зор
 Ниглагим келпти, неғадир?!

* * *

Уини туш, тўхтама, сен хурсан, хурсан,
 Нобсан бир марта қурилган тўшдан,
 Энг дўғ хавёдай қилурсан жилва,
 Яшагин бир ўмр осмондан тушмай...

Дунё кичирайди, юрак каттарди,
 Юракда бир дунё бўлади пайдо,
 Шаффоф осмонда олоқ каттардай
 Рақс этдинг, дил анга бўлди шайдо.
 Нарх уриб рақс этдинг, изларинг ёқин,
 Ё сенинг вужудинг нурлиминдир?
 Томирда хисларим юрлик туқин,
 Айт, севмай бўлурми хурликни, де?

* * *

Тошкент Давлат муаллимлар
 олийгоҳи толибди
 Хасан Сафронди,



Емгирганим!..
 Шабнамларга овулгандай оравертим...
 Соҳаримга соя солган саҳарларда,
 Туман тўла оқунда ман нима қўйдим?
 Номард дунё кўзаримга топтин парда,
 Ёнас-элас эслаб олиб шўхлигингни,
 Хазондаман хокисорроқ — тўпроқ бўлдим,
 Емгир бўлиб йўқаматинг нўқсийингни.
 Саҳарларда ювмоқ бўлди шабнам гоҳи.
 Ўлзулгим, маним туман гуноҳингни,
 Бўйлай-бўйлай белга етди осмон тоқи,
 Ўлларингга никоҳладим нигоҳинни,

* * *

Ярим тун,
 Чўккан дил,
 Ушатилган ой
 Оқлаган кеча,
 Оқсоқ ой ётоққа кетар,
 Қўнгул тараблар,
 Уйқуси учан пард юлдуздек уяр,
 Тун...лар, тунлар...
 Ой...лар, ойлар...
 Қун...гул, қунгулар...
 Ютиндим...
 (балки онанг сийдирган патир,
 балки онам илинган қўлча).

Тўлар сийҳатдан саҳар саҳфа,
 Ғаиратини сим-сим тўқилди дилим,
 Ғаиратдан шамол жонингир сенинг,
 Ҳазон — жоним улса, котилим — самум.

* * *

Тиловатда сарғар яшил забонлар,
 Дарахтлар тўроҳдир — азалий конун,
 Улим узлатланишмас, унлутиш демак,
 Юракдан юксақилга борати руҳим...

Ҳазонлар кузакнинг бир қатрасидек,
 Ғадонинг қузлари тўлғаниб оқар,
 Муғанний қуйида чикаётган дуда, —
 Сандувоч қўқсига сингар юратим.

Заминни сипқориб кетар самумлар,
 Самолар саҳфида сарғайиш сармаст,
 Ниранг нигоҳининг баҳридан кечиб,
 Самовотга тўлашиб кетар нафасим...

Бўғимда тамшанар фараҳбахш руҳим,
 Мовий саҳар узра титранди сун,
 Чулғонинг-да, қўшиқ айтганда сабо,
 Дунларга кетим... келар ёйилиб.

* * *

Ногоҳ қўл-оғдан айрилидим, тиндим,
 Бошим ташлаб кетди, нигоҳлар соқов,
 Юрагимни маввода қолдирган куним,
 Дилим содиқ қолди, дилгинам дилгир.

У кун ёдингдами, хилюлий товўш,
 Ғалак моҳ ортидан боқарди интизм?
 Ғардишда осмон йўқ, пой эса бум-бўш,
 Яшадим, кузингда — дунё бир сиким.

Тўлар куз очади тўннинг қуйнида,
 Шохда юратим бўзайди тўзиб,
 Бу оғир ва ёнги дардининг заотида,
 Сокин яшайверар барғимда хижрон.

Хилюлий харамдан сирғалган товўш,
 Қўқсига сочиниб кетар ифори,
 Ифори сочинган, сочлари тўзин,
 Оҳангдан ёйилиб кетар юраги.

* * *

Тошкент Давлат дорифунуни толибаси

Ф. Ибрагимов

Эрхэ гүнхөхминни гүлгэ егдирдэм,
Төлбө нигөхөхминни нүлгэ егдирдэм,
Рухминни каргалган елгэ егдирдэм,
Сизни дөб, сүлүвим, сизни дөб, гүлим!
Гүллар самандарга айланниб кетди,
Нүллар каландарга айланниб кетди,
Еллар сүманбарга айланниб кетди,
Сизни дөб, сүлүвим, сизни дөб, гүлим!
Бүлүтлар сүв сүрөб келди күзимдан,
Гамлар таниб олдн өлгиз изимдан,
Сизни сүрөб, саклаб колтим узимдан,
Сизни дөб, сүлүвим, сизни дөб, гүлим!
Энди мөн, авлиге бүлиб қоламан,
Жиссиз бир дүнө бүлиб қоламан,
Мөн покман, поккиктан үлиб қоламан,
Сизни дөб, сүлүвим, сизни дөб, гүлим!

* * *

Ойни тошкосоца ээиб ичаман,
Шамолни кайчиглаб куйлак бичаман,
Гүнох! Гүнохингдан кечаман,
Бир күни...
Мусяча очликдан ейдн чакмоктош,
Изимга юмалар сүккэбөш күйш,
Лайлига ялмогиз бүлэди күндөш,
Бир күни...
Түрөк тобут билан ийглаб күйшар,
Күллар оби хайт тогнөб ийшар,
Замину осмонлар туйнөб үлшар,
Бир күни...

Бир күни...

* * *

Бухоро давлат дорилфунунни толиби
Шайхониддин Рафиев,

Ухшаб турап мусималарга —
Севит үчүн яралган гүллар.

О, дунёлар сендан тиландим,
Шамол берган шамол комимни.
Битта юрак кашф эт кўксимга,
Лабларимга қўндир жонимни.

Йилларни орқалаб учади оқ тонг,
Юлдуз бўлолмадим фалакларингта.
Дарёлар тўлдириб оқди узанин. —
Кўксим тўлиб оқди юракларингта...

* * *

Шамол шафқимизнинг шаштида синиб,
Машриққа маҳбубдай жунади шамс.
Сиз сори олислаб борган Мағрибда,
Ботир бораяпман сизни соғиниб.

Гулларнинг чокида риштами — соғинч.
Соғинчми — оловнинг она бошиси?!
Кўнглум осмон бўлди, бағрингиз замин,
Гардиш эса лиммо-лим, тўлди охири...



Ҳамшид Ҳақбердиев,
Тошкент Давлат муаллимлар
олийгоҳи толиби

* * *

Мажнун тол оҳиста сочин тарайди,
Оппоқ кеча. Ҳилол-кўзгуга боқиб.
Бир гузал йўлимга илҳақ қарайди,
Соғинчдан юракка сирғалар тақиб.

Оппоқ кеча. Менинг оппоқ оҳимни
Келинчак сукунат туғади инграб.
Соғиниб қоламан кўнгул моҳимни,
Сухандон юлдуздан эртақлар тинглаб.

Ҳаёл қўрғур олиб кетар кўп узоқ,
Орзуларим унга чўқадилар тиз.
Кўз олдимга келар тинчгина қишлоқ.
Сув сепиб, ҳовли супураётган қиз.

Севгимни ҳаёлан бир сармаст бўлиб,
Ушал қиз йўлига тизиб чиқаман.
Оппоқ кеча. Бедор. Кўксимни тилиб,
Энг гузал шеъримни ёзиб чиқаман...

Маъюс кўзларинг-ла термулиб узоқ,
Самога, бир маҳзун кўшиқ куйлайсан.
Ўтмишинг йулига қўясан тузоқ,
Балки, сен, шу дамда мени уйлайсан?!

Эски дардлар чиқар йўлингга пешвоз,
Тарк этолмассан ҳаёл салтанатини.
Ўксиниб йиглайсан, чиқармай овоз,
Эслаб, мен телбанинг муҳаббатини.

Балки, мен, шу дамда сарсон тентираб,
Саҳрода бахт излаб юрган бўламан.
Балки, мағрур бошим қабрга тираб,
Дунёи дунидан кетган бўламан.

Барибир эслайсан, қачондир, албат,
Сени бошлар, албат, мен сори бир уй.
Азизам, руҳимни ранжитма фақат,
Ширин табассум-ла: Бахтлиман, деб куй...



Умрбой Устеутиев

ҚИЗИЛ ТУЛКИ

Новелла

Устеуртнинг қумлоқли йўлларида кўзларини ярим юмган кўйи, чайир, ўрта бўйли, хирқироқ товушли бир қария кўп юради. Баъзан у осмон билан ер туташиб кетган олис уфққа узоқ-узоқ тикилиб туради.

Яратилиш қизиқ экан, яшаш ҳам қизиқ. Умр буйи ҳеч нарсадан тап тортмай яшаган давангир инсонни ҳам кексалик ўзига бўйсундиради. Кўзлардан нур кетади, оёқлар қалтирайдиган бўлиб қолади — йўл юришга ярамайди.

Ёшини яшаб, ошини ошаган бояқиш қария эса ҳамон бу дунёга меҳмон эканини буйнига олгиси келмайди. Во дариғ, бу дунё бевафо экан! Умрида кўрпа-тушак қилиб ётиб кўрмаган кампиридан бирпасда айрилиб қолди. Ёлғиз яшаш қийин бўлар экан. Мана, бир йилдирки, нафақат бошқалар, ҳатто ўзи ўзини танимайди гоҳида. Уни ёлғизлик чўктирди.

Ҳамон кампиридан ажралиб қолганига ишонмайди. Худди келинчаклик давридагидек кампири қишлоғига кетгану эрта-индин эшикдан кириб келадигандай — интиқ бўлиб йўл қарайди. Белдан мадор, кўздан нур кетган пайтда кимсасиз дала-туз уртасидаги пастқам қулбада ёлғиз қолганидан ўкинади.

Урушдан қайтган йиллари бир-икки ой шу атрофда овчилик билан машғул бўлди. У пайтларда кимсасиз дала-тузга умрлик меҳри тушиб қолишини ҳали билмасди. Ёгин-сочиндан сақланиш учун омонат қулба тиклади. Омонат деб тиклаган қулбаси ўзи ўйлагандан кўра муқимроқ экан: нортуюлар билан бирга ўсган чупоннинг қизи Ойхонга тақдири боғланди. Ойхон пахсали қора қулбага келин бўлиб тушди. Қулба шип-шийдам эди. Келинчак ҳаммасига кўнди. Қирқ йил бир ёстикқа бош кўйиб яшадилар. Бирор марта сан-манга боришмади. «Қишлоқдан безиб яшашга бизни нима мажбур қилади?» деган саволга иккиси ҳам жўяли жавоб топишолмасди. Дунёни унутиб, дунёни топиб яшардилар. Иккиси бир бўлиб, бир Дунё бўлиб яшардилар.

Тунғич фарзанд туғилди. Умри қисқа экан, чақалоқлик пайти узилди. Норасидани Қашқайўл устидаги Ёрқовоқ мазорига қўйдилар. Тик ёнбағирда жойлашган барҳаво мазорни ўзига мўлжаллаб юрарди. Афсус, насиб қилмади. Қайнотасига Ёрқовоқ

унчалик хуш келмади: «Бу ерда илгари ёнгин бўлган», деди. Ёнгин бўлган жойдан фаришталар қочар эмиш.

Мана, яқинда кампирини ҳам ўша норасиданинг ёнига қўйдилар. Бўсагадан ҳатлаб ташқари чиқилса — бас, ўша қабрлар устида ҳилпираб турган оқ матоларга кўзи тушади. Гуё қошига чорлаётгандай туюлади. Ойхон тушига кирса, тонгда туриб мазорни зиёрат қилади.

— Соғиндингми, Ойхон! Углинг отасини мўридан чақиряптими, Ойхон? — деб то қабрлар тепасига боргунча ўзи билан ўзи сўйлашиб кетарди.

Қабрлар бошига утиб Қуръон тиловат қиларди. Сўнг, кўнгли таскин топиб, қабр бошидан ўт-ўланларни юларди, ён-атрофдан хас-хашакларни териб оларди. Уйга қайтгач, кампирининг қўллари теккан буюмларни бир-бир ушлаб кўрарди, бир-бир ҳидлаб кўрарди. Айниқса, кампирининг охори тўкилган кўйлагини тўйгунча ҳидларди, сўнг кўйлакни юзларига босиб, тўйгунича йиғларди.

Ушанда кампирининг паймонаси тўлганини билдию: «Сен улма, мен уламан, мен!» деб қўлларига ёпишди. Ялиниб-ёлворди. Кампири эса худди келин бўлиб тушган кўнларига каби сирлисирли жилмайиб қўйди, холос. Бир сўз демади. Кампирининг оппоқ сочларини тонг оқаргунча силаб-сийпалаб утирди. Тонг чоғи жони узилди.

Кампири ўлмасдан олти ойлар чамаси илгари бехосият бир туш кўрди: денгиздан кутарилган оғир қора булут шамолда сузиб келиб, кулбасининг устида шаррос ёмғир бўлиб қўйилди. Бўронли сел кулбанинг бир тарафини упириб кетди. Чўчиб уйғонди. Кампири ширингина уйқуда эди. «Энди биримизни олиб кетади», деб қўйди ичида. Лекин тушини кампирига айтмади. Шу пайтгача ўртада ҳеч қандай сир йўқ эди. Аммо, тушини сир сақлади.

Ҳаёт шунақа экан.

Ойхоннинг ой-куни яқин эди. Шуни биларди. Биларди-ю, негадир чўлда изғиб юрган қизил тулкини овлаб келаман, деб уйдан чиқиб кетди. Уч кун йўқ бўлиб кетди. Уч кундан сўнг қайтиб келса, фарзанд туғилган. Умри билан бермаган экан. Ўзи қайтариб олибди. Начора, деди. Тақдир экан, деди. Ойхонни овутиди, ўзини овутиди... Ушанда ҳам кулбанинг ёнгинасидан чўгдай қип-қизил тулки югуриб ўтган эди. Уни кўлга тушириш учун бир ярим кун изидан югуриб юрди. Ахийри кўзига сароб кўринадётганини пайқаб қолди; от жиловини қўйиб юборди. Жонивор уйни топиб келди. Агар жиловини қўйиб юбормаганда нима бўлишини ёлғиз худо билади. Аслида, қизил тулкининг момиқ мўйнасидан хотинига ёқалик, туғилажак фарзандига мўъжазгина телпак тикиб беришни ният қилган эди. Нияти пуч бўлиб чиқди. Уша-ўша кўзига қизил тулки кўринса — бас, дарҳол йўлини ўзгартиради. Ирим қиларди. Сўнг, бир ярим йил давомида қизил тулкидан қўтилдим деб юрди. «Ўққа учраган ёки қопқонга тушган бўлса керак». Хато уйлаган экан.

Қария бу сафар ишни пухта режалаштириб олди.

Қачонлардир, чамаси, урушдан кейинги йиллар эди, биров бешотар милтигини таклиф қилган, қария битта кўйга ўша матоҳни айирбошлаган эди. Пайти келиб қолса иш берар, керак бўлмаса тураверади, деб уйлаган эди. Сиртидан қалин мой суртиб, эски матога ўраб-чирмаб ўрага кўмиб қўйди.

Мана, энди бешотар керак бўлади. «Шумликда донг таратган тулки бўлсанг узингга! Мендан ҳам зур келсанг, майли, тил тортмай улишга розиман! Аммо, яккама-якка ҳисоб-китоб қиламиз!... Норасида фарзандимнинг бошига етдинг, кампиримнинг бошига етдинг! Энди бу дунёда ё сен туришинг керак, ёки мен! Сендан ўчимни олмасам, бу дунёдан армон билан кетаман!»

Қария ростакамига қизил тулкининг изига тушди. Изига тушдим, деб ўйлади. Измига тушаётганини, қизил тулки уни ўз домига тортаётганини ҳаёлига ҳам келтирмади.

Товга элтадиган Қашқайул кулбасининг ёнидан ўтади. Устюртни ўзлаштиргани отланган геологлар юк ортилган машиналари билан ўтавериби, кечаю кундузи оромини йўқотган пайтлар ҳам бўлган. Кейин бу томонларга иши тушиб келган одамлар билан қадрдон бўлиб кетди. Элимга бориб кўшилай деб отланган кезлари ҳам ўшалар қўлига ёпишиб, олиб қолишди. Юртдан бўлак бўлгач, тирикчилик учун ҳамма нарсага кўнасан, кўникасан. Сабаби тирикчилик — чорвачилик, овчилик, деҳқончилик, табибликни ўрганди. Қизилтоғ этагидан игнанинг тешигидек жойдан сирқиб чиқадиган булоқ сувидан шифо излади; чўлдаги гиёҳлардан дори-дармон топди. У пайтлари чўлда парранда-даррандалар ҳам, турли хил илонлар ҳам кўп эди. Геологларга айтсанг кифоя, бир қоп заҳарли илон келтириб беришарди. Эсида, бир гал илоннинг кўзидан тайёрланган дори билан кўёвликка ярамай қолган йигитни даволаган эди. Бояқиш миннатдор бўлиб эшигига соғин сигир боғлаб кетибди. Ҳали-ҳали туғишганлардай борди-келди қилишади.

Кейинги пайтларда бу томонларда геологлар кўринмай қолишди. Излаган маъданларини топишолмади, шекилли.

Чўпон халқи ташқарида юргани билан элда нима гаплар бўлаётганини ҳаммадан яхши билади. Боз устига, бир марта учрашган танишининг авлод-аждодини сураб-суриштириб бирпасда туғишгандек қалин бўлиб олади.

Қария эса кейинги пайтлари бот-бот қизил тулки ишқида ёнадиган бўлди. Шу дарди кўзиган кунлари отига миниб, яқин-йироқларни оралайди. Мана, Қашқайўлига ҳам биров из солиб кетибди. Ҳойнаҳой, юк машинасининг изи бўлса керак. Яқин атрофда юрган бўлса-да, қачон ўтиб кетганини пайқамабди. Шофёр нима учун қариянинг кулбасида кўноқ бўлмади экан? Ахир, бир коса қимиз билан меҳмон қиларди. Ажаб, нега паналаб ўтиб кетди экан? Ё нияти бузуқмикан? Кўрамиз, қачонгача қочиб юрар экансан!.. Қария нотаниш меҳмондан ростакамига ўпқаланди. Одатда, қовун пишиғи даврида бу йўл серқатнов бўлиб қолади. То қора кузга қадар бу йўлларда борти баланд юк машиналари физ-физ қатнайди. Асфальтланган тўғри йўлдан юрсалар ола таёқ ушлаган сохта ДАН ходимлари бир нималарни баҳона қилишиб, отасининг баҳосини сўрайдилар ёки юкнинг ярмини тушириб қоладилар. Яна-тагин: «Биз бартерга ҳам кўнаверамиз», деб ишшайиб туришгани ортиқча бўлади. Чув тушган шофёрлар қариянинг кулбасида ўз саргузаштларини эринмасдан сўйлаб берадилар, хумори босилгунча сўкинадилар. Қария уларни ўзича юпатади.

Кечга томон қуёш юзи қуюқ булут билан қопланиб, ёмғир томчилай бошлади. Уйланиб келаётган қария отни никтади. Олисдан кулбаси ёнида турган ДАН машинасини таниди. Ҳайрон бўлди. Отини бостирмага боғлаб ичкарига кирса, турқи совуқроқ

кимсалар уй турини эгаллаб олишиб, арақ ичиб утиришибди. Қария салом бериб, пойгахга чўкди. Ҳеч ким алик олмади. Анавиларнинг кайфи ошиб қолган, ўзлари билан ўзлари алламбалолар тўғрисида баҳслашмоқда эдилар. Қария бомдодни ўқиш учун қўзғалган пайтда улар бир кунлик ўлжани тақсимлашга киришдилар ва уртада бошланган даҳанаки жанг росмона муштлашувга айланиб кетишига бир баҳя қолди. Қария бомдодни даҳлизда ўқиб кирса, қовунфурушнинг йўл бошловчиси бўлган сариқ йигит Пулат исмли ходимни уйғотаётган эди.

— Узоқ йўлга кетяпмиз. Хужжатларимиз жойида. Лекин, сизларга атаб қўйганимиз бор, — деб бир боғлам юз сўмликни тўшақ устига қўйди. — Аслида, шуни бериб кетиш учун йўлдан қайрилган эдик.

Пулат қизариб кетган қўзларини очди. Пулга нигоҳи тушиб илжайди.

— Худо бераман деса... — Тирсагига суяниб хиёл қаддини кўтарди. Пулни тўппончанинг бўш гилофига жойлади. — Шундай ишлаш керак. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас... Баъзилар қочиб қутуламиз деб ўйлайдилар, кейин пушаймон қиладилар. Қўлга тушгандан кура...

Арақ кайфидан асар ҳам қолмади. Қария ажабланди.

Пулат ўзича сафсатабозлик қилгач, дастурхонда турган яримлаган арақ шишасини қўлига олди. Қултиллайтиб икки пиёлага босим арақ тўлдирди.

— Биздан рухсат. Қани, кўтардик! — деб ходим пиёлани қўлига олди.

Ковунфурушнинг йўл бошловчиси килкиллаб турган пиёлага афтини буриштириб бирпас қараб турдию сўнг қўзларини чирт юмиб, арақни кўтарди. Пиёлани бўшатиб дастурхонга тўнкариб қўйди. Афтидан, ичмайдиган йигитга ухшарди. Лекин... Йигит ўрнинда туриб ташқарига йўналди. Қария ҳам унга эргашди. Юк машинасининг мотори гуриллаб ишлаб турарди. Йигит кабина ойнасидан бошини чиқарди.

— Ота, кечирасиз, аслида, сизни зиёрат қилиб ўтиш ниятида эдик. Кўрмайсизми, анавилар орқамиздан қувиб келишди... Насиб қилса, қайтишда албатта меҳмонингиз бўламиз, — деди йигит товушини бир оз кўтариб.

— Ой бориб, омон қайтгин, болам! — деб қария юзига фотиҳа тортди.

— Куришгунча омон бўлинг, ота!

Машина ўрниндан вазмин қўзғалди.

Ажабо, бу йигитнинг сўзлари бамаъни ҳам сирли. Худди туғишгандай муомала қилади. Истараси иссиқ экан. Наҳот, кимлигини унутган бўлсам?.. Қария қошларини чимирганча машина ортидан хийла вақт тикилиб турди. Илойим, омон-эсон қайтиб келса, оёғининг остига қўй сўяман...

Чошгоҳ пайти Пулат бушашибгина ташқарига чиқди.

— Вой-буй, излар кўпайиб кетибди-ку! — деди у машина изига чирт этказиб тупуриб. — Бобой, биз ухлаб ётган пайтда қовунфурушларнинг ақчасини олиб, оқ фотиҳа бериб юбордингизми дейман? — Икки қўлини шимининг чўнтақларига тикди.

— Тушагимда ётиб, дастурхонимдан туз тотиб... айтган раҳматингми бу?!

— Ҳазил, бобой, ҳазил! Менга қаранг, бизга ишга ўтмайсизми? — Қарияга бошдан-оёқ синовчан разм солди. — Чойчақа

бериб турардик. Иш оғир эмас. Фақат шу йўлдан ўтган-кетган машиналарнинг номерларини ёзиб бериб турсангиз кифоя. У ёғини ўзимизга қўйиб берасиз...

Қария гапириш учун оғиз жуфтлади-ю, лекин гапирмади. Алам билан бош чайқаб қўйди, холос.

— «Ҳаракатда баракат», деган. Узи айтган, — деб Пулат бош бармоғини осмонга ниқтади. — Бекор ётгандан фойда йўқ, бо-бой.

— Соч-соқолим оқарганда иймонимдан айрилайми, бола?! Ҳаммани ўзларингга ўхшаган деб уйлаяпсанми! — Қария турган жойида титраб-қақшади.

— Ҳазил, бобой, ҳазил! — деб Пулат икки қўлини юқори кўтарди.

Қариянинг авзойи бузилганини кўриб, шу тобда ҳазил ҳаром эканини англади, чоғи, шитоб уйга кирди-да, ҳамроҳини уйғо-тиб, машинасига шошилиб ўтирдилару жуфтакни ростладилар.

Қария эшик-деразаларни ланг очиб, хоналарни шамоллатди. Уйдан арақ, тамаки ҳиди анқирди. Ҳатто эшик тутқичига ҳам тамаки ҳиди ўтириб қолганга ўхшарди.

Кечга бориб шамол тинди. Шу оқшом янги ой чиқди. Қария останадан тушиб, янги ойга уч марта салом берди. Осмонда бир тўда булут худди дарёда эриган муз мисоли бултак-бултак бўлиб сузиб борарди. Эти жунжикди. Уйига кириб, пўстинига ўраниб ётди.

Бомдод маҳали уйғонди. Ташқарига чиқди. Ҳовуздаги муздек булоқ сувига бет-қўлини ювди. Таҳорат олди. Кўнгли бир оз ёришди.

Илгари булоқнинг кўзи пиёладай эди. Қайнаб-тошиб чиқарди. Ҳовузга сув тўлиб турарди. Ойхон ҳам бир қултум сув билан ютгудек сўлим келинчак эди. Эҳ, ярим кечагача бир-бирининг висолига тўймасдилар, бир-бирини кучоғидан қўймасдилар. Сўнг иссиқ кўрпадан сирғалиб чиқардилар-да ҳовузга шўнғирдилар. У шох-шаббалар орасида Ойхонни кўриқлаб ўтирарди. Ойхоннинг бадани ой нурида гўё сутга чайилгандай оппоқ кўринарди; айниқса, ҳовучлаб бошидан сув сочаётган кезлари худди сочлари-га юлдузлар кўнган фариштага ўхшарди. Сувдан чиққан сув парисими, тушимми-ўнгимми, деб кўкрагига тупуриб қўярди. Илойим, кўз тегмасин, дерди. Кўзим тегмасин, дерди. Э-э, ўзи-дан ҳам қизғонарди Ойхонни!

Беихтиёр иссиқ кўзёшлари икки юзини кўйдириб томчилай бошлади. Яна Ойхоннинг сочларида юлдузлар жилва қила бошлади. Кафтлари билан мижжаларини артиб олди. Диққат билан разм солса, ўша осмон, ўша ой, ўша юлдузлар, булоқ тарнови-дан жилдираб сув оқяпти. Бари ўша-ўша. Фақат Ойхон йўқ. Ойхон — сароб.

Во дариг, тириклик шунақа экан-да, қувонч билан ғам-ғусса ёнма-ён юрар экан.

Ойхон оппоқ чойшаб ўраниб уйга кириб кетгач, ўзи аста шох-шаббалар орасидан чиқиб келиб ҳовузга тушарди. Муздек сув юрагини ҳаприқтириб юборарди, қони қайнаб кетарди, гайрати жўшар эди... Оёғига калишини илардио билч-билч одимлаганча яна Ойхон томон талпинарди... Сўнг то тонггача ҳовузда бирга-бирга чўмилишарди. Сўнг хориб-толиб чошгоҳга-ча тошдай қотиб ухлардилар. Улар Дунёни унутиб юборишарди. Дунё ҳам уларни унутиб юборган эди гўё.

Энди ўша тотли дамларни соғиниб эслайди. Соғиниб эслаган кунлари Ойхон албатта тушига киради: ой тулган оқшом, ҳовуз, бошидан сув сочаётган сўлим келинчак... Чошгоҳ пайти Ойхон оёқ учида юриб қумғонни ўчоққа қуяр, чой қайнатар, ўзича бир нималарни шивирлар, қиқирлаб кулар эди. Кулар эди-ю, юзларини яширарди.

Рухи уйдан кириб-чиқиб юрибди-ку, деб қария ўзига таскин беради. Суви тортилиб кетганини билса ҳам ўша булоқ кўзини очиб кўяди.

Ойхон бор пайтида ишларим қолиб кетяпти деб баъзан нолирди. Доим шошиб юрарди, кун ўтганини ҳам билмай қоларди. Энди эса кун ўтмайди. Зерикади. Қайси ишга қўл урмасин, бари бир охирига етказмайди — сабри чидамай ташлаб кетади.

Суюқларим шалдираб кексайган пайтимда бир ўзимни хайҳотдек дунёга ташлаб кетинг-а, Ойхон?! Энди кўнгулдаги гапларимни дала-тузга айтаманми? Ким тинглайди? Ким таскин беради?... Мендан кейин нима қиласан деб, нега сурамадинг, Ойхон?! Қандай яшашни нега ўргатиб кетмадинг?... Паймонам тўлиб, уч-тўрт кун тушақда ётиб қолсам, ким мендан рози-розилик сўрайди? Ким оғзимга сув томизади? Сенинг ёнингда тайёр турган лаҳадга ким мени элтиб кўмади?... Тириклайн гўрга кириб ётиб бўлмас экан-ку, Ойхон! Эсингдами, қиш қаттиқ келган йиллари тоғдан озиқ тополмай қолган қашқирлар товдан пастга тушарди, ҳамма ёқда изғиб юрардилар. Энди ўша қашқирларга эм бўлиб кетмаганимга афсусланаман, Ойхон!.. Упкалаяпсан. Тўғри, сендан олдин кетганим билан ер тўйиб қолармиди? Кейин ёлғиз ўзинг бўм-бўш оламда қандай яшардинг? Кимга ялинардинг, кимларга сарғайиб борардинг? Элга қўшилармидинг? Эл сени қабул қилармиди? Эркак бошим билан мен ҳаминқадар кун кўряпман, кўникапман. Бир ҳисобда, олдин кетганинг — сенга курсатилган улуғ марҳамат. Қайгурма, бир амаллаб мен ҳам манзилимга етиб оларман. Ноумид — шайтон, дейдилар.

Завол келтирган ўша қизил тулки яқиндан бери яна пайдо бўлди. Қариянинг кўрслиги тутди, қалбида қасос ўти аланга олди. Тулкида хуним бор, деди. Унинг бошига етмай қўймайман...

Қария хаёлга толди. Бугун бошқа қиладиган иши ҳам йўқ. Ҳар куни битта ишни такрорлайди: дастлаб, қизил тулки юрадиган йўлларга тузоқ қўяди, сўнг бешотар милтигини обдан текшириб кўради. Иккита ўқи бор. Бирини ўша тулкига атаган, иккинчиси кимга аталганини ўзи ҳам билмайди. «Боши янчилиб ётганини курсам, армоним қолмасди... Терисини шилиб олардим», деб ўйлайди. Қариянинг бу дунёда бошқа армони йўқ эди.

Қизил тулки эса анойи эмас. Тулки шумлигини қўймайди. У қарияга панд бермоқчи бўлади.

Қария армони ушалмасдан ўлиб қолишдан кўрқади. Худо курсатмасин-у, шундай кун бошига тушса борми, Пулатга ўхшаган ҳаромхўрлар жасадни тепиб кўриб: «Қанча мол-дунёси қолди экан?» деб уйни ағдар-тунтар қилишдан ҳам тоймайдилар.

Битта ўғли бор эди. Чала туғилди. Балоғатга етгач, лўлиларга эргашиб дом-дараксиз кетди. Қайтмади. Чол-кампирдан хабар олмади. Онасининг ўлганини ҳам эшитмади, чоғи. Эҳтимол, онаси борлигини бутунлай унутиб юборгандир. Қария ҳам уни унутди.

Кампири оламдан ўтганини эшитишиб, дастурхондан туз тотган шофёрлар бирин-кетин кўнгил сўраб келишди. Бояқиш

шофёрлар олис сафарга отлансалар ул-булдан кумаклашиб тура-дилар. Чол-кампирга кўп нарса керак эмасди. Битта жонига эса деярли ҳеч нарса керак эмас.

Қариянинг бирдан-бир нияти — тулкидан қасдини олиш. Ҳисоблаб курса, уша тулки билан йули кесилганига йигирма йилдан ошибди. Камёб учрайдиган қизил тулки шу пайтгача не-не тузоқларга, не-не мерганларнинг ўқиға чап бериб юрганига қариянинг ақли бовар қилмайди. Шу пайтгача уша тулкининг изидан юрибдими ёки ҳозиргиси қизил тулкининг авлодими, қария учун у ҳам бир жумбоқ.

Эшак ўлдирар кун кўринса-да, аёз бор.

Қариянинг кўзи илинди. Деразадан соя кўринди. Хонага шарпа тушгандай бўлди. Кўзини очса, қўл чўзса етадиган жойда уша қизил тулки турибди. Тулки қариянинг рўпарасига чўнқайиб ўтириб олди. Кўзлар тўқнашгач, тулки қочишга шайланди. Қария шоша-пиша милтиққа интилди. Афсуски, улгурмади. Тулки ғойиб бўлди.

Тушақда гужанак бўлиб ётган қария умрида биринчи марта эрта тонгда уйғонмади. Одатда қанча кеч ётишига қарамай албатта бомдод пайти уйғонарди. Сўнг чопонини елкасига ташлаб ташқарига чиқарди-да, куёшнинг чиқишини томоша қиларди. Асрдан кейин эса куёшнинг ботишини мунгли кузатиб ўтирарди. Шундан ўзича маъно қидирарди, ўзича роҳатланарди.

Сутдай оқариб тонг отди. Ортдан оппоқ из қолдириб осмонда юлдуз учди. «Юлдузим баланд бўлсин», деб шивирлади қария.

Биламан, анави хунхўр тулки бекорга келмади. Азизларимнинг бошига етди. Энди менга завол етказмоқчи. Фақат кучи етмай турибди. Негадир ажалимни ортга судраяпти. Шошма, биз ҳали биргаликда жон талашамиз, тулкивой! Курамиз, қачонгача бировларнинг умрига эгов бўлар экансан?! Ана, олисларда момоғулдурак гулдураяпти. Осмонни қора булут қоплаяпти. Бехосият кун бошланаяпти, чоғи. Ҳечқиси йўқ, бир бошга — бир ўлим...

Қария ўзича тулки билан баҳслашди. Йўқ, ўзи билан баҳслашди.

Бирдан шаррос ёмғир қуя бошлади. Шамол турди. Сувоқлари кўчган, шифтидан қамиш бостирмалари кўриниб турган кулба қалқиб кетгандай туюлди. Бошпана ҳам пугурдан кетган эди. Қаттиқ ёмғир ёғиб утса, бир-икки кунгача шифтдан чакка томиб турарди. Ойхон ҳаёт пайтида ёзнинг ёруғ кунлари уйнинг кўчган жойларини суваб юрар, ўчоқдан чиққан кулни томга таширди — ўйдим жойларни текисларди. Ойхон туфайли бу кулба одам яшайдиган уйга ўхшаб турарди. Баъзан қария ҳам хотинига ёрдамлашарди-ю, аммо асосий иш Ойхон зиммасига юкланган эди. Энди бўлса, бундай ишларга қўли бормади. Уй деярли ташландик ҳолига келиб қолди. Гуё бу ишларни гўрда ётган Ойхон тирилиб келиб, бажариб берадигандай.

Ноилож яна уйга қайтиб кирди. Нам тортган кийимларини олов гуриллаб ёнаётган ўчоққа тутиб қурипти. Сўнг пўстинига ўраниб ёнбошлади. Кўзларини юмди. Умрида касал бўлиб кўрмагани учунми, ажалим етганга ўхшайди, деб ичида қувонди. Тов тарафдан момоғулдурак гулдираги эшитилди. Эсиз, товга жўнашим лозим эди. Қария ўқинди. Боя йўлга тушганда шу чоқ-қача манзилга етиб оларди. Бир амалларди. Увадага ўхшаб қол-

ган оёқларини судраб босиб, ўша жойга етиб борарди. У ёқдан қайтиб келиш шарт эмас. Боз устига, у ёқдан ҳали ҳеч ким қайтиб келмаган. Ҳатто очиқ гўрдан ҳам ҳеч ким қайтиб чиқмайди. Товда оёқларидан дармон кетиб йиқилса нима бўпти! Ўша тулкига ем бўлгани яхши эмасми? Бирйўла ҳаммасидан қутилади-ку!

Минг ёмон бўлса-да, Пулатнинг қадри ўтди. Ҳарҳолда, у ҳам одамнинг боласи — балки, гапга кўнармиди...

Қирчиллама йигит пайтида белига қирқ қулочли арқон боғлаб тик жарликка тушган эди. Жарлик тубида кўзёшдай жимирлаб жилга оқарди. Ушанда ярим масофага пастлаган пайт бирдан патирлаб қушлар учиб кетган эди-ю, юраги торс ёрилишига озгина қолган эди. Жарликнинг ажиб сеҳри бор эди: жазирама ёз кунлари қандайдир куч тубанликка тортаверарди. Бирталай эчки-улоқ жарликка ўзини отиб юборарди. Бирпас теваригида айла-ниб юрарди бирдан тубанликка сакрарди. Ажаб.

Узуқ-юлуқ хаёл суриб ётган қария бирдан сафардан қайтишда меҳмон бўлишга ваъда бериб кетган сариқ йигитни эслаб қолди. Устидан пўстинни отиб, ўрнидан турди. Унга нима бўлди экан? Айтган муддатидан анча ўтиб кетди-ку? Ҳақ ниятли кишининг йўлида ҳеч қандай тўсиқ учрамайди. Агар ўша йигит остонамга қадам қўйиб: «Ота, биз билан юринг. Уйимнинг тўри — сизники. Элга қўшилинг!» деса, худо ҳақи, унга эргашиб кетардим. Одам бўлиб туғилдим, одам бўлиб улишим керак. Тавба, Қашқайўлда ётган кампирим билан боламни ташлаб кетаманми? Ахир, туримдан кўра гўрим яқин-ку!

Қария деразага қараб ўзи билан ўзи сўзлашаётган пайт ўткир ёруғлик юзларидан сирғалиб ўтди. Кўзлари қамашди. Беихтиёр кўзларини юмиб олди. Кўзларини қайта очган дамда деразадан кўриниб турган кенглик ҳам, осмон ҳам яна зимистонга айланган эди.

— Ўзинг паноҳингда асрагин, худойим! — деди қария соқолини силаб.

Кўнгли ёмон бир нарсани сезди. Тов тарафдан эшитилган гўмбурлаган товуш эса, кўнглидаги гўлғулани баттар кучайтириб юборди...

Истараси иссиқ йигитнинг исми Исо эди. Ёшлигидан отасиз ўсди. Онасига дастёр бўлди. Вояга етгач, шофёрлик касбини танлади. Бир йилдан ортиқроқ шогирд бўлиб юрди. Автобазага ишга қабул қилишди. Йигирма йил давомида бир жойда муқим ишлади. Йигирма йил бадалида бир марта ҳам янги машина миниб насиб этмади. Шароит маълум. Кимдан ҳам ўпкаларди: бу дунёда ё заринг бўлиши керак, ё зуринг. Унисми ёки буниси бор йигитлар ҳар йили битта янги машина минадилар. Улардан ортганини бошқалар талашади. Шалоғи чиққанларини эса Исо кабиларга беришади. Бундай машинага эга бўлган шофёр бечоранинг кўп вақти носоз қисмларни тузатиш билан ўтади. Бора-бора кўникди. Оиласи ҳам кўникди. Шукр, бориға чидаб юришибди.

Автобаза директори тўсатдан Исога яп-янги машинани миндириб қўйди. Уч-тўрт кундан сўнг йўлланма олиш учун диспетчер хонасига кирса, навбатчи аёл: «Сизни директор йўқлапти»,

деди. Юраги шиг этди. Лекин сир бой бермасдан аёлнинг изидан итөөткорона эргашди. Бошлиқ кабинетига кирса, доим қовоқ-тушугуни осилтириб, саломига тил учиде алик олиб юрадиган одам хушчақчақ утирибди. Хонада ёшини дафъатан билиб бўлмайдиган яна бир бегона киши ҳам бор.

— Боядан бери мақтаб утирганим Исо пайгамбар мана шу йигит бўлади, — деб директор уни бегона кишига таништирди. — Темирнинг тилини билади. Сизни доғда қолдирмайди, ишонаверинг!

— Яхши. Фақат тилига маҳкам бўлса бас, — деди нотаниш киши.

Исо унга разм солди: кўса экан.

— Хотиржам бўлинг, Исо ўғил бола, — деб ишонтирди директор. Сўнг, Исога юзланиб: — иним, уйингдагиларга бир ҳафтага командировкага кетяпман деб айт. Рўзгорингда озиқ-овқат етарлими? — деди.

— Раҳмат, етарли.

Шундай қилиб, йўлга чиқдилар. Олис бир қишлоққа боришгач, дарвозали бир ҳовлига машинани орқаси билан киритди. Оёқларининг чигилини ёзиш учун энди кабинадан тушмоқчи эди: «Бирпас сабр қил. Озиқ-овқатингни шу ерга келтириб беришади», деди кўса. Ўзи машинадан тушди. Олдиндан шундай шарт қўйилгани туфайли Исо миқ этмади. Таом келтирилди. Овқатланди. Сўнг оёқларини ойнадан чиқариб ўриндиққа узаласига чўзилди. Бир замон эти жунжикиб уйғонди. Тонг ёришаётган экан. Қайта ухлай олмади. Ҳадемай кўса пайдо бўлди.

— Кетдик, — деди у кабинага кириб.

Йўлга тушдилар. «Иккинчи марта кўсага ҳамроҳ бўлсам, кунте бўлай!» деб ичида қасам ичди Исо. Йўл ёқасидаги битта ошхонада чала-чулпа тамадди қилиб олишди.

— Энди асфальт йўлдан юрмаймиз. Қаёққа юришни ўзим кўрсатиб бораман, — деб огоҳлантирди кўса.

Йулсиз йўлдан кетдилар. Мўл юрдилар. Тўпроқ чангитиб юрдилар, ўркакчи барханлар оша юрдилар. Баъзан учраб қоладиган омонат ўтовларга кўса бирров кириб чиқар, кузовдан кимдир қандайдир юкни тушириб қолар, сўнг боғлам-боғлам пул кутарган кўса кабинага кириб: «Кетдик!» деб амр қилар эди. Гоҳида кундуз кунни овлоқ жойга машинани киритиб қўйиб, мизғиб олишарди. Исо қаерга келиб қолганини тусмолдан биларди-ю, аммо айнан қаерда эканини аниқ билмасди. Юрган манзилларини қайта топиб боролмасди. Бир жойга етишгач, кўса Исони машинада ёлғиз қолдириб, ўзи чакалакзор оралаб йўқолиб кетди. Кабинада ярим доғдан зиёд пулни унга ишониб қолдириб кетганига ҳайрон бўлди.

Учинчи кун, шекилли, йўлда кетаётган пайтлари кўса белига боғлаб олган жун рўмол ичидан тўппонча чиқарди. Исо умрида бундай матоҳни биринчи марта кўраётгани учун шошиб қолди ва ноҳос машинани йўл четидаги дарахтга элтиб урди. Унг томондаги фара чил-чил синди.

— Нега менга қарайсан? Йўлга қарасанг бўлмайдими? — деди кўса норози бўлиб.

Синган чироқ ўрнига янгисини қўйди.

Кўса йўл бўйи тўппончасини уйнаб борди. «Топган эрмагини қаранглар», дерди Исо ичида гижиниб.

— Йигит кишининг ёнида қуроли бўлса яхши-да, Исобой!

деди кўса мамнун қиёфада. — Қил кўприкдан ҳам омон-эсон ўтиб олсак, марра бизники! Худо хоҳласа, ўтиб оламиз. Кўрқма, ёнингда мен борман...

Уқдонни чиқариб, уқларни санади.

Қанақа «қил кўприк»ни назарда тутаётганини, албатта, Исо тушунмади. Кейин гап нимадалигини англади. Тонг чоғи коллектор устига қурилган тахта кўприкдан ўтаётган пайтлари рўпараларидан кабинаси устига чироқ ўрнатилган битта машина чиқиб қолди. Бирдан ўша машинанинг эшиклари очилдию юзларига ниқоб тутган йигитлар ўзларини ерга отдилар. Ҳар бирининг қулида биттадан қирқма милтиқ бор эди. Кўса ўзини йўқотмади.

— Унг томонга бур! — деб рулга ёпишди.

Исо беихтиёр машинани саксовулзорга буриб юборди. Афғарилиб кетишига сал қолди ўзиям. Йултўсарлар негадир уларнинг ортидан қувмади. Қалин чакалакзорга етиб боришгач, кўса машинани тўхтатишни суради. Қуёш чиққунча ўша жойда пойлаб ўтирдилар.

— Ҳайда! — деб амир қилди кўса.

Бояги кўприкка яқинлашгач, ўша машина ҳамон йул четида турганини кўрдилар.

— Итваччалар-эй, сизларга оғзимдагини олдириб қуяманми?! — деди кўса тишларини ғижирлатиб. — Ортга қайтар!

Яна чакалакзор оралаб кетишди. Чошгоҳ маҳалигача бир жойда ўтиришди. Кўса бир оз мизғиб ҳам олди. Сўнг:

— Айланиб ўтамиз, шекилли, — деб қули билан кун ботар тарафни кўрсатди. — Қани, кетдик!

Чакалакзор оралаб юриб, ахийри яна коллектор устидан чиқишди. Сув ёқалаб кетдилар. Бир жойда росмана кўприкка дуч келишди. Исо машинани кўприкка тўғирлади. Омон-эсон ўтиб олишгач, тез орада катта асфальт йўлга чиқишди. Тахиатошга кираверишда кўса машинани тўхтатди.

— Ўғил бола экансан, — деди у кабинадан тушишга шайланиб. — Сени уч марта синадим. Синовларимдан мардона ўтдинг. — У қопчиқ оғзини очиб, ичидан уч боғлам юз сўмлик олди-да, Исога узатди: — Биттаси хизматинг учун, иккинчиси хавф-хатардан олиб чиққанинг учун, учинчиси бола-чақаларингнинг насибаси. — Қопчиқ оғзини қайта боғладию кабинадан тушди.

Исо бир неча муддат жойида қимирламай ўтирди. Сўнг ён томондаги кўзгудан орт тарафга назар солди: кўса қопчиқни орқалаб, тобора олислаб борарди. Биров уни бир қопчиқ пул кўтариб бораётганини асло хаёлига келтирмасди... Бир пайт оппоқ «Волга» пайдо бўлдию кўсанинг ёнгинасида тўхтади ва эшик охишта очилди. Кўса енгил машинага ўтирди. «Волга» шитоб ўрнидан кўзғолди. У кўздан ғойиб бўлгач, Исонинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Аммо, ички бир норозилик кўнглини безовта қила бошлади.

Автобазага боргач, машинани бир қатор қаровдан ўтказди.

Эртаси кун директорни учратди.

— Азамат йигит экансан! — деб елкасига қоқди у. — Бир ҳафта дам ол. Бундан кейин бирга ишлаймиз.

Бир ҳафта дам олиб ишга чиқса, директор йўқлатди. Кабинетга кирди. Негадир бошлиқнинг қовоғидан қор ёғарди.

— Узининг фаросати етса керак деб уйлаган эдим. Лекин, инсофинг йўққа ўхшайди. Нега улушимни бермай юрибсан? — деди директор дангал.

Кария кун буин кулбаси олимпиада япапок тош устида уи су-
 риб утирди. Укранган белотарин куючидан куймади. У кизил
 тулки билан чинакамита олимпоқчи: ё улади, ё улдиради. Нима
 булга такдиридан куради, такдирдан қоний кугулиб булмайдн.
 Коронги туша бошлага, кутаннидай момик думинин тебратиб
 кизил тулки ук етмас жойда курипти. Телаликка чункайиб утир-
 ди. Отир ишин бакароб кайтган хорид-толган сезиб-
 турди. Демак, у хам оёдон чарьанан, тинка-мадори куридан
 куниди. Ахир, пинхоини олмушв бир неча кундан буён давом
 этайибди.

* * *

ди бир телаликдан ошиб утидю машина хам уша телаликка сап-
 чиб чийкиб, бирдан тубсиз жарликка учьиб келди. Исо кузган
 очлан пайтада машина тумшуги билан жарлик тубига зарб билан
 урипти. Аъзойи баъдан зир қақпаганини хис этдюю хушидан
 кетди...

Бир замонардан сунг Исо хушига келди. Осмонда юлдуз-
 лар милгилларди, кабинетнинг нариси бурчлагиди. Дустикайининг
 лавдаси қорайиб куринарди. Уридан кузалмоқчи булдюю белн-
 дан пастроини темир-терсак исканжага олганини билди. Инграб
 юборди. Оёк-куллари йулгай эди. Товуш чикариб яна ингради.
 Аммо, негатири уз товушини узай эшитмасди. Бирдан оппоқ бу-
 лулар устида суяндай булди. Булулар бағрида йук бу-
 либ кетди — яна хушини йукотди. Хушига келгач, нафаси ету-
 лик масофадда кит-кизил тулки утирнинни курди. «Уша», деб
 уйлади. Кузари чакнардн. Кит-кизил эди. Умида бунака мах-
 лукни илк бора учратиши эди. «Балки, мени куткарши учун
 биларди, чои. Тулки аста кузалди. Боши рул чамбарати устида
 осилиб турган дустикайига якинилади ва унинг оёзини ялай
 боташди. Қон яраётгани аниқ билинди. Олдинги оёклариди йук
 ду-ди», деб хаёлидан утказди Исо. Ижраниб куйди. Тулки унинг
 ижирганишига парво қилмади. Дустикайининг оёзидан сезиб чи-
 каётган қол-қора қонни ялаб булгач, машинанин синик олди
 ойасидан қалот устига чийкиб чункайиб утирди ва осмонга ка-
 раб уя тортиб юборди. Узок-якиндан бошка тулкиларнинг жаво-
 би эшитилди. Исо тагин хушидан келди. Хушига келган пайт
 тулки думинин лик-лик этказиб, қалот устида айланиб юрган эди.
 У томондан ёкимсиз хид анкирди. Улкаси шиф-шиг этиб нафас
 олгатадн инан эшитиларди. Кузалари бежо эди. Тулки
 аворидан инти яшх эмаслиги билиниб турарди.

«Эй отам, агар хозир мен ярадор булганнимда борми, албат-
 та, теримини шилиб олардинг! Лекин, бу сафар мен эмас, сен
 мадагга мухтожсан. Буни кайтар дунё дейдилар».

Тулки тангана қилди. Инчидан қувоняпти.

Бир пайт осмондан тушгани ё тошлар орасидан чийкимин,
 шийкилиб, тумшуклари қайрилима қилинга ухшаш қол-қора қул-
 лар пайдо булди. Парлари тулкилиб қолган кари куш аста дустика-
 лийининг елкасига кунди-да, ён томонга энгашиб унинг кузалари-
 ни чуқилгай бошладн.

Исо яна-тагин хушини йукотди.

У кайта хушига келмади.

— Кеңирасиз, сиз билан кўсаннинг узун хисоб-китоб қилди деб уйлабман, — деб узр сўради Исо. — Бўпти, ора, эртага ҳаммасини келтириб бераман.

— Ҳаммаси керак эмас, факат улушмини бераман кифоя. Мен беш қўлини оғизга тикайдиган очофат эмасман!

Унга бориб, хангомани хотинига сўзлаб берди.

— Қўриб кетсин, ҳаммасини элтиб беринг! — деди хотини.

Ҳаммасини элтди берди. Директор бир боғламни ўзига қайтарди, лекин Исо рад этди.

— Бўпти, яқинда янги машина бераман, — деб ваъда қилди директор.

Дарҳақиқат, директор ваъдасида турди. Тез орада Исога янги машина берилди. Директор Исога йўл-йўриқ кўрсатиб турди:

Тент шерикликка мўмай буюртмалар толиб қўярди. Олис шаҳар-ларга қовчун элтди сотишни ҳам директор маслаҳат берди. Охири хотини чидамади.

— Е мени денг, ё ишнинг! — деб кескин шарт қўйди у.

— Ҳима қил дейсан?

— Бу ишингизни иштирасиз, вассалом! Сиз у ёқлардан унга келгунча адоп тамом бўлмаган! Бўлди, жонимдан туйдим...

Исо қўлди. Хотини йиғлади.

— Бўпти, охири марта бориб келай. Кейин бас қиламан, — деди Исо ноилоҳ.

У охири марта машинани тўлдириб қовчун босди. Ҳаммаси бераман маслаҳат сўради: қовчун қиммат шаҳарини билди олди.

«Кашкайўлининг устидан Бован исми қария шайиди. У кишидан оқ фотиха олсанг, албатта, ишларинг бақоридан келгати», деб насили хат қилди кекса шофер. Исо уша қариядан дуо олиш ниятида Кашкайўлга буюрилган ҳам эдики, ортидан ДАҲ ходимлари қувиб етишди...

Иўлга чикиш арасида ҳужайми бозорда нарх-наволарни сўриштириб юриб тасодифан қаддон доўстқалининг уйради. Ун-га шерикликни таклиф этди. Доўстқали рози бўлди.

— Ҳади бери сенгизки, — деди Исо.

Улар қайтишга ўстюрт орадаб ўтган йўлдан юрдилар. Сафар-лари хайрли ўтди. Кашкайўлга тушиб олган пайтлари шаррос ёмғир қуя бошлади. Исо рулни доўстқалига тошқирди.

— Бир оз мизгаб оламан. Тўғри хайдайверсанг, хадемай бо-ван бобонинг қўлбадасига етиб бораемиз, — деб пинакка келди.

Тўш қўрди. Бован бобонинг ҳовлисида юрган эмаш. Хотини, боғларни ҳам тўш ерда эмаш. «Сизларни қўтиб олгани келдик», дермиш хотини. Лекин негандир ўзини олиб қочармиш...

Тонт палласи тепаликка юр бўлиб тўрган қийкиларга дўш келдилар. Жониворлар машина чиққаридан тапалабётган шўьларга чўлгандиб, гурас-гурас бўлиб юрдилар. Тўладан аж-ралиб чиққан битта қийк машинанинг йўлига тушиб олиб, ши-тоб қоча бошлади.

— Шўини уриб олаймишимиз? — деб сўради доўстқали хамро-хнини уйғотиб.

— Бўпти, гаани бос! — деди Исо завақланди.

Қийк изидан қуялаб бораётдилар. Бир пайт қийкнинг тў-ми бир қуюқ қисил тўлига айланиб қолганини яққол кўрдилар. Тўлики чиройли дўминни уйғатиб қочиб бораётди. Доўстқалии баттар жўшиб кетди — тезликни янада оширди. Тўлики эса баъла-

Қария милтиғи кўндоғини елкасига тираб, шошмасдан тулкининг қоқ манглайини мўлжалга олди. Тепкини босган заҳоти кўлдан бери отилмаган милтиқ зарби елкасини қақшатиб юборди. Қария чалқанчасига йиқилди. Йиқилаётиб, ўша тепалик устида ялтираб турган бир жуфт кўзни кўриб қолди. Назарида тулкини улдиргандай бўлди. Узича қувонди. «Шукр, бу дунёдан беармон кетадиган бўлдим», деб шивирлади. Тирсагига суюниб аста қаддини кутариб, ўша тепалик томон қаради. Не кўз билан кўрсинки, қизил тулки ҳамон тепалик устида қария томондан кўзларини узмай тикилиб ўтирарди. Ҳатто дастлабки ҳолати узгармаган эди.

Қария жон аччиғида милтиқни қайта ўқлади. Ҳув ўша тепалик устида энди тўртта бўлиб қуринаётган қизил тулкиларнинг қай бирининг манглайини мўлжалга олишни билмасдан хийла фурсат тараддудланиб турди. Ахийри кўллари толиб кетди ва жон аччиғида милтиғини япалоқ тошга зарб билан урди. Ўқ товуши эшитилди. Милтиқнинг кўндоғи ёрилди. Қувурини қўлдан қўйиб юбормаган қариянинг кукрагига чўғ босилгандай бўлди. Эт ҳиди анқиб кетди. Негадир бурнига порох ҳиди билинмади, фақат эткабоб ҳиди гуп этиб димоғига урилди.

— Эй, бевафо дунё, — деб ингради қария. Аста чўк тушди. Милтиқ қувури ҳам қўлидан сирғалиб ерга тушди.

Мажоли қурий бошлади. Мажолсизланаётган пайти негадир кулбаси томон эмас, балки Ёрқовоқдаги мазор томон эмаклай бошлади.

«Ишқилиб, ўзимга тайёрлаб қўйганим — очиқ гўримга бир илож қилиб етиб борсам бас», деб шивирлади у. Ёмғирдан пайдо бўлган халқобга юзтубан йиқилди. Бирпасдан сўнг тирсақларига таяниб қаддини ердан кўтарди. Яна Ёрқовоқ тарафга тирсақлари билан эмаклай бошлади...

Қорақалпоқчадан
Набижон БОҚИЙ таржимаси.



Алтиазар Элтиазаров

ИСТИҚЛОЛЧИЛАР ҚАТЛ ЭТИЛГАН ЖОЙ

Улуғ маърифатпарвар, миллатпарвар инсон, педагог ва адиб, 30-йиллардаги Сталин қагағони қурбони Мунаввар Қори Абдурашидовдан биттагина сурат қолган. Бу суратта у рафиқаси Лазизахон ҳамда 3—4 ешлардаги бола билан тушган. Эр-хотин курсида утиришибди, устига чакмонча, бошига зардузи дўши кийган болакай улар олдида турибди. Бу сурат 1992 йилда биринчи бор «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган, биз суратдаги бола ҳаёт эканлигини, Тошкентнинг Новомосковский мавзеида яшашини билдик ва у киши билан учрашиш мақсадида уйига бордик. Бизни еши етмишлардан ошган, урта буйли, оқиш юзидан нур ёғилиб турган киппи — Муҳаммадхон ака кутиб олдилар.

Сўхбат асносида маълум буддики, Муҳаммадхон ака Мунаввар Қорининг жияни (акаси Муслимхоннинг угли) экан, лекин гудаклигидан Мунаввар Қорининг тарбиясида усган.

Биз Муҳаммадхон акадан «Мунаввар Қорининг фарзандлари булмаганми?» деб сурадик. У киши: «Фарзандлари булган, лекин гудакликларида турли касалликларга чалиниб улиб кетишган, шу боис мени уз тарбияларига олишган», дедилар.

Муҳаммадхон ака журналда эълон қилинган сурат қаерда олдирилганини ҳам эслар эканлар. «Ҳозирги «Ёш гвардия» театри рўпарасида, кучанинг унг томонида бир озарбайжон суратчининг дукони буларди, уша ерда олдирилган бу сурат», дедилар. Кейин Мунаввар Қори ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилдилар.

Бугунги кунда Муҳаммадхон ака ҳам дунёдан утиб кетдилар. Шу боисдан, у кишининг хотираларини ён дафтаримизга илк белгилангани буйича баён қиламиз.

МУҲАММАДХОН АБДУРАШИДОВ ҲИКОЯСИ:

— Улар отадан уч ака-ука эдилар: Аъзамхон, Муслимхон, Мунаввархон. Отадан ёш айрилишган фарзандларни оналари Ҳосиятхон тарбиялаган. Фарзандлар бошланғич таълимни ҳам маҳалла отини булган оналари қулидан олишган. Муслимхон билан Мунаввархоннинг зехни уткир булган. Шу боис улар ўқишни давом эттириб, аввал Тошкентдаги Кукалдош мадрасасида, кейин уша пайтда Туркистондаги илм маркази булган Бухородаги мадрасага бориб ўқишган.

Бухородаги мадрасани битириб қайтач, Мунаввар Қори Миро-
боддаги масжидда имомлик қилган.

XIX аср охирида Мунаввар Қори Исмоил Гаспирли ва бошқа татар маърифатпарварларининг ғоялари билан танишгач, жадидлик ҳаракатини бошлайди. Тошкентнинг Дархон маҳалласидаги ҳовлиси-
да янги усулдаги мактабни — ҳозирги 1 Май номидаги урта мактабни ташкил этади. Унинг бу иши чор маъмурларига ёқмайди. Махфий полиция бу «кузи очиқ» инсон ортидан хуфялар қуяди.

Аммо Мунаввар Қори ўз фаолиятини давом эттираверади. 1906 йил сентябрда «Хуршид» («Қуеш») газетасини нашр этиб, ўзи муҳар-
рирлик қилади. Лекин кўп утмаёқ оқ подшо цензураси уни епиб қуяди. Кейинроқ Мунаввар Қори «Нажот» (1917 й.), «Кенгаш» (1917 й.), «Хуррият» (1917 й.), «Осиё», «Сурат», «Ҳақиқат», «Турон» ойно-
малари ва рузномаларига муҳаррирлик қилади. «Садоий Туркист-
тон»да булим муҳаррири бўлиб ишлайди. Мунаввар Қори матбуотни халқнинг онгини ўстирувчи, уни маърифат нуридан баҳраманд эту-
вчи бир восита деб қарайди.

Мунаввар Қори ўз фаолиятини маърифатпарварликдан бошлаган эди. 1916 йилдаги халқ қўзғолонининг қонга ботирилиши, 1917 йилдаги Октябрь давлат тўнтаришидан сунг Қўқон мухториятининг тугатилиши ва Қўқонда оддий халқ қирғинбарот қилинганлиги Му-
наввар Қорини маърифатчидан истиқлолчига айлантирди. Тошкентда-
ги илгор фикрли узбек зиеллари ва ёшлари Мунаввар Қори атрофи-
га тупландилар: «Хуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олиб бўлмай, фақат қон ва қурбон илагина олиб булур», деб ёзган Мунав-
вар Қори узининг «Мақбул қурбонлар» мақоласида.

1929 йил 6 ноябрда Мунаввар Қорини ҳибсга олганлари ҳам кечагидек едимда. Оқшом уйга тўрт киши кириб келди. Улардан иккитаси ҳарбий кийимда эди. Ҳарбийлардан бири Мунаввар Қори-
ни қамап ҳақидаги ордерни курсатди. Кейин уйни тинтув қилишди. Ҳарбийлардан бири том устини тинтув қилаётганда фанер ерилиб кетиб, ҳарбийнинг оёғи осилиб қолган. Уйдан анчагина китоб, қўлез-
маларни олиб кетишган.

Шу куни Тошкентда жами қирқ нафар собиқ уламо ва эшонзода-
лар ҳибсга олинган. Булар орасида Қудуқбоши маҳалласидан Оловуд-
дин Махсум, Хайридинхон эшон, Дукчи маҳалладан Абдувоҳид Қо-
ри, Эшонгузар маҳалладан Ҳасан Қори, Эшонхужа домла, Оқмаҳит маҳалладан Муҳиддин Қори, Хонхужа эшон ва бошқа кишилар бор эди.

Мунаввар Қорини Тошкент қамоқхонасида бирмунча вақт сақ-
лашгач, Ўзбекистондан олиб кетишди. Шундан кейин унинг улик-
тириклигини ҳеч билолмадик. Мунаввар Қори ҳаёт эмиш, Сибир-
нинг алақайси бир шаҳридаги лагерда қамоқ муддатини ўтаётган эмиш, бир татар аёлга уйланиб олган эмиш, деган гапларни ҳам эшитганмиз, лекин бу гапларнинг ҳақиқат эканлигига ишонмаган-
миз.

Отам Муслимхон домла укаси билан бирга Бухородаги мадрасани битириб келгач, анча йиллар турли масжидларда имомлик қилганлар, аммо сиёсий ишларга аралашмаганлар. У укасининг сиёсат билан шугулланаётганлигидан ташвишланиб, «Ука, бу ишингни ташла, охири вой бўлиши мумкин», деб огоҳлантирган эканлар. Шунда Му-
наввар қори акасига: «Сиз менинг бу ишимга аралашманг», деган экан.

Уруш бошланганида мен мактабда ўқитувчилик қилардим. Бир куни дарс бошланишидан аввал ўқитувчилар хонасида уч киши ўти-

рардик. Немис фашистлари Москва остоналарига яқинлашиб қолган оғир пайтлар эди. Сухбатдошларимдан бири фронтдаги аҳвол ҳақида гапириб: «Маршал Ворошилов Сталинга, Москванг вақтинчалик душманга топширмасак бўлмайди. Жуда кўп қўшин қирилиб кетади. Уралга чекиниб, куч тушлаб олишимиз керак, дебди», деди. Мен шунда: «Ворошилов ҳам тажрибали саркарда, таклифда асос бўлиши мумкин», дедим. Айбик шу. Кечаси НКВД ходимлари уйимизга келиб, мени қамоққа олиб кетишди. У ерда уз бошлиқлари олдига олиб киришиб: «Мана, Мунаввар Қорининг углини ушлаб келдик», дейишди. Мени Қизил армияга қарши миш-мишлар тарқатишда айблаб, ун йиллик қамоқ жазоси беришди. Аслида эса Мунаввар Қорининг тарбиясида усанлигим учун қамашди.

1955 йилда мен оқландим.

Қамоқда суд бўлганимга қадар Акмал Икромовнинг поччаси (номи ёдимдан кутарилди) билан бир камерада ётганман. У киши жуда одамхон инсон экан. Биз ётган камерада маҳбуслар кўп эди. Бир кунг темир эшик очилиб, хонага отам кириб келдилар. У кишини дастлаб кўриб танимадим: соч-соқоллари қиртишлаб олиб ташланган, ранг-руйлари бир ҳолатда, кўзлари ҳам хиралашиб қолган эди. Отам эшикдан кириб, остона яқинидаги буш бир жойга утирдилар. Мен у кишига синчиклаб тикилиб, отам эканлигини билдим. Акмал Икромовнинг поччасига: «Бу киши менинг отам-ку!» дедим, беихтиёр кўзларимга ёш келди.

Биз камеранинг турида эдик. Енимизда бир туркман йигит ётарди. Акмал Икромовнинг поччаси уйдан келтирилган нондан туркман йигитга туртга берди-да: «Хув, анави муйсафид пойгакда қолди. Уша одам билан урин алмашинлар, сен ёшсан, жон ука!» деди. Туркман йигит рози бўлди. Отамнинг енига бориб, кўришиб, енимизга бошлаб келдим.

Отамнинг қамалиши шундай бўлган: Уруш бошланиб кетгач, Совет ҳукумати гитлерчиларга қарши коалицияга кирган Ғарб давлатлари ҳукуматларининг талаби билан мамлакатда дин-эътиқодга озгина эрк беради. Шу баҳонада Урта Осиё диний бошқармаси тузилади, йирик шаҳарларда уч-туртгадан масжидлар очилади. Шундан кейин менинг отам Тошкентдаги масжидлардан бирига имом қилиб тайинланадилар. Лекин НКВД хуфялари уларнинг бу ерда эмин-эркин ишлашларига имкон бермайдилар.

Бир кунг отамни маъмурий идорага чақаришиб: Масжидда Совет ҳукуматига қарши гапирадиганларни бизга маълум қилиб турсиз», дейишади. Отам табиятан юввош одам бўлганликлари учун бу таклифга йўқ демайдилар. Лекин бировни сотмайдилар ҳам. Кунлардан бир кун отамни яна маъмурий идорага чақаришиб, «Бизнинг топширигимизни нега бажармаяпсиз?» деб сиқувга олишади. Отам эса уларга: «Топшириқларингизни бажаряпман. Одамларга, туғри юринглар, ҳукуматга тил теккизманглар, бу ҳукумат билан уйнашиб бўлмайди, деяпман», дейдилар. Маъмурий идора ходими эса: «Биз сизга бундай топшириқ бермаганмиз, Совет ҳукуматининг душманларини ушлаб беринг, деганмиз. Сиз топширигимизни бажармадингиз, энди узингизни қамаймиз», деб отамни ҳибсга олишади, уриб қийнашади. Лекин кексалигини, кузи хиралашиб қолганлигини, бунинг устига ҳеч бир айби йўқлигини уйлаб, озгина инсофга келишадими, бир йилдан кейин қамоқдан чиқариб юборишди.

Отам 1955 йилда 86 ёшларида вафот этганлар.

Мен бир кунг отамга: «Омадсиз эканман, ун йил умрим қамоқда ўтди. Уқиб, усиб-униш имкониятидан маҳрум бўлдим. Мен билан

бирга усганларнинг купчилиги кимсан — фалончи булиб юришибди», деганимда, у киши: «Уғлим, ношукр булманг. Буни қисмат дейдилар, ундан ҳеч ким қочиб қутулолмайди. Узингизга маълум, миллионлаб одамлар урушда қирилиб, болалари етим-есир қолди, минг-минглаб бегуноҳ кишилар қамалиб, отилиб кетишди. Сиз эса, қамалган булсангиз ҳам омон қолдингиз, оқландингиз, соппа-соғ яшаб юрибсиз, оилангиз, фарзандларингиз бор. Беажал олиб кетганлар олдида сиз омадлисиз», деган эдилар. Нафсламбирини айтганда отам ҳақ эдилар.

ЗУЛАЙҲО ҚАҶОМОВА ҲИКОЯСИ

— Мунаввар Қори билан менинг отам дустана муносабатда бўлишган. У кишининг уйимизга меҳмон бўлиб келганларини ҳамон яхши эслаймман.

Мунаввар Қори йигирманчи йиллардаги зиёлиларнинг сардори эди. Шу боис отам бу киши билан дуст булганликларидан беҳад фахрланардилар.

Отам ҳам уқиган одам эдилар. У киши аввал рус-тузем мактабида, кейин гимназияда, ундан сунг эса Санкт-Петербургда уқиб, ирригатор-муҳандис касбини эгаллаган эдилар, йигирманчи йилларда Туркистондаги сугориш ташкилотларида масъул вазифаларда ишлаганлар, жумладан, Тошкент вилоятининг ариқ оқсоқоли (бош ирригатори) лавозимида ишлаган пайтларида вилоятда сугориш ишларини яхшилаш билан боғлиқ купгина ишларга бош-қош булганлар.

Аммо одам душмансиз булмас экан. 1929 йилнинг охирида отамни тухматчилар қаматишди. Унга суд ҳукми билан ун йил қамоқ жазоси берилди.

Отамни Тошкент қамоқхонасидан олиб кетишадиган кунда қамоқхона дарвозаси олдига бориб турдим. Шунда тунгич фарзандим Маҳмуджон қулимда эди.

Бир маҳал қамоқхона дарвозаси очилиб, маҳбусларни саф-саф қилиб олиб чиқишди. Улар орасида отам ҳам, Мунаввар Қори ҳам бор эди. Маҳбусларни Тошкент темир йули юк-товар станцияси томон ҳайлаб кетишди. Ҳозирги Амир Темур ҳибони яқинида отам бораётган саф Мунаввар Қори сафи билан тенглашди. Шунда дустлар бир-бирларини қуришгач, унсиз-садосиз бош қимирлатиб саломлашишди.

Бир маҳал Мунаввар Қори отамга қараб:

— Абдуқаюмхон, Сизнинг гуноҳингиз нима экан? — дедилар.

— Тухмат балосига учрадим, Қори ака, тухмат балосига, — дедилар отам маҳбусларни қуриқлаб бораётган НКВД ходимларига олазрак қараб.

Тошкент юк-товар станциясида бир узун юк поездеи турарди. Унинг қизил вагонлари қари-қартанг маҳбуслар билан тула эди. Суриш-тирсак, бу маҳбуслар шоир Ҳамза улими баҳонасида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида, Тожикистон ва Туркменистонда ҳибсга олинган уламо ва руҳонийлар экан. Тошкентлик маҳбусларни ҳам шу поездга жойлаштиришди.

Бироздан кейин поезд урндан қузғалиб, кунчиқар томонга йул олди.

Отам Сибирдаги қамоқ лагерларида турт йил булгач, ишларининг судда қайта қурилишига эришиб, оқланиб қайтиб келдилар. Аммо Мунаввар Қорини ортиқ курмадим.

1929 йилдаги қатаронга шоир Ҳамза улими баҳона булган. Ҳамза

асли пичоқлаб уддирилган. Лекин ҳукумат одамлари уни диндорлар тошбурон қилиб уддиришти, деб эълон қилишиб, шу баҳона бутун Урта Осиёдаги кузга қуринган диндорларни қамоққа олишган.

«ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА» ГАЗЕТАСИДАГИ ХАБАР (1992 ЙИЛ 25 МАЙ)

1930—1940 йилларда Ваганьково қабристонига махфий дафн этилган Сталин қатағони қурбонларининг руйхатини эълон қилишни давом эттирамиз. Уларни аксилинқилобий фаолиятда, зарарку-нандалиқда, террорчилик ҳаракатлари қилишга уринишда айблаганлар. Эндиликда уларнинг барчаси оқландилар. «Вечерняя Москва»да эълон қилинган руйхатни бизга СССР Давлат хавфсизлиги кумитаси ва Давлат хавфсизлиги кумитаси Москва шаҳар ва Москва вилояти бошқармалари ҳужжатхоналари ходимлари тайёрлаб беришди.

Отилганлар руйхатини газета 1990 йил 6 декабрдан эълон қилишни бошлаган эди. Шундан бери «Вечерняя Москва» саҳифаларида Ваганьково қабристонига махфий кумилган 600 нафардан ортиқ ва жасади куйдирилиб, Донской қабристонига №1 қабрга кумилган 250 нафардан ортиқ қатагон қурбонларининг исм-шарифлари эълон қилинди.

Афсуски, шу пайтгача 30—50 йиллардаги қатагон қурбонлари будан барча отилганларнинг руйхатини тула эълон қилиш масаласи ҳамон ҳал этилгани йўқ.

«Вечерка»нинг шундай таклиф билан бир қатор чиқишларига қарамай Россия хавфсизлик вазирлиги, худди илгариги йиллардаги СССР КГБси сингари, таклифимизни жавобсиз қолдиришяпти.

«Вечерняя Москва» газетаси ушбу хабар билан бирга 30-йиллар бошидаги қатагон қурбони булган кишилардан тўққиз нафарининг суратини ва улар ҳақидаги қисқача маълумотларни эълон қилди. Бу кишилардан 5 нафари узбекистонликдир. Мана уша маълумотлар:

АҲРОРИЙ Саид Абдурашидович (Саид Абдурашидович Аҳрорий). 1895 йилда Туркияда туғилган, узбек, ВКП(б) аъзоси, урта маълумотли, Самарқанд молия-иқтисод техникуми уқитувчиси, Самарқанд шаҳрида яшайди. 1930 йил 12 ноябрда қамалган. 1931 йил 2 майда отилган.

(Саид Аҳрорий ВКП(б)нинг эмас, Бухоро Компартияси аъзоси булган — муаллиф).

АБДУРАШИДОВ Мунаввар Қори (Мунаввар Қори Абдурашидов). 1878 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, узбек, партиясиз, олий маълумотли, адабиётпунос. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур қисмидаги Дархон маҳалласида 17-уйда яшайди. 1929 йил 6 ноябрда қамалган. 1931 йил 23 майда отилган.

ТИЛЛАХОНОВ Салимхон (Салимхон Тиллахонов), 1897 йилда Тошкентда туғилган, узбек, партиясиз, тулиқсиз олий маълумотга эга, «Плодовинсоюз» йуриқчиси. Тошкент шаҳар Девонбоши маҳалласидаги 169-уйда яшайди. 1929 йил 6 ноябрда қамалган. 1931 йил 23 майда отилган.

МАҚСУДОВ Тангриқулхожи, 1900 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, узбек, партиясиз, урта маълумотли, рабфакка кирувчилар

ни тайёрлайдиган курс мудири. Тошкент шаҳрида яшайди. 1929 йил 6 ноябрда қамалган. 1931 йил 23 майда отилган.

ШЕРМУҲАМЕДОВ Нажмиддин (Нажмиддин Шермухамедов). 1900 йилда Тошкентда туғилган, ўзбек, партиясиз, бошланғич маълумотга эга, маълум бир жойда ишламайди. Тошкент шаҳар, Бешегоч даҳасининг Машраб маҳалласида яшайди. 1929 йил 6 ноябрда қамалган. 1931 йил 23 майда отилган.

* * *

«Вечерняя Москва» газетасининг ушбу хабар босилган сони ксеронусхасини «Шарқ юлдузи» таҳририятига москвалик ўзбек профессори Ражаббек Исломбеков юбордилар. У киши газета ксеронусхасига қушиб юборган мактубларида шундай ёздилар: «Вечерняя Москва» газетасида Сталин қатағони қурбони булган ҳамюртларимнинг суратларини курганимда жуда ҳаяжонландим. Газета таҳририятига қўнғироқ қилиб, хабарни тайёрлаган ходимдан бу кишилар Москванинг қайси қамоқхонасида ётганликлари ва қаерда отилганликлари ҳақида қўшимча маълумот олишга ҳаракат қилдим. Газета ходими Мелкумовнинг маълум қилишича, марҳум ҳамюртларимиз Москванинг машҳур Бутирка қамоқхонасида ётган ва шу ерда қатл этилиб, мафий равишда Ваганьково қабристонига дафн этилган эканлар. Ушбу рўйхат «Шарқ юлдузи» журналида эки республикадаги бошқа бир нашрда эълон қилинса фойдали булар, деб ўйлайман.

«Вечерняя Москва» газетасида сурати эълон қилинган беш нафар ҳамюртимиз орасида фақат бир киши — Мунаввар Қори Абдурашидов менга таниш. Мен бу инсонни ҳаётликларида курмаганман, лекин Тошкентнинг Шайхонтоҳур қисмидаги Дархон маҳалласида у киши ўз ҳовлисида ташкил этган янги усулдаги мактабда ўқиганман.

Болалигимда маҳалламиздаги катта ёшли кишилардан Мунаввар Қорининг ўз ҳаётини миллатига хизмат қилиш учун тиккан улўф маърифатпарвар ва истиқлолчи булганликларини эшитганман. Шу боис бу инсонга ғойибона ҳурмат қалбимда бир умрга муҳрланиб қолган.

Мунаввар Қорининг 20-йилларнинг охирида қатагон қилинганлигини эшитганман. Лекин у киши қаерда вафот этган ва дафн этилганликлари тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдим. Газета хабари бу масалага равшанлик киритди».

* * *

Москвадан газета ксеронусхасини олғач, ундаги беш кишидан биттаси кекса журналист, меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими, «Саодат» журнали бош муҳаррирининг собиқ уринбосари Ҳолида Аҳророванинг отаси эмасмикин, у кишининг оталарини ҳам 30-йилларнинг бошида қатагон қилинган дейишарди, деб тахмин қилдик ва «Саодат» журнали таҳририятидаги ҳамкасблардан Ҳолида опанинг уй телефонларини олиб қўнғироқ қилдик.

Эртаси Ҳолида опа таҳририятимизга кириб келдилар ва газета ксеронусхасига тикилиб: «Бу менинг отам, мен у кишининг изларини 60-йилдан бери излайман. Отамнинг нима учун қамалганликлари ва улўмга ҳукм қилинганликларини сўнги йилларда билиш имкониятига эга булдим. Лекин қаерда қатл этилганлар ва қаерга дафн этилганликлари менга номаълум эди. Эндиликда ҳаммаси равшан булди. Бунинг учун сизларга раҳмат! Эндиликда отам хоки ётган жойни

бир зиерат қилсам армоним қолмасди», дедилар. Кейин Холида опа Салимхон Тиллахоновнинг ҳам авлодларини билишларини, уларни топишда ёрдам беражакларини айтдилар ва оталари ҳақидаги ҳикояни бошладилар.

УЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, КЕКСА ЖУРНАЛИСТ ХОЛИДА АҲРОРОВА ҲИКОЯСИ:

— Дунёда армонсиз инсон кам бўлади. Отамдан жуда ёш айрилганлигим, унинг меҳрига тўймай, уксиниб усанлигим менинг бир умрлик армонимдир. Отамдан жудо бўлганимизда мен турт ёшли қизалоқ бўлганман. Шу боис уни элас-элас эслайман. У урта буйли, хушбичим, оврупача кийиниб, майин, қўнғир сочларини бир томонга силлиқ тараб юрадиган зиёли одам эди.

Отам 1929 йилнинг 12 ноябрида эрталаб уйдан чиқиб кетганлару, қайтиб келмаганлар. У тирикми, уликми, қамалганми ёки озодликдами — ҳеч аниқлашнинг иложи бўлмаган. Онамнинг бормаган идораси, мурожаат қилмаган раҳбари қолмаган.

Отам йигирманчи йилларда Бухоро Халқ Республикасининг ҳукумати идораларида масъул вазифаларда ишлаганлар, маълум муддат Бухоро Халқ Шуролар Республикасининг Озарбайжондаги элчиси ҳам бўлганлар. Уни Файзулла Хужаев, Ақмал Икромовлар яхши билишган. Отам бедарак йўқолгач, онам Тошкентда (пойтахт Тошкентга кўчган эди) Файзулла Хужаевга ҳам мурожаат этганлар. У киши «Саидни қидиряпмиз, топилиб қолса керак», деган. Энди англашимча, Файзулла Хужаев отамнинг қамоқда эканлигини билган, лекин бор ҳақиқатни онамга айтиб, уни ранжитишни истамаган.

Отамнинг 1930 йил 12-ноябрда қамалганлигини бир тасодиф тўфайли аниқлаш имкониятига эга бўлдим. Москвада нашр этиладиган «Родина» журналининг 1989 йил ун биринчи сонида тарих фанлари доктори Фарход Қосимов билан фалсафа фанлари номзоди Баҳодир Эргашевнинг мақоласини ўқидим. Мен бу мақолани ўқимаслигим ҳам мумкин эди. Мақола Бухоро инқилобига доир бўлгани учун ҳам ўқидим. Қалбимда дадам ҳақида бир дарақ топмасмиканман, деган умид йўқ эмас эди. Негаки, дадам тарихи шу инқилоб билан туташ... Шунда бирдан дадам ҳақидаги икки оғиз сузга дуч келдим.

«Ўзбекистон Жумҳуриятининг биринчи раиси бўлган Хужаевдан ташқари 1920 йил инқилобига алоқадор яна қўшлаб кишилар Сталин даври қатли омига гирифтор бўлди. Улар орасида Бухоро Компартиясининг биринчи раиси Нажиб Хусайнов, 1923 йилда худди шу лавозимда ишлаган Абдулла Раҳимбоев, Ўзбекистоннинг биринчи Халқ Молия Комиссари Қора Йўлдош Пулатов, биринчи ўзбек ва тожик профессорлари Абдурауф Фитрат, Мусо Саиджонов ва Аббос Алиев, уша даврнинг таниқли адабиёт намоёндалари Саид Аҳрорий ва Аҳмаджон Абдусайдов (Ҳамдий), Ўзбекистоннинг таниқли партия ва совет ҳодимларидан Абдурахим Юсуфзода, Раҳматулла Музаффаров, Отахужа Пулатхужаев ва қўшлаб бошқа уртоқлар бор эди».

Тонгтача мижжа қоқмадим. Отамнинг қамалиш тафсилотларини кимдан, қаердан аниқласам бўлади? Бирон-бир хабар топишга ишончим йўқ эди. Сабаби, эллагинчи йилларда ОГПУга ариза билан мурожаат этган ва «Бизда ҳеч қандай маълумот йўқ», мазмунида жавоб олган эдим. Барибир уша маҳкамага яна мурожаат қилдим. Ахийри орадан икки ой утиб жавоб хати олдим. «Ўзбекистон ССР Олий Судининг 1957 йил 5 сентябрдаги 216/11 ажрими билан СССР Бирлашган Бош Сийсий Бошқармаси Коллегиясининг 1931 йил 25

«ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА» ПОНЕД. 25 МАЯ 1954

РАССТРЕЛЬНЫЕ

СПИСК И

ВАГАНЬКОВСКОЕ КЛАДБИЩЕ

Продолжаем публиковать списки жертв сталинских репрессий, тайно захороненных на Ваганьковском кладбище в 1930—1940 годах. Их обвиняли в контрреволю-

ионных действиях, тайно захороненных на Ваганьковском кладбище и более 250 имен кремлевских и захороненных в могиле № 1 Донского кладбища.

ционной деятельности, вредительство, подготовке террористических актов. Многие все они полностью реабилитированы. Списки для публикации в «ВМ» подготовили сотрудники Центрального архива КГБ СССР и Управления КГБ по Москве и Московской области.

Расстрельные списки газета начала публиковать 6 декабря 1990 года. С тех пор на страницах «ВМ» названы более 600

К сожалению, до сих пор не решен вопрос о публикации полностью расстрельных списков, в котором бы были названы все жертвы политических репрессий 30—50-х годов. Несмотря на ряд выступлений «Вечерки», с. 74711, предложение, Мининтерство безопасности, Россия, как в прошлые годы и КГБ СССР, никак не откликнулось на это предложение. А возможности одной нашей газеты ограничены.



ВАДИМ ЛЬДИН Абрахам, род. в 1897 г. в Советском районе Северо-Казахстанского округа, казах, член ВКП(б), образование среднее, научный сотрудник Казахского государственного университета. Прож.: Алма-Ата, ул. Ильясская, д. 6. Арест. 5 июля 1928 г. Расстр. 21 апреля 1930 г.

АДИЛЕВ Диньмухамед, род. в 1900 г. в третьем ауле Сарымсульского района Сыр-Дарьинского округа, казах, беспарт., образование среднее, директор национального театра г. Камы. Орда. Арест. в декабре 1928 г., расстр. 21 апреля 1930 г.



ЮСУПОВ Ахмет Сафа, род. в 1895 г. в Батбакирском районе Кустанайского округа, казах, беспарт., образование высшее, служащий редакции «Экшеш-казах». Прож.: Кызыл-Орда, ул. Сельверстова, д. 26. Арест. 28 января 1928 г. Расстр. 21 апреля 1930 г.



АЙМАУТОВ Мусулбен (Дму-супбед), род. в 1889 г. в первом ауле Павлодарского уезда Камы-Тавской волости Семипалатинской губ. казах, беспарт., образование среднее, преподаватель Чинкестового педагогического техникума. Прож.: Чинкест. Ул. Пушкарская, д. 5. Арест. 30 мая 1928 г., расстр. 21 апреля 1930 г.



АХРАРИ Саид Абдурашидович (Саид Абдурашидович Ахрари), род. в 1895 г. в Турции, узбек, член ВКП(б), образование среднее, преподаватель Самаркандского финансово-экономического техникума. Прож. в Самарканде. Арест. 12 ноября 1930 г., расстр. 23 мая 1931 г.

АБДУРАШИТОВ Мунаввар Кары (Мунаввар Кары Абдурашитов), род. в 1878 г. в Ташкенте, узбек, беспарт., образование высшее, литератор. Прож.: Ташкент, Шайхантаурская часть, махалля-квартал Дархонь, д. 17. Арест. 6 ноября 1929 г., расстр. 23 мая 1931 г.



ТЕЛЛЯХАНОВ Салимхан (Салимхан Телляханов), род. в 1890 г. в Ташкенте, узбек, беспарт., образование незаконченное высшее, инструктор «Плодовинсоюза». Прож.: Ташкент, махалля-квартал Деванбаш, д. 169. Арест. 6 ноября 1929 г., расстр. 23 мая 1931 г.

МАКСУДОВ Умтринул Ходич, род. в 1900 г. в Ташкенте, узбек, беспарт., образование среднее, заведующий курсами по подготовке поступающих на рабфак. Прож.: Ташкент. Арест. 6 ноября 1929 г., расстр. 23 мая 1931 г.



ШИРАХМЕДОВ Нaimханди (Наимханди Ширахмедов), род. в 1900 году в Ташкенте, узбек, беспарт., образование низшее, без определенных занятий. Прож.: Ташкент, Бешагаческая часть, махалля-квартал Машраб. Арест. 6 ноября 1929 года, расстр. 23 мая 1931 г.

апрелидаги Саид Абдурашидович Ахрорийга доир иши тухтатилиб, унинг пок номи улимидан сунг тикланди...».

Олтмиш йил бедаракликдан сунг отам ҳақида топган илк аниқ маълумотим эди бу.

Дадам ҳақида нималарни биламан? У киши ҳақидаги хотираларим асосан онам ҳикоялари буйича шаклланган. Аммо маъмурий идора ҳужжатхонасидаги «Мунаввар Қори Абдурашидов, Салимхон Тилляхонов ва бошқалар», деб номланган жиндий ишнинг ун иккин-

чи жиддида ОГПУнинг анкетаси бор. 1930 йилнинг 14 феввали куни оператив вакил Журавлев тулдирган ана шу анкетада, туғрироғи, тергов протоколида дадамнинг манзилгоҳи: Самарқанд шаҳри, Қаландархона даҳаси, Маҳдум Хоразмий маҳалласи, 4-ҳовли деб курсатилган.

Ҳужжатлардан билишимча, бобом Абдурашидовжа хужандлик бўлиб, ҳаж сафаридан қайтаётиб Туркияда яшаб қолган эканлар. Отам Муҳаммад Саид Туркияда туғилган. Туркиядан биринчи жажон урушига жунаган отам турклар билан урислар уртасида булган жангда жараҳатланиб, урисларга асир тушиб қолади ва урислар уни Красноярск шаҳридаги тутқунхонага жунатишади. Ҳужжатлардан яна шуни билдимки, 1918 йил феввалида Красноярск тутқунгоҳидан қочиб, Тошкентга келган Саид Аҳрорий Уқчи маҳалласида «Ватан» деган мактаб очади ва шу мактабда «Изчилар тудаси» деб номланган ёшлар гуруҳини ташкил этади.

Отам авлодлари Истамбулда 1897 йилдан бошлаб яшаган экан. Дадам Истамбулда аввал гимназияни тамомлаган, сунг икки йил мобайнида ҳарбий билим юртида таҳсил олиб, офицер булган экан. 1918 йилда Туркистонга келганидан буёғини «Турк учоғи» миллий уюшмасини ташкил этган, «Турк сузи» рузномасини чоп этган. «Ватан» мактаби ҳузурида «Изчилар тудаси» уюшмасини ташкил этган. Бу кашпофлар уюшмаси — республикамиздаги энг биринчи ёшлар уюшмаси. Ёш авлодни билимдон, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашни кузда тутган уюшма.

Яна ҳужжатлардан шуни билдимки, дадам ташкил этган «Изчилар тудаси» уз олдига талай маърифий вазифаларни куйган. Лекин бунга тергов органларининг қарашы бошқача булган.

«Изчилар тудаси» ёшлар учун мулжалланган уюшма булса, бошқалар учун ҳам уюшмалар ташкил этила бошланган. Бунинг узига яраша сабаблари бор эди, албатта. Совет воқелигида булиб турган ерлиларга нисбатан шовинистик муносабат — камситишлар, ҳалқ турмуш даражасининг кун сайин пасайиб бориши, алифбомизнинг узгартирилиши, марказнинг миллий жумҳуриятлар устидан юритаётган ҳокими мулқлиги... шунга ухшаш қатор бедодликларга чек куйиш максатида эзилдилар «Иттиҳоди тараққий», «Иттиҳоди тараққийпарпар» каби уюшмалар ташкил этдилар ва миллий мустақиллик учун кураш йулида фаоллик курсата бошладилар. Менинг отам кейинчалик «Миллий истиқлол» номи остида иш юритган, раҳбари Мунаввар Қори булган бу уюшманинг фаол аъзоларидан булган.

Бир йилдан ортиқ ҳужжатгоҳда утириб, отам Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг қисқагина умри давомидаги ун йиллик меҳнат фаолиятига доир фактларни аниқладим. (То шу кунгача мен булардан тамомила беҳабар эдим).

1. «Турк учоғи» уюшмаси ташкилотчиси ва раҳбари.
2. «Турк сузи» рузномасининг адабий муҳаррири.
3. «Ватан» мактаби ташкилотчиси ва раҳбари.
4. «Ёш бухороликлар» қумитаси саркотиби.
5. Бухоро Халқ Шуралар Жумҳурияти нашриёти директори.
6. «Бухоро ахбори» рузномаси муҳаррири.
7. Бухоро Халқ Шуралар Жумҳурияти Нозирлар Кенгаши аппарати ходими.
8. «Озод Бухоро» рузномаси муҳаррири уринбосари.
9. Молия Халқ Комиссарлиги ходими.
10. «Зарафшон» газетаси муҳаррири.
11. Самарқанд молия-иқтисод техникуми уқитувчиси.

Отам дурустгина бадий талант эгаси булган. У унлаб публицистик мақолалар, шеърлар ёзган. Лекин бу мақола ва шеърлар уз даврида алоҳида китоб ҳолида нашр этилмаган. Шу боисдан мен уларни кутубхона ва ҳужжатхоналарда утириб, 20-йиллардаги рўзнома ва ойнома тахламларини титкилаб қидириб топаёшман. Отам асарларида уз халқи эрки ва бахт-саодатини, чинакам инсоний туйгуларни куйлаган. Мана отам ёзган шеърлардан айрим намуналар:

Истайманки

*Истайманки, кунглум узин бошқа утка қуймасун,
Севгиндаги ниҳоясиз тиниқликқа туймасун.
Сандан гузал курунгуси дилбарларга уймасун,
Севгиндаги ниҳоятсиз тиниқликқа туймасун.*

*Эй кунглумга эга булган қора кузли жайроним,
Қуй, йиқилсун ишқ куйинда тотли умрим, жаҳоним.
Тилайманки, ёш чоғимда туйгум, жоним, виждоним,
Севгиндаги ниҳоятсиз тиниқликқа туймасун.*

1922 йил 16 август. Боку.

Сен яша!

Севикли рафиқамга

*Йуқсуллиқлар, айриликлар мани бутун эзганда,
Елғизликнинг наштарлари юрагимни тешганда,
Ҳаётимнинг баҳорини сен келтирдинг бирликда,
Сен келган кун руҳим теран севинчлар-ла безанди.
Меҳрижоним! Бу қоронгу, бу қоронгу очунимда биргина
Сен эурсан опшок, ёруғ юзли юлдузим.
Ҳаётимнинг баҳорини сен келтирдинг бирликда,
Сен келган кун руҳим теран севинчлар-ла безанди.
Меҳрижоним! Бу қоронгу, бу қоронгу очунимда биргина
Сен эурсан опшок, ёруғ юзли юлдузим.
Сен мен билан булган сайин қайғу кирмас кунгулга,
Фидо сенга ёзувларим, шеърларим, ҳам ҳар сузим.
Вазирам, кул, хандалар соч менинг нурсиз умримга,
Вужуд бериб, жон бағишла гузал тилакларимга!
Тилагингча очил, яйра, уйнаб, яшна, қанотлан,
Булбул каби сайраб учтил, яшна маним бағримда!*

3 сентябрь 1922 йил. Боку.

Армон йулинда

*Ёр олдиға борай деб куп урундим,
Қонга ботиб тиканларда сурундим,
Эсим кетди, элга ёмон курундим,
Йул очилсин севганимга қовушай!*

*Армон излаб, уздим узун борлиқдан,
Куп толиқдим ва зерикдим торлиқдан,*

*Жондан туйдим, бошдан кечдим аниқдан,
Тоглар чуқсин армонимга эришай!*

*«Ерни тепса сочиласан», дейдилар.
Юксалишдан мени қаттиқ тийдилар,
Улар халққа ёвуз душман эдилар,
Қанот, тирноқ беринг учай, тирмашай —
Ер олдига эргашай.*

1926 йил январь — шанба.

ЗИЛОЛА СУЛАЙМОНОВА ҲИКОЯСИ (Салимхон Тиллахоновнинг набираси):

— Бобомни 1929 йил 6 ноябрь саҳарда Девонбеги маҳалласидаги ҳовлимизга НКВД ходимлари бостириб кириб, қулига кишан солиб олиб чиқиб кетишган. Бувим Кароматхон Шодмон Қори қизи гудак фарзандларини бағрига босиб, икки қули бир тепа бўлиб, додлаб қолаверганлар. Шунда бувим 28 ешда, фарзандлари Гузал (менинг онам) 7 ешда, Ширин холам 4 ешда эканлар.

Девонбеги маҳалласидаги уйимиздан икки уй нарида бобомнинг аммаваччаси Яҳёхон Саидов яшаган. Касби муаллимлик булган бу қариндошимиз ҳам Мунаввар Қори раҳбарлигидаги «Миллий истиқлол» жамиятининг фаол аъзоларидан булган. У бобомни олиб кетгани уйимизга НКВД ходимлари келишганини сезиб, ҳовлисидаги уч пахса девордан ошиб қочган. Қирғизистонга бориб, у ердан Хитойга утиб кетган. Уша пайтда Қирғизистон билан Хитой чегарасида, баланд тоғ устида Хитойга утиш мумкин булган, хавфли жойига сим тортиб қуйилган сукмоқ йул булар экан. Бу йулни айрим маҳаллий кишиларгина билишар экан. Яҳёхон амаки яхши кишилар кумагида шу сукмоқдан Хитойга утиб кетади ва уша ерда яшаб, бола-чақали булади. У Сталин вафот этгач, 1955 йилда Тошкентга оиласи билан қайтиб келган.

Бобом Салимхон Тиллахонов уз даврининг уқимишли кишиларидан булганлар. Дастлаб биринчи босқич эски мактабни тамомлагач, рус-тузем мактабида уқиганлар, кейин Бухородаги мадрасада тахсил курганлар. 1917—1918 йилларда Боқуда иқтисод ва жугрофияни ургатувчи тулиқсиз олий уқув юртида уқиганлар. Айни пайтда Боку молия билим юртида муаллимлик ҳам қилганлар.

Уқишни битиргач, Тошкентга қайтиб, турли курсларда иқтисодиёт ва сиёсий аҳволдан лекциялар уқиганлар. Урта Осие Давлат дорилфунунининг иқтисод ва тарих куллиетида кириб уқишни давом эттирганлар.

1921 йилдан бошлаб икки йил педагогика билим юртига директорлик қилганлар. Шу даврда у кишининг «Садои Туркистон», «Маданият ва революция» каби газета ва журналларда иқтисодий мавзуда қатор мақолалари чоп этилган.

Бобомнинг ота-боболари ҳам уқимишли, илмнинг қадрига етадиган кишилар булишган. Катта бобомиз Рустамхон Нурмухаммад угли домла булган, Тиллахон бобомиз мадрасада мударрислик қилганлар. У фарзандларининг ҳам илмли булиши учун ҳаракат қилган.

Бобомнинг синглиси, 30-йилларда ҳозирги «Саодат» журнаliga муҳаррирлик қилган Хосият Тиллахонова 1917 йилдан сунг Тошкентдаги Валихужабойнинг ҳовлисида очилган биринчи узбек қизлар билим

юртида Ойдин Собирова, Саида Шераҳмедова, Робия Носирова каби кейинчалик Ўзбекистоннинг таниқли зиёли аёллари бўлиб етишган ўзбек қизлари билан ўқиган. Уларга шу даврда Мунаввар Қори Абдурашидов, Шокиржон Раҳимбоевлар билан бирга, Петербургдаги Смольний хотин-қизлар маориф институтини битирган, полковник Еникеевнинг хотини Саодат Еникеева, Қримдан келган Муриддахоним Исмоилова, қозонлик Гавҳар Алиева каби машҳур мураббийлар дарс беришган. Бироқ Хосият Тиллахонованинг тақдири фожиали бўлган — уни 1937 йилда «халқ душмани» сифатида қамашган.

Бобом Мунаввар Қори Абдурашидовнинг энг яқин дустри ва маслақдоши, «Миллий истиқлол» жамиятидаги биринчи муовини бўлганлар. Асосан жадидлардан ташкил топган бу жамият аъзолари юртнинг мустақиллигига эришиш учун халқ фарзандларини ўқитиш, савиясини ошириш керак, деган фикрда бўлганлар. Шу боисдан ҳам 20-йилларда қобилиятли ёшларни чет элларга, биринчи навбатда уша даврдаги тараққий этган капиталистик давлат саналган Германияга юбориб ўқитиш ҳаракати бошланган. Бу хусусда «Бухоро ахбори» газетасининг 1923 йил 17 март сонида қўйидагилар ёзилган эди: «1922-23 йилларда Бухоро Халқ Шуролар Жумҳуриятидан Берлинга талабалар олиб бориш, уларни олий, махсус урта ва урта таълим билим юртларига жойлаштириш машҳур татар зиёлиси Олимхон Идрисов, Бухоро Марказий Ижрокуми аъзоси Бурхонов ва Россия ваколатхонасининг собиқ ходими Кеминистскийлардан иборат комиссияга топширилган. Бухоро талабалари Германияга бориб етганда, тил ургана бошлаган, тез замонда немис тилини яхши билиб, имтиҳон топширувчилар бўлган Шамсилбанот Аширмат қизи билан Сайдали Усмон мактаб мудирини доктор Расма хузурда имтиҳон бериб, Шамсилбанот дорилфунунининг тиббиёт шўбасига қабул этилганлар.

Хориждаги талабаларимизга давлат нафақаларидан ташқари ҳар икки жумҳуриятнинг турли хил маданий ва спорт уйинлари, томошаларидан тушадиган даромадларнинг ҳам маълум қисмлари ажратиқиб турилган... Шунингдек маҳаллий илғор маърифатпарварлардан Мунаввар Қори Абдурашидов, Абдулҳамид Сулаймонов (Чулпон), Шокиржон Раҳимий, Саидносир Миржалолов, Салимхон Тиллахоний (Салимхон Тиллахонов) ва бошқалар моддий ёрдам курсатиб бордилар.

Салимхон Тиллахонов шу мавзуда ёзган, «Туркистон» газетасида 1928 йил 11 мартда эълон қилинган «Четга кўпроқ ўқувчилар юбориш керак» мақоласида шундай деб ёзган эди:

«1922 йил ўқиш мавсумида Тошкентда ташкил этилган «Кумак» уюшмасининг таъаббуси, Туркистон ҳукуматининг кумаги, Бухоро жумҳуриятининг гайрати ва Шуролар Россияси соясида Туркистон ва Бухордан 70 га яқин ўқувчи Германияга кетган эди. Мана бу ҳисобга қараганда 12 миллион нуфузга молик Туркистонимиздан 70 тагина талаба бўлиши ҳеч бир вақтда бизни қаноатлантирмайди. Ҳаракат қилиб келгуси йилларда Оврупаннинг ҳар бир бурчагига минглаб талабалар юборишимиз керакдир. Бизнинг духтиримиз, адабимиз, муҳарриримиз, технигимиз, файласуфларимиз ва ҳоказо улут кишиларимиз, йулбошловчиларимизни уз ичимиздан чиқаришимиз лозимдур.

Мамлакатимизнинг ҳаёти бўлган сув ишларимиз ҳам бизнинг жаҳолатимизга қурбондир. Оврупа сувсиз ва гайримунбит ерларни ишга киритган бир замонда биз замонда биз катта-катта дареларимиздан баҳра ололмасдан ташна ҳолда яшаймиз. Оврупо минглаб кишиларни ҳавода юритган ҳолда, биз ҳамон Имом Аъзам арбаси билан напунамо қилмоқдамиз. Ҳар бир маслаҳат, уйлашнинг натижаси болаларимизни четга юбориб ўқитиш бўлиб чиқмоқда».

Бу сузлар йигирманчи йилларда — элимиз чоризм кишанларидан қутилган, лекин ҳали буйнига «қизил империя» кишани ростмана илинмаган бир пайтда халқимизда, айниқса унинг илгор вакиллари бўлмиш зиёлилар орасида уйғониш булганлигининг, улар уз эл-юртларини чинакам эрка, бахт-саодатга эриштириш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида қайгурганликларининг, халқни маърифатли қилишни бунинг асосий омилларидан бири деб билганликларининг яққол далилидир.

Бобом жуда билимдон, форс, араб, рус ва озарбайжон тилларида яхши сузлаша оладиган, Алишер Навоий, Бедилнинг куп газалларини ёд биладиган қобилиятли инсон булганлар. Ҳибсга олингач, терговчилар у кишига: «Сен миллатчисан», дейишганда, «Мен миллатчи эмасман, миллатпарварман», деб жавоб қилган эканлар.

Бувимдан «Бобомдан жуда ёш бева қолган экансиз, нега иккинчи марта турмуш қурмагансиз?» деб сураганман. Шунда бувим: «Бобом шу қадар гузал, шу қадар ақлли инсон эдики, мен ортук ундай одамни тополмасдим. Иккинчидан, мен уни шу қадар севар эдимки, узини эмас, вафотидан сунг руҳини ҳам норизо қилишни истамаганман», деб жавоб берган эдилар.

Бобом сураткашликка ҳам ҳавасманд булган эканлар, уз фотоаппаратлари булган экан. Шу боисдан у кишидан талай суратлар қолган. Лекин 1937-38 йилларда қама-қама яна авжита чиққанида бувим бу суратларни сақлашга қурқиб, йуқ қилган эканлар. Фақат биттасини тандирнинг остига латтага ураб яшириб асраганлар.

Бобом «Миллий истиқлол» жамиятининг раҳбарларидан бири булганликлари учун у кишини қамоқда жуда қаттиқ тергов қилишган. Бувимни, қариндош-уруғларимизни, ҳатто шаҳардаги Тиллахонов фамилияли бегона кишиларни ҳам маъмурий идорага қақиравериб тинкаларини қуритишган. Охири бувим фамилияларини узгартириб, уз оталари номига утказиб, Шодмонова қилиб олганлар. Шундан сунггина у кишини маъмурий идорага қақирини тухтаган.

Уша даврда «Миллий истиқлол» жамиятининг аъзоси сифатида ҳибсга олинган Азиз Лазиззода бобомни охириги марта Бутирка қамоқхонасининг йулагига қурган экан. «Унинг ранги бир ҳолатда, оқсоқлашиб қадам қуярди. Афтидан, терговчилар Салимхоннинг оёғига тепиб шикастлаган эдилар», деб эслаганди Лазиззода.

Мунаввар Қори ҳам бир кишилик хонадан купчилик сақланадиган хонага утказишларини илтимос қилиб қамоқхона маъмуриятига ёзган аризасида саломатлиги яхши эмаслиги, оёқлари шипиб кетганлигини ёзган экан.

Салимхон Тиллахоновнинг рафиқаси, икки қизи дунедан утиб кетишди, ҳозир саккиз набираси ҳаёт. Биз набиралар тез-тез учрашиб, бобомизни эслаб тураимиз, унга муносиб бўлишга, руҳи-покини шод этишга ҳаракат қиламиз.

Салимхон Тиллахонов, Мунаввар Қори Абдурашидов, Саид Аҳроий ва уларга маслакдош саналган, улар билан бирга ҳалок булган миллатпарвар кишиларнинг ачинарли қисмати бугунги озодлигимиз, мустақиллигимиз уз-уздан қулга киритилмаганлигининг, бу йулда халқимизнинг куплаб ажойиб фарзандлари қурбон булганликларининг далилидир. Биз бугунги авлод кишилари юргимиз мустақиллигини қуз қорачигидек асрасак, вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларга бардошли бўлиб, Ватанимиз равнақи йулида қулни-қулга бериб ҳалол меҳнат қилсак, бугунги кунларни орзу қилган, лекин унга етолмай оламдан утган ота-боболаримиз руҳи-покини шод қилган буламиз.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистон катта сиёсий курашлар майдонига айланиб кетди. Туркистонга кучирилган ва сургун қилинган рус, украин ва бошқа халқларнинг вакиллари орқали улкага марксистик гоялар кириб кела бошлади. Овруналиклар куп яшайдиган, саноат маркази бўлган шаҳарларда большевистик гуруҳлар ташкил этила бошлади. Лекин маҳаллий аҳоли бу гояга қизиқмади. Шу боис Октябрь давлат тунтаришигача улкада социал-демократик ҳаракатда иштирок этган деярли биронта ҳам маҳаллий халқ вакили бўлмади. Аксинча, маҳаллий халқ зиёлилари, айниқса уларнинг илғор вакиллари бўлиши жадидлар коммунистик гоялар мусулмон халқларининг имон-эътиқодига зид, истиқболи бўлмаган гоя эканлигини ўша пайтдаёқ айтган эдилар.

1911—1912 йилларда Туркистонда Рафиқ Эл Аъзамнинг (таржимон Зокир Эл Қодирӣ) брошюраси турк тилидан ўзбек тилига таржима қилиб тарқатилди. Бу китобчанинг кириш қисмида «мусулмон динининг социализм, анархизм ва Ғарбда пайдо бўлган бошқа гояларга, шунингдек умуман ҳаётга муносабати баён қилинган эди. Муаллиф бу китобини Ғарбда пайдо бўлаётган ҳеч бир янги таълимот, шу жумладан социализм ҳам, инсонни бахтли қилолмаслигини, ижтимоий муносабатларни яхшилашнинг ягона йўли — ислом ақидаларига амал қилишдан иборатлигини исботлашга ҳаракат қилган. Муаллиф «социалистларнинг тушунарсиз ва асоссиз гоялари одамларни бахтли қилиши мумкинлигини ҳеч тушунолмаслигини», «моддий ва маънавий бахтга илоҳий қонуларга амал қилган шароитдагина эришиш мумкинлигини ёзади.

Туркистонда ва Бухорода барча туркий халқларни бирлаштиришга, Туркистон мустақиллиги учун даъват этувчи варақалар, китоблар, прокламациялар тарқатила бошлади. Айниқса Бухоронинг Россиядан қисман мустақиллиги, бу ерда чор цензурасининг йўқлиги уни буюк Туркистоннинг бирлиги ва мустақиллиги учун кураш гоялари тарқатиладиган марказга айлангирди. Бундай гоялар айниқса биринчи жаҳон уруши авж олиб, Россия қўшинлари катта талофот кура бошлаганидан кейин кучайди. Ҳатто Тошкентдан Афғонистонга махфий вакиллар бориб, Афғонистон ҳукуматини Россия империясига қарши уруш бошлаб, мазлум Туркистон халқларининг озодлик курашига ёрдам беришга даъват этдилар. Лекин Афғонистон ҳукумати раҳбарлари бу таклифга рози бўлмадилар.

1913 йилда Верний (ҳозирги Алмаати) шаҳрида «Мусулмонлар тугараги» ташкил этилди. Бу тугарак етакчилари мусулмонларни жиёслапишга ва эътиқодни ҳимоя қилиб улишга даъват этдилар.

Дастлаб Туркияда XIX аср охирида ташкил этилган, 1909 йилнинг 27 апрелида Султон Абдулҳамид II тахтдан ағдарилгандан кейин ҳокимият тепасига келган, эрк ва эътиқод, тараққиёт учун курашни узининг бош мақсади қилиб олган «Иттиҳод ва Тараққий» партияси гояларининг Туркистонга кириб келиши ҳам биринчи жаҳон уруши даврига тўғри келади.

Чор ҳукумати даврида халқнинг чироқсиз зимистонда қолганидан урганган Туркистон жадидлари элни аввал ёруғликка олиб чиқишга — онгини устиришга уриндилар. Шу мақсадда Туркиядаги «Иттиҳод ва Тараққий» партиясидан андоза олиб, «Иттиҳоди тараққийпарвар» (Тараққийпарварлар уюшмаси)ни тuzдидлар. Худди шу ҳодиса уларни кейинроқ большевиклар томонидан пантуркизм ва панисломизмда айбланишлари учун яхши дастак бўлди. Ваҳоланки, бу

ҳаракат дастурида туркий булмаган бошқа бир миллатга душманлик, унинг мустақиллигига ҳавф солиш кўзда тутилмаган эди. Кейинчалик ташкилот номидagi «парвар» сузи олиб ташланиб, жамият «Иттиҳоди тараққий», ундан сўнг «Миллий иттиҳод» деб аталган. Яъни тараққиёт йулида бирлашиш кўзда тутилган. Хужжатларнинг далолат беришича, бу ташкилотнинг ташкилотчиси ва маънавий раҳбари Мунаввар Қори Абдурашидов булган.

Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида ташкилот «Миллий истиқлол» номини олади. Мунаввар Қорининг изоҳича, жамиятнинг айна пайтдаги мақсади ҳамда унинг олдида турган вазифаларидан келиб чиқилганда «Миллий истиқлол» номи купроқ мос келар эди. Зеро, миллий иттиҳод (миллий бирлашув) ҳақида, яъни барча туркий миллатларнинг (узбек, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қирғизларни) бирлаштириш ҳақида, аввало асосий мақсадга — мустақилликка эришгандан кейингина гап булиши мумкин, деб ҳисобланган. «Миллий истиқлол»нинг уз олдида қуйган вазифаси қуйидагилардан иборат булган:

1. Мустақил Туркистон учун кураш;
2. Мактаб-маориф ишида ислоҳ утказиш;
3. Бидъатга берилган руҳонийларга қарши кураш;
4. Турк ҳарбий асирларига ёрдам курсатиш*;
5. Жамиятга аъзолар жалб этиш.

Мунаввар Қорининг далолат беришича, жамият бирон-бир кимсада миллий озодлик ҳаракатига интилиш борлигини сезса, ишончли аъзоларидан бирини у билан мусоҳаба олиб боришга ундаган ва бу кимса лойиқ топган тақдирдагина хайрихоҳ кимсани жамиятга аъзо булишига таклиф этган. Таклифни қабул қилган кимса уша ташвиқот қилган жамият аъзоси етагида (аксарият тунда) бирон бир мактаб ёки идорага борган.

Бу одам кузатиб борилган хонада стол турган — столда «Смит-Витсон» тушпончаси ва Куръони карим булган. Стол ортида қизил алвон — унинг ортида эса Раёсат аъзоларидан бири келганларга куришмай турган. Бошлашиб келган икки одам алвон рупарасига келиб тўхтаган ва алвон ортида турган Раёсат аъзоси: «Фалончи! Туркистон «Миллий истиқлол» Жамияти Сизни узининг ҳақиқий ва садоқатли аъзоси булишингизга ишонч билдиради. Шунга эътирозингиз йўқми, содиқ аъзо булишни истайсизми?» дейди. Аъзоликка кираётган кимса розилигини изҳор этгач, байроқ ортида турган одам унга дейди: «Фалончи! Сизнинг уз ихтиёрингиз билан аъзоликка киришингизга жамият номидан розилик билдираман. Менга берган сўзингиз чин булса, унг қўлингизни Қаломуллоҳга, сул қўлингизни тушпонча устига қўйинг!» (сўнг бошлаб келган одамга муурожаат этади). «Сиз, фалончи, мана шу кимсаинг шу дақиқадан бошлаб Туркистон «Миллий истиқлол» жамияти аъзолигига қабул этилганига гувоҳ булинг». Бошлаб келган кимса розилик билдирганидан кейин, қасамедга утадилар. Алвон ортидаги одам: «Фалончи! Энди Сиз жамиятга қасамед қиласиз. Мен нима десам сўзларимни такрорланг!» дейди-да, лунда-лунда қилиб айтиб туради ва аъзоликка кираётган кимса уни такрорлайди. «Менким, фалончи, жамиятнинг икки обрули аъзоси олдида, унг қўлимни Каломуллоҳга, сул қўлимни улим қуроли устига қўйиб туриб ва юзимни буюк Туроннинг миллий байроғига қаратган ҳолда Туркистон «Миллий истиқлол» жамиятига аъзо булганлигимга қасамед

* Биринчи жаҳон урушида руслар томонидан асир олиниб, тутқингоҳларга солинган турк ҳарбий асирлари Октябрь тунтариши туфайли озод булишгач, қора тортиб Тошкентга келган эдилар.

қиламан. Жамият мақсадлари ва фармонларига ҳеч қачон қаршилик курсатмайман, ҳар қандай қурбонлардан, бажариш жуда қийин булган фармонларни ижро этишдан сира қайтмайман. Жамиятнинг барча тоғширик ва буйруқларини сўзсиз бажараман, унинг мақсадлари рўёбга чиқиши йўлида бор мол-мулкимни сарфлашга, жонимни фидо қилишга тайёрман, жамиятнинг бирон-бир сирини ошкор эттудек бўлсам ёки унга хиёнат қилсам, 24 соат ичида мени улимга маққум этишларига розиман. Жамият сирини ошкор этмасликка Парвардигори олам олдида диним-имоним билан қасамёд қиламан».

Шу дақиқадан бошлаб бу кимса «Миллий истиқлол» жамияти аъзоси саналади. «Миллий истиқлол»чилар сафи вазифалар моҳиятини онгли суратда тушуниб етган аъзолар ҳисобига кенгайиб борган. Шуро ҳокимияти ўрнатилгач, улар янги ҳокимиятни чинакам ишчи-деҳқон ҳокимияти деб ишониб, биргаликда иш олиб боришни кузлаган даврлар ҳам булган. Ҳатто, Мунаввар Қори маълум муддат коммунистик партия аъзоси ҳам булган. Бунинг сабабини сурашганда, у «мен халққа манфаати тегиши мумкин булган, уни ёруғликка олиб чиқадиган ҳар қандай ташкилотга аъзо булишга тайёрман», деб жавоб берган. Аммо бу зукко зиеллилар янги ҳокимиятнинг сузи билан иши бошқа-бошқалигини тезда англаб етдилар. Халқ орасида ҳам норозилик кундан-кунга ортиб борди. Бу бедодликларни уз кузи билан куриб, ўз бошидан кечириб турган зиеллилар мушоҳада юритишар, қийслашар ва тегишли хулоса чиқарардилар. Бу хулоса Шуро ҳукумати фойдасига булмас эди. «Ўзбекистонда буюк давлат шовинизми ривожланиб борапти», «Урусиянинг марказий районларидан урисларнинг оммавий равишда кучириб келтирилиши, бунинг оқибатида маҳаллий аҳоли орасида ишсизликнинг купаёиши бориши, маҳаллий sanoatнинг ривожланишига аҳамият берилмаганилиги, устига-устак тўқимачилик фабрикаларининг Урусия худудида қурилиши ва бор пахтаининг уша ёққа ташиб кетилиши хонавайрон булган ўзбек ҳунармандларининг ҳолини хароб қилади». «Миллий истиқлол»чиларнинг хулосаси шундай эди.

Бу орада Туркистон жумҳуриятларга булиб юбориладиган булди. Туркистонни ҳур, мустақил куриш орзусида ёнган «Миллий истиқлол»чилар англадиларки, Шуро ҳокимиятининг сузи бошқаю иши бошқа. «Гуштни ҳам аввал нимгалаб, булакларга булинади, сунг еб юбориш осон булади», дедилар истиқлолчилар. Аммо уларнинг нолаю талабларини тинглагучи кулоқ, англагучи дил топилмади. Аксинча, уларнинг ҳар бир қадами Шуро ҳукумати Давлат Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ)нинг таъқибиде булди.

Зулайҳо Қаюмова уз хотираларида «Миллий истиқлол»чиларнинг ҳибсга олинисини Ҳамза ўлими билан боғлайди. Ҳақиқатда уларнинг ҳибсга олинисига шу воқеа баҳона булган булиши мумкин. Лекин асл сабаблари бошқа.

«Вечерняя Москва» газетасида номи ва сурати эълон қилинган кишилардан турт нафари қозогистонлик. Бу кишилар ҳам 1929 йилнинг турли ойларида қамоққа олиниб, Москванинг Бутирка қамоқхонасида отиб ташланганлар. Шу фактнинг узи ҳам Шуро ҳокимиятига нисбатан муҳолифиятда булган кишиларни қамаб, йуқ қилиш Бутуниттифоқ миқёсида амалга оширилганлигини курсатади.

«Миллий истиқлол» жамияти раҳбарларини аввал масъул лавозимлардан четлаштириб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятидан маҳрум қилдилар. Масалан, Мунаввар Қори Абдурашидов Октябрь тунтаришидан кейинги дастлабки йилларда Туркистон Республикаси маориф комиссарининг уринбосари булган.

Шундан кейин секин-аста лавозимлари пасайтирилиб, охирида маҳалласида узи ташкил этган мактабда ўқитувчи бўлиб қолган, рўзгорини зур-базур тебратган. Бухоро Халқ Республикасининг Озарбайжондаги элчиси, Бухоро Халқ Республикаси нашриётининг директори, бир қатор газеталарнинг муҳаррири бўлиб ишлаган талантли шоир ва публицист Саид Аҳрорий эса сунгги пайтда молния-иқтисод техникумининг оддий ўқитувчиси эди. Яхши иқтисодий билимга эга бўлган, бир неча тилни билган, педагогика билим юртида директор бўлиб ишлаган Салимхон Тиллахонов эса 1929 йилда «Плодовинсоюз»да йуриқчи бўлиб ишлаб юрган эди.

1929 йилнинг кеч кузида «Миллий истиқлол»чиларни битта-бит-талаб ҳибсга олдилар. Жамиятнинг жами саксон олти аъзоси қамалди.

Уларни нега айнан шу даврда қамаб, йўқ қилишди? Сабаби, бу даврда Шўро ҳукумати қишлоқда қўлоқларни синф сифатида тугатишга киришган эди. «Миллий истиқлол»чилар эса, большевикларнинг фикрича, қўлоқларнинг гоёвий раҳбарлари эди. Шу боисдан ҳам Шўро ҳукумати Туркистонда қўлоқлаштиришни «Миллий истиқлол»чиларни йўқ қилишдан бошлади.

«Миллий истиқлол»чилар нимани исташарди, деган савол туғилди. Бу саволга уларнинг ўзлари шундай жавоб беришган: Республикада давлат идораларидаги раҳбарлик лавозимларида ҳеч бўлмаса эллик фоиз маҳаллий миллат фарзандлари ишласин. Ўзбекистон қизил муштамлака бўлиб қолмасин. Истиқлолчилар яна пахта яккаҳокимлигига йўл қўймаслик кераклигини, ер-сув ислоҳоти нотўғри утаётгани, алифбени ўзгартириш мамлакатни саводсиз бир улкага айлантиражани, халқ тарихидан узилиб, манқуртга айланиб қолажани таъкидлардиларки, уларнинг бу талабларига бугунги кун назари билан қаралганда нақадар тўғри, одилона ва ўз вақтида қўйилган талаблар эканлигига қаноат ҳосил қилиш мумкин. «Миллий истиқлол»чилар социализм яхши нарса, аммо у хомхаёликдан бошқа нарса эмас», деган фикрда эдилар, дин-этиқоднинг оёқости қилинишига қарши эдилар.

1929 йилнинг ноябрь ойида ҳибсга олинган «Миллий истиқлол» жамиятининг аъзолари орасида юқорида номлари тилга олинган кишилардан ташқари Азиз Лазиззода, Шорасул Зуннун, хотин-қизлар педагогика техникумининг директори Усмонхужа Тухтахужаев, «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг адабий ходими Усмон Акрамий, рўзнома тарқатиш идораси ходими Толибжон Мусабоев, Ҳасанқори Хоний, Мирхалил Каримов, Зайниддин Насриддинов, Абдуллахужа Гафуров, Насимжон Маҳмудов ва бошқа кишилар бор эди.

Ҳибсга олинганлар аввал Тошкент қамоқхонасида, кейин Москва-нинг Бутирка қамоқхонасида азоб чекдилар. Уларга РСФСР Жиноят мажмуаси 58-моддасининг турли бандлари билан жазо берилиб, 15 нафари отувга ҳукм қилинди, қолганларига турли муддатли қамоқ жазоси берилди.

«Миллий истиқлол»чилардан фақат айрим кишилар, жумладан, Азиз Лазиззода ва Шорасул Зуннунгина йигирма йилдан ортқ қамоқ ва сургун азобини тўғтиб, Сталин вафот этиб, мамлакатдаги сиёсий муҳит бироз юмшагандан кейингина ўз оилалари бағрига қайтиш имкониятига эга бўдилар. Узоқ йиллик қамоқ ва сургун азоби қаддиларини букиб, соғлиқларини ишдан чиқарганига қарамай, бу кишилар маданиятимизнинг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилишни давом эттириб, ўзларидан яхши ном қолдирдилар.



Ифтихор Шоҳибой кизи

ЖИНЛАР АСОРАТИДА

- * *Ғайбдан «фотиҳда олувчилар»нинг сифи*
- * *«Одамли» одамлар кимлар?*
- * *Рух қақадими?*
- * *Шайтон малайлари*

Тангрига беадад шукрлар ва ҳамду санолар бўлсин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир муборак ҳадислариде: «Парихонлик қилганлар биздан эмас», деганлар.

Ҳаммага маълумки, 75 йил динсизлик даврида масжидлар ёндирилди, уламолар қувғин қилинди, Қуръонлар ёқилди. Яратганининг қудрати билан халқимиз яна Қуръонни қўлга олди. Утган динсизлик даврида Қуръонга ва пайгамбаримиз ҳадисларига амал қилинмагани, диний илм йўқолгани, бу сабабли инсонлар турли ҳой-ҳаваслар гирдобига тушиб қолгани, бошқа миллатларнинг расм-русумларига кўр-кўрона эргашилгани оқибатида юртимизда бидъат-хурофот амал кўпайиб кетди, ҳозирги кунга қадар бу зарарли иллатлар давом этиб келмоқда. Имом Раббоний айтган эканлар: «Инсон турли ҳой-ҳаваслар гирдобиде бўлса, дилини занг босади, илоҳий футуҳотлардан махрум ва махжур (йироқ) бўлади. Парвардигордан ўзгага қаратилаган муҳаббатдан иборат дил зангини тозалаш даркор. Дилга сайқал берувчи энг яхши йўл Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилишдир. У зотнинг суннатларига амал қилиш нафсоний одат ва зулмоний расм-русумларни тарк этиш билан бўлади».

Тангрининг қудрати ила мустақилликка эришдик, маънавий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз тикланиб бормоқда. Диний илм равнақ топгандан кейин халқимиз қабрлар устига тош қўйиш, марҳумга «етги», «йигирма», «қирқ» каби маъракаларни ўтказиш, мушкулкушод, ўқитиш, ҳайит кунлари аза тутиш, ҳар хил туморлар осиб юриш, ҳолвайтар пишириб арвоқларни йўқлаш сингари бидъат амалларни секинлик билан бўлса-да, бартараф қилмоқда. Лекин инсонларни залолатга етаклаётган фолбинлик, сеҳргарлик, ғайбдан «фотиҳа» олишлар ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида, сеҳрга ишонувчилар жаннатга кирмайди, деб айтганлар. Яна: «Кимки фол очса ёки очирса,

азайимхонлик қилса ё қилдирса, сеҳр қилса ё сеҳр қилдирса — у биздан эмасдир», деганлар. Фолбинга ишонган одам тақдирга ишонмайди, тақдирга ишонилмаса, диндан чиқилади. Фолбинга бориб тақдирини олдиндан «билолган» инсон эҳтиётини қилиб уни ўзгартира олмайди ҳам, тақдирига ёзилган ҳодисадан четга қочиб ҳам кета олмайди. Оллоҳнинг иродасига, хоҳишига ҳеч бир махлуқот қарши чиқа олмайди.

Фолбинлар ўзи кимлар? Улар ҳақиқатдан «одамларми? Фотиҳани нима учун олишган? Нима учун пичоқ билан дам урилади? Гайбдаги «одамлари» кимлар?

Шу каби саволларни уларнинг ўзларига бериб кўринг, бир аниқ жавоб бера олишмайди. Инсонни ўйлантирадиган бу саволларга жавобни Қуръон оятлари ва ҳадислардан, қори ва қориларнинг, олим ва олималарнинг бу ҳақдаги илмларидан топдим. Қолаверса, ўзим билган «одамлар» инсонлардан кўпларининг суҳбатларида бўлдим. Суриштириб келса, ўзим ҳам шу тоифа инсонларга қўшилиб, бу залолат йўлда кетаётган эдим. Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳим мени бу залолат йўлдан вақтида асради. Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг: «Ўзинга раво кўрганни бошқага ҳам раво кўрмагунингча комил мусулмон бўла олмайсан», деган ҳадиси шарифларига амал қилган ҳолда тажрибаларимни уртоқлашмоқдаман.

Тақдир тақозоси билан Қуръон оятларидан илм олишни бошлаганимдан то ушбуни ёзишни бошлагунимга қадар бир неча «одамлар» инсонлар билан учрашдим. Қаерга бормайин — диний мажлисларда, маҳаллаларда, қўшнилари, танишлар орасида «одамлар» одамлар, «фотиҳа» олмоқчи бўлганлар, «чиллада ўтирганлар» билан учрашиб қолар эдим. Ёки шу тоифадаги инсонлар ҳақида сўз юритиларди. Уларга бу хурофот амал эканини тушунтириш учун ўз бошимдан кечирганларимни сўзлаб беришни керак бўларди. Расулуллоҳнинг «Динга ва бидъатга чуқур кетманлар», деган сўзларининг маъносини ҳар бир суҳбатдан кейин тушуниб етардим. Чунки уламолар: «Бирон мавзуда кўп баҳслашиш ҳақиқатдан йироқлаштиради», деб бежиз айтишмаган экан. Бундай тортишувлар баъзан иймоннинг заифлашишига олиб келарди. «Одамлар» инсонлар: «Бизга одамларимиз намоз ўқи, Қуръон ўқи, деб айтишади, демак, бу хурофот эмас», деб сўзларида туриб олишади. Аслида, улар «одамлар»нинг ялтироқ сўзларига алданиб қолишган, холос. Доимий «фотиҳа олишинг керак»; «бўйнига олибди»; «одамларининг яхшисини боғлаб олибди, ёмонлари қолибди»; «одамлари эркак экан, эрини ёқтирмас экан...» каби гапларни эшитавериб, савол тугилади: хўш, ўша «одамлар» кимлар ўзи?

Уламоларнинг ёзишларича, одамга бирон-бир мусибат етганда, унинг қалби очиқ бўлади. Шу вақтда у одам астойдил Оллоҳга таваккал қилиб, Ёлғиз Оллоҳнинг ўзидан мадад кутса, унинг қалбига Оллоҳга бўлган муҳаббат жойланиб, у инсон тўғри-ҳақ йўлдан юра бошлар экан. Бунинг акси бўлса-чи?

«Иймон» асарида жумладан бундай дейилади: «Инсон учун дунёда руҳий тушкунликдан зарарлироқ нарса йўқ. У энг хатарли касаллик бўлиб, инсонни қийин аҳволга солиб қўяди. Кўпинча ҳалокатга олиб боради. Фараз қилайлик, бир руҳий тушкунликка учраган одам бу дунёга назар солса, ҳаммаёқда бадбахтлик, касаллик, хафачилик, ғам-ғусса тўлиб ётган-у, хотиржамликдан, бахт-саодатдан асар ҳам йўқдек кўринади. Шунда у келажақдан умидини узади, ҳаёт учун курашини тарк этади ва ниҳоят, ўзини ҳалос қилиш ниятида ўз жонига қасд қилади. Албатта, ҳаётда турли мусибатлар

ва фалокатлар содир бўлиб, кишини руҳий тушкунликка тушириб туради. Лекин, Оллоҳга иймони бор, унинг раҳматидан умидвор кишилар бундай вақтда илоҳий марҳаматдан ҳеч қачон ноумид бўлмайдилар. Шу иймон ва умидворлик уларнинг қийинчиликларини осон қилади.

Исломда сабр ахлоқий фазилатлардан бўлиб, мусулмон кишининг руҳий таянчларидан биридир. У мусулмонлар қалбига сукунат ва хотиржамлик солиб, алам бераётган дардига маҳкам бўлади. Сабрли киши қийинчиликларни сабот билан қарши олади, уни Оллоҳ тарафидан деб билади.

Қуръон турли бало-офатлар етган чоғларда сабр қилишга буюрган: «Албатта, Биз сизларни хавф, очлик, мол, жон, мева-чеваларнинг камайиши билан синаб қўрамиз. Сабрлиларга башорат бер, улар шундай кишиларки, мусибат етса, биз Оллоҳникимиз ва албатта унга қайтгувчилармиз», дейишади. Ундай кишиларга Парвардигорларидан мағфират ва раҳмат бордир ва ундай кишилар ҳидоятда юрганлардир» (Бақара сураси, 155-157-оятлар).

Албатта, бундай кишилар нажот истаб фолбин ёки сеҳр қилгувчиларга бормайдилар.

Иймони заиф инсонлар (қушгина ҳолларда, Исломдан умуман беҳабар бенамозлар) эса, Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиб, сабр қилмай, ўзларига ҳеч қандай фойда ҳам, зиён ҳам етказмайдиган фолбинлардан нажот кутишади. Шуниси ажаблანарлики, «ғайбдан фотиҳа» олган «одамлар» кишиларни ҳеч ким фолбин ёки сеҳрдан деб атамайди. «Домла» ёки «отин» дейди. Ҳатто «Оллоҳ юқтирган», деймиз. Ваҳоланки, ўша «домла» ва «отинлар» Қуръондан бор-йўғи беш-олти оятни ёд биладилар, холос. Шунда ҳам, бузиб ўқишади. Фотиҳа сурасини ёки бошқа бир кичик сурани ўқиб дам урган бўлиб, сўнг фол очадилар.

Дам уриш шариятда бор нарса, лекин бунинг учун албатта ғойибдан «фотиҳа» олиш, қандайдир «одамлар» билан гаплашиш шарт эмас. Фолбин ўз «одамлари»дан сўраб, бизнинг ҳам «одамларимиз» борлигини, агар «фотиҳа» олмасак, яъни, у «одамлар»нинг айтганини қилмасак, бизни ётқизиб қўйишини айтади. Шу сўзлар устида бир фикр юритаёлик: Оллоҳ хоҳлаган иш бўладими ёки «одамлари» хоҳлаганими? У «одамлар»ни Оллоҳ юборса-чи, дейшингиз мумкин. Тақдирга ишониш керакми ёки бир неча кундан кейин «одамлар» бизни ётқизиб қўйишига ишониш керакми? Ахир, фолбин бизга сени ҳозир ётқизиб қўяди, деб айтмаяпти-ку? Демак, келажакдан хабар бермоқда.

Биз мўминларнинг эътиқодимизча, бир дақиқадан кейин нима воқеа содир бўлишини ҳеч ким билмайди. Бир мўмин иккинчисига: «Эртага фалон жойга борасизми?» деса, «Оллоҳ подшоҳ, Оллоҳ хоҳласа, бораман», деб жавоб беради. Чунки бир кун ичида нима воқеалар содир бўлишини билмаймиз.

Шу йил рамазон ойида бир аёл ифторликка чиқиб, меҳмонлар билан сўрашиб ўтирган жойида, вафот этди. Улим ҳақ. Аммо у шундай бўлишини билган эдимиз? «Фолбин эмасмиз» деб кўкракларига урадиганлар етти кун, ўн бир кун ё қирқ кун чилла ўтиришни айтишади. Гайбадаги «одамлари»га овқат ҳам бериш керак. Бу «одамлари»ни бизга, вафот этиб кетган ота-онамиз, буви-бувамизнинг руҳлари, деб таништиришади. Ҳатто азиз-авлиёларнинг руҳлари, муқаддас руҳлар тарбият қиладилар, деб ҳам айтишади. Қуръонни Карим Исо сурасининг 85-ояти билан буни инкор этади: «(Эй Мухаммад) Сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух ёлғиз

Парвардигорим биладиган ишлардандир». Сизларга жуда оз илм берилгандир».

Изоҳ: «Ушбу оятда Тангри Таолонинг ҳатто ўз пайгамбарларига ҳам маълум қилмаган ишлари борлиги баён этилиб, барча инсоният билиши мумкин бўлган билим — маърифат жуда оз экани таъкидланади».¹

Бу оятда руҳ келиб тарбият қилади, деб айтилмаган. Ҳатто пайгамбарларга ҳам билдирилмаган нарсани биз қаердан билемиз? Ҳеч ким ўзининг охиратда ким бўлишини — дузахий бўладими ёки жаннатий бўладими — билмайди. Авлиёлар ҳам бундан мустасно эмас. Вафот этиб кетган ота-боболаримизнинг ҳам натижаларини бу дунёда билмаймиз. Шундай экан, ҳеч бир жон-руҳ қиёматда қай ҳолатда туришини билмас экан, қандай қилиб тарбият этади?

Оллоҳнинг ўзи тарбият қилувчи!

Зоҳиран чиройли, ботинан эса, залолатга етакловчи сўзлар иймони суст кўпчиликни алдаб қўяётир.

Баъзан аёллар: «Одамларимиз ҳижобга киргин дейишмоқда», деб оғриниб рўмол ўрашади. Қалбдан Оллоҳдан кўрқиб, Оллоҳнинг буйругини бажарилмайди, балки «одамлари»дан кўрқиб, ётқизиб қўйишидан хавфсираб қилишади. Шундай қилмасак, касал бўлиб қоламиз, деб чўчишади. Ҳар бир ишдан олдин мўмин-мусулмонларнинг қалби, шу ишни қилсам гуноҳмикан ёки савобмикан, деб иккиланиб қолади, улар эса, аниқ қилиб айтиб қўя қолишади. Шу гаплари билан келажақдан хабар беришга уриниб ётишибди-ю, яна фолбин эмасмиз деб айтишади. Бундай кулгили ва ачинарли ҳолатга тушиб қолганимизнинг боиси диний илмнинг йўқлигидир. Ёки динни чала билишимиздандир.

«Фотиҳа» олишгача бўлган давр инсонларда ҳар хил кечади. Кўплар, юқорида келтириб утилганидек, руҳий тушқунлик ҳолатида фолбинга бориб залолатга юз тутсалар, баъзилари кўзига шарпалар кўриниши, қандайдир шарпалар бўғиши, уйда кимдир юргандай бўлиши, орқасидан кимдир кузатаётгандек бўлиши, воқеани олдиндан сезиб қолиши... каби ҳолатлардан кейин фолбинга боришган. Менинг кўзимга ҳам оқ рангли пуфак шаклидаги шарпалар кўринган, лекин одам шаклида ҳеч кўрмаганман. Баъзи одамлар ҳатто у кўринган нарсанинг эркак ва аёл эканлигини ҳам айтиб юришади. Яна кимлардир ҳали узлари «фотиҳа» олмасларидан бурун «одамлари» келиб уйларида бемалол юраверишади. Чилла ҳам ўтиришмай, гайб билан мулоқот ҳам қилмай фол очадиган бўлиб қолишади.

Гайбдаги бу махлуқотлар дин илмида жинлар деб аталади: Қуръони Каримнинг Анъом сурасида (128-оят) бундай дейилган: «(Эй Муҳаммад, эсланг: Оллоҳ) Уларнинг барчаларини тўплайдиган Кунда: «Эй жинлар жамбаси, инсонлардан жуда кўпини (адаштирдигингиз), дер). Шунда у жинларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: «Парвадигоро, бизлар бир-биримиздан фойдаландик ва Ўзинг биз учун белгилаб қўйган ажалимизга етиб келдик», деганларида, Оллоҳ айтур: «Жойингиз дузахдир! Унда абадий қолурисиз, магар Оллоҳнинг хоҳиши билан (чиқишингиз мумкин)». Албатта, Парвардигорингиз ҳикмат ва билим соҳибидир».

Дин олимлари бу сурани шундай тафсир қилишади. Чилла ўтирганда жинлар инсонларга пар дастурхон ёздириб, ялтироқ сўзлар билан, (яъни, «намоз ўқи», «Қуръон ўқи» деб) ўзини таништи-

¹. Ояти карима таржимаси ва изоҳ Алоуддин Мансурга тегишли.

рар экан. Жинларга эса: «Сизларга яна бир инсон-хизматкор келди», деб айтар экан. Шу билан «фотиҳа» олган «одамми» инсон жинлар тоифасига кирар экан. Қийматда инсонлар қаторида эмас, жинлар тоифасида турар экан.

Анъом сурасининг 71-оятда бундай дейилган:

«Айтинг: «Оллоҳдан ўзга, бизга фойда ҳам, зиён ҳам келтирмайдиган нарсага илтижо қиламизми ва Оллоҳ бизни ҳидоят қилганидан сўнг яна ортимизга қайтариламизми? Худди жинлар чалиб, лол-ҳайрон ҳолда (номаълум) ерга олиб кетган ва дўстлари «Кел» деб ҳидоятта чорлаётган кимсага ўхшаб-а?» Айтинг: «Оллоҳнинг ҳидоятигина ҳақ ҳидоятдир. Биз барча оламлар Парвардигорига бўйинсунишга маъмурмиз (амр этилганмиз)».

Хўш, «одамми» кишилар кимга бўйинсунадилар? Албатта, жинларга. Бу ҳақда огиз очилишигиз билан: «Биз ҳам аввало Оллоҳ деймиз», деб жар солишади. Бундан мантиқан шундай хулоса чиқади: аввало Оллоҳ дейсиз-ку, кейин «одамлар» дейсиз... Демак, Оллоҳга шерик қилмоқчи бўласиз. «Аввало Оллоҳ», дейилдими, бас, кейин кимнидир қўшишга ўрин йўқ. Кейин қўшилган махлуқот гарчи Оллоҳдан кейин тилга олинаётган бўлса-да, шерик бўлади, яъни, кечирилмайдиган гуноҳларнинг энг каттасига — ширкга йўл қўйилади.

Фолбинлар баъзан: «Исириқ тутатиб туринглар, шайтонлар қочади», деб тавсия қилишади. Шайтон одамнинг қон томирларида юради. Одам Қуръон тиловат қилганида шайтон қочиши мумкин.

Нима учун пичоқ билан дам урилади, деган саволга: «Амали бор одамни пичоқ билан ўқилади», деб жавоб беришади. Нима амали бор? Ким айтган буни? Қуръонда ёки ҳадисларда борми?

Айрим инсонлар одамларга жаннат билан дўзахни кўрсатишмоқда. Агар Расулуллоҳ (с.а.в.) дўзах билан жаннатни инсонларга кўрсатганларида, ер юзида кофир ё бенамозлар қолмаган бўлар эди. Биз ғайбга уни кўрмасдан иймон келтирамиз. Уламоларнинг айтишларича, фаришталар Оллоҳдан сўрашган экан: «Одамзод ерда гуноҳ ишлар қилади, нима учун уни ер юзига халифа қилиб қўйдинг?» Шунда Оллоҳ: «Сизлар менинг дўзах ва жаннатимни кўрасизлар, одамзод эса, мени кўрмасдан, дўзах ва жаннатимни кўрмасдан ибодат қилади. Агар одамзод дўзахимнинг ёки жаннатимнинг бир учқунини кўрганида эди, бошини саждадан кўтармаган бўлар эди. Инсон мени ақли билан топиб келади», деган экан.

Дарҳақиқат, инсонга ақл неъматини берилган. Қуръони Каримнинг Анбиё сурасида бу ҳақда қўйидагича хабар берилган:

30-оятда: «Кофир бўлган кимсалар осмонлар ҳам, ер ҳам (аввалда) тўсиқ (яъни, осмонлардан ёгин ёғмас, ердан эса бирон гиёҳ уммас) бўлганини, бас, Биз уларни очиб юборганимизни (яъни, осмондан ёгин ёғдириб, ердан гиёҳ ундирганимизни) ва барча жонли мавжудотларни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам иймон келтирмайдиларми?!»

31-оят: «Биз ер (одамларни) тебратмасин учун унда тоғларни (пайдо) қилдик ва адашмасликлари учун унда кенг дара-йўллар қилдик».

32-оят: «Биз осмонни қулаб тушмайдиган том қилиб қўйдик. Улар (мушриклар) эса, (осмондаги ой, кўёш, юдуз каби Оллоҳнинг қудратини кўрсатиб турган) аломатлардан юз ўтирувчидирлар».

35-оят: «Биз сизларни (сабр-тоқатларингизни синаш учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз. (Кейин) фақат Бизгагина қайтарилурсизлар».

45-оят: «Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳий билан қўрқитиб-огоҳдантирурман. (Лекин) гунглар (яъни, динсизлар ўзлари учун охиратда азоб бормлиги ҳақидаги ваҳий билан) қўрқитилаётган вақтлариде даъватни эшитмайдилар».

Фолбинлар: «Оллоҳ гайбидан айрим «фотиҳа» олган бандаларига билдиради», деб даъво қиладилар. Ҳолбуки, Қуръони Каримнинг Жин сурасида Оллоҳнинг ўзи бундай даъвони кескин рад қилиб қўйган: «(У зот) гайбни билгучидир. Бас, ўз гайбидан бирон кимсани огоҳ қилмас. Фақат, Ўзи рози бўлган пайгамбарнигина (Ўзининг гайбидан сир-асрорининг айримларидан огоҳ этар). Бас, албатта, У (Оллоҳ) токи (пайгамбарлар) Парвардигорларининг эчилик вазифаларини (ўз умматларига) тула етказганларини билиш учун (Ўзининг гайбидан огоҳ қилиб қўйган ҳар бир пайгамбарнинг) олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатувчи (фаришта) йўллар...» (26-28-оятлар).

Фолбинлар «Фалон кундан кейин «фотиҳа» берамиз», дейдилар. Улим ҳақ, Қиёмат ҳақ. Аммо биз уларнинг қачон содир бўлишини билмаймиз. Эй ақл эгалари! Кузингизни каттароқ очиб, зўр диққат-эътибор билан, дилдан маъносини тушунишга ҳаракат қилиб, ушбу оятларни ўқинг: «Дарҳақиқат, ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридигина (қиёмат) соати (қачон бўлиши тўғрисидаги) билим бордир. У (Ўзи) хоҳлаган вақтда, (Ўзи) хоҳлаган жойга ёмғир ёғдирур ва (оналарнинг) бачадонларидаги ҳомилаларни (ўғилми-қизми, расоми-нуқсонлими, бахтлими-бахтсизми эканини) билур. Бирон жон эртага нима иш қилишини била олмас. Бирон жон қай ерда ўлишини ҳам била олмас. Фақат Оллоҳгина билгувчи ва огоҳдир» (Луқмон, 34-оят).

Яна: «(Эй Мухаммад) сиздан соат (яъни, қиёмат) қачон воқе бўлади, деб сурайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур». (Аъроф, 187).

Профессор Абдурахмон ибн Ҳаммад ал-Умар ўзининг «Исломи-ҳақ дин» китобида бундай дейди: «Гайбдан огоҳ бўлиш неъматига фақат Оллоҳ Таоло муяссар, агар кимда-ким, менда ҳам шундай фазилят бор деса, у бутун-эрта сирини очиладиган ёлғончи, кофирдир. Мабодо, унинг баъзи башорати тўғри чиққан бўлса ҳам, у шунчаки тасодифдир».

Имом Аҳмад ва имом Ҳаким ривоят қилишларича, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимда-ким фолбин ёки башоратчига бориб, унинг айтганларига ишонса, Мухаммадга нозил қилинган нарсаларга куфр келтирган бўлади», деган эканлар.

Ҳозирги кунда гайбдаги «одамлар»дан фотиҳа олаётганлар кўпайиб бормоқда. Ҳатто баъзилар бутун оила аъзолари билан шу ишга берилиб кетганлар. Айни чоқда, бошда адашиб, кейинроқ Оллоҳнинг марҳамати билан бу ботил йўлдан қайтаётганлар ҳам бор. Қайтаётган инсонларнинг аксарияти эндиликда ҳақиқий диний илм олишга киришишган. Улардан айримларини мисол тариқасида келтириб ўтамиз:

1. Ш. исми аёл фолбинлик қилган. «Одами» эркак бўлган. Бу аёл Қуръон оятларидан илм олишга киришиб, ҳалиги «одами»дан халос бўлди. Ҳозир ҳам ибодатда, илм олишни давом эттирмоқда. «Одами» уни ётқизиб қўйгани йўқ.

2. Ф. исми аёл Ислам динидан умуман хабари йўқ бўлган. Уйда гайриоддий ҳодисалар рўй бера бошлаган. Деразадан кимдир қарайверган. Уйда қандайдир шарпаларни сезган. Жуда қўрқиб кетиб, мадрасада дарс берадиган қўшни аёлга бўлган воқеани баён

қилган. Қўшни аёл намоз, Қуръон ўқишни тавсия этган. Бу аёл намоз ўқишни ўрганиб, диний илм олишни бошлагач, гайриоддий воқеалар ҳам тухтаган.

3. Бир масжид имомининг ёнига бир она фарзанди билан келиб, уйда гайриоддий воқеалар бўлаётганини, кимдир уйда юраётганини айтганлар. Имом намоз ўқишни, Қуръон ўқишни айтгач, улар амал қилиб, бу уйдаги «ғалати» воқеалар шу билан барҳам топган.

4. Д. исми аёл қўшни фолбин аёлиникига чиқади. Фолбин аёл унга «фотиҳа» олиш учун қирқ кун чилла ўтиришни тавсия қилади ва қирқ кун уй супурмасдан бир коса унга қамиш солиб, қамиш ёқишни буюради. Бу амалларни чиройли курсатиш учун «намоз ўқинг» деб ҳам қўяди. Оллоҳнинг хоҳиши билан чилланг ўчинчи куни ўша аёлиникига бордик. Бу аёл «одамини» аниқ кўрмаганлигини, ишонмаётганлигини, лекин кимдир бир марта бутгандай ҳис қилганлигини айтди. Тушунтириш суҳбатидан кейин бу аёл чилла ўтирмади. «Одами» уни ётқизиб қўймади, аксинча, намоз ўқишни ўрганиб, ибодатга кириб, хотиржам юрибди.

Шу ўринда савол туғилади: нима учун қирқ кун уй супурмаслик буюрилган? Қамиш нима учун ёқилади?

Уламоларнинг айтишича, ифлос, нопок жойларда жинлар бўлади. Қирқ кун супурилмаган уйда жинлар базм қуришмайдами?!

5. Исми номтаъум (бир қариндошимнинг қўшниси) аёлга чилла ўтирган вақтида тирноқ олмаслик буюрилган. Бу ҳолатга «Шайтон хийлалари» китобидан жавоб олса бўлади. Унда айтилишича, гармсел шамоли эсан вақтда, ҳаво иссиқ бўлган вақтда шайтон болаларини инсонларнинг тирноқлари орасида сақлар экан.

Расулуллоҳ (с.а.в.) тирноқни доим олиб юришни айтганлар. Бу нарса бизга суннат амал бўлиб қолган.

6. Х. исми аёл фолбинлик қилган. Қуръон оятларидан илм олишни бошлаб, бу амални ташлаган. Бир куни тушида «одамлари» — бир чол, бир аёл ва бир эркак уйи эшигини қоққан. Аёл эшикни очмай, уларни деразадан кўрган. Уйга кириб, Қуръони Каримни тилват қилиб ўтирган. Сўнгра ташқаридаги «одамлар»нинг суҳбатини эшитган. Чол: «Энди бу амални қилмайди», деган. Шу қуни кетиб, қайтиб келишмаган. Ҳозирда бу аёл Қуръон илимидан бошқаларга дарс бермоқда.

7. Р. исми қизнинг сўзлари: «Бир фолбин менга «одамларнинг» бор деб айтди. Шундан кейин уйимга буйи паст кичкина жуссаи чоллар келиб, «Иймонингни бер!» деб бўга бошлашди. Доим мени безовта қилишар эди. Шу даражада қўрқдимки, ақдан оза бошладим. Оллоҳга шукр, дин олимаси ёнига бориб, Қуръондан илм олишни бошладим улардан қутулдим. Ушандан бери кўзимга ҳеч нарса кўринмайди».

Ҳозирги кунда бу қиз бошқаларга илм бермоқда.

8. Ф. исми аёл уйда бир шарпанинг юришини кўрган. Ҳатто бу шарпа аёлининг қизини урган. Бир куни осмондан рубоб чалган ҳолатда эркак кишилар тушиб келаётганини кўрган. Бу аёл ҳам фолбинга эмас, Қуръондан илм олишга келди ва бундай гайриоддий воқеалардан қутулди.

9. М. исми аёл катта бир лавозимда ишлаган. Оғир хасталикка чалиниб қолганда ўқиб, дам солиш учун фолбин келган ва: «Одамли экансан, фотиҳа олишинг керак», деб айтган. Шундай кейин бу аёл шу даражада суҳрат топганки, матбуотда номлари чиқиб, ҳатто Масковга экстрасенслар мажлисига ҳам тақлиф этилган. Ўша куни

(Оллоҳнинг иродаси билан) жума намозига келган. Имом Жин сурасини тафсир қилаётган бўлган. Шу ерда бу аёл узининг нотўғри йўлга кириб қолганини тушуниб, Масковга ҳам бормай, Оллоҳнинг ҳақ йўлини тутиб, шон-шухратдан воз кечган. Уйда эса, «одамлар» ҳужум бошлашган. Аёлниң ёнига отларда жинлар келиб: «Сени кукка кўтарамиз, бу амални ташламагин», деб айтишган. Ҳатто кўтариб уришган ҳам. Шунда бу аёлниң оналари ва турмуш ўртоғи унинг ҳолатига ачиниб: «Хўп деяқолгин, бир одамга қарагин», дейишган. Бу аёл Оллоҳдан қўрқиб, кўнмаган. Тонига қадар Оллоҳга йиғлаб нола қилиб чиққан. Шундай кейин у «одамлар» ғойиб бўлган. Аёл Қуръондан илм олишни бошлаган.

Ҳозирги кунда бу аёл бир мадрасада дин илмидан дарс бермоқда.

9. Менга ёнимда бувамнинг руҳи юради деб айтидди. Аниқ бувамини кўрмаганман. Фақат шарпа ҳолида кўрганман. Деярли гайбадаги «одам»дан ҳеч қандай илм ёки ўғит олганим йўқ. Узим билган сураларни қайтаришдан нарига ўтмайди. Мадрасада таълим олаётган қўшни аёл бу ботил амал эканлигини айтиб, мени бу йўлдан қайтаришга уринди. Мен илм олаётган инсоннинг сўзларини эшитиб, қайси йўлда эканлигимни билмай ҳайрон эдим. Шундан кейин илм олиш учун ҳозирда таълим олаётган устозимнинг ҳузурларига бордим. Улардан ҳам бу амалнинг ботил эканлигини эшитдим. Устозим мени бир олиманинг дарсига олиб бордилар. Ўша куни айна шу ишлар ҳақида маъруза бўлди. Шундан кейин мен ҳақиқий илм эгаларига суялган ҳолда «одамни» инсонларни ҳар томондан (зоҳирий) кузата бошладим. Энг эътиборни тортадиган жиҳатлари — бу тойфа одамлар намозни тўқис ўқишмайди. Ораларида беш вақт намозни ўқийдиганлари ҳам бор, лекин уларнинг ҳам эътиқоди бузуқ. Яъни, «аввало Оллоҳ-ку, қолаверса...»; «Ҳар бир куннинг эгаси бор, ҳатто гапирилаётган ҳар бир сўзнинг эгаси бор», дейишади. Бундай дунёқараш ширк ҳисобланади. Алоҳида кўнларга атаб овқат пиришилмайди. Масалан, чоршанба куни чучвара, жума куни лағмон, шанба куни шовла. Худди у куннинг эгаси айна шу таомни истайдигандек. Ҳолбуки, ҳар бир куннинг, ҳар бир сўзнинг эгаси Оллоҳ. Оллоҳ эса, муқаддас Қуръони Каримида бундай ишларга буюрмаган. Ҳолавайтар пишириб арвоқлар йўқлансин, деб айтмаган.

Эътиборни тортадиган иккинчи жиҳат — «фотиҳа» олувчиларнинг аксари аёллар бўлиб, намозсизликлар етмагандай, ҳижобсиз ҳамдирлар. Аммо нуқул дин номидан гапирадигар, ботил ишларига диний тус бермоқчи бўладилар. Агар улар самимий диндор бўлганларида эди, Оллоҳнинг ҳукмини сўзсиз адо этган бўлардилар. Чунки Қуръони Карим аёлларга ҳижобни буюрган.

Энди сўзни яна уларнинг ўзларига берайлик.

1. М. исмли аёл: «Менинг одамларим эркак, турмуш ўртоғимдан қизганишади. Кўпчиликка иссиқ-совуқ қилиб бераман. Келажақда нима воқеа бўлишини айтиб бера оламан».

Бу аёлниң Қуръондан умуман хабари йўқ. «Одамлари»нинг ётқизиб қўйишидан жуда кўрқади.

2. М. исмли аёл: «Менинг тўртга одамим бор. Ҳаммаси эркак. Эримдан қизганишади. Одамларим туфайли эрим билан ажрашганман. Битта фарзандим бор. Қуръон сураларидан уч-тўрттасини ёд биламан».

Бу аёл фолбинлик қилади. Бенамоз ва ҳижобсиз, шариат ҳукмларидан умуман хабари йўқ.

3. М. исмли аёл: «Менинг уйимда бир эркак одам юради. Доим «перашка» пиширсам, орқамга келиб туриб олади, перашкани яхши кўрса керак. Бир куни қизимнинг йиглаганини эшитиб ёнига кирсам, қизимни туртаётган экан. «Нима учун қизимга тегасан?» деб сўрасам, индамай тураверди. Лекин менга зиёни йўқ. Бирон ерга кетаётсам, эшик олдиғача кузатиб қўяди. Яна бир одамим бор эди, кўринишидан лўлига ўхшарди. Уйда юрарди. Бир куни бир фолбинга бордим, фолбин ўқиб, менга дам уриб қўйди. Уйга қайтиб келсам, «лўли одамим» йўқ. Уша фолбин менинг лўли одамимни олиб қўйган экан, узига боғлаб олибди. Бир неча кундан кейин шу фолбинни бозорда кўриб қолдим, қилган ишидан уялиб, ерга қараб утиб кетди. Ўзим намоз ўқимайман, Қуръон ўқимайман. Бир қариндошим менга: «Опа, жинларга йўл очиб беряпсиз», деб айтди. Ўзим ҳам билмайман булар кимлар?»

4. Ф. исмли аёлнинг сўзлари: «Менинг ун саккиз минг оламдан келган одамларим бор. Карис, урис в.ҳ. Менга одамларим «пайғамбарсан» деб айтишади. Мен одамларнинг касалини даволайман. Қуръон ўқимайман. Ишда бўлганим учун намозни тўкис ўқимайман. Йўқ гулнинг ҳидини одамларга ҳидлатаман. Келажакни олдиндан айтиб бераман. Менга одамларим, ҳозирча рўмол урамай тургин, деб айтишмоқда. Фол очиш гуноҳ иш бўлса, нима учун одамлар уйимга келаверадилар?...»

Бу аёлнинг ёнига бир танишим кўзи оғриб даво истаб борган экан. Оғриқ сабабини «жойдан» деб айтган. Яъни, илгари яшаб кетган эски ҳовли-жойи сабабчи бўлган эмиш кўзининг оғришига. Энди уша жойга бориб, арвоҳларга атаб ҳўй сўйиб, чироқ ёқиши керак экан. Шунда шифо топасиз, деган. Бу билан Оллоҳдан шифо сўрамай, жинларга сизинишни буюрмоқда. Яна, ер эгалари, мулк эгаларидан паноҳ сўрашга ундамоқда.

Тағобун сурасининг 11-оятда бундай дейилган: «(Бирон кимсага) бирор мусибат етмас, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билангина (етур). Ким Оллоҳга иймон келтирса, у зот унинг қалбини (тўғри йўлга) ҳидоят қилур. Оллоҳ барча нарсани билувчидир».

13-оят: «Оллоҳ — ҳеч қандай Тангри йўқ, фақат унинг Ўзи бордир».

5. Ш. исмли қиз: Диний илми бор. Қуръондан дарс олмоқда. Қасида ўқийди. Чилла утирмаган, «одамлар» билан гаплашмайди. Ғайриоддий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Кимдир бўлган. Бувисининг руҳи келган. Ҳозирда келмайди. Ғоят тезликда (ўзи жуда тўлишган экан) озиб кетган. Аввалги ҳолатидан икки баробар озгин бўлиб қолган. Абжад ҳисоби билан фол очади. Айтишича, одамнинг исмига қараб, кимга қайси жин текканлигини аниқлайди. Қуръон оятларини ўқиб, у жинларни ҳайдайди. Руҳ келади. Оллоҳ айрим нарсаларнинг гайбидан айрим инсонларга биладиради, деб бизга қарата шундай дейди: «Сизлар келмасларингиздан бир неча дақиқа олдин қора кийимли икки эркак киши келиб уйда ўтиришди, сизларнинг келишларингдан аён беришибди-да».

Шу сўзларни айтиб туриб ҳам, мен фолбин эмасман, деб ишонтирмоқчи бўлади. Қуръонда Оллоҳ гайбга ишонишни буюрган, дейди. Ҳақиқатан Қуръонда шундай ояти қарима бор, лекин маъноси-ни тўғри тушунмоқ керак: «Ҳақ эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб гайбга ишонадиган, намозни тўкис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар йўлбошчидир» (Бақара, 2-3).

Албатта, мўминлар гайбга ишонадилар, аммо гайбдан келади-

ган «одамлар»нинг сўзларига эмас. Нималарга ипониш кераклигини Оллоҳ буюрган. Буни биз иймони муфассал калимасида айтмиз: «Мен Оллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайгамбарларига, охират кунига, тақдирга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳ томонидан бўлажакига, улгандан сўнг яна қайта тирилишнинг муқаррар эканлигига ишонаман».

Агар биз «Оллоҳим, бу дунёда гайбингдан бир мўъжизангни кўрсатгин, билдиргин. Жаннат билан дўзахни кўрайин, кўнглим таскин топиши учун», десак, Қуръонга ишонмаётган бўламиз. Худди Расулуллоҳ (с.а.в.) яшаган даврларидаги мушрик, кофирларга ўхшаб, мўъжизангни кўрсат, кейин ишонамиз, деб айтаётган бўламиз. Бу эса, ҳақиқий мўминларнинг иши эмас.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида шундай марҳамат қилганлар: «Исмдан, қушдан фол очиш ва бошқа нарсалардан шумланиш — бутга сифинишлиқдан ҳисобланади».

Ҳижр сурасининг 39-40-оятларида айтилган: «(Иблис) айтди: «Парвадигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли, албатта, уларга (одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва, албатта, уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)».

Бу тоифа инсонлар яна: «Бу амални Оллоҳ юқтирган, қилмасак бўлмайди», деб ҳам даъво қиладилар. Ҳолбуки, Қуръони Карим бундай дейди: «Мен уларни (иблис ва унинг зурриётини) на осмонлар ва на Ерни яратишга ва на ўзларини яратишга гувоҳ қилган эмасман (яъни, улар еру осмонлар қандай яралганини ҳам, ўзлари қандай яралганларини ҳам мутлақо билмайдилар, буларнинг барчасини Ўлғиз ўзим яратганман); шунингдек, бу йўлдан оздиргувчиларни (ўзимга) ёрдамчи ҳам қилиб олганим йўқ, бас, сизлар нечун уларга ибодат қилурсизлар?!» (Каҳф, 51).

«Одамлар орасида ўзи биламаган ҳолида Оллоҳ хусусида мужодала қиладиган ва ҳар бир итоатсиз шайтонга эргашиб кетаверадиган кимсалар ҳам бор» (Ҳаж, 3).

Тилимизда: «Ла илаҳа иллаллоҳ», деймиз-у, ётқизиб қўядиган «одамлар»дан кўпроқ кўрқамиз, «одам» бўлиб келган у жинларни Оллоҳ билан ёнма-ён қўйиб, бузук эътиқод қиламиз. Ҳолбуки, ўша «одамлар»ни ҳам Оллоҳ яратган. Уларнинг «келишлари» эса, фақат синов — имтиҳон, ҳолос.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: «Мен сизларга икки нарсани қолдирдим, модомики уларни маҳкам тутар экансизлар, ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайсизлар. Улар Оллоҳнинг китоби Қуръони Карим ва Расулуллоҳнинг суннатларидир».

Агар суйган бандалар фотиҳа олиши лозим экан, нима учун ҳаётлик вақтидаёқ жаннати бўлган саҳобалар олишмаган? Ойша онамиз, Хадича онамиз, Фотима оналаримиз нега фотиҳасиз ўтишди?

Баъзиларга қилаётган ишларининг ботил эканини уқдирмоқчи бўлсак, «Ота-боболаримиз ҳам шунақа ишларни қилиб келган, биз ҳам қилаверамиз», дейишади.

Моюда сурасининг 104-оятини ўқийлик: «Оллоҳ нозил қилган нарсага ва пайгамбарга келинлар, дейилса, улар: «Биз учун, ота-боболаримизни ниманинг (яъни, қайси диннинг) устида топган бўлсак, ўша етарли», дейишади. Агар ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва Ҳақ йўлни топа олмайдиган бўлсалар ҳам-а?!»

Қуръон инсонларга раҳбар — йулбошчи. Қуръон ҳар бир ҳолатимизга, ҳар бир саволимизга жавоб беради. Лекин уни ўқиб юриб

ҳам адашадиганлар бор. Бу ҳақда Қуръони Каримнинг ўзи бундай хабар беради:

«Сўнгра Биз бу китобга баъдаларимиздан ўзимиз танлаган зотларни, (яъни, Сизнинг умматингизни) ворис қилдик. Бас, уларнинг орасида (Қуръонни ўқиса-да, унга амал қилмайдиган) ўз жонига жабр қилгувчи ҳам бор, уларнинг орасида уртача амал қилгувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Оллоҳнинг изну иродаси билан муҳом маърифатларга шошилгувчи ҳам бордир. Ана ўша (яъни, Қуръонга ворислик Оллоҳнинг катта марҳаматидир):

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларида айтганлар:

«Мендан кейин амалдан қолган бир суннатимни кимки тирилтирса (йўлга қўйса), у одамга шу суннатга амал қилган одамларнинг ҳаммасининг савоби, уларники камаймаган ҳолда ёзилади. Кимки Оллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган бир ёмон бидъатни чиқарса, унга амал қилган ҳамма одамларнинг гуноҳича гуноҳ ёзилади, уларнинг гуноҳлари бу билан камаймайди».

Уламолар одамларни ҳар хил ботил йўллардан қайтариш учун тинмай ҳаракат этиб, диний мажлисларда, жума намозларида даъватлар қилиб жонлари ҳалак, аммо иккинчи ёқдан инсонларни янги-янги бидъатларга етаклайдиган турли шубҳали китоблар чиқиб, акс таъсирини кўрсатмоқда. Диний манбалардан беҳабар ноширлар уларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Булардан «Дуоларга инган хислатлар», «Илмий тасҳир», «Раҳнома» в.ҳ. китобларни тилга олишнинг ўзи кифоя. Масалан, «Дуоларга инган хислатлар» китобида ёзилишича: «Ҳар ким бу дуони етти марта гулга ўқиб, бировга берса, у киши гулни ҳидласа, икки орада кучли муҳаббат пайдо бўлади», эмиш.

Бу сеҳрдан ўзга нарса эмас. Дуо билан орасини иситиш ёки совутиш, яъни, иссиқ-совуқ қилиш — динимизда қаттиқ раҳ этилган амаллардир.

«Илмий тасҳир» китобини «одамли» инсонлар учун қўлланма, деса ҳам бўлади. Жин, пари, девларни чақиритиш, улар билан мулоқотга чиқиш йўл-йўриқлари ҳақида ёзилаган. Бу китобда абжад ҳисоби билан фол очиш йўллари ҳам бор. Бу китобга амал қилган одамлар ақли заиф бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шу китобда бир воқеа келтирилган: «Марҳамат ноҳиясида яшовчи А. исмли бир киши қарийб 30 йилдан буён жинлардан азоб тортиб келади. «Улардан бунинг сабабини сўрадингизми?» дедик унга. «Ҳа, ҳовлимиз ўртасидаги балаң тутнинг йўғон шохини кесганимда иккита боласининг устига тушиб улган экан», дейди у. «Бундай азоб бергандан кўра, ўлдириб қўяқол, демадингизми?» дея сўрадик. «Ўлдирсак, осонгина қутулиб кетасан, сени қийнаб ўлдирамиз», дейишади».

Бундай кишилар билайдиларки, жон Оллоҳнинг қўлида. Оллоҳ хоҳлаган иш бўлади. Оллоҳнинг изнисиз бир тикан ҳам кирмас экан, нима учун жин, дев, парилардан қўрқибимиз керак, махлуқларга сизинимиз керак?! Оллоҳ ўз китобида, фақат мендангина қўрқингиз, деб буюрган.

Юқорида баён қилинган воқеалардан маълум бўладики, иймон мустаҳкам бўлсагина, ҳар қандай жин-парилар бизга учрамайди. Иймон заиф бўлса, яъни, Оллоҳдан ўзгага эътиқод қилинса, махлуқотлардан наҳот кутиб умид қилинса, жинлар (шайтон) доим бизга ҳамроҳ бўлиб қолади. Зеро, «Қуръони Каримнинг Жин сураси 6-оятда айтилишича: «Албатта, инсдан бўлган (айрим) кишилар

жиндан бўлган кимсалардан паноҳ тилашиб, уларга янада ҳаддан ошишни — муттаҳамликни зиёда қилур эдилар».

Изоҳ: Яъни, қадимда (ҳозир ҳам — И. Т.) айрим кимсалар бирон хилватроқ ерга бориб қўнмоқчи бўлсалар, уша ернинг «эгалари» бўлган жинларнинг катталаридан паноҳ сўрар эдилар ва буни билган жинларнинг муттаҳамлиги янада зиёда бўлиб, «Мана, бизлар фақат жинларга эмас, балки инсаларга ҳам ҳоҷамиз», дейишиб гурурланар эдилар. Ушбу оятда Қуръон бундай ақиданинг ботил эканлигини айтиб, жинлар ҳам худди инсонлар каби Оллоҳнинг бандалари эканликларини, бинобарин, Оллоҳ Таолонинг изни-иродасисиз ҳеч кимга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмасликларини билдиради».

Шу суранинг 11-12-оятда:

«Албатта, бизларнинг орамизда яхшилар ҳам бордир ва (шунингдек) орамизда ундоқ эмаслар (яъни, ёмонлар) ҳам бордир. Бизлар (Қуръонни эшитишдан илгари) булак-булак йўлларда эдик. Албатта, бизлар (Қуръонни эшитганимиздан сўнг) билдикки, ер юзида ҳаргиз Оллоҳни ожиз қила олмасмиз (яъни, фақат Оллоҳ ирода қилган ишгина бўлур) ва у зотдан (яъни, унинг жазосидан) қочиб қутула олмасмиз».

«Тафсири ҳилол» китобидан бу икки оятнинг тафсирини тулиқ келтирамиз:

«Яъни, Оллоҳнинг қудрати улуг, нимани хоҳласа, қилади; биз унинг ҳузурда ожизмиз, ҳукмига тобемиз, қанча уринсак ҳам, қочиб кета олаемиз, дейишмоқда. Жинларни улуглаб, ҳамма нарсага қодир, деб эътиқод қилувчиларнинг адашганликларига ишора дир бу.

Ҳа, биз яшаётган олам сиру асрорга тўла, биз билмаган махлуқот, турли кучлар, ажойиботлар тўлиб ётибди. Уларнинг ичида яшаб юрамиз. Лекин озгинасидан хабардормиз. Ҳар куни янгидан янги кашфиётлар бўлиб турибди. Баъзи инсонларнинг ўзини, бошқаларининг кучини, учинчиларининг эса, таъсирини англаемиз, холос. Жинлар ҳам биз учун сир бўлиб турган нарсаларнинг бири дир. Улар ҳақида Қуръонда ва ҳадисда келган хабарларни тасдиқлашлик ва ундан ташқарига чиқиб, турли бидъату хурофотларга берилмаслик бурчимиздир. Бидъату хурофот — залолат, залолатнинг оқибати эса — жаҳаннам.

Оллоҳ барчамизни ўз ҳидоят йўлидан адаштирмасин».

Мундарижа

КУТЛОВ	
Эркин Самандар. Хоразму Бухоро. Эссе	3
НАЗМ	
Салим Ашур. Гулдай авайлайман сизни	13
Минхожиддин Мирзо. Асра мангу гулим исмини	97
Одил Икром. Жавҳар	100
Жуманиёз Жабборов. Айла ҳис олам сафосин, эй кўнгул	115
САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ	
Аҳмад Лутфий. Ойдинликлар сари	17
НАСР	
Саломат Вафо. Тўққиздан бири. Ҳикоя	104
Умрбой Утеулиев, Қизил тулки. Новелла	180
МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ	
Абдурауф Фитрат. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси	123
ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР	
Шухрат Отабек. Шаббода уфорин элар элақдан	160
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Дилором Салоҳий. Навоий насрида Ислом зуҳури	176
ТАЛАБАЛАР ДАФТАРИДАН	
Соғинчдан юракка сиргалар тақиб	181
ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР	
Алиназар Эгамназаров. Истиқлолчилар қатл этилган жой	199
МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА	
Ифтихор Тожибой қизи. Жинлар асоратида	213

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев. Мусаҳҳиҳ М. Зайниддинова

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча булган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) буйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ● Обунага монетлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темури тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 16.12.96 й. Босишга рухсат этилди 13.01.97й. Қоғоз формати 84x1081/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи. 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 11.023 нусха. Буюртма № 752.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.